


Ш 74  
К. ШОДИЕВА

# ЎРТА ГУРУХ БОЛАЛАРИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ПЕДАГОГИКА БИЛИМГОХЛАРИНИНГ ўқувчилари учун  
Ўқув қўлланма сифатида рухсат этган



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1993

Бу китоб болалар боғчасининг тарбиячилари ва методистлари, педагогика билимгоҳларининг ўқувчи ва ўқитувчилари учун мулкаланган. Унда «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» талаблари асосида ўрта гуруҳ ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш бўйича ишларнинг мазмуни ва методикаси ёритилди.



У-4977/2

III 4305000000 — 130  
353 (04) — 93 179 — 93

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1993 й.

ISBN 5-645-01983-0

## АВТОРДАН

Ушбу қўлланма болалар боғчасининг ўрта гуруҳи тарбиячилари, мактабгача тарбия педагогика билим юрти ўқувчилари, ўқитувчилари учун мўлжалланган. Қўлланма муаллифи болалар боғчасининг тарбиячиларига дастур талабларини ҳамда 4—5 ёшли болаларнинг нутқини ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ёрдам беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Қўлланма мактабгача тарбия педагогика билим юрти талабаларига амалий ёрдам беради. Китоб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда ўрта гуруҳ ёшидаги болаларни она тилига ўргатишнинг мазмуни, вазифалари ва хусусиятлари ёритилади, иккинчи бўлимда эса машғулотларнинг тахминий режалари берилган. Педагогик тажрибаларни умумлаштириш, кузатиш ва тажрибалар қўлланманинг асосини ташкил этади.

Китобда баён этилган таълим ва тарбия вазифалари мактабгача тарбия педагогикасининг ҳозирги замон илмий изланишлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Айниқса, болаларда ўқув фаолиятига бўлган қизиқишни ва интилишни, эҳтиёжни шакллантиришда ижобий муносабатларни вужудга келтириш муаммосига кўпроқ эътибор берилади.

Қўлланмада нутқнинг грамматик қурилишини шакллантириш, нутқ, товуш маданиятини тарбиялаш, тева-рак-атроф билан таништириш ва нутқни ўстириш, лу-рат устида ишлаш, бадий адабиётлар билан таништи-риш бўйича машғулотлар ва машқлар берилган.

## ТЕВАРАК-АТРОФ БИЛАН ТАНИШТИРИШ ВА НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия беришда теварак-атроф билан таништириш ва нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар катта ўрин эгаллайди. Бу ишлар фақатгина машгулотлардагина амалга оширилмасдан, балки болаларнинг кундалик ҳаётида, меҳнат фаолиятларида, ўйинларида ҳам амалга оширилади.

Нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларга лугатни бойитиш ва нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш, нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, боғланган нутқни шакллантириш, бадий адабиёт билан таништириш киради.

Лугат иши режа асосида болаларнинг буюмлар дунёси ҳақидаги, кишилар ҳаёти ва уларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари ҳақидаги билимларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бунинг натижасида бола лугатида сўз бойлиги кўпаяди, сўзлар маъносини англаб, ўз нутқларида бу сўзлардан фойдаланишга ўрганадилар.

Урга гуруҳда болаларнинг нарса (буюм)лар тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириш бўйича мукамал иш олиб бориш кўзда тутилади. Бу гуруҳ болаларининг фаол лугати нарсаларнинг номини, қисмларини, уларнинг сифатларини ва хусусиятларини (ранги, шакли, узунлиги, ташқи кўриниши ва бошқалар) ҳамда фазо ва вақтни билдирувчи сўзлар ҳисобига бойиб борали. Болаларнинг ўз нутқларида умумлаштирувчи сўзларни, яъни кийим-кечак, оёқ кийими, мебель, идиш-товоқлар, сабзавотлар, мевалар, гуллар, қушлар, ҳайвонлар ва ҳоказоларни ишлатишга ўргатилади; таниш буюмларни турушлагга ва уларни таснифлашга (идиш-товоқлар, чой идишлар, овқат сузадиган идишлар, ошхонада ишлатиладиган идишлар, оёқ кийимлар, қишки ва ёзги кийимлар) ўргатилади.

4—5 ёшли болалар жамият ҳаётининг айрим ҳодисаларини билан таништирилади, кишилар меҳнати, уларнинг касблари, меҳнат қуроллари ҳамда уларнинг ўзи



га хос хусусиятлари билан таништириб борилади ва бунинг натижасида уларнинг луғатларига меҳнат фаолиятининг хусусиятларини, ишчилар (меҳнаткашлар) уртасидаги ўзаро муносабатларини билдирувчи сўзлар киритиб борилади.

Болаларда она-Ватан посбонларига қизиқиш ва муҳаббат тарбияланади. Натижада уларнинг ҳарбийлар касбига оид бўлган луғатлари, чунончи учувчилар, чегарачилар ва ҳоказо сўзлар билан тулиб боради. Урта гуруҳда она шаҳрига, қишлоғига бўлган қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш давом эттирилади. Уларнинг нутқида жамоат биноларининг номларини билдирувчи сўзлар активлаштириб борилади: почта, мактаб, дўкон, кино-театр ва ҳоказолар, активлаштириб борилади, ҳамда шаҳар ва қишлоқларни, микро-ноҳияларни ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган меҳнат фаолиятларини билдирувчи сўзлар ҳисобига (янги кўприк қуришяпти, шаҳар боғи ташкил қилиняпти, гулпушталарга гул экишяпти) луғатлари бойитиб борилади. Бола тилнинг луғат таркибини эгаллаш билан биргача унинг грамматик қурилишини ҳам эгаллай бошлайди. Урта гуруҳ ёшидаги бола нутқи учун қуйидаги хусусиятлар хосдир. Бола беш ёшга қадам қўйганда унинг фаол луғати бойиб, муносабат доираси кенгайиб, оддий ёйиқ гаплардан фойдалана бошлайди. Сўз туркумларидан отни тез ўзлаштиради, вақт, сон шахс каби грамматик категориялардан фойдаланади, содда ва мураккаб жумлалар тузади. Тўрт ёшли болалар ўз нутқларида ва, ҳамда боғловчиларини ишлата бошлайдилар, отларни кўплик, бирлик, бўлишли, бўлишсиз шаклларда ва турли келишикларда тўғри ишлата оладиган бўладилар. Отлардан сўнг сўз туркумларидан феълларни ва сифатларни ўзлаштира бошлайдилар. Лекин янги ўзлаштирган сўзларни ҳамма вақт ҳам янги грамматик шаклда эслаб қола олмайди, ёйиқ гапдан фойдаланган вақтда унинг мазмуни ва шаклини текшириб, улгура олмайди. Феълларнинг замонга қараб ўзгаришини (ҳозирги, ўтган ва келаси) тезда тўғри ўзлаштира олмайдилар, нутқларида феълларнинг замон қўшимчаларини алмаштириб юборадилар. Айрим болалар нутқида гаплардаги сўзлар бир-бирига тўғри боғланмайди, айрим сўз туркумларини тушириб қолдирадилар.

Шунинг учун ҳам «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» да беш ёшли болаларни грамматик жи-

ҳатдан тўғри гапиришга ўргатиш бўйича вазифалар белгиланган. Тарбиячи болаларни ўз фикрларини тулик баён этишга ва атрофдаги кишиларга тушунарли тарзда гапиришга ўргатиб бориши керак. Тарбиячи бу вазифаларни амалга ошириши учун ишларни режа асосида, мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиши керак.

Тўрт ёшли болаларни сўзлашув (диалог) нутқига ўргатиш бўйича дастур талабида болаларни бутун гуруҳ учун берилган саволларга битта-биттадан жавоб беришга, жамоа бўлиб сўзлашишга, суҳбатда қатнашишга, ўртоқларининг жавобини кунт билан тинглаш ва ўзи ҳам савол беришга ўргатилиши кўрсатилган. Шу билан бир қаторда теварак-атрофдаги кишилар билан сўзлашганда самимий, мазмунли гапиришдай ижобий хислатлар ҳам тарбияланиб борилади.

Тарбиячи болаларни саволларга тушунарли ва мазмунли қилиб жавоб беришга ўргатиб боради. Бу билан болалар нутқининг жонли ва эмоционаллигига дутур етказмаслик керак. Бироқ бола нутқининг мазмунлиги ва кетма-кетлиги унинг луғатининг бойлигига ва грамматик тузилишига асосланади. Шунинг учун боғланган нутқни ривожлантириш бола луғати ва грамматик тузилишини шакллантириш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

Ўрта гуруҳда боғланишли нутқни ривожлантиришда янги вазифа, яъни ҳикоя қилишга ўргатиш киритилади. Дастур 4—5 ёшли болаларни буюмларни тасвирлашга (ўйинчоқларни, ўсимликларни, кийимларни), уларнинг ўзига хос белгиларини айтишга, қисқа, болаларга таниш эртақларни (масалан: «Эчки болалари билан»), машғулотларда биринчи марта ўқиб берилган унча катта бўлмаган ҳикояларни қайта ҳикоя қилишга ўргатишни назарда тутди.

4—5 ёшли болалар нутқининг товуш томони айрим хусусиятлари билан ажралиб туради: биринчи хусусияти шундан иборатки, улар бошқа кишилар нутқидagi товушларни тез идрок этадилар, иккинчи хусусияти эса товуш талаффузидagi камчиликларни сезиш қобилияти етарли ривожланмаган бўлади ва учинчи хусусияти ҳали болаларда артикуляция аппарати етарли даражада ривожланмаган бўлади. Бу ёшдаги болаларда нутқ товуш маданиятини тарбиялаш асосан фонематик эшитишни ва она тилидаги ҳамма товушларни тўғри талаффуз этишни шакллантиришга қаратилади.

дир. Юқорида айтиб ўтилган вазифаларни ҳал этиш билан бирга нутқнинг мазмундорлиги интонацион ифодалилиги, овоз кучи, темпи, сўзларда урғуларни тўғри ишлатиш, гапирганда тўғри нафас олиш ва чиқаришни ҳам тарбиялаш зарурдир. Айниқса ҳуштакли (с, з), шовқинли (ш, ж, ч) ва сонор товушларни (л, р) тўғри талаффуз этилишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Урта гуруҳда болаларнинг бадий адабиётга бўлган қизиқиши ривожлантириб борилади. Уларга китоб ўқиб берилади, ҳикоя қилинади, китобдаги расмларни кўриб чиқиш, уни тўғри идрок қилиш ўргатилади. Тарбиячи болаларга асар мазмунини, тушуниб олишига, қахрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олишига ёрдам беради, бадий сўз жозибасини ҳис эта олиш қобилиятини тарбиялайди. Болаларни қисқа шеърларни бадий ўқишга (айтишга) ва хотирада сақлаб қолишга (ёд олишга) ўргатади.

### МАШҒУЛОТЛАРДА УРГАТИШ

Машғулотларда ўргатиш болалар нутқини шакллантиришда асосий восита бўлиб, болаларнинг анча мураккаб бўлган дастур материални ўзлаштириб олишига ёрдам беради, зарур бўлган нутқ малакаси ва кўникмаларининг шаклланишини таъминлайди. Теварак-атроф билан таништириш, нутқни ўстириш, бадий асарлар билан таништириш бўйича машғулотлар режа асосида мунтазам равишда ўтилади.

Бадий адабиёт билан таништириш машғулотини ўтказиш ойда 3—4 марта планлаштирилади: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, сўзлашув нутқига ва ҳикоя қилишга ўргатиш, теварак-атроф билан таништириш эса ойда 1—2 марта планлаштирилади. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш машғулотнинг асосий қисми сифатида ўтказилади. Машғулотнинг иккинчи қисми такрорлаш сифатида планлаштирилиб унга 4—6 минут вақт ажратилади.

Урта гуруҳда биринчи турдаги машғулотда нутқни ривожлантириш бўйича вазифадаридан биронтасини тўлиқлигича ҳал этишга бағишланса, иккинчи бир турдаги машғулотда эса нутқни ривожлантиришнинг бир нечта вазифаси (2—3 та) биргина машғулотнинг ўзида бир вақтда ҳал этилади.

Тўрт енгли болаларни машғулотларда ўргатиш ай

«Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»га қисқача методик  
курсатмада машғулотлар кварталлар бўйича  
тахминан қуйидагича тақсимланган

Дастур вазифалари	Машғулотлар миқдори		
	I кв.	II кв.	III кв.
<b>Теварак-атроф билан таништириш:</b>			
1. Иқтисодий ҳаёт ҳолисаларига қизиқишни тарбиялаш	2	2	2
2. Атрофдаги буюмлар билан таништириш	2	2	2
3. Табиат билан таништириш	2	2	2
<b>Нутқни ривожлантириш:</b>			
1) дугатини бойитиш, активлаштириш, нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	ҳар ҳафтада машғулотнинг қисми сифатида утказилади. Машғулот сифатида ойда 1—2 марта утказилади		
2) нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш	3—4	3—4	3—4
3) бўлган нутқни ривожлантириш	2—3	2—3	2—3
Бундан ташқари, ҳар куни ўйин ва машқларнинг қисми сифатида утказилади			
<b>Бадний асарлар билан таништириш:</b>			
1) Болаларга ўқиб ва ҳикоя қилиб бориш	8	9	8
2) шеър ёд олдириш	4	3	4

рим хусусиятлари билан ўзига ҳосдир. Тўрт ёшли боланинг физиологик ва психологик жиҳатдан ривожланишида анча ўзгаришлар содир бўлади. Бироқ бу ёшдаги болаларнинг диққати беқарор бўлади, иродаси кучсиз бўлиб, ташқи ва тасодифий вазиятлар таъсири остида тез-тез ўзгариб туради, ҳис-туйғулари кучли бўлиб, бунинг натижасида қобилияти шунчалик тез пасаяди.

Урта гуруҳ ёшидаги болаларда зарур бўлган нутқ малакаларини шакллантириш кўп марта такрорлашни талаб этади (масалан: аниқ товуш талаффузини тарбиялашда, нутқда маълум бир грамматик шаклдаги сўздан фойдаланишда, сурат асосида тасвирий ҳикоя тузишда шеър ёд олдиришда). Лекин ҳар бир такрорланадиган материал болалар диққатини ўзига тортиши ва уларда қизиқиш уйғотиши керак.

Нутқни ўстириш машғулотида боланинг ўзи гапирди, тарбиячининг тушунтиришлари ва ўртоқларининг жавобларини тинглайди. Лекин тўрт ёшли болаларда бирор темада ҳикоя қилиб бериш ёки тегишдошларининг нутқини тинглаш қобилияти эндигина шаклланиб бораётган бўлади. Бу хусусиятларни тарбиячи ҳар доим машғулотларни режалаштиришда, уни ўтказишда ҳисобга олиши шарт.

### МАШҒУЛОТНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВА ЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТИ

Нутқни ўстириш машғулотида, шунингдек машғулотнинг бошқа турларида болаларга таълим бериб борилади. Нутқ фаолиятининг мазмуни, тилнинг тузилиши, шунингдек машғулотни ташкил этиш ва унинг қай тарзда ўтказилиши болалар тарбиясига таъсир этади.

Болаларда билишга бўлган қизиқишни материалнинг қизиқарли бўлиши ёки ёшига мос бўлиши билангина эмас, балки машғулотнинг ижобий-эмоционал тарзда ташкил этилиши билан ўстириб борилади. Урта гуруҳ ёшидаги болалар ташаббускор бўладилар, тарбиячининг саволларига жавоб беришга жуда шошиладилар ва бунинг натижасида хатога йўл қўядилар: агар тарбиячи болани мақтаса, ундан жуда миннатдор бўладилар ва, аксинча, агарда тарбиячи боланинг хулқидан ёки саволга берган жавобидан хурсанд эмаслигини айтса, қаттиқ хафа бўладилар. Бу шуни кўрсатадики, тарбиячи жуда сабрли ва ҳаққоний бўлиши керак.



Тарбиячи ерданга доим тайёр эканлигини намоян этиши, яхши жавобдан чин қалбидан хурсанд бўлиши, жавоби аниқ ёки тўғри бўлмаса, болага далла бериши керак. Шундагина болада ишлашга иштиёқ истаги вужудга келади.

Тарбиячи навбатдаги топшириқни бажаришга болаларни жалб этишдан аввал ҳар бир бола ҳақида қандайдир яхши сўз айтишга, уларни дадиллаштиришга ҳаракат қилиши керак. Масалан: «Қуёнларни боқишни Аҳмадга ишониб топшираман. Унинг қўллари жуда ҳам саҳий!» «Олима — ғамхўр», «Мақсуд жуда хушчақчақ», «Иқбол — меҳнатсевар» ва шунга ўхшаш болаларга бериладиган баҳолар уларда ўзига ишончни, хатти-ҳаракатларига баҳо бера олишни вужудга келтиради. Тарбиячининг мақтовига улар ўзларининг яхши жавоблари ва аъло хулқлари билан жавоб беришга ҳаракат қиладилар, ўз тенгдошларига нисбатан самимий бўлишга ҳаракат қиладилар.

### МАШҒУЛОТЛАРДА БОЛАЛАРНИНГ ХУЛҚИ

Болаларни тарбиячининг ва ўртоқларининг сўзларини диққат билан тинглашга, берилган топшириқларни тез ва аниқ бажаришга, ўртоқларига ҳалақит бермасликка ўргатиш зарур.

Агарда болалар бу қоидаларни яхши ўзлаштириб олсалар, машғулот вақтида болаларни тартибга чақаришга ҳожат қолмайди. (Амалиётда болалар билан ишлашда бир қанча салбий одатлар учраб туради, яъни бошини қўллари устига қўйиб олади, қўллари билан тиззаларини ушлайди, стулда тўғри ўтирмай, тен томонлама тарбиячига қараб ўтиради ва бошқалар.)

Тўрт ёшли болага савол берганда унга ҳар доим ҳам ўрнидан туриб жавоб беришни тақлиф этиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай қилишда кўп иш вақти йўқолади. Айрим болаларга (унатчан, тез таъбирданувчи) ўтирган жойларида шеър айтиб беришга ёки тасвирий ҳикоя ўзиб беришга руҳсат этиш мумкин. (Уларга «Сенга ўрнингда жавоб бериш қулайми ёки меннинг столим олдига келасанми?» деб тақлиф этиш ҳам мумкин.)

## МАТЕРИАЛНИ ЯХШИ УЗЛАШТИРИБ ОЛИШГА ЕРДАМ БЕРУВЧИ УСУЛЛАР

1. *Яккама-якка ва биргаликда бериладиган жавобларни навбатлаштириши.* Биргаликда ва яккама-якка тарздаги жавобларни навбатлаштириш гуруҳдаги ҳамма болаларни ишга тўлиқ жалб этишга, машғулотда иштирок этишини таъминлашга имкон беради.

Болаларнинг биргаликдаги жавоблари ва катта (унча катта бўлмаган) гуруҳча болаларининг жавоблари бўлиши мумкин; фақат қиз болаларнинг ёки ўғил болаларнинг; дераза олдида ўтирган болаларнинг ёки биринчи қатордаги болаларининг ва ҳоказоларнинг жавоблари.

2. *Болаларнинг амалий фаолиятлари билан нутқий жавобларнинг мос келишлиги.* Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни нарсалар, ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари ва сифатлари билан таништиришда тарбиячининг тушунтириши болаларнинг турли фаолиятлари билан мос келиши керак (масалан: тарбиячи нарсани пайпаслаб кўришни, эгишни, уни тақиллатиб кўришни, ҳайвонларни силашни ва уларга озуқа беришни таклиф этиши; типратиканнинг қандай қилиб думалоқ бўлиб олганлигини кўрсатиши керак).

Бу усул болаларга янги маълумотларни яхшироқ ўзлаштириб олишларида ва машғулотларни қизиқарли қилиб уюштиришга ёрдам беради.

3. *Турли-туман ўйин дақиқаларидан ва вазиятларидан фойдаланиш.* Ўйин дақиқалари турлича аҳамият касб этади. Масалан, ўйинчоққа қараб тасвирий ҳикоя тузишда кўпинча ўйин-инсценировкадан фойдаланилади. Бу ўйин-инсценировкада бола иштирок этар экан, у сўзларни, ибораларни тез эсда олиб қолади ва кейинчалик бу сўз ва иборалардан ўз жавобларида фойдаланади.

Урта гуруҳда «севимли ўйинчоғини ўргатиш билан бола ўрганади» деган вазиятдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кўзатишлар шуни кўрсатдики, беш ёшли болаларда кўгирчоқларига, ҳайвонларга (айиққа, кўенга) нима-нидир ҳикоя қилиб беришга, тушунтиришга, кўрсатишга интилиш кучли бўлади. Бу ғоядан болаларга таълим беришда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун кўп машғулотлардан кейин, қўлланмада таклиф этилган машғулотларнинг тахминий режалари бошқа ўйинчоқлардан ташқари айиқ ўйинчоғи асосида беради. Айиқ

уйинчоғи бошқа хоҳлаган уйинчоқ билан алмаштирилиши мумкин: мур-мур-мушук билан, га-га ўрдак билан, шалпанғулоқ-куён билан, вов-вов-кучукча билан.

Энг асосийси шундан иборатки, бу уйинчоқлар болалар боғчаси жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланиб қолади. Уларни ҳам, яъни уйинчоқларни худди болалар каби машғулотларда ўргатадилар. Лекин айиқчани ўргатиш жуда қийинчиликлар билан амалга оширилади, сеvimли уйинчоқларига болалар ёрдамга келадилар, улар тарбиячининг намуна ҳикоясини бир неча марта такрорлайдилар: болалар айиқчага меҳмонни қандай кутиб олиш лозимлигини, телефон қўнғироғига қандай жавоб бериш кераклигини тушунтирадилар, гуруҳ бўйича бажариладиган ҳаракатларни ўргатадилар (бўлмаса қўғирчоқ Биларжон ёки гага ўрдакжон айиқча билан мусобақалашидан бош тортишади).

Айиқчани ўргатар экан, болалар дастур материални енгиллик билан ўзлаштирибгина қолмай, балки тажриба ҳам орттирадилар. Айиқча тўғрисида ғамхўрлик қилиш болалар эҳтиёжини қондиради, уларни кичиклар ҳақида ғамхўрлик қилишга ўргатади, ажойиботга ишонччи қувватлайди. Буни қуйидаги ҳодиса орқали тушунтириш мумкин, айиқчанинг дўстлари — болалар унга яширинча турли хилдаги ширинликларни қондирадилар. Агарда тарбиячи болалардаги бундай очиқ кўнгиллиликни, саҳийликни, ғамхўрликни сезса, у бу хислатларнинг сўниб кетмаслиги, аксинча ривожланиши учун бутун кучини сарф этиши зарур.

4. *Бажарилиши лозим бўлган тонширикни асослаб беришнинг зарурлиги.* Бу усул бир хил типдаги нутқ материални кўп марта такрорлашда алоҳида аҳамият касб этади. Тарбиячи машғулотда болаларнинг ҳиссиётини уйғотадиган воситалардан фойдаланиши керак.

Масалан: тарбиячи шундай дейди: «Агарда сичқонни оғоҳлантирмасак, баргларнинг шитирлаши мушукнинг диққатини ўзига тортади «Секин-секин, шитирлама!» — деб пичирлашади болалар сичқонга («ш» товушини сўзларда ва нутқда талаффуз этилишини мустаҳкамлаш).

#### **ДИҚҚАТНИНГ БАҲҚАРОРЛИГИНИ РИВОЖАНТИРУВЧИ УСУЛЛАР**

1. *Ўргатувчи машқларнинг уйин машқлари билан мос келиши.* Бу усулдан фойдаланиш болаларнинг нутқ

кий активлигини оширади, машғулот материалига бўлган қизиқишини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Уйин усуллари хусусиятига кўра турли-туман бўлиши мумкин. Масалан: тарбиячи товушнинг артикуляциясини тушунтиради ва кўрсатади, сўнгра болаларга бу товушни талаффуз этишни машқ қилдиради. Болалар бу товушларни барглarning шитирлашига, жаҳлдор рознинг овозига, қарғанинг қариллашига ва бошқаларга тақлид қилиб талаффуз этадилар.

2. *Болаларнинг ҳаракати ва жавобларини баҳолаш.* Бу усул боланинг ишлашга бўлган интилишини орттиради, унда ўртоғига ўхшаб яхши жавоб бериш истагини уйғотади. Ҳар бир машғулотда баҳолаш формасидан фойдаланиш керак. Масалан: бола иккита ўйинчоқни тарбиячида қўраб олиши учун (айиқча, типрикан) ўз нутқида грамматик тўғри шакллардан фойдаланиши керак. Агар у ўз нутқини грамматик жиҳатдан нотўғри курсе (ҳайвонлар болага келишмайди), тарбиячи бу ўйинчоқларни бермайди.

Машғулотда тарбиячи кўпроқ баҳолаш усулидан фойдаланиш орқали болаларнинг машғулотга бўлган қизиқишларини орттириб боради. Масалан, тарбиячи қуйидагича баҳолаши мумкин: «Сен қандай яхши таққосладинг, агар лентани ечсанг, соч худди олтин ёмғирга ўхшаб кетади, бундан зиёд таққослаш мумкин эмас», «Бугун сен жуда қизиқарли ҳикоя айтиб бердинг», «Мен машғулотдан кейин бу ҳикояни ёзиб олиб, бунингга бераман, уни бу билан бир хурсанд қиламан». Айниқса эртақ ёки ҳикоянинг қатнашувчилари бўлган вақтда болаларнинг жавобларига баҳо бериш уларда таъсирланишни вужудга келтиради. Бу вақтда баҳо сўз билангина ифодаланмай, балки ҳаракатларни курсатиш билан қўшиб баҳоланади. («Товуқ қандай қилиб қарияларни юпатганини жуда мазмунли қилиб айтиб бердинг. Сен у ҳақда ҳикоя қилиб бераётганингда, товуқ серинг ёнингга яқинроқ келиб турди...») Ёки «Қаранглар, кучукча калласини айлантiryпти. У ўзининг қулоқларини кўрмоқчи. Ахир Меҳри «унинг қулоқлари худди найчага ўхшаб ўралган эди» деган эди-да»).

3. *Навбатдаги жавоб берувчининг жавобини идрок этишга болаларни тайёрлаш.* Бу усул бир материални бир неча марта такрорлаш зарур бўлган вақтда, яъни мазмунли расм бўйича ҳикоя тузганда, шеър ёд олдирганда, товуш талаффузи устида ишлаганда яхши натижа беради. Бундай усул тарбиячи билан болалар

ўртасидаги муносабатни турли-туман қилади; ўртоғининг жавобини тўлиқ идрок этишни таъминлайди. Бундан ташқари, бу усул болаларни сал баландроқ гапиришга, жуда узоқ пауза қилмасликка ўргатади.

Масалан, тарбиячи шундай таклиф қилади: «Бугун биз эрталаб Олим билан шеърни ифодали айтишга ўргандик. Менимча у энди шеърни олдинги машғулотдагига нисбатан анча яхши айта олади. Ҳозир уни эшитамиз. «Насибанинг овози жарангдор, шунинг учун чивиннинг ашуласини (ззз) яхши айта олса керак. Буни текшираамиз.

*4. Жисмоний тарбия паузаларидан фойдаланиш.* Она тили бўйича ўтказиладиган машғулотларда узоқ вақт бир вазиятда ўтириш тўрт ёшли болаларни толиқтиради ва зериктиради, шунинг учун тарбиячи болаларга машғулот вақтида ўтирган стулидан туришни ва осилган сурат олдига келишни, табиячи столи олдига келишни, гуруҳ хонасидан бирор нарсани қидириб топишни (дидактик ўйин шартига биноан), драмалаштирилган ўйинларда иштирок этишни таклиф қилиши керак.

Агарда бу вариантлардан қийналса, у вақтда махсус физкульт—дақиқалар режалаштирилади. Физкультдақиқада болалар жисмоний машқларни бажармай, балки турли хилдаги қушларнинг ва ҳайвонларнинг қилиғини ва ҳаракатини (тарбиячининг топшириғи бўйича) айнан ўзидай қилиб бажарадилар; масалан, типратиканга ўхшаб думалоқ ошадилар; қурбақага ўхшаб сакрайдилар; кучукча қандай қилиб ўз думини тишлари билан тишламоқчи бўлганидек ҳаракат қиладилар; қарғанинг қанот қоқишини қидадилар.

Физкультдақиқа доимо машғулотнинг ўртасидагина дам олиш воситаси сифатидагина (ҳозир, озгина дам оламиз) ўтказилмай, балки у навбаддаги ўқув вазифаси сифатида бўлиб, уни яхши бажартириш керак. Бундай вазифалар болаларни тақлид қилишга ўргатади. Кейинчалик бу болаларнинг драмалаштирилган ва ролли ўйинларига ижобий таъсир этади.

#### ЛУҒАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Мактабгача тарбия ёши болаларнинг воқеликни фаол идрок қиладиган ва теварак-атрофдаги ҳаётга киришиб кетадиган бир даврдирки, шу даврда уларнинг бош бейишлари жуда тез муаллим боради.

Болалар луғатини бойитиш ва фаоллаштириш иши



уларнинг теварак-атрофдаги воқелик билан бевосита танишишлари асосида, билиш фаолиятлари: кузатишлар, кўздан кечирish, экскурсиялар ва ҳоказолар вақтида амалга ошириб борилади. Луғатиши болаларнинг турли фаолият турларида: машғулотларда, ўйинда, маиший хужалик фаолиятида, меҳнатда, машғулотларда олиб борилади.

Болалар нарсалар билан, жонли ва жонсиз табиат ҳодисалари билан, материалларнинг хусусияти ва сифати билан машғулотларда танишадилар. Бу машғулотларда кузатиш методи, асосий метод бўлиб ҳисобланади. Бола ҳаётини тажрибани воқеликни бевосита идрок қилиш жараёнида орттиради. Машҳур педагог Е. И. Тихеева таъкидлаб айтганидек, воқеликни кузатиш ҳар қандай билимга эга бўлишнинг негизидир. Кузатишдан кўзланадиган муҳим мақсад болаларга теварак-атрофдаги оламни онгли англаш ва уни сўз билан ифодалашда ёрдам беришдир.

Турли анализаторлар ва текширишнинг турли хилдаги усуллари ёрдамида (амалий ишлар: буюмни эзиб кўриш, эгиб кўриш, чўзиб кўриш, ўлчаб кўриш, таниш нарсаларни таққослаш, синаш тажрибаларини ўтказиш, қатталарга саволлар бериш ва ҳоказолар) болалар буюмларнинг хусусиятларини билиб оладилар, қайси материалдан тайёрланганлигини айтадилар, йил фасларининг белгиларини очиб берадилар. Билиш фаолияти асосида тарбиячи луғат иши вазифаларини ҳал этади: болаларнинг актив луғатига янги сўзларни киритади, таниш сўзларни мустаҳкамлайди, сўзларнинг турли маънолари билан таништиради.

Болаларнинг луғатини бойитиш ва аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Болалар учун янги ёки қийин бўлган сўзни бир неча марта такрорлаш. Тарбиячи бу сўзни бошқа сўзлардан секинроқ, интонация билан талаффуз этиб, болаларнинг диққатини таъкидловчи овоз воситасида ушбу сўзга жалб этади. Номини айтиб беришда буюмнинг ўзи кўрсатилиб, тушунтириб борилади.

2. Объектни кузатиш бўйича болалар ишини ташкил этишда объектниги номини ва у ердаги нарсаларнинг номини билдирувчи янги сўз ва тушунчалар болага бир вақтда берилади. (Пластинка силлик ва текис эмас. У ҳадир-будур, унинг устидан қўлингизни юргизиб кўринг, бунга сиз ишонасиз.)

3. Болалар сўзни ёки унча катта бўлмаган жумла-

ни аниқ идрок этишлари учун нутқий намунани таклиф этиш (Шундай деб айтиш: «бесунақай айиқча ёнбошингга ёт»).

4. Янги сўзни турли нутқ контекстида (текстнинг тўла маъносини англатувчи бир бутун қисми) фойдаланиш имконини назарда тутиш. Бу темир чойнак. У нимадан қилинган? Менда темир қошиқ. У ҳам металлдан. Машина нимадан қилинган? — Металлдан.

«Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» болаларни нарсалар ва буюмлар, уларнинг хусусиятлари ва сифатлари билан таништириш билан бирга, уларнинг лугатини жамият ҳаётидаги ҳодисалар ва биринчи навбатда кишилар меҳнати билан таништириш жараёнида тўлдириб боришни назарда тутати.

Шу мақсадда кузатишнинг турли кўринишлари экскурсия ва мақсадли сайр шаклида ўтказилади. Кузатишлар катта кишиларнинг бугунги ишларини ва болалар ҳақида ҳамхўрлик қилишни акс эттириши керак.

Тарбиячи ота-оналарнинг, болалар боғчасидаги ходимларнинг меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилиб берар экан, у ҳар бир болада катта кишиларга ёрдам бериш, улар учун қандайдир хуш ёқадиган бирор иш қилишга бўлган интилишни уйғотади. Болани энг яқин те-варак-атрофидаги нарсалар билан таништириш машғулотлари уларнинг билим доирасини кенгайтириш ва лугатини бейитиш учунгина эмас, балки уларда юксак ахлоқий сифатлар тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, болаларни боғча бинолари билан таништираётганимизда уларнинг эътиборини хоналарнинг тозалигига жалб қилиб, энаганин виждонан меҳнат қилаётганини эслатиб ўтамиз, ўйинчоқлар куздан кечирилаётган вақтда эса улар учун шунчалик чиройли ва қизиқарли ўйинчоқларни ясаган кишилар, уларнинг меҳнати ва ҳоказолар ҳақида гапириб берамиз. Буларнинг ҳаммаси болаларда меҳнаткаш кишиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарнинг меҳнатига эҳтиёткорлик муносабатларини таркиб топтиради.

Болалар «Хурмат тахтаси»даги таниш кишиларни кўриб қувонадилар, энагани, тарбиячини, мусиқа раҳбарини ўз гуруҳига меҳмондорчиликка чақирадилар, уларни табриклаш учун тайерланадилар, шеър ёд олишади, қирқиб елимлаш буйича энг яхши иш намуналарини ва чизган расмларини уларга совға қиладилар.

Тарбиячининг маслаҳати билан гуруҳга ошпазни

таклиф этишиб, тайёрлаган мазали таомлари учун миннатдорчилик билдиришади. Шу куни ошпаз пиширган таомни зўр иштаҳа билан ёишга ҳаракат қиладилар. Бу билан улар ошпазни хурсанд қиладилар. Ошпаз эса бунга жавобан болаларга унинг меҳнатини эъзозлаганлари учун миннатдорчилик изҳор этади. Тарбиячи болаларга нима учун нонга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини тушунтириши керак. Улар билан нон ҳақида, унинг ким томонидан етиштирилиши ҳақида суҳбатлашади. Болаларда новвойнинг меҳнатига, новвойлик касбига муҳаббат уйғотиш учун нонни қандай ёишни ҳикоя қилиб, нон маҳсулотларини кўрсатади. Бу билан болаларда касбларга нисбатан ижобий муносабатлар шакллантириб борилади. Ҳар доим гапни болаларга қизиқарли ва тушунарли бўлган далиллар билан боғлаш керак. Масалан, тарбиячи гапни, ҳар куни боғчага нон олиб келиниши ҳақидаги ахбороти билан бошлайди. Сўнгра болаларга савол беради: «Қани айтинглар-чи, болалар, боғчага бир кунда неча буханка нон ва батон керак бўлади?» Болалар жавобини тинглаб тарбиячи боғчага нонни ким сотиб олишини гапириб беради, сўнгра болаларга бугун боғчага қанча ва қанақа нон олиб келинганлигини кўришни таклиф этади.

Боғчага яқин бўлган кўчалар бўйлаб мақсадли сайр ўтказиш вақтида тарбиячи болаларга она шаҳрини ёки қишлоғини ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беради. («Қаранглар, бу ер яқинда бўш ер эди. Шанбалик вақтида бу ерга яқин уйда яшовчи кишилар хиёбонча ташкил этишди ва ҳозир бу ерда катта кишилар ва болалар сайр қилиб юришибди. Баҳорда биз сизлар билан бу ерга гуллар экамиз...»)

Шунингдек, болалар худди катта кишилар каби байрамларга зўр ҳаяжон билан тайёрланадилар, халқаро мусобақаларда иштирок этаётган спортчиларга муваффақиятлар тилайдилар. Мамлакатимиз космонавтларини сайёрадан қайтиб тушишларини сабрсизлик билан кутадилар.

Болалар олган таассуротларини ўз ўйинларида акс эттириши муҳим аҳамиятга эга. Бунда энг асосий ролни тарбиячи ўйнайди. У ўйиннинг энг қизиқарли мазмунини айтиб бера олиши, керакли иллюстрацияларни (расмларни) кўрсатиши, ўйинчоқларни танлай билиши керак. Луғат ишининг айрим қисмлари болаларнинг хулқ-атвор ҳамда эстетик нормаларни ўзлаштириши

асосида амалга оширилади. Ушбу қўлланмада болаларни телефон кўнғирогига жавоб беришга ва меҳмонларни кутиб олиш ва ҳоказоларга ўргатувчи инсценировкали ўйинлар берилган. Бундай қараганда, болалар билан бу ишни маиший фаолият турида ҳаётий вазиятлардан фойдаланиб ўтказиш қулайдек туюлади. Бироқ, кузатишлар шуни кўрсатадики, олдиндан бундай машғулотлар ўтказилмаса, болалар бу материални қийинчилик билан ўзлаштирар эканлар. Масалан, гуруҳ хонасида кирган катта кишига стулни кўрсатиб: «Сизга қаерда ўтириш қулай?», «Сиз учун стулни қаерга қўйиш қулайроқ?» мурожаатини ҳам болаларни айтишга ўргатиш учун 3 ойга яқин вақт кетади. Аммо болалар бундай мурожаатни ўрганиб олишлари учун бир-икки машғулот етарли бўлиб, бунда болалар тайёр нутқ намуналарини (шаблонларини) ва хулқ-атвор қоидаларини эслаб қоладилар.

Мазмунди суратларни кўриб чиқиш машғулоти ҳам болалар лугатини бойитиш ва фаоллаштириш мақсадига хизмат қилади. Бу ешдаги болалар тасвирланган объектни (манзарани, воқеани) изчил айтиб бериш хусусиятига эга эмаслар. Шунинг учун тарбиячининг саволлари расмда (суратда) тасвирланган воқеа ва ҳодисаларни объектларни тўғри идрок эта олиши ва у ҳақда тўғри фикр юрита олиши учун ёрдам бериши керак. Саволлар жуда кўп бўлмаслиги керак. Тарбиячи болаларнинг жавобларини умумлаштириб, ўзи суратда тасвирланган воқеа ва ҳодисаларнинг, нарса ва объектларнинг мазмунини жонли, эмоционал, бадий тарзда гапириб бериши керак. Бу болаларнинг лугатини бойитиб ва фаоллаштирибгина қолмай, балки тасвирнинг мазмунини ва эмоционал томонларини фойдалаб беришга ҳам ёрдам беради.

Болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва лугатини активлаштириш учун машғулотлар дидактик ўйин («Ез-куз», «Борда-поляда», «Кийимлар, оёқ кийим — бош кийим» ва ҳоказолар) ва суҳбат (қиш, баҳор) тарзида ўтказилади. Бу машғулотларни ўтказишда тарбиячи болалар лугатини фаоллаштириш мақсадига қуйидаги усуллардан фойдаланиши мумкин.

1. Болаларга тасдиқ-жавоб беришни талаб этувчи саволлар бериш (Нима? Қаерда? Қандай?). Ёнг фикр юритиб жавоб беришни талаб этадиган саволлар бериш (Қандай қилиб? Нима учун? Нимага?).

болаларга кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вақтда болалар ўйинчоқларни яхшилаб кўриб олиш имкониятига эга бўладилар, ўйинчоқларнинг хусусиятларини (юмшоқ, момик, силлиқ, йўғон, қалин ва шунга ўхшаш) ўзларича идрок қиладилар. Бундай тайёргарликдан сўнг ўйинчоқ ҳақида ҳикоя қилишга чақирилган болага ўйинчоқни қўлига олиб, уни пайпаслаб кўришни ва ўйинчоқнинг асосий хусусиятларини айтиб беришни таклиф этмаслиги керак. Акс ҳолда ўйинчоқ бола диққатини ўзига жалб қилиб, уни ҳикоя қилиб беришига тўсқинлик қилади (айниқса йилнинг биринчи ярмида). Ўйинчоқ ҳақида болаларни ҳикоя қилишга таклиф этишдан аввал тарбиячи болаларга (2—3 та тайёргарлик машғулотидан кейин): сизлар ўйинчоқларни кўриб чиққансиз, ўйинчоқлар турли рангда, турли нарсалардан қилинганлигини биласиз, деб эслатиб ўтади. Ўйинчоқлардан яна олиб келганлигини маълум қилади. Тарбиячи бугун ўйинчоқни фақат кўздан кечирибгина қолмай, у ҳақда сўзлаб бериш кераклигини ҳам айтади. Аввал диққат билан қараб олинг, кейин унинг номини, рангини ва нимадан қилинганлигини сўзлаб беринг, дейди. Болаларга бу ўйинчоқ билан қандай ўйнашларини ҳам айтишлари мумкинлигини тушунтиради. Машғулотнинг мақсадини айтишда тарбиячи шошмаслиги керак. Чунки болалар бундай кўрсатмаларни биринчи марта оладилар. Тарбиячи: «Мана ҳозир мен ўйинчоқни оламан ва у ҳақда сўзлаб бераман. Сиз эса мен қандай сўзлаб беришимни тингланг. Бу ўйинчоқ — мушукча. У кичкина, кулранг, духобадан қилинган. Мушукчанинг бошида иккита ўткир қулоқлари, думалоқ кўзлари ва узун мўйловлари бор. Мушукчанинг тўртта оёғи ва узун думи бор. Болалар бу мушукча билан ўйнашни яхши кўрадилар ва уни жуда эҳтиёт қиладилар». Энди сизлар гапириб берасизлар. Мен кимни чақирсам, ўйинчоқни қўлига олиб, қараб чиқади ва у ҳақда гапириб беради. Унинг номи нима, ранги қандай, нимадан қилинган, нималари бор? (Тарбиячи ҳикоянинг намунасини ва режасини бериш усулидан фойдаланади.) Аввалига топшириқнинг қийинлиги ва болаларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, чақирилган болага ўйинчоқни бериш яхшироқ. Кейинчалик эса тасвирлаш учун ўйинчоқни ўзлари танлаб олишларини таклиф этиш мумкин. Бу машғулотни жонлантиради. Машғулот жараёнида биргаликда товушларга тақлид қилиш, алоҳида ўйинчоқлар ҳақида шеър ўқиш (3—4



минут), инсценировкали уйин усулларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу болалар диққатини уйинчоқларнинг ташқи хусусиятларига жалб қилишига ёрдам беради, лугатини бойитади ва фаоллаштиради.

Масалан, ўрдакча яширинади ва болалар уни чакиришади: «Сарик, юмшоқ патли ўрдакча, бу ёққа чиқа қол». Куёнга шундай дейдилар: «Кўряймиз, кўраяймиз, сенинг узун, оппоқ кулоқларингни». Улар уйинчоқнинг (персонажнинг) кўзлари қандай рангда эканлигини ўйлаб топадилар. Уларнинг ташқи кўринишлари ҳақида фикр юритадилар, куёнча нимадан хафа бўлгани ҳақида ўйлайдилар ва унга қандай қилиб ёрдам бериш кераклигини айтадилар. Уйинчоқни тасвирлаш машғулотининг охирида қизиқ ёки бураб юргизиладиган, овоз чиқарадиган уйинчоқни кўрсатиш керак. Бундан ташқари, болага ўйинчоқни бериб, у билан гаплашишни ва турли ҳаракатларни бажаришни таклиф этиш керак. Масалан, ўрдакчани тоғора ичидаги сувга қўйиб юбориш ва уни суздириш, кичкинтой кўғирчоқни бағрига босиш ва у билан самимий гаплашиш, хафа бўлган куёнчага сабзи бериш ва ҳоказолар. Бундай топшириқ ҳолатлар икки томонлама иш вазифасини амалга оширишга ёрдам беради: биринчидан, болаларда ҳикоя қилишга бўлган қизиқишни вужудга келтиради ва иккинчидан ахлоқий сифатларни, яъни ҳозиржавоблик ва саҳийликни, кўнгилчанликни тарбиялайди.

Бироқ болалар ўзлари мустақил ҳикоя тузганларида, тасвирлашда ноаниқликка йўл қўядилар, асосий жойларини ташлаб кетадилар ва бунинг натижасида тарбиячига уларнинг жавобларини тўғрилашга тўғри келади. Ҳикояни тўлиқ ва мазмунли бўлиши учун айрим жойларда ниманидир айтиб туради.

Беш ёшли болаларда ҳали ихтиёрий эсда олиб қолиш ва ихтиёрий диққат яхши ривожланмаган бўлади, шунинг учун ҳам тарбиячи айтиб туриш ва эсга туширишнинг турли усулларидан фойдаланиши керак. (Сен кузи ҳақида гапиришни эсдан чиқардинг. Куёнча сенга «Жўжачага менинг узун оппоқ кулоқларим ҳақида ҳикоя қилиб беришни унутмагин», — деб эслатайти.)

«Бу кичкинтойнинг (ўғил бола кўғирчоқнинг) айниқса нимаси сенга ёқади?», «Сен у ҳақда ҳикоя қилиб бераётганингда нимаси сенга ёқишини айтиш эсингдан чиқмасин» ва шу кабилар.

Ҳикоясини тугаллашдан болага айрим вақтларда

ёрдам бериш керак. («Бизларнинг сенга ёрдам беришимизни хоҳлайсанми: эсинга туширамиз, қўшимча қиламиз» ва ҳоказолар). Сунгра бола ўз ҳикоясини яна бир марта такрорласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки такрорий ҳикоя, аввалги ҳикояга нисбатан мазмунлироқ бўлади. Жумлалар ўртасидаги паузалар узунлиги камаяди. Лекин шуни унутмаслик керакки, айтиб бериш, эсга тушириш, қўшимча қилиш жуда ҳам меъридан ошиб кетмаслиги керак (3 мартадан ошмаслиги керак). Акс ҳолда бола уларни (айтиб турган жумлани, эсга туширган воқеани, қўшимча қилинганларни) эсда сақлай олмайди.


### РАСМГА ҚАРАБ ТАСВИРИЙ ҲИКОЯ ТУЗИШ

Хамма ёш гуруҳларида алоҳида буюмлар (масалан, байроқча, копток, чепақ ва ҳоказолар) тасвирланган ёки бир тўп буюмлар (ўйинчоқлар ёки уй-рўзғор буюмлари) тасвирланган суратлардан фойдаланилади. Бу суратлардан тасвирий ҳикоя тузишда, машқларда ва дидактик ўйинларда фойдаланилади.

Масалан: кўздан кечириш ва ҳикоя тузишда «Бизнинг Насиба», «Биз ўйнаймиз», шунингдек «Уй ҳайвонлари» каби серияли суратларнинг айримларидан фойдаланиш мумкин. Болалар учун тавсия этилган бундай суратлар композицияси, оддий ва мазмуни болаларга тушунарли. Суратдаги қатнашувчилар ва буюмлар сони кўп эмас (1—3 та). Бу болаларга суратдаги энг асосий воқеаларни тўғри айтиб ва таърифлаб беришга, улар ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлашга, қатнашувчиларнинг ҳаракатларини (кўталарнинг маълум даражада тушунтириши натижасида) тушунишга ва бу қатнашувчиларнинг, буюмларнинг тебарак-атрофга бўлган муносабатларини тушуниб олишга ёрдам беради. Суратларни тасвирлашга ўргатишнинг бошида мазмунини қисмларга ажратиш мумкин бўлган суратларни танлаш керак. Масалан: «Мушук болалари билан», «Кучук болалари билан», «Товуқлар» ва бошқа суратлар («Уй ҳайвонлари» сериясидан).

4—5 ёшли болалар суратларни олдиндан, алоҳида машғулотда батафсил кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Суратни кун бўйи гуруҳда қолдириш, сунгра ҳикоя қилинадиган кейинги машғулотгача олиб қўйиш керак.

Бундай машғулотларда болаларнинг суратда тас-




вирланган нарсa-ҳодисаларга яқин шахсий тажрибаларидан фойдаланилади. Масалан, «Ит болалари билан» суратини кўриб, болалар ўз ит ва кучукчалари ҳақида сўзлаб берадилар.

Суратни тасвирлаш машғулоти қисқа, соддагина бўлади. Сурат узоқ кўриб ўтилмайди, чунки болалар унинг мазмуни билан таниш бўладилар. Лекин бу машғулот ҳам умумий дидактик қондалар бўйича ўтказилиши лозим: сурат қим ҳақида эжанлиги, сурат иштирокчилари нима қилаётганлиги ва бошқалар аниқла-



нади. Машғулотнинг бу қисмига 2-дақиқадан 5—7 дақиқагача вақт ажратиш мумкин. Кейин тарбиячи машғулотнинг мақсадини суратга қараб, унда нима тасвир этилганлигини айтиб бериш кераклигини маълум қилади.

Дастлабки машғулотларда тарбиячи ҳикоянинг намунасини ва режасини бериш усулидан фойдаланади. Масалан, «Мушук болалари билан» сурати бўйича тарбиячи она мушукни тасвирлайди. Узининг ҳикоясидан кейин бўш ҳикоя қилувчи 1—2 болани намунани такрорлашга чақиради. Сўнгра тарбиячи битта мушукчани тасвирлаш режасини беради. «Сариқ мушукча ҳақида гапириб бер. У қандай? Нима қилаяпти?» 2—3 боланинг ҳикоясидан кейин тарбиячи бошқа мушукча ҳақида сўзлаб беришни таклиф қилади.



Машғулотнинг охирида (ўқув йилининг биринчи ярмида) тарбиячининг ўзи сурат бўйича тўлиқ ҳикоя қилиб беради: «Энди мен ҳаммаси ҳақида бирдан сўзлаб бераман...» — дейди. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб буни яхши ҳикоя қилувчи болаларга топшириш тавсия этилади. Тарбиячи бутун сурат бўйича режа беради: «Энди менга ҳаммаси ҳақида бирдан сўзлаб бериш: мушук ҳақида, у қандай, нима қилаяпти, мушукчалар нечта, улар қандай, нима қилаяптилар?»

Тарбиячининг намуна ҳикояси дастлаб 7—10 га гандан иборат бўлиши мумкин. (Йилнинг охирида 10—13 га гандан иборат бўлади). Бу намуна ҳикоя суратнинг асосий мазмунини аниқ ёритиб қизиқарли, эмоционал ва образли бўлиши лозим.

Болаларнинг биринчи мустақил ҳикоялари 2—3 гандан иборат бўлади. Мустақил ҳикоя қилишга уриниш биринчидан, тарбиячининг намуна ҳикоясига таяниб суратдаги асосий воқеани аниқлашга («Қора итнинг ёнида унинг иккита боласи бор. Биттаси она итнинг ёнида ётибди, иккинчиси эса она ит ёнида турибди») ёрдам берса, иккинчидан боланинг мустақил ҳикояси тарбиячининг намуна ҳикоясига таяниб, ўзига қизиқарли бўлган жойларни (воқеаларни — Итнинг эгаси итлар учун идишга овқат солиб олиб келди. Чумчуқлар итлардан қўрқмай уларга қўйилган овқатни чуқиб ейишяпти) билиб олишига (идрок қилишига), айтиб беришига ёрдам беради. Болаларнинг кўпгина ҳикоялари тарбиячининг намуна ҳикоясидан анча узунроқ бўлиб, суратдаги мазмунни йфодаламайди («Итларнинг ини — уйи бор. Чумчуқларнинг думи бор»). Болалар суратга қараб тасвирий ҳикояни энгиллик билан туза олиш маҳоратини эгаллайди. Январь ойига бориб уларнинг ҳикоялари 5—8 жумладан иборат бўлиб, ўзининг баён этилишининг кетма-кетлиги билан ажралиб туради. Март—май ойида эса ҳикоя қилиш янада такомиллашади.

Энди машғулотларда 4—6 ҳикояни тинглашга эришамиз. Тарбиячи болалар ҳикоясини таҳлил қилар экан, болалар ўз ҳикояларида қайси мустақил фикрларни, жумлаларни киритганини белгилаб бериши керак. Болалар энди ҳикояни қандай бошлаш кераклиги устида уйлаб, 3—5 хилини таклиф этадилар ва уларига қайси бири кўпроқ ёқса, ушани танлаб оладилар.

#### БАДИИЙ МАВЗУЛАРНИ ҚАЙТА ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРИШ

Қайта ҳикоя қилишга ўргатиш машғулоти бугун шил давомида мунтазам утказиб борилади. Тарбиячи бадий асарларни танлашда қуйидаги талабларга амал қилиши керак: бадий асар ҳажми катта бўлмаслиги, воқеалар кетма-кет аниқ баён этилиши, лўғати болалар ёшига мос бўлиши, гапларнинг қурилиши мураккаб бўлмаслиги (жумлалар қисқа, нутқлар оддий, грамматик шакллар мавжуд бўлиши) керак.



тинч, осойишта оҳангда, овозини баландламасдан, табиий интонация билан айтиб берсин.

Машғулотнинг қолган қисми болаларнинг шеърни мустақил ёддан ўқишига бағишланади. Болалар машғулотда зерикмасликлари учун тарбиячи турли усуллардан фойдаланиши зарур. Масалан, совға шаклидаги жавоб усулидан (бола шеърни айтиб бераётган вақтида, шеър матнида бор бўлган исми ўз ўртоғининг исми билан алмаштиради — худди шеърни ўртоғига совға қилаётгандек бўлиб, бир вақтининг ўзида шу ўртоғини ўздан кейин шеърни айтиб беришга чақиради) ёки эстафетали шеър айтиш усулидан (шеърни тугаллаётган бола, кимга хоҳласа шунга қандайдир бирор нарсани беради: арча, байроқча, қуёнча, машина, айиқча ва ҳоказолар. Худди шу тариқа болани (ўртоғини) жавоб беришга чақиради) фойдаланади.

Шунингдек, машғулотларда шеърни ёд олишга ёрдам берувчи драмалаштирилган ўйинларни ҳам ўтказиш мумкин. (III. Саъдулла «Лола ва Мушук»).

Шеър ёд олдириш машғулоти тарбиячининг шеърни яна бир марта ёддан ўқиб бериши билан тугалланади. Болаларга тарбиячи билан биргаликда овоз чиқармасдан, балки шивирлаб айтишга руҳсат бериши натижали усул бўлиб ҳисобланади. Шеърни бундай айтиш болаларни овоздан фойдаланмасдан сўзларни аниқ талаффуз этишга, яъни келгусида болага зарур бўлган ва нуқтовуш маданиятини шаклланганлигини кўрсатадиган малакани тарбиялайди.

\* \* \*

Тажриба шуни кўрсатдики, тўрт-беш ёшли болалар дастурдаги асарларни тез эсдан чиқариб юборадилар. Улар бир-икки ҳафта илгари ўқиб берилган эртак ва ҳикояларни қийинчилик билан эсга туширадилар; адабий репертуарнинг асосини қимларнинг асарлари ташкил этишини ва бу асар авторларини, ёзувчи ва шоирларнинг исмини яхши эслаб қололмайдилар.

Бундай ҳолатлар шу нарсадан далолат берадики, дастур материалига киритилган асарлар жуда кўп, лекин уларни вақти-вақти билан такрорлаб туриш учун (такрорий ўқиб бериш ёки ҳикоя қилиб бериш) имконият жуда ҳам чегараланган. Ушбу вазият дастур материалини такрорлаш имконини берувчи қўшимча усул-

лар қидириб топишни талаб этади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Адабий викториналар уюштириш (адабий викториналар ҳақида юқорида гапириб ўтилган).

2. Болаларга таниш бўлган муаллифларнинг таниш китобларидан кўргазмалар ташкил этиш.

3. Болаларга маълум бир бадиий асар мазмунини эсга келтиришга ёрдам берувчи топшириқлар. («Бугун мен сизларга янги эртақ ҳикоя қилиб бераман. Сиз қандай эртақларни биласиз?»)

4. Болаларнинг бадиий асарга бўлган қизиқишларини аниқлаш ва шакллантириш. («Сенга қайси эртақ кўпроқ ёқади?» Ўзингнинг сеvimли шеърингни айтиб бер».)

Юқорида айтиб ўтилган иш вазифаларини бажаришда асосий ролни катталар бажарадилар. Тарбиячи болалар нутқини ривожлантиришда асосий воситачи бўлиб ҳисобланади. Оилада эса ота-оналари ва яқин қариндош-уруғлар бола нутқининг ривожланишига таъсир этадилар. Катта кишиларнинг болалар билан қай тарзда гаплашиши, улар билан қандай нутқий муомалада бўлиш даражаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тилни муваффақиятли ўзлаштириб олишига ёрдам беради.

Бунинг учун тарбиячининг, оилада оила аъзоларининг нутқи адабий тил мезонларига мувофиқ бўлиши, товуш томони (товуш ва сўзларни талаффуз этиши, дикцияси, темпи ва ҳоказо) ҳар томонлама тўғри бўлиши, луғати бой, сўзларни аниқ ишлатиши, нутқи грамматик жиҳатдан тўғри, жумлалар бир-бирига боғланган бўлиши керак. Шу муносабат билан ушбу қўлланмада амалий материаллар (тахминий машғулотлар конспектлари) берилган бўлиб, тарбиячига машғулотларни ташкил этишда ва болалар нутқини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Берилган машғулот конспектлари болалар боғчасида таълим-тарбия дастур талаблари асосида тузилган бўлиб, унда кварталлар бўйича теvarак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш (луғатини бойитиш, нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш, нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, боғланган нутқни ривожлантириш) болаларни бадиий адабиёти билан таништириш каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган. Шунингдек, қўлланмада машғулотлардан ташқари мазмуни ҳам берилган.

## МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАХМИНИЙ РЕЖАЛАРИ

Сентябрь — ноябрь

### 1- машғулот

«Ишлаш учун бизга нима керак»? деган темада суҳбат.

**Машғулотнинг мақсади:** Болаларнинг рўзгорда ишлатиладиган буюмларнинг номи ва белгилари ҳақидаги билимларини мустақкамлаш, нутқини ўстириш, луғатини бойитиш ва фаоллаштириш. Буюмни тасвирлаб беришга ўргатиш. Уларни тарбиячи ва ўртоқларининг сўзини диққат билан тинглашга, бир-бирининг сўзини бўлмасликка, саволларга тўлиқ жавоб беришга ўргатиш, катта кишиларнинг меҳнатига муҳаббат тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Кийим тикиб ўтирган она сурати, қайчи, игна, тикув машинаси (болалар ўйнайдиган тикув машинаси), ўлчагич (сантиметр), ип, газлама, қошиқ, вилка (илиб олар), пичоқ, капкир, чўмич, кастрюлка, това, қиймалагич тахта (гўшт майдалагич), элак, қозон (расми ёки янги кичкина қозонча) чанг ютгич, машина тасвирланган расм, дазмон ва чанг қоқадиган савағич, супурги, челак, кийим чўткаси, кир ювиш машинаси, кир қайнатгич, тоғора тасвирланган расм.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга кийим тикиб ўтирган она суратини кўрсатиб, болалардан суратда нималар тасвирланганлигини сўрайди.

: **Тарбиячи:** Оналаримизнинг кийим-кечак тикишлари учун нималар керак? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тўлдириб шундай дейди: Тўғри, тикиш учун машина, қайчи, игна, ўлчагич, ип ва газлама керак (нарсаларни болаларга кўрсатади). Тарбиячи болаларга овқат пишириш учун қандай асбоблар керак? деган савол беради. Уларнинг жавобларини тинглайди ва тўлдиради.

**Тарбиячи:** Тўғри, овқат пишириш учун қозон, капкир, чўмич, кастрюлка, това, пичоқ, қийма тахта (гўшт қиймалагич), унни элаш учун элак, қошиқ керак бўлади. (Айтилган асбобларнинг ўзини ёки расмини болаларга кўрсатади.)

**Тарбиячи:** Уйларни ва ҳовлиларни супуриш учун нималар керак? деган савол беради, болалар жавобини тинглайди ва тасдиқлайди.

**Тарбиячи:** Тўғри, ҳовлиларни, уйларни супуриш учун супурги, пол ювиш учун челак, латта, чангларни қоқиш учун чанг қоқадиган савағич ва чангларни тозалайдиган чангютгич машиналар керак бўлади. (Айтилган нарсаларни болаларга кўрсатади.)

**Тарбиячи:** Кир ювиш учун қандай асбоблар керак? деган навбатдаги саволни беради ва жавобларни тўлдириб шундай дейди. Тўғри, кир ювиш учун катта тоғора, кирларни қайнатиш учун идиш, кир ювадиган машина, кирларни дазмоллаш учун дазмол керак. Болалар уй-рўзғор ишларида жуда кўп ана шундай буюмлар керак бўлади. Болалар боғчасида бундай ишларни энага, кир ювувчи ходим, ошпаз ва фаррошлар бажарадилар. Уларнинг меҳнатларини доимо қадрлаш керак. Уйда эса бу ишларни ота-оналаримиз, ака-опаларимиз бажарадилар, сизлар эса уларга ёрдам берасизлар.

Суҳбат охирида (машғулотнинг иккинчи қисмида) тарбиячи уй-рўзғор буюмлари тўғрисидаги топишмоқларни айтади, болалар эса топадилар.

1. Тап-тап этади,  
тагидан карвоң ўтади.

(Элак)

Тарбиячи ёки боланинг ўзи элакни кўрсатади.

2. Бир боши бор,  
Минг оёғи  
Тоза қилар ҳамма ёқни.

(Супурги)

3. Ҳаммага тўн тикади  
Ўзи яланғоч.

(Игна)

4. Душмандир чанг, тўзон,  
Ишга шайдир ҳар қачон,  
Гарддан сақлар уйимни  
Тоза қилар кийимни.

(Кийим чўткаси)

5. Боришда қорни оч  
Қўшиқ айтар.  
Келишда қорни тўқ  
Йиғлаб қайтар.

(Челак)

6. Чеварларга керак доим,  
Ишлатишар, онам, оийм,  
Ишни сарфлар чопар «ғиз-ғиз»

Иўлларида қолдирар из.

(Тикув машинаси)

7. Хунари кўп ишласа,  
Агар токни тишласа.  
Текисланар ҳар ғижим,  
Чизиқли бўлади шим.

(Дазмол)

Тарбиячи ҳар бир топишмоқнинг жавобини билдирувчи нарсаларнинг ўзини ёки расмини кўрсатиши ёки топишмоқнинг жавобини топган бола чиқиб шу нарса-ни кўрсатиши керак.

## 2- машғулот

**Мавзу:** Нутқнинг товуш. маданиятини тарбиялаш.

**Машғулотнинг мақсади:** Болаларга «С» товушининг артикуляциясини тушунтириш: «с» товушининг ўзини талаффуз этиш, турли сўзларда, бўғинларда «с» товушини талаффуз этиш устида машқ қилиш. Айниқса, боғчага янги келган, «с» товушини талаффуз эта олмайдиган болаларга диққатни йўналтириш. Нутқнинг товуш томонини ва унинг интонацион ифодалилигини тарбиялаш.

**Машғулотга тайёргарлик.** Ҳар бир болага ўз вақтида ёрдам бериш учун гуруҳдаги ҳамма болалар «с» товушини қандай талаффуз этишларини аниқлаш.

**Машғулот учун материал.** Велосипед шинасига ҳаво юборадиган насос расми, ундан ҳаво чиқаётганлиги тасвирланган. Велосипед шинасига насосдан ҳаво юборилаётганлиги тасвирланган расм, юпқа қоғоздан қирқилган энсиз бўлаклар (узунлиги 13—15 см).

Номида «С» товуши бор бўлган нарсалар расми: сир, сумка, стол, стул, сабзи, автобус, йўлбарс, соат, редиска, глобус.

**Машғулотнинг бориши.** Тарбиячи болаларга шундай дейди: «Ҳозир мен сизларга қизиқ воқеани ҳикоя қилиб бераман. Тўғри ўтириб ҳаммангиз менга диққат билан қулоқ солинг. Болалар айтинглар-чи, сизларнинг тилчаларингиз борми? Тилчаларингиз қаерда туради? Тўғри! Сизларнинг тилингиз оғзингизда.

Оғиз — бу тилчанинг уйи. Уйча очилиб ва ёпилиб туради. Қаранглар! Мен уйчани очаман ва ёпаман. (тарбиячи секин-асталик билан тишларини бир-бирига жипслаштиради ва орасини очади. Лаблар кулги ҳолатда бўлиб, юқориги ва пастки тишлар ораси очиқ бўлади). Болалар энди айтинглар-чи, уйча нима билан



ёпилади. (Уйча тишлар билан ёпилади.) Тўғри! Тишлар уйчани қаттиқ ёпиб туради, тилчани кўчага чиқишга қўймайди. Пастки тишлар — бу уйчанинг зинапояси. Тилингиз билан пастки тишларни топинг. Келинглр ҳаммамиз биргаликда тилчанинг уйчасини очамиз ва ёпамиз. Жўлмайинг, уйчани шундай ёпинглрки, тишлар яхши кўриниб турсин. Болалар машқни бажардилар. Тарбиячи болаларга шундай дейди: Болалар тилча сайр қилишни яхши кўради. «Ҳозир биз тилча билан велосипедда сайр қиламиз. Велосипедда сайр қилишдан аввал унинг шинаси яхши шиширилганми ёки йўқми, шуни текшираамиз. Велосипед узоқ туриб қолганлиги сабабли шинаси бир оз бўшашиб қолибди. Унга ҳаво юбориш керак. Насос билан шинага ҳаво юборамиз. Насосдан чиқаётган ҳаво «ссс» деб товуш чиқаради. (Тарбиячи кўрсатади.) Болалар аввал яккама-якка, сўнгра биргаликда насос ҳаракатига тақлид қилиб, шинага ҳаво юборадилар. Шинага ҳаво юбориш вақтида «с» товушини чўзиброқ талаффуз этадилар.

Насосдан чиқаётган ҳавонинг овози яхши чиқиши учун — деб тушунтиради тарбиячи, тил учини пастки тишларига бир оз тираш керак. Тилингизнинг учини пастки тишларга бир оз тиранг. (Тарбиячи ҳар бир бола олдига бориб, тил учлари пастки тишларга тиралган-тиралмаганлигини текширади.)<sup>1</sup> Оғзингизни ёпинг, дам олинг яна тилингизнинг учини пастки тишларга тиранг «ссс» деб талаффуз этинг.

Келинглр, Олимнинг насос билан шинага қандай ҳаво юборишини эшитиб кўрамиз. Шу тариқа 4—6 болани чақиради. («С» товушини аввал чўзмасдан узук-узук талаффуз эттириш мумкин. Бу машқда ҳали «С» товушини талаффуз эта олмайдиган болалар билан ҳам шуғулланиш керак.) Келинглр энди насосдан чиқаётган ҳавонинг ашуласини биргаликда айтаамиз. Насосдан аввал ҳаво оқими секин чиқади — шунинг учун «ссс товуши кучсиз бўлади. (Болалар секин талаффуз этадилар.) Энди насосдан ҳаво шинага тез юборилапти шунинг учун «ссс» товуши кучли, баландроқ айтилади. Яна секин. Насосдан шинага ҳавони юборишни тугаллаймиз. Агар насосдан шинага ҳавони секин ва узук-узук қилиб юборсак, лабларимиз атрофида енгил шабада эсади. Ҳозир буни синаб кўрамиз. Унда қўлингизнинг (кафтингизнинг) орқа томонини оғзингизга яқинроқ

<sup>1</sup> Баъзи ҳолларда болаларга тил ҳолатини кўриниш учун ойната қарашлик ружсат этилади. Ойна тарбиячида бўлади.

олиб келинг ва насосдан шинага ҳаво юборинг... (болалар аввал — с-с-с деб талаффуз этадилар, сўнгра «с» товушини чўзиб талаффуз этишади («ссс»).

Қаранглар ҳозир мен насосдан шинага ҳаво юбораман, бу вақтда оғзим олдида ушлаб турган қоғоз силкинади... (қимирлайди). Сиз нимани кўрдингиз (қоғоз силкинди, қимирлади)»,

Сиз ҳам шундай узунликдаги қоғозни олинг (тарбиячи олдиндан юпқа қоғоздан (папирос қоғози) қирқиб қўйилган энсиз бўлақлар стол устида туради) ва оғзингизга яқинроқ ушланг ва шинага юборилаётган ҳаво ашуласини айтинг «ссс». Келинглр, Дилбарнинг, Салимнинг қоғозига қараймиз, у насосдан шинага ҳаво юбораётганда қоғоз қандай қимирлашини кўрамиз. Шу тариқа 4—5 боладан қоғозга пуфлаш таклиф этилади. Бу машқ бажарилгач, тарбиячи болаларга: тилча ҳозир сизларга ашула айтиб беради. Ҳозир у аввал: са-са-са деб ашула айтади. Қандай айтди? Сўнгра ся-ся-ся, ос-ос-ос деб ашула айтди (Болалар тарбиячидан кейин такрорлайдилар. Яккама-якка такрорлатиш ҳам мумкин).

Машғулот охирида болаларга «Магазин» ўйинини ўйнашни таклиф этиш мумкин. Тарбиячи стол устига номида «с» товуши бўлган сигир, сумка, стол, стул, сабзи, автобус, соат, редиска ва ҳоказо ўйинчоқ, ёки расмларни қўяди ва болаларни навбат билан чақиради. Болалар магазинга келиб хоҳлаган ўйинчоқларини сотиб оладилар ва болаларга кўрсатиб номини баланд овозда айтиб, ўз жойига ўтиради.

### 3- машғулот

**Мавзу:** Мева ва сабзавотлар билан дидактик ўйин ўтказиш.

**I қисм.** Топчи, бу нима? «Боғда — полизда» номли дидактик ўйин. И. Муслимнинг «Ёз» шеърини ўқиб бериш.

**Дастур мазмуни:** Пайпаслаш орқали мева ва сабзавотларни бир-биридан ажратишга, номини айтишга, уларни гуруҳлашга; шеърни тинглаб бўлгач, шеърда айтилган мева ва сабзавотларнинг номини айтиб беришга ўргатиш. Болаларда нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириб бориш ва сўзларда келишик қўшимчаларини тўғри ишлатишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал.** Ажойиб халтача ва унинг ичида сабзавот ва мевалар, фланелеграф, мева ва саб-

завотларнинг расми, дарахт контури, қора рангдаги қоғоз бўлаклари (13—15 см узунликда), энсиз қоғоз бўлаклари, тақсимча, гулдон.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машгулотдан 2—3 кун олдин полизга мақсадли сайр ташкил этилади. Бу сайрда болаларга полизда ҳали қайси сабзавотлар йиғиштириб олилмаганлигини кўриш, баҳорда қайси сабзавотлар экилганлигини эслаш таклиф этилади. Агар имконият бўлса, мевали дарахтларни ҳам кўздан кечириш керак.

**Машгулотнинг бориши:** Менинг қўлимдаги «Ажойиб халтача»да мева ва сабзавотлар бор. Мен кимни чақирсам, чақирилган бола «Ажойиб халтача»нинг ичига қўлини солиб пайпаслаб битта нарсани (сабзавот ёки мевани) танлаб олади ва қўлини халтачанинг ичидан чиқараётиб, нимани топиб олганлигини эълон қилади. (Мен сабзини топдим), сўнгра бу сабзавотни (мевани) болаларга кўрсатади. Агар сабзавот ёки мева нони тўғри айтилган бўлса, сабзавотни тақсимчага, мевани эса вазага қўйиши керак, деб тушунтиради тарбиячи. (Агар бола сабзавот ёки меванинг номини нотўғри айтса, у вақтда сабзавотни халтачага қайтариб солади.) Болалар сабзавотларни кўриб, унинг рангини, шаклини аниқлайдилар. Тарбиячи, мана болалар қаранглар Аҳмад қандай чиройли сабзини топди,— у қанақа экан?— деб рангини, шаклини аниқлайди (Узун ва йўғойроқ, қизғиш рангда — деб жавоб берадилар). Халтачани ичида сабзи, шолғом, нўхат, картошка, олма, олхўри ёки 5—7 нарсдан иборат бошқа сабзавот ва мевалар бўлиши мумкин.

Машгулотнинг давомида тарбиячи тақсимчада (сабзавотлар) ва вазада (мевалар) нималар борлигини аниқлайди, сабзавотлар қаерда ўсишини, мевалар қаерда етиштирилишини сўрайди. Сўнгра фланелеграфни кўрсатади. Фланелеграфнинг чап томонида дарахт контури бўлиб бу боғни, ўнг томонида эса қора рангдаги қоғоз бўлаклари бўлиб, бу полизни тасвирлайди. Тарбиячи болаларга фланелеграфнинг чап ва ўнг томонида нима борлигини тушунтиргандан сўнг шундай дейди: Ҳозир мен кимни чақирсам, шу келиб стол устида турган расмлардан бирини олиб, унинг номини, рангини, шаклини, қаерда етиштирилишини айтади. Агарда олган расми мевани тасвирласа, фланелеграфнинг чап томонидаги боғга — дарахт тасвирланган томонга қўяди (ёпиштиради). Агарда олган расми сабзавотни тас-

вирласа қора рангдаги бўлақлар бор томонга — полизга — фланелеграфнинг ўнг томонига қўяди. Сўнгра тарбиячининг ўзи боғда ёки полизда етиштириладиган мевани ёки сабзавотни тасвирловчи расмни олиб кўрсатади ва болалардан бирига мурожаат этади: «Санобар, бу нима? Қаерда ўсади? Расмни қаерга қўйиш керак? Тўғри фланелеграфнинг ўнг томонига — «полизга». Шу тариқа болалар боғда ёки полизда етиштириладиган мева ва сабзавотларни (фланелеграфга) боғ ва полиз тасвирланган томонга ёпиштириб берадилар. Агар кимдир янглишса, тарбиячи расмни қайтариб олдинга жойига олиб бориб қўйишни, бошқа расмни олишни таклиф этади.

Машғулотнинг бу қисми умумлаштириш билан якунланади: чап томонда — мевалар, ўнг томонда — сабзавотлар. Мевалар боғда етиштирилади, сабзавотлар полизда. Болаларга буни такрорлатади.

Сўнгра тарбиячи болаларга топишмоқлар айтиш ва уни топишни таклиф этади.

Ер тагида олтин қозиқ,  
У ҳаммага бўлар озиқ.

Бу нима?— «Сабзи».

Пак-пакана бўйи бор,  
Етти қават тўни бор.

Бу ...?— «Пиёз».

Бодом каби япроғи,  
Солланади бутоғи,  
Ўзи ширин, туклигина  
Мазаси тотлигина.

(Шафтоли).

Тарбиячи машғулотнинг охирида И. Муслимнинг «Ёз» шеърини ёддан айтиб ёки ўқиб беради.

Ёз

Келди ёз чоғи,  
Мевалар пишди.  
Олмалар шохи  
Эгилиб тушди.

Олдик кўп ҳосил:  
Ўрик, олма, нок  
Шакардек асал  
Ўзум қилди ток.

Бизнинг полизда  
Қовун, тарвуз кўп.  
Етилди ёзда  
Сўйиб едик хўп.

Болалар шеърни тинглаб бўлгач, тарбиячи бир қан-

ча саволлар беради: Ёз келиши билан қандай мевалар пишди? Полизда-чи?

#### 4- машғулот

**Мавзу:** Куз гулларини (оқ хризантема, қўқонгул ва картошкагул) ёки дарахт баргларини (тол ва терак дарахтини) кўриб чиқиш<sup>1</sup>.

**Мақсад:** Болаларни тасвирий ҳикоя тузиш машғулотига тайёрлаб бориш: болаларни тарбиячининг тасвирлаши орқали гулларнинг номини билиб олишга, бир-биридан фарқини аниқлашга ўргатиш. Тарбиячи тасвирлаган гуллар ва баргларнинг тасвирини такрорлаш. Луғатини бойитиш ва фаоллаштириш. Луғатига хризантема, қўқонгул, картошкагул, поя, мўрт, ковак, қат-қат деган сўзларни киритиш ва мустаҳкамлаш.

**Машғулот учун материаллар:** 3 та гулдон; (шиша-ли, биллур ва қизил рангдаги сопол гулдон), оқ хризантема, қўқонгул, картошкагул.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар олдидаги стол устига учта гулдонда (бирида оқ хризантема, иккинчисида тўқ қизил рангдаги (баҳмал ранг) картошкагул, учинчисида қўқонгул (астра) ҳар бирида 2—3 дона гул) гул қўяди, болалардан сўрайди, бу гуллар сизларга танишми? Уларнинг номи нима? Болалар жавобини умумлаштиради: «Қизил рангдаги сопол гулдонда оқ хризантема, шишали гулдонда баҳмал (қизил) рангдаги картошкагул, биллур гулдонда қўқонгул.

«Болалар оқ хризантемага қаранглар, — дейди педагог. Бу хризантема сизларга таниш бўлган гуллардан қайси бирига ўхшайди? Унинг барглари қандай рангда ва шаклда. Жавобларни тинглайди ва ўзи тўлдиради. Хризантема қўқонгулга ўхшайди (биллур гулдондаги гулни кўрсатади), қўқонгул фақат майдароқ ва турли рангларда бўлади. Хризантемалар ҳам турли рангларда: оқ, қизил, сариқ, жигарранг, пушти рангда бўлади. Улар йирик ва майда бўлади, унинг барглари яшил рангда, япалоқ шаклда бўлади.

**Тарбиячи:** Хризантема гули қандай кўпаяди? Болалар жавобини тўлдиради. Хризантема гули илдизи билан қишда қишлайди, баҳор келиши билан яна илдизидан кўкариб чиқади, илдизидан кўпаяди. У қат-қат бўлиб гуллайди. Тарбиячи болаларга навбатдаги саволни

<sup>1</sup> Айтилган гуллар ва дарахт баргларининг ўрнига бошқа гуллар ва дарахт баргларидан фойдаланиш мумкин.



беради. Оқ хризантема гулининг ўртасида нималари бор? Болалар жавобини тинглайди ва тўлдиради.

— Оқ хризантема гулининг ўртасида кўзчалари бор, кўзчаларининг ранги сариқ, кўзчаларининг атрофида киприкчалари (баргчалари), киприкчалари атрофида дугоначалари бор. Ҳамма киприклари бир хилда, оқ рангда бўлади.

**Тарбиячи:** Болалар нима учун хризантема тирмалашни билмайди? деган савол беради. Болалар жавоби: чунки унинг танасида тиканлари йўқ.

**Тарбиячи:**— Сизларга хризантема гули ёқадими? Нимаси билан бу гул сизга ёқади? У қандай? ... Нима учун бу гулни картошкагул деймиз (Шишали гулдондаги гулни кўрсатиб). Унинг ранги қандай? Барглари қандай рангда ва шаклда? Поясини кўрсатиб, бу гулнинг нимаси? Пояси қандай? Гули қандай? Тарбиячи болалар жавобини тинглайди ва тўлдиради. Картошкагулнинг картошкаси бўлади. У картошка қаламчаларидан, картошка бўлақчаларидан кўпайтирилади, уруғидан ҳам кўпайтирилади. Унинг ранги қизил, пояси (танаси) узун, силлиқ, унинг тикани йўқ, пояси ковак ва мўрт бўлади. Кўзининг киприклари хризантема гулининг киприкларига қараганда энли ва енгил эгилади, у хризантема гулига ўхшайди — деб тасдиқлайди тарбиячи.

Сўнгра тарбиячи биллур гулдондаги қўқонгулни болаларга кўрсатиб: Бу гулнинг номини биласизми? У қандай рангда? Барглари қандай шаклда? Пояси қандай? У қандай гуллаган? Унинг гули гулдондаги қайси гулларга ўхшайди?

Болалар жавобини тинглаб, уни ўзи тўлдиради. Бу қўқонгул. У хризантема, картошкагулга ўхшаб кетади. Барглари яшил, майда, япалоқ, гули қат-қат. Ўртасида сариқ кўзчаси, кўзчасининг атрофида жуда кўп киприкчалари (баргчалари) бор. Пояси ингичка, озгина туки бор. Поясида тикани йўқ. У уруғидан кўпаяди.

Кейин тарбиячи болаларга шундай дейди. Агар шамол эсса гуллар бошини ерга эга бошлашади. Ҳозир сизлар билан шамол эсиши билан гуллар бошини ерга эга бошлаш ҳаракатини бажарамиз. Қўлларингизни юқорига кўтарасиз. Мен шамол эсяпти, дейишим билан қўлларингизни юқоридан паст томонга тушириб эгиласиз. Болалар бу ҳаракатни 5—6 марта такрорлайдилар.

Сўнгра болалар ўз жойларига ўтирадилар ва тарбиячи болаларга шундай дейди: «Ҳозир сизлар мен қайси гул ҳақида ҳикоя қилиб бераман — шуни топасизлар. Унинг пояси узун, гулининг ранги қизил (баҳмалга ўхшайди), ўртасида сариқ кўзчаси бор, кўзчасининг атрофида қип-қизил узун, кенг киприкчалари (баргчалари) — дугоналари бор, кузда унинг картошкаси кавланиб олинади ва баҳорда картошкаси экилади («Картошкагул»). Сиз қандай қилиб, мен картошкагул ҳақида гапириб берганимни билдингиз?

Сўнгра тарбиячи болаларга хоҳлаган гуллардан бири ҳақида гапириб беришни таклиф қилади. 2—3 та болани навбат билан гул ҳақида гапириб бериш учун чақиради.

### 5- машғулот

**Мавзу:** Болаларга «Оч бўри» ўзбек халқ эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларда бадий адабиётга қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш. Болаларни эртақ мазмуни асосидаги саволларга жавоб беришга ўргатиш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга, айрим маънавий сифатларни таърифлашга: жасур, ёвуз деган сўзларнинг маъносини тўғри тушуниб олишга ўргатиш. Нутқнинг интонацион ифодалилигини тарбиялаш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Тарбиячи болаларга машғулотдан 2—3 кун олдин «Оч бўри» ўзбек халқ эртагини ўқиб беради ёки пластинкасини тинглашни таклиф этади. Болалар билан эртақ учун ишланган расмларни кўриб чиқади.

**Машғулот учун материал:** Бўри, донлаб юрган хўроз, ўтлаб юрган қўзичоқ, от туёғини кўтариб, бўрининг оғзига тепиши тасвирланган расм, фланелеграф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга бўрини кўрсатиб, унинг қандай ҳайвон эканлигини, қаерларда яшашини, нималар билан овқатланишини сўрайди. Донлаб юрган хўрозни (расмини) кўрсатади, болалардан унинг қандай қичқиришини, қандай парранда эканлигини сўрайди; шу тариқа ўтлаб юрган қўзичоқ ва отнинг расмини кўрсатади, болалардан улар қандай ҳайвонлар эканлигини сўрайди. Сўнгра тарбиячи болаларга бу оч, йиртқич бўри, қўзичоқ ва уй паррандаси хўроз ўзбек халқ эртагидан келишганини, бу эртақнинг номи «Оч бўри» эканлигини айтади. Эртақни ҳикоя қилиб

беради ва болалардан: Эртакнинг номи нима? Бу эртакда қандай ҳайвонлар иштирок этади. Бўри қандай ҳайвон? деб сўрайди.

Болалар менга ҳўроз жуда ёқади, шунинг учун мен ҳўроз қандай қилиб қанотини ёзиб, пириллаб учиб кетганини кўрмоқчиман. Марҳамат кўрсатинглар (физкультминут вақтида) болалар стулчаларидан туриб, қўлларини икки томонга ёйиб, ку-ку-ку! деб худди қанот қоқиб учгандек ҳаракат қиладилар, бу ҳаракат 4—5 марта такрорланади.

Физкультурали паузадан кейин тарбиячи болалар билан суҳбатни давом эттиради: «Бу эртакда кўпроқ қайси ҳайвонлар сизга ёқди ва нимаси билан улар сизга ёқди? ... От тўғри иш қилдими? Сиз унинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолайсиз? ... Шундай қилиб бу эртакда қандай ҳайвонлар иштирок этади? Бу эртакдаги қайси ҳайвонни ақлли, жасур деса бўлади? Нима учун? Агар болалар бу саволга жавоб беришга қийналсалар, тарбиячи уларга ёрдам беради: «Йиртқич?» «Безор?» «Кўнгилчан?» Жасур? Ақлли? Ким бўрининг охириги сўзларини эслаб қолди?

Агар болалар бўрининг охириги айтган сўзларини (ўлишидан олдин) айтишда қийналсалар, тарбиячи ёрдам бериб туради (2—3 та боланинг жавобини тинглайди).

Сўнгра тарбиячи болаларга эртак учун ишланган расмларни кўрсатади. Машғулотни якунлашда тарбиячи эртакнинг охириги, яъни бўрининг охириги сўзларини ўқиб беради.

Кечки сайрда тарбиячи болаларга «Оч бўри» эртаги учун ишланган расмларни яна бир бор кўрсатади. Болалар расмларни кўрадилар, ўз таассуротларини бир-бирларига айтадилар.

## 6- машғулот

**Мавзу:** Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларга «з» товушининг артикуляциясини кўрсатиш; «з» товушини бўғинларда ва сўзларда талаффуз этиш устида машқ қилиш; «з» товушини сўзлар маълум интонация билан талаффуз қилишга, шу товуш бор бўлган сўзларни ажратишга ўргатиш; «з» товушини қаттиқ, юмшоқ талаффуз этишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** «З» товуши сўзнинг бошида, ўртасида, охирида келадиган буюмли расмлар:

узум, сабзи, пийёз, тарвуз, хўроз, телевизор, занжир, зирак.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи: «Болалар! Эсланглар-чи, биз қачон боққа сайрга борган эдик. У ерда чивинлар кўп эди. Улар гўнғиллаб (ззз) бизни хўп чаққан эди. З-з-з бу кимнинг овози (ашуласи) эслангларчи,— дейди. Тарбиячи: «Тўғри бу чивиннинг ашуласи. Бу ҳам худди насосдан шинага ҳаво юбораётганда насосдан чиқаётган ҳавонинг ашуласига ўхшайди, лекин бу жарангли овоз билан айтилади. Қани насосдан чиқаётган ҳавонинг ашуласини айтинг-чи: с-с-с, ссс.

Энди шу ашулани жарангли овозда айтинг: з-з-з, ззз.

Энди Олиманинг, Анварнинг чивини қандай ашула айтишини тинглаймиз... (4—6 болани чақиради). Ҳамма чивинлар ашула айтсин!— Чивинлар узоққа учиб кетишди, ашула секин эшитила бошлади, яна ҳам секин, мутлақо эшитилмади... Мана булардан ташқари, ҳамма чивинлар учиб кетишди... (2—3 та боланинг исмини айтади). Энди битта чивин қолди (битта боладан чивиннинг ашуласини сўрайди) қолган ҳамма чивинлар ҳам учиб кетишди. Қолган бола чивиннинг ашуласини айтиб бўлгач, тарбиячи давом эттиради:

«Тилчага чивин бўлиш жуда ёқиб қолди ва у з-з-з ашуласига ўхшаш ашула ўйлаб топди.

За-за-за—зя-зя-зя  
зу-зу-зу—зю-зю-зю  
зи-зи-зи—зи-зи-зи

(болалар тарбиячи билан биргаликда айтадилар).

Болаларни бўғинларни (ашулани) айтиш вақтида «сеҳрли таёқча» ҳаракатини кузатишга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. («Сеҳрли таёқча» ўрнига зийнатли қалам— сувенирдан фойдаланиш ҳам мумкин.) Тарбиячи болаларга шундай деб тушунтиради, агар мен таёқчани юқорига кўтарсам, ашулани айтишдан тўхташингиз керак. (Бу бир вақтда болалар диққати устида машқ қилиш учун ҳам ёрдам беради.) Болалар чивиннинг ашуласини жуда баланд овозда айтмасликлари керак. Улар дам олиш имкониятига эга бўлишсин, товушни аниқ талаффуз эта олмайдиган бирорта боладан бу вақтдан у вақтгача у ёки бу ашулани (с-с-с, ссс, ёки з-з-з, ззз) айтиб бериш таклиф этилади.

«Болалар!— деб давом эттиради тарбиячи. Чивиннинг ашуласи з-з-з, ззз ҳамма сўзларда бўлмайди ва

у эшитилмайди. Масалан, олма сўзида бу ашула... эшитилмайди ва —ззз—а сўзида эса эшитиладими? Собир, ваза деб айтгин, шундай айтгинки биз з товушини эшитайлик».

Сўнгра тарбиячи номида «з» товуши бор бўлган расмларни (ҳайвонларни, турли нарсаларни акс эттирувчи расмлар) кўрсатиб, кўриб турган нарсаларнинг номини айтишни таклиф этади. Болалар биргаликда ва якка ҳолда жавоб берадилар (замбуруғ, пиёз, занжир, зирак, завод, телевизор, узум, тарвуз, юлдуз ва бошқалар). Бу вазифа бажарилгач, тарбиячи болаларга ҳозир мен сизларга «Дугоналар» деган ҳикояни айтиб берман, дейди ва ҳикояни бошлайди. Зайнаб, Зулхумор, Азиза, Зевар — дугона. Улар тўпланишиб Зулхуморларникида ўйнашади. Улар мозаикадан турли хилдаги шаклларни ясашади. Зевар мозаикадан юлдузча ясашга жуда уста. Зайнабнинг онаси заводда ишлайди. Азиза ва Зевар Зайнабларникига келиб туришади. Зайнаб онаси ишдан келгунча гуллардан узиб гулдонга солади. Бир куни Зулхуморнинг онаси қизил соябон (зонтик) олиб келди. Дугоналари жуда хурсанд бўлишди. Сўнгра бир-бирларига топишмоқ айтиб топа бошлашди.

Бир онадан юз бола  
Юзови ҳам бўз бола

(узум)

Хўппа семиз бир туки йўқ.

(тарвуз)

Ўзи битта, қулоғи тўртта

(қозоп)

Кўк кўйлакка ғўза ёйдим.

(юлдуз).

Дугоналар жуда кўп ўйнашади, ёмғир ёққанини ҳам билмай қолишади. Азиза, Зевар, Зайнаб, Зулхуморнинг қизил соябонини (зонтигини) тутиб ўйларига кетишди.

Бу ҳикоядан сўнг тарбиячи ҳикоя мазмуни юзасидан бир нечта саволлар бериб, сўраб олади. Қимлар бир-бирлари билан дугона экан? Улар нимадан шакллар ясашади ва қандай шакллар ясашади? Зайнабнинг онаси қаерда ишлайди? Зайнабнинг қайси дугоналари келиб туради? Зулхуморнинг онаси нима олиб келди? Улар бир-бирларига қандай топишмоқлар айтишди? (4—6 бола жавоб беришга чақирилади.)

Кечки сайрда тарбиячи болаларга «Чивилар» ўйи-



нини ўинатади. Бу ўинда болалар икки гуруҳга ажра-  
ладилар. Бир гуруҳ болалар чивинлар, иккинчи гуруҳ  
болалари эса сайр қилиб юрувчилар бўлишади.

Чивин бўлган болалар «ззз...» деб сайр қилиб юрган  
болалар кетидан югуришади, сайр қилиб юрган бола-  
лар эса чивинлардан қочишга, яширинишга ҳаракат қи-  
либ уйларига югурадилар (хона бурчагида стулчалар  
билан уйча қилиб қўйилади). Сўнгра болалар роллар-  
ни алмаштирадилар.

### 7- машғулот

**Мавзу:** Ш. Саъдулланинг «Лола ва Мушук» шеъри-  
ни ёд олдириш.

**Мақсад:** Бадий адабиёт билан таништириш. Бола-  
ларни шеърнинг мазмуни билан таништириш, унинг  
маъносини тушунишга ва ёд олишга ёрдам бериш,  
шеърни ўртоқлари олдида ифодали айтишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** ювинаётган мушук расми  
ёки мушукча ўйинчоғи.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга мушук-  
ча ўйинчоғини ёки расмини кўрсатиб, болалар бу ни-  
ма? Биз сизлар билан мушукни, унинг ҳар куни эрта-  
лаб юз-қўлини ювишини кўрганмиз. Ҳозир мен сизларга  
«Лола ва Мушук» номли шеърни айтиб бераман. Тар-  
биячи аввал ўзи бир шеърни ёддан айтиб беради, сўн-  
гра болаларга шундай дейди: Бу шеър қайси сўзлар би-  
лан бошланади? Мен ҳозир сизларга бошланишини яна  
бир марта ўқиб бераман, сиз Лоламан, сўзи неча марта  
такрорланишини сананг: «Мен Лоламан. Лоламан».  
Икки марта такрорланади. Ўзингиз шеърни мустақил  
айтаётганингизда «Лоламан» сўзини икки марта айтиш  
эсингиздан чиқмасин.

«Қора мош» — дегани нимани билдиради? (Қора  
рангдаги мушукни) шундай деб айтаемиз) «Ювош» —  
деганичи? (Ҳеч нарсага тегмайдиган, тўполоқ қилмай-  
диган). Демак, бу сатрларни шундай айтиш керакки,  
мушукнинг қоралиги, ювошлиги билиниб турсин.

Қани сен, Аҳмад «Қора мош», «ювош» дегинчи (бу  
топшириқни 3—4 бола бажаради). Энди сен, Лобар му-  
шукнинг ҳаммадан олдин туришини ва юз-қўлини юви-  
шини айтиб, кўрсатгин. (Мендан олдин туради, юз-қў-  
лини ювади деган сатрларни 4—5 бола такрорлайди ва  
ҳаракатларини кўрсатади).

Бу шеърда мушук ҳақида нима дейилган? Келинлар

шеърда мушук ҳақида айтилган қаторларни биргаликда айтамыз:

Мушугим бор қора мош,  
Узи жуда ҳам ювош,  
Мендан олдин туради,  
Юз-қўлини ювади.

Эшитинглар»— дейди (тарбиячи), «Лола ва Мушук» шеърини мен яна бир марта айтиб бераман. Сизлар бу шеърни диққат билан тингланг, кейин сизлар менга ёддан айтиб берасизлар. Тарбиячи икки марта ёддан айтиб беради.) Сўнгра тарбиячи болаларга шундай дейди: Ҳозир мен мушукча ўйинчоғини ёки мушукча расмини кимга берсам, шу бола менинг столим олдига келиб шеърни айтади. Шеърни айтиб бўлгач, қўлимдаги ўйинчоқни ёки расмини хоҳлаган ўртоғига беради. Мушук ўйинчоғини ёки расмини олган ўртоғи ҳам шеърни айтиб беради. Шу тариқа 8—10 та боладан шеър сўраб олинади. Тарбиячи шеърни ифодали қилиб айтиб беришларига эътибор бериши, эсдан чиқарган жойларида айтиб туриши керак.

#### 8- машғулот

**Мавзу:** «Айиқни ва қўғирчоқ Салимани чой билан меҳмон қиламиз» деган дидактик ўйин.

**Мақсад:** Болаларни нарса — буюмларни кўздан кечириш ва таққослашга, луғатни бойитиш нарсалардаги асосий белгиларни ажратишга, бу белгилар асосида ўхшаш буюмларни бир-биридан ажрата олишга ўргатиш; стул билан ором курсини (креслони); қулоқли пиёла (чашка) билан пиёлани; дастурхон билан қўл сочиқни; чой қошиқ билан ош қошиқни. Юқорида айтиб ўтилган нарсаларнинг номларини аниқ айтишга ўргатиш. Болалар луғатларида сўзларни мустаҳкамлаш.

**Машғулот учун материал:** Айиқча, қўғирчоқ ва тарбиячи столи устидаги нарсалар тўплами: иккита ором курси, табуретка, стол, иккита қулоқли пиёла (чашка), пиёла, қўл сочиқ, дастурхон, чой қошиқ ва ош қошиқ, стакан.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи хонага машғулот бошланиши билан айиқ ва қўғирчоқни олиб кирази ва болаларга уларни чой билан меҳмон қилишни таклиф этади. Болалардан айиқча ва қўғирчоқни чой билан меҳмон қилиш учун нималар керак, деб сўрайди.

**Болалар.** Пиёла деб жавоб беришади.

**Тарбиячи.** Пиёлани қаерга қўямиз? Аввал нима қилиш керак?

**Болалар.** Стол устига қўйиш керак.

**Тарбиячи.** Мана ҳозир Акмал бизга мана бу ерга столни олиб келади. Акмал нима олиб келди?

**Болалар.** Стол.

**Тарбиячи.** Энди айиқчани ва қўғирчоқ Салимани стол атрофига ўтказиши керак. Ўтказиш учун нима керак?

**Болалар.** Стул.

**Тарбиячи.** Айиқчамиз семиз, шўх, стулга сиғмайди. Ундан йиқилиб тушади. Уни ором курсига ўтказиш керак.

Зайнаб, сен ором курсини қидириб топ ва уни айиқча олиб кел. (Зайнаб нарсаларни кўздан кечириб, стул ва ором курсини олиб келади). Зайнаб нима олиб келди?

**Болалар.** Стул ва ором курси.

**Тарбиячи.** Зайнаб стул ва ором курси олиб келди. Стулга қўғирчоқ Салимани ўтказамиз (стулга қўғирчоқни ўтказадилар), ором курсига эса семиз Айиқчани ўтказамиз. У ором курсидан йиқилиб кетмайди (айиқчани оромкурсига ўтказди). Зайнаб нарсалар ичидан оромкурсини қандай таниб олди? Ором курсининг нимаси бор? (суянчиғини кўрсатади).

**Болалар.** Суянчиғи.

**Тарбиячи.** Тўғри оромкурсининг орқасида ва иккала ён томонида суянчиғи бор. Қаранглар, айиқ қандай ўтирибди, у оромкурсидан йиқилмайди. Чунки икки ёндаги суянчиғини панжаралари билан ушлаб турибди. Айиқ нимада ўтирибди?

**Болалар.** Ором курсида.

**Тарбиячи.** Айиқ йиқилиб кетмаслиги учун оромкурсининг нимаси бор?

**Болалар.** Суянчиқлари.

**Тарбиячи.** Тўғри, орқа суянчиғи ва иккита ён суянчиғи бор. Қўғирчоқ Салимани нимага ўтказдик? Буни стул эканлигини қаердан билдингиз? Стулнинг нимаси бор?

**Болалар.** Орқа суянчиғи.

**Тарбиячи.** Тўғри стулнинг орқа суянчиғи бор, лекин нимаси йўқ? Мухтор кўрсат-чи. Мухтор (икки ён томонини кўрсатади). Икки ён томонида қўлни қўйиб ўтириш учун суянчиғи йўқ.

**Тарбиячи.** Тўғри икки ён томонида қўлларини қўйиш учун суянчиғи йўқ. Мана Айиқ ва Салима ўтиришибди.

Улар «чой билан меҳмон» қилишингизни кутишяпти. Столга нима солиш керак?

**Болалар.** Дастурхон.

**Тарбиячи.** Бир болага дастурхонни топиб, стол устига ёйишни таклиф этади. Болалардан Аҳмад дастурхонни қандай топди. Нима учун дастурхон ўрнига қўлсочиқни олмади, деб сўрайди. Қўлсочиқни болаларга кўрсатади.

**Тарбиячи.** Қўлсочиқлар қандай? Дастурхонга ўхшаш каттами ёки кичикми?

**Болалар.** Қўлсочиқ кичкина, дастурхон эса катта, деб жавоб беришади.

Сўнгра Айиқча ва қўғирчоқ Салима олдига қулоқли пиёлалар қўйишни таклиф этади. Болалар Айиқча катта қизил қулоқли пиёла, қўғирчоққа кичкина оқ қулоқли пиёла қўйишади.

**Тарбиячи.** Айиқ ва қўғирчоқ Салима қулоқли пиёлани қаеридан ушлашади?

**Болалар.** Қулоғидан (дастасидан). Иккита боладан қулоқли пиёланинг дастасини кўрсатиш таклиф этилади. Улар кўрсатадилар.

**Тарбиячи.** Қандай қилиб болалар қулоқли пиёлани (чашкани) билиб олишди? Мана бу ерда стакан ва пиёла бор. Буларни эса улар олишмади. Буларда нима йўқ? Стакан ва пиёлани айлантириб кўрсатади.

**Болалар.** Қулоғи (дастаси) йўқ.

**Тарбиячи.** Тўғри. Қулоқли пиёланинг нимаси бор?

**Болалар.** Дастаси (қулоғи).

**Тарбиячи.** Ҳа. Қулоқли пиёланинг дастаси бор. Мана шунисидан болалар қулоқли пиёлани билиб олишди.

Сўнгра болалар чой учун чой қошиқни топиш кераклиги тўғрисидаги топшириқни олишади. Тарбиячи болалардан чой учун чой қошиқни қандай танлаб (топиб) олганликларини, нима учун катта қошиқни (катта қошиқни кўрсатади) олмаганларини сўрайди.

**Бобир.** Булар катта ош қошиқлар. Чой учун кичкина чой қошиқ керак.

**Тарбиячи.** Катта қошиқлар нима учун керак?

**Болалардан бири.** Овқат ичиш учун.

**Тарбиячи.** Тўғри. Катта қошиқлар билан овқат ейлади, кичкина қошиқ эса чой учун керак. Қўғирчоқ Салима ва айиқ учун чой қўйиб берамиз. (Чойнакдан худди чой қуяётгандек ҳаракат қилади.)

**Тарбиячи** иккита болани чақириб айиқча ва қўғир-

чоққа чой ичиришни айтади, шу билан машғулотни тугаллайди.

### 9- машғулот

**Мавзу:** Қ. Раҳимнинг «Мақтанчоқ» ҳикоясини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни янги ҳикояни тинглашга таклиф этиш, унинг мазмуни асосидаги саволларга жавоб беришга ўргатиш; лугатни бойитиш ва мустаҳкамлаш; ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Ҳикоя учун ишланган расм эчкининг орқасидан уни ушлаб ололмай ҳассасини судраганча югуриб келаётган, эчкининг олдини тўсиб турган болани тасвирловчи сурат фланелеграф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларнинг эсларига жуда кўп қизиқарли китобларни, ундаги ҳикоя ва эртақларни билишларини туширади. Масалан: «Телефон», «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртақ», «Мойдодир» ва бошқалар. Бу китоблар,— дейди тарбиячи,— бизнинг китоб бурчагимизда бор. Бу китобларни рус болалар ёзувчиларидан Корней Иванович Чуковский ва С. Маршак ёзган. Бугун эса мен сизларга ўзбек болалар ёзувчиларидан Қ. Раҳимнинг «Мақтанчоқ» деган ҳикоясини ўқиб бераман. Тарбиячи ҳикояни ўқиб беради ва болалардан сўрайди. «Бу ҳикоянинг номи нима деб аталади? Нима учун Қ. Раҳим бу ҳикояни «Мақтанчоқ» деб атади?»

(«Чунки бу ҳикояда Ортиқ деган бола ўртоғи Назарни қўрқоқ деб масхара қилиб кулади, мен эса ҳеч нарсадан қўрқмайман деб керилади. Лекин Ортиқ бошида шохлари бор эчкини кўриб жуда қўрқиб кетади ва додлаганича қочиб қолади.») Бу ҳикоя қандай, Кулгилими ёки қайгулими? («Кулгили»). Бу ҳикояда қайси қаҳрамон сизга кўпроқ ёқди? Болалар ўзларига ёққан қаҳрамонни айтадилар, тарбиячи шу вақтнинг ўзида болаларга ёққан қаҳрамон ҳақида ёзилган матнни ўқиб беради. Сўнгра савол беради.

1. Ортиқни қандай бола деймиз? (мақтанчоқ, қўрқоқ).

2. Сиз ҳикоядаги қайси қаҳрамонга ўхшашни хоҳлайсиз? Нима учун?

Сўнгра тарбиячи болалардан китобнинг охирини ўқишга ёрдам беришларини сўрайди. «Ҳозир мен,— деб тушунтиради тарбиячи,— чол Назарнинг елкасига қоқиб, кейин кўчанинг бошида турган Ортиққа эшитар-

ли қилиб, — деган жойини ўқийман, сизлар эса шундай дейсиз:— «Умрингдан барака топ, ўғлим. Отанга раҳмат, кўрқмас бола экансан». Ҳикоя учун ишланган расмларни фланелографда кўрсатади.

Тарбиячи Назарнинг қандай қилиб эчкининг йўлини тўсгани жойидан то ҳикоянинг охиригача яна бир марта ўқиб, машғулотни тугаллайди. Болаларга яна бир марта Ортиққа ўхшаб мақтанчоқ бўлмасликни, ўртоқлари устидан кулмасликни таъкидлайди. Назардек одобли, кўрқмас бўлиш яхши хислат эканлигини айтиб ўтади. Машғулотдан кейин ёки кечки соатда бу китобни китоб бурчагига қўяди. Китобда агар расмлари бўлса болалар бу расмларни кўрадилар, матн мазмунини эсларига туширадилар. Бир-бирлари билан фикр алмашадилар.

Эслатма: Тарбиячи ҳикоядаги чапиллатиб, новда деган сўзларнинг маъносини машғулотгача тушунтиради.

### 10- машғулот

**Мавзу:** «Ит болалари билан» деган суратни кўриб чиқиш («Уй ҳайвонлари» серияли расмдан — автори С. Веретенникова). «Ҳайвонлар болаларининг номини тўғри айт» деган дидактик ўйин.

**Мақсад:** Болаларни суратдаги тасвирларни тўғри тушуниб олишга, унинг мазмуни асосида берилган саволларга жавоб беришга, оддий хулосалар чиқаришга; тарбиячининг сурат бўйича тузилган ҳикоясининг тинглашга; ҳайвонларнинг, паррандаларнинг болалари номини кўпликда (қўзичоқлар, улоқчалар, тойчоқлар, кучукчалар, жўжалар) тўғри айта олишга ўргатиш; нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Катталарга самимий мурожаат этишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** «Ит болалари билан» деган сурат. Қутича; унинг ичида ҳайвонларнинг болалари — ўйинчоқлари ёки расмлар. Қўй, сигир, эчки, товуқ, от (бия), итнинг расмлари.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга расмни кўрсатади, уни яхшилаб кўриб олиш имконини беради. Шундан сўнг расм юзасидан саволлар беради. Бу расмда нима тасвирланган? Она ит нима қиляпти? Она итнинг панжалари орасида нима бор? Она итнинг ёнида нима ётибди? Она ит ётган ўйча нима деб айтилади? Ана шу кучукча нима қиляпти? (Чумчуқларга қараб турган кучукчани кўрсатиб.) Она ит ва кучукчалар нимага қарашяпти? Чумчуқчалар нима қилишяпти? То-

воқдаги овқат кимларга қўйилган? Итнинг эгаси нима учун улар ҳақида ғамхўрлик қилади? Ит кўнгилчанми (раҳмдилми) ёки жоҳилми? Нима учун сиз она итни кўнгилчан (раҳмдил) деб ўйлайсиз?

Суратни кўриб чиқиш тарбиячининг ҳикояси билан тугалланади: «Бу расмда ит ва унинг болалари тасвирланган. Она ит катта, қора, жунлари ўсиқ, думи ва қулоқларининг жунлари узун. Катта, қора ва пахмоқ итнинг иккита кучукчаси бор. Ҳали улар жуда, жуда ҳам кичкина, ҳатто улар вовуллашни ҳам (акиллашни) билишмайди. Кучукчаларнинг жуни майин ва ўзлари ўхшовсиз. Кучукчалардан бири она итнинг ёнида ётибди, иккинчиси эса оёқларини кериб, каттагина думчасини қайириб чумчуқчаларга қараб турибди. Ит ва унинг болаларига эгаси овқат олиб келган. Итлардан қолган овқатни чумчуқлар чўқишаяпти. Она ит ёнида ётган кучукча чумчуқчаларга ҳайрон бўлиб.— «Улар кимлар?» дегандек қараб турибди. Бу сариқ кучукча ўз онаси олдида иссиққина роҳатланиб ётибди. Иккинчи кучукча думчасини юқорига кўтариб, товоқдаги овқатни чўқиётган чумчуқларга қараб турибди. У она итга ўхшайди—унинг ҳам тумшуғи оқ.

Бу сурат тўғрисида,— дейди тарбиячи,— кўпгина турли ҳикояларни ўйлаб топиш мумкин. Биз бу расмни ўз хонамизда қолдирамиз ва сизлар агар хоҳласангиз, кечқурун бу сурат бўйича ҳикоя ўйлаб, топишингиз ҳамда ит ва унинг болалари ҳақидаги ҳикояларингизни бизга гапириб беришингиз мумкин. Мана бу қутичада (кўрсатади) кичкинтойлар: ҳайвонларнинг, паррандаларнинг болалари бор. Кўзичоқлар, бузоқлар, улоқчалар, тойчоқлар, кучукчалар, жўжалар бор. Агар сизлар қўлларингизни кўтариб сизга керакли ҳайвон болаларининг номини тўғри айтсангиз, масалан «кўзичоқларни беринг» десангиз, мен уларни сизларга бажону дил қутичадан олиб бераман. Агар сизлар мендан ҳайвонлар болаларининг номини нотўғри айтиб сўрасангиз, улар сизларга боришни хоҳлашмайди. Диққат билан тингланг, қандай сўраш керак: Мен бузоқчаларни олишни хоҳлайман. Нимани олишни? ёки Менга марҳамат қилиб кўзичоқларни беринг. Нимани берай? (Шу тариқа ўйинни ўтказади).

Агар бола сўрашда адашса, унга ўйинчоқ ҳайвонлар берилмайди, балки ўртоқларининг қандай сўраётганликларини тинглаш таклиф этилади. Сўнгра тарбиячи хато қилган болага хатосини тўғрилашни айтади.



Шундан сўнг тарбиячи ўйинчоқларни йиғиштириб шундай дейди: «Хайвонларнинг болалари сизларга ўхшаб ўз оналарининг олдига келишди. Мана уларнинг оналари: қўй, сигир, эчки, товуқ, от (бия), ит». Тарбиячи ўйинчоқларни ёки расмларни кўрсатади. Болалар уларнинг номларини такрорлайдилар.

### 11- машғулот

**Мавзу:** Н. Орифжоновнинг «Шиш» деган ҳикоясини ўқиб бериш ва уни қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларни Н. Орифжоновнинг «Шиш» ҳикоясидаги воқеанинг тасвирланиши билан таништириш: болаларни ҳикоядаги кетма-кетликни бузмасдан муаллифнинг нутқ ибораларини сақлаган ҳолда қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Фланелеграф, унда юзқўллар кир-чир (иркит) қилиб чизилган бола расми, қовун, пичоқ, сариқ ари расми.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар олдида фланелеграф. Фланелеграфда — бола расми (юзлари, қўллари кир қилиб чизилган), қовун, пичоқ, сариқ ари. Мана бу Абдумутал деган бола (тарбиячи кўрсатади). Мана бу қовун, мана бу пичоқ, буниси эса сап-сариқ ари. Абдумуталнинг юзлари, қўллари жуда кир, кирлар юзида ва қўлида қотиб қолган. Бу қандай бола экан? (кир-чир, иркит, қайсар). Қовунни кўрсатиб: Бу нима? Пичоқни кўрсатиб: Бу нима? Болалар қани топинглар-чи. Абдумутал қовунни нима қилади? (Пичоқ билан қовунни сўяди.) Шундан сўнг тарбиячи фланелеграфдаги бола расмини кўрсатиб, мен бу боланинг исмини ким деб айтдим? У қандай бола экан? У ҳақда нима дейиш мумкин? (У кир (иркит), қайсар.) Абдумутал қовунни нима қилди? Қаранглар-чи, у нима қилапти? (Тарбиячи боланинг кир қўллари олдига пичоқни қўйиб кўрсатади).

Сўнгра сариқ арини болаларга кўрсатиб: Бу нима? У нима қилмоқчи? (Арини боланинг юзи олдига олиб боради.) Болалар, — Абдумуталнинг юзлари кир: қовун шираси бўлгани учун уни чақмоқчи, уни чақиб олади ҳам — деб айтадилар. Тарбиячи болаларнинг жавобини тинглайди ва шундай деб умумлаштиради. Абдумутал деган бола жуда кир (иркит), қайсар бола бўлиб, у катталарнинг гапларига ҳеч қулоқ солмайди, онасининг руҳсатисиз, қўл-юзини ювмасдан қовунни пичоқ билан сўйиб, шошиб ейди. Ширалари унинг юзига ёпишиб қолади. Бу ширали, кир юзни кўриб, сариқ ари ўз

найзасини унинг юзига санчади. Бунинг натижасида унинг юзида қип-қизил шиш пайдо бўлади. Мана шу шиш ҳақида болалар ёзувчиси Н. Орифжонов ўзининг ҳикоясини ёзади. Унинг номи ҳам «Шиш» деб аталади. Ҳозир мен сизларга уни ўқиб бераман,— дейди.

Тарбиячи ҳикояни ўқиб беради, кейин ҳикоя нима ҳақида эканлигини болалардан сўрайди, жавобларини тинглайди ва умумлаштиради: Қаранг сариқ ари кир-чир (иркит), қайсар болани қандай жазолади. Агар бизнинг группамизда шундай болалар учраб қолса, Абдумуталга ўхшаб жазоланадилар. Уларнинг ҳам кир юз-қўлларига ари ўз найзасини санчиб олади ва қип-қизил шиш пайдо бўлади.

Мен ҳозир яна бир марта ҳикояни ўқиб бераман, ҳаммангиз диққат билан қулоқ солиб ўтиринг, сўнгра сизлар шу ҳикояни қайта ҳикоя қилиб берасизлар. Ҳикояни иккинчи марта ўқиб бергач, 4—5 болани шу ҳикояни қайта ҳикоя қилиб бериш учун чақиради.

## 12- машғулот

**Мавзу:** «Уч тулки» ўзбек халқ эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни эртақни диққат билан эшитишга ва унинг мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб беришга ўргатиш. Болаларга эртақдаги тулки салбий қаҳрамон эканлигини тушуниб олишларига ёрдам бериш. Болалар билан ҳайвонлар тўғрисида ёзилган ва асосий қаҳрамонлардан бири — тулки иштирок этадиган эртақларни эсга тушириш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотдан 2—3 кун олдин тарбиячи китоб бурчагига рус халқ эртақларидан «Бўғирсоқ», «Мушук, хўроз ва тулки», «Қуён, тулки ва хўроз», «Тулки билан турна», «Қўлқоп» ва ҳоказо эртақларни қўяди. Болаларга мана шу эртақларнинг ҳаммасида тулки яшайди, деб тушунтиради ва китоб бурчагидан китобни олиб болаларга китобнинг муқовасини, ундаги расмларни кўрсатади. Болалар китобдаги расмларни кўриш билан эртақ мазмунини бир-бирларига айтиб берадилар (шу эртақлардан биронтасини тарбиячи куннинг иккинчи ярмида ўқиб беради).

**Машғулот учун материал:** Қуён, қўнғироқ, эшак ва хўтик, тулкиларнинг (она, ота ва бола, тулки) расмлари ёки ўйинчоқлари.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга қуён, қўнғироқни, эшак ва унинг боласи хўтиқни, тулкини

(она тулки, ота тулки, бола тулкини) кўрсатади ва болалардан уларнинг номини сўрайди. (Шу ҳайвонларнинг ва қўнғироқнинг расмини ёки ўйинчоғини кўрсатиш мумкин.) Тарбиячи болалардан тулки қандай ҳайвон эканлигини, эшак, унинг боласи хўтик, қуён қандай ҳайвон эканлигини сўраб олади. Сўнгра тарбиячи болаларга мана шу ҳайвонлар, қўнғироқ, «Уч тулки» ўзбек халқ эртагида учрашини айтади ва болаларга бу эртакни ҳикоя қилиб беради. Сўнгра эртак мазмуни юзасидан саволлар бериб сўрайди: «Ҳозир мен сизларга қайси эртакни ҳикоя қилиб бердим? Бу эртак қайси ҳийлагар ҳайвон ҳақида ёзилган? Эртакдаги тулкилар қандай? Раҳмдилми? ёки Ҳийлагарми? (айёр). Улар қандай қилиб қуёни алдашди?

Тарбиячи болалардан эшак ва унинг боласи хўтиkning қандай юришини кўрсатишини таклиф этади. Харакатни 5—6 марта (оёқларини тиззадан букиб турган жойда юришни) такрорлатади.

«Тулки айёр — деб давом эттиради тарбиячи. — Қани эсланглар-чи ота тулки, она тулки, бола тулки кимни алдашди?» Агар болалар бу саволга жавоб беришда қийналсалар, тарбиячи уларга айтиб беради: «Эсингиздами ота тулки аста келиб, хўтиктан қўнғироқни ечиб олибди-да, эшакнинг думига боғлаб қўйибди. Кейин хўтикни олиб қочибди. Муюлишда ким пайдо бўлибди? (она тулки пайдо бўлибди). Қуён хўтиги йўқлигини билди, у қандай йиғлабди? ва она тулки уни қандай алдабди?» Қийналган жойларида тарбиячи ёрдам бериб боради. Қашқа (қуён): «Тагин шўм тулки хўтигимни олиб қочмасин» деб шартта қайрилиб қарабди, қараса... (Хўтик йўқ) Қуён шунда... («Вой хўтиккинам... қайда қолдинг?— деб бирдан йиғлаб юборибди.) — Йиғлама, — дебди. «Она тулки», хўтигинг қаёққа боришини билмай, нариги муюлишда турибди. Бориб... (Ҳайдаб кел). Мен эшагингга... («қараб тураман»). Шунда она тулки ... (Эшакка мина солиб қочибди). Эртакнинг охирида тулкининг боласи қандай қилиб Қашқани (қуёни) алдагани тасвирланган? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглайди ва болаларга яна бир марта она тулкининг, тулки боласининг, Қашқа (қуён) билан бўлган диалогини эсларига туширади.

Машғулотни тугаллар экан, болаларга тулки ҳақида яна битта янги эртак билан танишганликларини айтади. Болалардан тулки бор бўлган эртакнинг номини эсларига тушириб айтиб беришларини сўрайди.

### 13- машғулот

**Мавзу:** Товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсади:** Болаларни «ц» товуши билан таништириш ва бу товушни тўғри талаффуз этиш бўйича машқ қилиш, «ц» товушини бўғинларда, сўзларда тўғри талаффуз этишга ўргатиш, болалар билан с, з товушларининг талаффузини эсга тушириш.

**Машғулот учун материал:** Номида «ц» товуши бор бўлган расмлар, сеҳрли сандиқча, қўғирчоқ (ҳар бир болага) ёки айиқча ўйинчоғи.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи «Болалар сизнинг тилчангиз қандай ашулаларни айтишни билади?»— деб сўрайди. (Насосдан чиқаётган ҳавонинг ашуласини: с-с-с, ссс. Чивиннинг ашуласини: з-з-з, ззз). «Ҳозир,— деб давом эттиради тарбиячи,— мен сизларга шеър айтиб бераман. Сизлар қайси шеърда насосдан чиқаётган ҳавонинг ашуласи, қайсисида чивиннинг ашуласи борлигини айтасизлар. Топинглар-чи, қайси шеърда қайси ашула яшайди.

Ботинкасин олди Рустам,

Онасига билдирмасдан.

Терлаб кетди қийингунча

«Вой, ботинкам, торсан бунчал»

(О. Маҳкамов. «Ботинка»).

(Тарбиячи С товушини ажратиброқ талаффуз этади, яъни бошқа товушларга нисбатан кучлироқ овозда.)

Тилла қўнғиз,

Дейди «ғиз-ғиз»

— Қўйвор мени

Ишим тиғиз.

(А. Ирисов. «Қўнғиз нима дейди»).

(Тарбиячи З товушини бошқа товушларга нисбатан кучлироқ талаффуз этади).

Тарбиячи болалар жавобини тинглаб бўлгач шундай дейди: «Бугун мен сизларга янги ўйин ўргатаман. Бу ўйиннинг номи «Секин-секин» деб айтилади,— деб ҳар бир боланинг қўлига қўғирчоқ ёки айиқча бериб чиқади. Тарбиячи шундай дейди. «Болалар, бизнинг қўғирчоқ ва айиқчаларимиз шўхлик қилишяпти. Уларга секин-секин овоз чиқармасдан ўтиринглар деймиз»

Эшитинглар: ц-ц-ц. Сизлар кўрсаткич бармоқчангизни оғизларингиз олдига олиб келиб қўғирчоқларга «ц-ц-ц!» деб айтингллар. Болалар аввал тарбия-

чи билан биргаликда, сўнгра алоҳида-алоҳида Ц товушини айтадилар. Баъзи болалар Ц товушини тўғри талаффуз эта олмасалар, тарбиячи болаларга шундай дейди: «Хамма кўғирчоқлар тинчланишди, фақат Валининг кўғирчоғи шўхлик қилаяпти? Вали кўғирчоғининг тинчит? Шу тариқа бир неча болани (ц товушини талаффуз эта олмайдиган 5—6 та болани) ўз олдига чиқариб кўғирчоғини тинчитишни таклиф этади.

Энди болалар, дейди тарбиячи тилчамизга янги ашула айтишни ўргатамиз. Ц ашуласини тилчамиз айтганда яхши эшитилади: ца-ца-ца, цо-цо-цо, ци-ци-ци, цу-цу-цу. Келинлар ҳаммамиз биргаликда бу ашулани айтамыз, жуда баланд овозда айтамыз: ца-ца-ца, цо-цо-цо, ци-ци-ци, цу-цу-цу.

Энди Дилбарнинг тилчаси бу ашулани қандай айтишни тинглаймиз. (Энг аввало бу бўғинларни ц товушини яхши талаффуз эта олмайдиган болалар айтадилар.) Дилбарнинг тилчаси айтган ашулани Салимнинг тилчаси эшитиб, унинг ҳам айтгиси келибди. Қани Салим сен ҳам чиққин, сенинг тилчанг ҳам ашула айтиб берсин. (4—5 бола чиқарилади.) Энди хамма қиз болаларнинг тилчалари янги ўрганган ашулани айтсин (фақат қизлар ца-ца-ца, цо-цо-цо, ци, ци, ци, цу-цу-цу деб айтадилар). Энди ўрил болаларнинг тилчалари бу ашулани такрорлайдилар.

Сўнгра тарбиячи хонанинг ўртасида туриб, қўллари олдинга кўтаради ва ца-ца-ца, деб айтади, юқорига кўтарганда цо-цо-цо, ёнга туширганда ци-ци-ци пастга туширганда цу-цу-цу деб айтади. Болалар ҳам, тарбиячининг қилиб кўрсатган ҳаракатларини стулларида туриб бажарадилар (физкультура паузаси).

Энди болалар сизлар билан «Сехрли сандиқча» ўйинини ўйнаймиз. Тарбиячи бу ўйин учун аввалдан номида ц товуши бор бўлган расмларни тайёрлаб қўяди. Масалан, цирк, циркуль, милиционер, мотоцикл, станция ва бошқалар. Расмларни болаларга кўрсатади, болалар эса расмларнинг номларини айтадилар. Сўнгра тарбиячи расмларни сандиқчанинг ичига солади ва навбатма-навбат болаларни чиқариб, сандиқча ичига қўлини тиқиб битта расмни олади ва уни болаларга кўрсатиб, номини айтадилар.

Машғулотни яқунлашда тарбиячи болаларга топшиқмоқчи ҳикоя ёки шеър айтади.

Масалан: «Кўркам формам устимда,  
Сергакдирман постимда.

Хуштак чалиб «чурр» дейман,

Йўлни топиб юр, дейман.  
«Чурр», «чурр», «чурр»

бу ким болалар (милиционер). «Милиционер» — бу сўзда қайси ашула эшитилаяпти (ц). Болалар бугун бизнинг тилимиз қайси ашулани айтишни ўрганиб олди. Сиз шўх қўғирчоқларингизни, айиқчаларингизни қандай тинчлантирдингиз (ц-ц-ц) деб сўрайди.

#### 14- машғулот

**Мавзу:** Ш. Саъдулла, «Еттинчи ноябрь» шеърини ёд олдириш.

**Мақсад:** Болаларга шеърни ёд олишларида ёрдам бериш: Шеърни жуда балеңд овозда айтмасликка, шоншилмасдан, сўздаги қўшимчаларни аниқ қилиб, сўзларнинг ўрнини алмаштирмасдан айтишга ўргатиш. Болаларда эстетик ҳис-туйғуларни тарбиялаш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Болалар билан сайр вақтида кўча байрам арафасида қандай безатилганлигини кузатиш, қизил байроқларнинг ҳилпирашини, ҳар бир кўча ва уй байроқлар билан безатилганлигини ва ҳоказо кузатиш.

**Машғулот учун материал:** Қизил байроқчалар (болалар сонига етарли).

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга қандай шеърни ёд олганликларини эслашни таклиф этади. Болаларнинг жавобини тинглагач, шундай дейди: Бугун мен сизларни янги бир қувноқ шеър билан таништираман. У «Еттинчи ноябрь» деб айтилади. Биз яқинда қандай байрамни нишонлаймиз? Сизлар сайрга чиққанингизда кўчалар, уйлар қандай безатилганлигини кузатдингиз? Байрамда катта-ю кичик қўлларидан нималарни кўтариб ўтадилар? Улар қаердан ўтадилар? Сизларни кимлар байрамга олиб чиқади? Сизлар нималарни қўлларингизга кўтариб оласиз? Бу байрам қандай байрам?— деб саволлар беради. Жавобларни тинглайди ва шеърни ўқийди (ёдан айтади). Шеър айтаётган вақтда мазмунига хос ҳаракатлар қилиб кўрсатади, интонация билан шодлик руҳида айтади. Шеърни айтиб бўлгач, болалардан: бу шеър сизга ёқдими? Шеър нима ҳақида ёзилган экан? У қандай бошланади? («Бугун байрам, Қўлларда қизил байроқлар...») Бу шеър шодлик, хурсандчилик сўзлари билан бошланади,— деб айтади тарбиячи. Сизлар ҳам бу шеърнинг бошланишидаги сўзларни шодлик, хурсандчилик билан айтиб

кўринг-чи. Болалар биргаликда шеърнинг бошланишини айтадилар. Сўнгра шеърнинг бошланиши 3—4 боладан алоҳида-алоҳида сўралади. (Уларнинг қўлларида байроқчалар бўлади.) Яна ҳамма болалар биргаликда шеърнинг бошланишини такрорлайдилар.

Эшитинглар, — дейди тарбиячи. — «Ҳаёт қайнар йўлларда, шодмиз ўртоқлар».

Ҳамма бирдан қичқирар: «Яшасин тинчлик». Нима деб қичқиришар экан? («Дунёда тинчлик бўлсин, бизлар тинчликни истаймиз, болаларимиз тинч яшасин деб айтишар экан».)

Тарбиячи давом эттиради: «Ҳар кўча, уй, ҳар бино, Безанган кўркам, Чунки бутун ўлкада шодлик ва байрам» ва болалардан сўрайди. Бу шеър қандай ёзилган экан? (Шодлик ва хурсандчилик тарзида.) Тўғри, бу шеър шўх, хурсандчилик, шодлик руҳи билан ёзилган, — деб тарбиячи болалар жавобини тасдиқлайди — шунинг учун бу шеърни шошмасдан, хурсандчилик билан айтиш лозим. Уни баланд овозда айтмаслик керак. Тингланглар, мен яна бир марта бу шеърни айтиб бераман. Сизлар мен шеърни қандай айтишимни диққат билан эшитиб ўтиринг. Кейин мен ҳар бирингиздан сўрайман, деб шеърни яна бир марта айтиб беради. Кейин 4—5 болани алоҳида-алоҳида шеърни айтиб бериш учун чақиради. Боланинг эсидан чиққан жойларини айтиб туради.

### 15- машғулот

**Мавзу:** Қуённи кузатиш.

**Мақсад:** Болаларни қуённинг ташқи кўриниши ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, момик, юмшқоқ, жуни қалин, калта дум, орқа оёқлари олдинги оёқларидан узунроқ деган сўзлар ҳисобига болалар лугатини бойитиш ва фаоллаштириш. Қуённи парваришlash ҳиссини вужудга келтириш.

**Машғулот учун материал:** Саватга солинган тирик қуён, клёнка, силлиқ тахтачалар, сабзи, қотган нон, ўт, карам.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар ярим доира бўлиб ўтиришади. Хонанинг ўртасидан қуён учун жой ажратилган, бу жойнинг атрофи қуён чиқиб кетмаслиги учун скамейкалар ёки бирор бошқа нарса билан тўртбурчак шаклида ўраб қўйилади. Хонанинг эшиги ёниб қўйилади. Тарбиячи саватдаги қуённи олиб киради: «Бола-



лар, бугун биз қуённи кузатамиз. Биз нима қиламиз? Мен қуённи силаб кўришингизга рухсат бераман. Лекин қуённи жуда эҳтиётлик билан силанг, унга озор берманг. Яхшиси уни қулоғидан думи томонга қараб силаш керак: енгил, жуда енгил силаш керак. Кўрсатинглар-чи, қаңдай силайсизлар». Болалар ҳаракатни қилиб кўрсатадилар. Тарбиячи қуённи саватдан олади ва уни тиззасига қўяди (тиззасига салфетка, клёнка солинган) болалардан секингина сўрайди: У қандай? («Катта. Оқ жунли, жуни юмшоқ. Қулоқлари узун» ва бошқалар) ва болалар жавобини умумлаштиради: «Тўғри, қуён катта, оқ, момикқина, унинг жуни юмшоқ ва жунлари жуда қалин». Тарбиячи болаларни олдига чақиради. Улар қуённи силайдилар, унинг жуни қандай эканлигини силаб кўрадилар.

Тарбиячи болаларга қуён қандай ҳаракат қилаётганини кузатишни таклиф этади. Уни атрофи ўралган полга қўйиб юборади. «Қуён сакрапти»,— деб айтадилар, болалар. Тарбиячи болаларга саволлар беради: Нима учун қуён сакрай олади? Унинг оёқлари қандай?— тарбиячи болаларнинг жавоблари асосида хулоса чиқаради: «Қуён шунинг учун ҳам сакрай оладики, унинг орқа оёқлари, олдинги оёқларига қараганда узунроқ бўлади». Сўнгра тарбиячи болаларга қуённинг барча ҳаракатини диққат билан кузатишни ва бу ҳаракатни ифодалашни айтади. «Ўтирди, сакради, орқа оёқларида турди, жунини қашлади»,— деб болалар паст овозда айтишади.

Тарбиячи болаларнинг диққатини қуённинг қулоғига йўналтиради: «Қуён қулоқларини ҳаракатлантираяпти: бир қулоғини кўтариб, атрофга қулоқ солаяпти, тинглаяпти, қулоқларини орқа томон чўзаяпти, иккала қулоғини кўтараяпти, қулоқлари узун, узунлигидан курагини эгаллайди, бир томони оқ, бошқа томони қорамтир, узун ва энсиз». Кейин тарбиячи болаларга қуён қандай овқатланишини кузатиш кераклигини айтади: «Қуён жуда тез чайнайди, унинг тишлари жуда ўткир». Эрталаб қуёнга овқат бермаслик керак. Унинг учун сабзи, қотган нон, ўт, карам тайёрлаб қўйиш керак. Қуённинг эгасидан (агар у боғчанинг ўзида бўлмаса) у нимани кўпроқ ёқтиришини сўраб олиш керак.

Сўнгра тарбиячи болаларга яна бир бор қуённи кузатишлари учун имкон беради, қуённинг қандай хулқларини аниқлаганликларини, яна нималари ҳақида га-

пирилмаганлигини сўраб, жавобларни тинглайди. Машгулотнинг охирида болаларнинг кузатишларини умумлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади: «Бу катта қуён. Унинг жунлари момиққина (юмшоқ). Узининг узун ва энсиз қулоқларини орқаси томон чўзади (қўяди). Баъзан аввал бир қулоғини кўтаради, баъзан эса иккала қулоғини бирданига кўтаради ва теварак-атрофни тинглайди. Тинглайди-тинглайди-да ва бирор томонга сакрайди! Қуённинг орқа оёқлари олдинги оёқларига қараганда узунроқ. У сакрайди. Тез сакрайди. У шундай тез сакрайди-ки, бунинг натижасида унинг думи бор эканлигини сезмай ҳам қоласан. Тўғри қуённинг думи жуда калта, шунинг учун дарров уни пайқаш қийин. Узининг ўткир тишлари билан у жуда тез ишлайди: кўзингни юмишга улгурмасданоқ сабзини еб қўяди. Қарам билан ўтни эса сабзидан ҳам тезроқ еб қўяди».

### 16- машгулот

**Мавзу:** Ит ўз болалари билан» деган сурат бўйича ҳикоя тузишга ўргатиш. «Мазасидан топ» деган дидактик ўйин.

**Мақсад:** Болаларни таниш сурат асосида қисқа ҳикоя тузишга, айрим мева ва сабзавотларнинг мазасига қараб ажратишга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Болаларни машгулотдан 2—3 кун олдин маймоқ айиқ (айиқ ўйинчоғи) билан таништириш, уни болалар билан сайрга олиб бориш керак, болаларни ўзларига таниш бўлган «Лола ва мушук», «Еттинчи ноябрь» шеърларини айтишга таклиф этиш, уларга кузги гулларни, барглари ва бошқаларни кўрсатиш керак.

**Машгулот учун материал:** «Ит ўз болалари билан» номли сурат. Айиқ ўйинчоғи. Тақсимча солинган мева ва сабзавотлар, вилка, қайнатилган картошка, тузланган бодринг.

**Машгулотнинг бориши:** 1. Тарбиячи болаларга аввалдан таниш бўлган «Ит ўз болалари билан» деган расми хонага эрталаб, машгулотгача олиб киради ва уни болалар яхшилаб мустақил кўриб олишлари учун хонада қолдиради.

Болалар суратни кўриб чиқиш вақтида бир-бирлари билан таассуротларини ўртоқлашадилар, суратдаги энг муҳим нарсаларни кўриб олишга улгурадилар.

2. Тарбиячи болалар билан сурат мазмунини эсга олади ва улардан сўрайди: «Бу суратда нима тасвир-

ланган? Қандай ит? ... Битта кучукча ётибди. У қандай? Иккинчи кучукча ҳақида нимани ҳикоя қилиб бериш мумкин?» Болаларнинг жавобларини умумлаштиради, уларнинг диққатини она итнинг ва болаларининг ташқи кўринишига жалб қилади.

Болаларга берилган саволлар уларнинг ит ва унинг болалари ҳақида тузадиган ҳикоялари учун энг муҳим нарсаларни танлаб олишларига ёрдам беради.

3. Тарбиячи маймоқ оёқ айиқни болаларга кўрсатиб шундай дейди: «Айиқнинг кичкина ўрдак дўсти бор. Айиқ дўсти ўрдакка болалар бөгчасида ит ва унинг болалари ҳақида сурат борлиги ҳақида гапириб берди. Ўрдак ҳеч қачон ит ва унинг болаларини кўрмаган экан. Ўрдак дўсти айиқдан ит ва унинг болалари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Шунинг учун маймоқ айиқ сизлардан сурат ҳақида ҳикоя қилиб беришларингизни сўрайди. У сизлардан ит ва унинг болалари ҳақида нималарни эшитса, шуларни дўсти ўрдакка қайта ҳикоя қилиб беради. Ким нима ҳақида ҳикоя қилишни хоҳласа, шу ҳақда ҳикоя қилиши мумкин. Фақат она ит ҳақида ҳикоя қилиш ёки бирорта боласи ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин».

Бундай ўйин дақиқалари болаларга қувноқлик бахш этиб, уларни жонлантиради.

4. Сурат олдига чақирилган боладан, у нима ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчилигини сўраш. Бу тарбиячи учун олдиндан болага ниманидир маслаҳат (ёрдам) беришига имкон беради.

5. Агар бола ҳикояси тўлиқ бўлмаса, кўп жойларни ташлаб кетса, унга тўлдирувчи ва аниқловчи саволлар бериш мумкин: «Бу кучукча ётибдими? Сен унинг думи ҳақида ҳикоя қилиб беришни хоҳлайсанми?» Бундай саволлар учтадан кўп бўлмаслиги керак, чунки бу ёшдаги болалар ҳозирча ҳикоя қилишга ўртоқларининг ҳикоясини эшитишга эндигина ўрганаётган бўлишади.

6. Тарбиячи болалар томонидан ўртоғининг ҳикоясини тўлдириш усулидан ҳам фойдаланиши мумкин. («Дониёрнинг сарғиш кучукча ҳақида тузган ҳикоясига ким қўшимча қилмоқчи?») Тарбиячининг ва болаларнинг қўшимча қилишларининг сони (тарбиячи билан болаларнинг савол ва қилган қўшимчаларини бирга қўшганда) учтадан ошмаслиги керак, масалан: а) тарбиячининг саволи + боланинг тўлдириши, б) фақат боланинг қўшимча қилишлари, в) тарбиячининг саволи + боланинг қўшимча қилиши.

7. Тарбиячи ва болаларнинг қўшимчалари ва аниқлашларидан кейин сурат юзасидан ҳикоя қилишда қийналган болага ҳикояни яна бир марта такрорлашни таклиф этадилар. («Маймоқ айиқ яхши эслаб қолиши учун ҳикоянинг баландроқ овозда такрорла».)

Бола ҳикоясини иккинчи марта такрорлаганда унга қўшимчалар киритади, қолдирган жойларини тўлдиради. Сўнгра тарбиячи болалар ҳикоясини баҳолайди. У турли шаклда бўлиши мумкин. Масалан; «Олим кучукча тўғрисида шундай қизиқарли қилиб ҳикоя қилиб берди-ки, ҳатто маймоқ айиқ унинг ёнига яқинроқ сурилиб ўтирди. Жуда қизиқиб эшитди». (Ўйинчоқни ҳикоя қилиб берган бола ёнига суриб кўяди.)

Машғулот охирида айиқ сурати мазмуни тўғрисида ҳикоя қилиб беради, (тарбиячи сурат юзасидан ҳикоя қилиб беради), болалар эса айиқ «Ит-ва унинг болалари» ҳақидаги ҳикояни эслаб қолдим, уни дўсти ўрдакка ҳикоя қилиб бера оладими, шуларни кузатиб бордилар. Кейин тарбиячи болаларга сабзавот ва меваларни еб кўриб, уларни мазасидан билиб олишга ўрганишни таклиф этади. Аввал болаларга тақсимчага солинган мева ва сабзавотларни кўрсатади, улар бу мева ва сабзавотларни номларини айтишади: сабзи, бодринг, помидор, олма, олхўри, картошка ва ҳоказо. Сўнгра тарбиячи болани олдига чақиради, кўзици юмиб туришини айтиб, бир бўлак мевани ёки сабзавотни қирқиб, болаларга кўрсатиб боланинг оғзига солади. Қичкинтой еб кўриб, уни нима билан меҳмон қилганликларини айтади. Тарбиячи болалар нутқдаги — қайнатилган, тузланган, нордён, ширин каби сўзларни фаоллаштиради.

### *17- машғулот*

**Мавзу:** Теварак-атроф билан таништириш. Болаларни нарсаларнинг сифати ва хусусияти билан таништириш.

**Мақсад:** Теварак-атрофдаги нарса ва буюмлар, уларнинг хилма-хил сифатларини («тиник», «хира», «қаттиқ») айтишни ўргатиш. Луғатларини «тиник», «хира», «қаттиқ» деган сўзлар билан бойитиш ва фаоллаштириш. Болалар диққатини «тиник», «хира» сўзига қаратиш.

**Машғулот учун материал:** Шакли, катталиги бир хилда бўлган учкита стакан, аммо бири шиша (тиник), иккинчиси қоғоз (хира) стакан бўлиши керак. Болалар сонига ётарли (тиник) шишали буюмлар (стакан, банка, бутилка, рюмка, фужер ва ҳоказо).

**Машфулотнинг бориши:** Тарбиячи машфулотни топишмоқли ўйин билан бошлайди. Болаларга иккита стаканни кўрсатиб: Булар нима? Улар нимадан ясалган? деб сўрайди. Сўнгра тарбиячи стаканларнинг ичига бирор нарсани (бир бўлак оқ қанд ёки конфет, шарча ва ҳоказо) солади ва болалардан унинг ичида нима борлигини топишни айтади. Болалар жуда енгиллик билан тиниқ стаканда нима борлигини топадилар, аммо хира (тиниқ бўлмаган) қоғоз стакан ичида нима борлигини тахминлаб (таваккал қилиб, тусмоллаб) айтадилар. Улар қоғоз стакан ичида нима борлигини тўғри топа олмайдилар. Уйин икки-уч марта такрорлангач, тарбиячи болалардан тиниқ стаканни кўрсатиб: нима учун бу стакан ичидаги нарса нима эканлигини тез топингиз? аксинча тиниқ бўлмаган қоғоз стаканни кўрсатиб: бу стакан ичидаги нарса нима эканлигини топишда қийналдингиз? деб сўрайди.

Болалар бундай саволга қуйидагича жавоб беришади: Чунки шиша стакан тиниқ, буниси эса хира (тиниқ эмас). Шиша стакан ичидаги нарса кўриниб турибди. Қоғоз стакан ичида қандай нарса борлиги кўринмайди.

Болаларнинг жавобларидан шу нарса кўриниб турибдики, улар нарсанинг асосий белгисини ажрата олдилар, шунинг учун нарсанинг сифатини билдирувчи сўзни болалар лугатига киритиш керак.

Сўнгра тарбиячи болаларга яна мурожаат этади: «Бу стакан ичидаги нарса кўриниб туради, у тиниқ. Бу стакан эса тиниқ эмас, шунинг учун унинг ичидаги нарса кўринмайди». Кейин икки-уч болага тиниқ, хира (тиниқ бўлмаган) стаканларни кўрсатишни таклиф этади.

Машфулотнинг кейинги қисмида тарбиячи болаларга шишали нарсаларни тарқатиб чиқади (стакан, банка ва банкачалар, бутилка ва бутилкачалар, шишали гулдон ва ҳоказо).

**Тарбиячи.** Энди олдиларингиздаги нарсани қўлингизга олиб, у орқали бир-бирингизга қаранг. Бир-бирингизни кўраяпсизми? Энди қўлингиздаги нарсанигиз (бутилкангиз, стаканингиз, рюмканингиз ва ҳ. к.) орқали менга қаранг. Мен кўринаяпманми? Тарбиячи болалардан қониқарли жавоб олгач, ичидаги нарсалар кўринадиган, у орқали бир-бирингизни кўриш мумкин бўлган буюмни қандай буюм деймиз?

Болалар. Тиниқ, деб жавоб беришади. Кейин учтўртта болага улардаги буюм қандай буюм эканлиги-

ни айтиш таклиф этилади (тиниқ банка, тиниқ стакан, тиниқ рюмка ва ҳоказо). Сўнгра тарбиячи болаларга «Тиниқ буюмларни топиш учун нима қилиш керак?» деган саволни беради, болалар жавоб беришади: «Унга қараш керак», «У орқали бошқа нарсалар, болалар кўринса, у нарса тиниқ бўлади».

**Тарбиячи.** Стол юзасидан (устидан) пастга қаранглар-чи, оёқларингиз кўринадими?

**Болалар.** Йўқ.

**Тарбиячи.** Столнинг юзаси тахтадан қилинган, шунинг учун ундан қараганимизда оёқларимиз кўринмайди, деб тушунтиради.

Шундан кейин тарбиячи яна болаларнинг диққатини шишали буюмларга йўналтиради ва уни сиқиб кўришни айтади. Болалардан: шиша буюм қаттиқми, юмшоқми? деб сўрайди. Болалар, қаттиқ, деб жавоб беришади.

Буюмнинг қаттиқ эканлигини билиш учун нима қилиш керак? дейди тарбиячи. Уни сиқиб кўриш керак, деб ҳаракатни қилиб кўрсатишади болалар. Тарбиячи болаларнинг жавобларини тасдиқлаб: «Тўғри, уни сиқиб кўриш керак» деб ҳаракатнинг номини (сиқиб кўриш керак) такрорлатади.

Машғулотнинг учинчи қисми теварак-атрофдаги нарсалардан янги сифатларни ажратишни машқ қилишга бағишланади. Тарбиячи болаларга теварак-атрофга қараб тиниқ буюмларни (нарсаларни) топишни, топгач, унинг номини айтишни ва қўйидаги саволга жавоб беришни айтади. «Буюм тиниқ эканлигини қандай билиб олдинг? Худди шу тариқа тиниқ бўлмаган буюмни топишни айтиб, уни қандай топганлигини, буюм тиниқ эканлигини қандай билиб олганлигини сўрайди.

### *18- машғулот*

**Мавзу:** Ошпазнинг меҳнати ҳақида суҳбат.

**Мақсади:** Болаларда диалогик нутқни такомиллаштириш. Уларга суҳбатда қатнашишни, тарбиячининг саволларига тўғри жавоб беришни ўргатиш. Болаларнинг ошпазнинг меҳнати ҳақидаги билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Ошпаз меҳнатини ҳурмат қилишга ўргатиш. Болалар нутқини бойитиш ва фаоллаштириш.

Олдиндан қилинадиган иш: Машғулотдан бир неча кун аввал (3—4 кун) болаларни ошхонага олиб бориб, ошпаз меҳнати билан таништириш лозим.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи: Болалар, эслайлик-чи, ошхонада нималарни кўрган эдик? Ошхонада кимлар ишлайди? Улар қандай ишларни бажардилар? Ошпаз қандай кийинган эди? Нима учун ошпаз халат ва қалпоқ кияди? Ноннинг усти нима билан бекитилган эди. Ошпазга ким ёрдам беради? Ошхонада яна нималар бор эди? Ошпаз овқатни кимлар учун тайёрлайди? Биз ошхонага кирганимизда ошпаз қандай овқатларни тайёрлаётган эди? Машғулот охирида тарбиячи, ошпазнинг меҳнати қақида сўзлаб беради. Ошпаз болалар учун ғамхўрлик қилади, болаларга ширин ва мазали овқатлар тайёрлайди, у овқатларни болалар кутиб қолмасликлари учун ўз вақтида етказиб беради. Ошпаз ўз ишини яхши кўради. У болаларнинг ширин ва мазали овқатларни яхши кўриб ейишларини билади, шунинг учун ҳам ошпаз яхши, ширин ва мазали овқатлар тайёрлашга ҳаракат қилади. Болалар унинг пиширган овқатларини иштаҳа билан ейдилар ва соғлом, кучли бўлиб ўсадилар. Агар биз ошпазнинг пиширган овқатларини қолдирмасдан есак, ошпаз опамиз жуда хурсанд бўладилар ва бизга ширин овқатлар тайёрлаб берадилар. Ошпазлар фақат боғчалардагина эмас, балки завод, фабрика, колхозлардаги, шаҳар, районлардаги ошхоналарда ҳам ишлайдилар. Улар ишчилар, колхозчилар учун мазали ва ширин овқатлар тайёрлаб берадилар. Уларнинг меҳнати анча оғир, биз уларнинг меҳнатини қадрлашимиз керак.

Машғулот охирида Қуддус Муҳаммадийнинг «Шарофат холам пазанда» деган шеъри ўқиб берилди.

### 19- машғулот

**Мавзу:** Оқилжон Ҳусановнинг «Болари ва қовоқари» ҳикоясини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Бадий адабиётга қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш, ўқиб берилган асарнинг мазмунини ўзлаштириб олишларига ёрдам бериш. Асар мазмуни бўйича саволларга жавоб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Асал йиғаетган, гулларга қўнаётган болари расми ва қовоқари расми.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар, эсланглар-чи, сизлар машғулотда қайси эртақ ва ҳикояларни тинглаган эдингиз, — дейди тарбиячи. Ана шу эртақ ва ҳикояларни эслаб, бизга айтиб беринг. (Болаларнинг жавобларини эшитилади, айтилмаган асарларни эслашларига ёрдам беради. Жавобларни умумлаштиради.)



Бугун мен сизларга янги ҳикоя ўқиб бераман. Уй-лайманки, у сизга ҳам ёқади. Мен ҳозир сизларга Оқил-жоң Хусановнинг ҳикоясини ўқиб бераман. Унинг ҳикояси «Болари ва қовоқари» деб аталади. (Болалардан бу ҳикоянинг муаллифини эсда сақлаб қолиш талаб қилинмаслиги керак, лекин муаллифни билиб олишса яна ҳам яхши бўлади.) Асарни ўқиб беришдан аввал болаларга болари ва қовоқарининг расмини кўрсатиб, бу расмда қайси ари болари? Қайси бири қовоқари? Болари қандай фойда келтиради? Қовоқарини қандай ари деб ўйлайсиз? Болари билан қовоқари ўртасида қандай фарқ бор? деган саволларни беради. Сўнгра «Болари ва қовоқари» ҳикоясини ўқиб беради. Ўқиб бергач, болаларга қуйидаги саволларни беради.

Бу ҳикоя нима ҳақида ёзилган экан? Ҳикоя қандай бошланади? Ким қовоқарининг боларига айтган сўзларини эслаб қолди? Боларининг жавобларини эшитади, уларни умумлаштиради, янги саволлар беради: «Боларининг қовоқарига айтган гапларини ким такрорлаб бермоқчи?» (Агар болалар бу саволларга жавоб беришда қийналсалар тарбиячи қовоқари ва болари ўртасидаги диалогни яна бир марта ўқиб беради). Болалар учун янги сўз бўлган шаштидан сўзининг маъноси-ни тушунтиради ва болаларга бу сўзни такрорлашни, эсда сақлаб қолишни айтади. Болалар қовоқари боларининг гапига чидаб туrolмай «жжж» деб гўнғиллаб тез учиб боларига яқинлашибди. Ҳозир сизлар жаҳли чиққан қовоқари бўласизлар. Хона бўйлаб «жжж», деб учиб юрасизлар. «Жжж», «жжж» (физкультура дақиқаси). Физкультура дақиқани болалар бажариб бўлганларидан кейин ўз жойларига бориб ўтирадилар. Тарбиячи: «Қовоқари боларидан одамлар сизларни нима учун яхши кўришади?— деб сўраганда болари нима деб жавоб берди. (Болари биз баҳордан то қишгача меҳнат қиламиз, одамларга асал йиғиб берамиз...) Сўнгра тарбиячи болалардан ҳикоянинг бошланишини, айниқса ҳикоядан уларга ёқиб қолган жойини, яъни боларининг аччиғи чиқиб қовоқарига айтган сўзларини эсга келтиришни ва уни такрорлашни таклиф этади. Бир қанча болаларга ёққан жойини такрор ўқиб беради. Бу болаларнинг асар мазмунини яхши эслаб қолишларига ёрдам беради. Кўпроқ болаларга қовоқари билан боларининг диалоги ёқади. Шунинг учун шу текстни қайта ўқиб бериш керак. Бу текстни яна шунинг учун ҳам такрорлаш керак-ки, бу болаларнинг товушга тақлид

қилишлари ва ифодали ўқишлари учун ҳам имконият беради.

## 20- машғулот

**Мавзу:** «Ёз-куз» деган дидактик ўйин.

**Мақсад:** Болаларнинг йилнинг икки фасли, яъни ёз ва куз ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, болаларни ёз ва кузнинг белгиларини расмларда топа билишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Ёз ва куз фаслининг айрим белгилари тасвирланган кичик ҳажмдаги расмлар (болалар сонига етарли). Ёз ва куз фаслини тасвирловчи катта ҳажмдаги раем (досканинг икки томонига осиб қўйиш учун).

**Машғулотнинг бориши:** Болалар ярим доира шаклида ўтиришади, ўртага стол қўйилади. Стол устига ёз ва куз фаслининг айрим белгилари тасвирланган расмлар тескари қўйиб қўйилади. (Болалар сонидан бир оз кўпроқ.) Тарбиячи болалар диққатини девордаги ёзни тасвирловчи суратга (досканинг ўнг томонидаги расмга) йўналтиради ва болалардан унда нима тасвирланганлигини, йилнинг қайси фасли эканлигини, нима учун болалардан бу расмда ёз тасвирланган деб ўйлашларини сўрайди. Болаларнинг жавобларини тинглайди ва умумлаштиради. Сўнгра тарбиячи кузги манзарани тасвирловчи расмни (досканинг чап томонидаги расм) кўрсатади, болалардан унда нима тасвирланганлиги, йилнинг қайси фасли тасвирланганлигини, нима учун уни куз фасли деб ўйлашларини сўрайди. Болалар жавобини тинглайди ва умумлаштириб хулосалайди. Куз ва ёз бир-бирдан фарқ қилади. Сиз ҳозир бир қанча фарқли томонларини айтдингиз. Лекин бошқа фарқ қиладиган томонлари ҳам бор.

Ёзнинг ўзига хос кўп хусусиятлари, кузнинг ҳам ўзига хос кўп хусусиятлари бор. Менинг столимдаги расмларда ёзнинг ва кузнинг айрим хусусиятлари яширинган. Бир хил расмдан сиз кузни билиб оласиз, иккинчи бир хил расмдан эса ёзни билиб оласиз. Лекин расмларга диққат билан қаранг, шошилманг, йил фаслларини бир-бирига алмаштириб юборманг. Қачонки сиз олган расмларингизда йилнинг қайси фасли тасвирланганлигини аниқлаб олсангиз: шу расмингизни кузни тасвирловчи расм бор томонга, яъни чап томонга еки

ёзни тасвирловчи расм бор томонга, яъни ўнг томонга қўясиз.

Қаранглар, мен ўзимга расм оламан (расм каттароқ бўлиши керак). Менинг расмим ёз тўғрисида. Кўм-кўк ўрмон, кўм-кўк дарахт, новдалар ҳам кўм-кўк, кўм-кўк ўтлар. Мен бу расмни ўнг томонга қўяман, чунки ўнг томонда ёзни тасвирловчи катта расм осилиб турибди.

Сўнгра тарбиячи болалардан стол устидаги кичкина расмлардан бирини олганиндан кейин нима қилиш керак, деб сўрайди: болаларга расмни олгандан кейин йил фаслини аниқлаш кераклигини ва уни куз расми тасвирланган томонга ёки ёз расми тасвирланган томонга қўйиш кераклигини эслатади. Бир болани чақиради. У бола расмни олади (расмлар тескари томони билан стол устига қўйилган бўлади) болаларга кўрсатади, йил фаслини айтади, расмда ёз (куз) фасли тасвирланганлигини қандай билиб олганлигини тушунтиради, ўз расми катта расмлардан қайси бирига тааллуқли бўлса, шунинг тагига (ўнг ёки чап томонга) қўяди.

Шундан сўнг иккита болани чақиради, уларга стол устида турган расмлардан олишни, олган расми қайси фаслга тааллуқли бўлса, шу фасл тасвирланган йирик расмнинг остига қўйилишини айтади (бошқа болалар бу вазифани тўғри ёки нотўғри бажарилганлигини кузатиб турадилар), сўнгра нима учун расмни йилнинг у ёки бу фаслига киритганлигини асослаб беришни сўрайди.

Тарбиячи яна бошқа бир жуфт болани чақиради. Топшириқларни бажаришда болалар олган расмларида у ёки бу фаслнинг белгиларини (олдинги кўриб чиқилган расмларда учрамаган) тушунтириб берадилар.

Тарбиячи машғулотни тугатар экан, ёз ва кузни ифодаловчи расмларга қисқача изоҳ беради. Шунинг доимо назарда тутиш керакки, расмлар мазмуни ҳамма дастур маълумотларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ёз: ўт ва ўрмон кўм-кўк, далаларда гуллар, қушлар жуда кўп, турли хилдаги мевалар, сабзавотлар пишади. Ҳаво жуда иссиқ. Анҳор ва дарёлардаги сув илиқ. Унда кичилар ва болалар чўмилишади. (Иккинчи кичик гуруҳ дастури асосида.) Куз: барглар ва ўтлар сарғаяди, ҳазонрезгилик бошланади. Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кета бошлайдилар. Совуқ туша бошлайди. Шунинг учун кийимлар иссиқ кийим кийиб олишади. Боғлардаги

ва полизлардаги ҳосиллар териб олинади. Кучли шамол эсиб, ёмғир ёради. Тарбиячи болаларга ёз ва куз фасли ҳақида гапириб берганларини такрор сўзлаб беришни айтади. 2—3 боладан сўраб машғулотни тугатади.

**Эслатма:** Болалар деворга (доскага) осиб қўйилган (ёз ва куз фаслини тасвирловчи расм илиб қўйилган) расмга яқинроқ ўтиришлари керак. Чунки ўртоқлари топшириқни бажараётганида, у тўғри бажаряптими-йўқми кўриш имкониятига эга бўлиши лозим.

### 21- машғулот

**Мавзу:** Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларни «ш» товуши билан таништириш: унинг артикуляциясини кўрсатиш, «ш» товушини бўғинларда, сўзларда аниқ талаффуз этишга, ўргатиш, нутқнинг мазмундорлигини тарбиялаш. (Товушни паст, баланд, секин ва қаттиқ овоз кучида талаффуз этиш.)

**Машғулот учун материал:** пахта шарчалари, матрешка ўйинчоғи (3 та катта ва кичик матрешкалар).

**Машғулотнинг бориши:** «Эшитинглар,— дейди тарбиячи,— бугун мен сизларга нима ҳақида гапириб берман.

Меинг тилчам уйчасидан мўралашни жуда яхши кўради, қаранглар, у буни қандай қилади (кўрсатади).

Бир куни Тилча ўйнашга қарор қилади:<sup>1</sup> у ўзини тулкича деб фараз этди-да, думини кенг ёйиб (тилчани кенг қилиш керак) қуёшда қизисин деб кўчага чиқариб қўйди. Мана бундай қилиб (кўрсатади). Бирданига у катта итни кўриб қолди. У кўрқиб кетди, югуриб уйчасига кирди-да думчасини юқори тишларининг орқасига яширди. Ит унинг орқасидан югурмаслиги учун уйчасининг эшигини ёпди. Шундай бўлсада, думчасини юқори тишларининг орқасида ушлаб тура берди. Сизлар ҳам тилчангизнинг учини юқори тишларингизни орқасига яширишга ҳаракат қилиб кўринг. Тилча бироз кутиб турди-да, яна уйчасидан чиқиб, ит қаерда эканлигини кўрмоқчи бўлди. У уйчасининг эшикчасини очди, лекин думчасини чиқармади. У ит думчани тишлаб олмасин, деб жуда кўрқди-да. У думчасини доимо юқорига кўтарган ҳолда ушлаб турди. Мана шундай (кўрсатади). Тилча бир неча марта уйчасининг эшигини очиб ёпди,

<sup>1</sup> Гений М. Ю. Герман Н. А. Воспитание у дошкольника правильной речи. Чебоксари, 1971, 35, 75-бетлар.

думини эса доимо юқорига кўтарган ҳолда ушлаб турди. Мана шундай (кўрсатади). Лекин кучук ҳеч қаерда йўқ эди. Унинг қочиб кетганига анча бўлган эди.

Энди болалар мана бундай ўйнаймиз. Мен: «Думча қуёшда исинаяпти» деб айтаман — сиз эса тилчангизни пастки лабларга — уйчанинг томчасига қўйинг. Мана бундай (кўрсатади). Сўнгра мен «Ит» деб айтаман — сиз тилчангизни учини юқорига кўтариб, юқори тишларнинг орқасига (уйчангизга) яширасиз. Мана бундай (кўрсатади). Сўнгра сиз уйчангиз эшигини очасиз ва ёпасиз. Тилча эса уйчасида тилчани учини юқорига кўтарган ҳолда ўтиради. Уйчани ёпинг, тилчангиз учини эса паства туширманг!»

Болаларнинг ҳаммаси бу машқни бажарадилар. Сўнгра тарбиячи бир неча болани биттадан чақиради (ёки баъзи бир болани ёнига ўтказади), аввал машқни тарбиячининг ўзи кўрсатади, сўнгра унинг болалар томонидан бажарилишини кузатади. Кейин тарбиячи болаларга тилининг учини юқорига кўтариб, лабларини думалоқ шаклга келтириб, бир оз олдинга чўзиб ш-ш-ш; шшш—деб талаффуз этишни таклиф этади. (2—3 марта такрорлаш керак. Нафас чиқариш 3 секунддан ошмаслиги керак.) Болалар диққатини шу нарсага йўналтириш керак-ки, «ш» товушини талаффуз этганда, оғиз олдига олиб борилган қўлнинг кафтига ҳаво оқимининг урилишини сезиш мумкин: Буни синаб кўришни таклиф этиш керак. (Болалар қўл кафтини оғизлари олдига яқинроқ олиб келиб «ш» товушини талаффуз этадилар.)

«Ш» товушини ҳали яхши талаффуз эта олмайдиган болалар учун тарбиячининг ўзи ш-ш-ш деб айтади, болалар эса тарбиячининг оғзи олдига яқинроқ қўл кафтларини қўйиб туришади. (Бундай қилиш «ш» товушини талаффуз эта олмайдиган болаларнинг «ш» товушини талаффуз этганда ҳаво оқими қўлга урилишини сезишлари учун ёрдам беради.)

Тарбиячининг кўрсатмасига биноан болалар ўнг қўлининг тирсагини стол устига, қўл кафтини эса энгагига (пастки жағига) тирайди ва шундай ҳолатда ш-ш-ш деб талаффуз этадилар. Болалар «ш» товушини бундай ҳолатда талаффуз этганларида нима ҳис этаётганликларини айтадилар. Сўнгра болалар «ш» товушини талаффуз этганда тарбиячининг кафтидаги пахта шарчасининг силкинишини, сакрашини, баъзан эса учиб кетишини кузатадилар ва буни ўзлари ҳам машқ қи-

ладилар. (Пахта шарчалари олдиндан тайёрлаб, стол устига қўйилган). «Келинлар, энди ўйнаймиз,— дейди тарбиячи.— Сизларнинг ҳаммангиз баргчалар. Баргчалар шитирлайди. Шамол эси ва баргчалар шитирлай (шовуллай) бошлади: ш-ш-ш-ш. Улар кучли ва яна кучлироқ ва жуда ҳам кучли шитирлай бошлашди. Сўнгра шамол тина бошлади, барглар секин шитирлади, яна ҳам секин, бутунлай секин».

Сўнгра «Матрешкалар сайр қилишаяпти» деган ўйин ўтказилади.

«Қаранглар, болалар, менда матрешкалар бор,— дейди тарбиячи.— Бу нима? (Бу ерда 2—3 та алоҳида-алоҳида ҳамда биргаликдаги жавоблар назарда тутилади.) Мана энг катта матрешка. У қандай? Унинг исми Наташа. Унинг исми нима экан? Бу ўртача матрешка. У қандай экан? Унинг исми Шура. Унинг исми нима экан? Буниси кичик матрешка. Унинг исми — Маша. Унинг исми нима экан? Мен ким деб айтдим? Матрешкалар сайрга отланишди. Олдинда Наташа, Наташадан кейин Шура. Энг кейинда эса Маша. Матрешкалар кичкина ўтлоққа (майсазорга) келишди. Ҳаммаёқ кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган, қуёш чарақлаб турибди. Нима чарақлаб турибди. Ўтлоқ жуда яхши эди. Ўтлоқ қандай экан? Матрешкалар шодланиб, рақсга туша бошлашди (кўрсатади). Улар нима қила бошлашди? Болалар келинлар улардан яна рақсга тушишларини сўраймиз. Энг аввало сиз матрешка Наташадан рақсга тушишни илтимос қилинлар. Наташа рақсга тушиб бер, денг? Нимагадир рақсга тушмаяпти. Яхшиси, ундан Салима илтимос қилиб кўрсин. Олим ҳам сўрасин. Раҳим сен ҳам илтимос қилиб кўргин. Келинлар, ҳаммамиз биргаликда сўраб кўрамиз. Матрешка Шура рақсга тушиб бер, Матрешка рақсга тушади, болалар эса чапак чаладилар ва ля-ля-ля-ля-ля деб бирорта куй оҳангини айтадилар.

## 22- машғулот

Мавзу: Т. Йўлдошнинг «Салом шеърини ёд олдириш».

Мақсад: Болаларга шеърни эсда олиб қолишларига ёрдам бериш, уларни шеърни ифодали айтиб беришга ўргатиш. Ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи болаларга сиз катта кишиларни кўрганингизда нима қилишингиз керак? (Салом бериш керак) деб сўрайди. Болаларнинг жавобини тинглайди ва умумлаштиради. Тўғри, бола-

лар, йўлда кетаётганингизда ёки уйингизда, гуруҳимизга катта кишилар кириб келганида дарров салом бериш керак. Улар саломингизга алик олиб, нима дейишади? (Раҳмат болам.)

Агар салом бермасдан турсангиз, бу яхшими? Унда катталар сизни қандай бола экан деб ўйлаши мумкин? (Соқов экан, одобсиз экан, деб ўйлаши мумкин.)

Мана бизнинг шоиримиз Толиб Йўлдош сизларга атаб «Салом» деган шеърни ёзган. Мен сизларга шу шеърни ифодали қилиб айтиб бераман.

### Салом

Йўл устида учраган  
Кишига берсанг салом,  
Алик олиб аввали.  
Сўнгра дер:— Раҳмат,  
болам.

Саломсиз ўтсанг агар,  
Шўрлик соқов экан дер,  
Тилинг бўлгач, албатта,  
Катталарга салом бер!

Сўнгра шеър мазмуни юзасидан суҳбат ўтказди. Бу шеър сизга ёқдимиз? Бу шеърни сизларга ким ёзган экан? Йўлда учраган кишига доим нима беришингиз керак экан? Салом бермайдиган болаларни биз нима деймиз? Салом бермайдиган болаларга сиз нима деган бўлар эдингиз? Сўнгра тарбиячи болаларнинг жавобларини умумлаштиради: Биз ҳаммамиз йўл устида учраган, уйимизга меҳмон бўлиб келган катта кишиларга доимо салом беришимиз керак. Улар сизнинг саломингизга алик олиб, баракалла, отанга раҳмат, одобли бола экансан, деб сиздан жуда хурсанд бўлишади. Агарда катталарни кўриб, уларга салом бермасангиз, бу бола соқов экан, одобли йўқ экан, ота-онаси унга катталарга салом беришни ўргатмабди, деб айтишади. Шунинг учун ҳаммангиз катталарни кўрганингизда албатта салом беринг, улар: қандай одобли болалар экан! Ота-онасига, тарбиячисига раҳмат, деб айтишади.

Бу ҳақда Толиб Йўлдош ўз шеърида шундай деб ёзган:

Саломсиз ўтсанг агар,  
Шўрлик соқов экан дер,  
Тилинг бўлгач, албатта,  
Катталарга салом бер!



Кейин тарбиячи болаларга: «Энди диққат билан кулоқ солиб ўтиринглар, мен яна бир марта бу шеърни айтиб (ўқиб) бераман. Ҳаммангиз бу шеърни қандай айтишимга диққат қилинг ва эсда олиб қолишга ҳаракат қилинг. Кейин сизлардан сўрайман», дейди.

Сўнгра истаган болаларни шеърни такрорлашга чақиради, ундан кейин эса ўзи белгилаб қўйган болани такрорлаш учун чақиради. Агар болалар шеърни айтиб беришда қийналсалар тарбиячи шеърни яна бир бор ифодали қилиб айтиб (ўқиб) беради. Бола шеърни айтаётганида тарбиячи унинг ифодали қилиб айтилишига аҳамият бериб бориши керак.

### 23- машғулот

**Мавзу:** Болаларни ёғоч ва темир билан таништириш.  
**Мақсад:** Таққослаш усули билан болаларни ёғоч ва темир, уларнинг хусусиятлари билан таништириш: темир ёғочга нисбатан қаттиқроқ, оғирроқ ва овози жаранглироқ, нарсалар ёғочдан қилиниши мумкин бўлгани каби темирдан ҳам қилиниши мумкин деган тушунчани бериш, тарбиячининг столи устидан истаган буюмнинг бирини танлаб олиб, унинг нимадан қилинганлигини аниқлашга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Темир паднисча, темир бўлакчалари (тунука) «Конструктор» тўпламидан олинган турли рангдаги ёғоч ғиштчалар ёки силлиқ фанер. Ҳар бир болага пахмоқдан қилинган сочиқчалар, қалам (болалар сонига етарли), темир қошиқ, ёғоч қошиқ, болалар сонига етарли темир ва ёғочдан қилинган буюмлар (кубиклар, темирдан қилинган машиналар, ёғоч ва темирдан ясалган идиш-товоқлар: темир чойнак, круш-ка, чўмич, тунука товоқ, лаган ва ҳоказо) ёғоч ва темир тугмачалар.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар стулчаларда тарбиячига қараб ўтиришади. Стол устида темир паднисчани («Конструктор» тўпламидан ёки медицинада ишлатиладиган шпател ва ёғоч бўлакчалари) силлиқ қилиб рандаланган ёғоч; турли рангдаги ёғоч ғиштчалар (ёғочдан ишланган «Конструктор» тўпламидан), пахмоқ сочиқчалар (буюмлар тарақа-туруқ қилмаслиги учун ишлатилади).

Тарбиячи болаларга темир паднисчани ёки тунукани кўрсатади ва улардан Бу нима? У нимадан қилинган? деб сўрайди. Болалар жавобини тинглайди, аниқлаштиради, умумлаштиради: Бу паднисча темирдан қи-

линг. Агар у темирдан бўлса, у ҳақда шундай дейиш мумкин: «темир паднисча». Болалар «темир паднисча» деб такрорлайдилар.

Тарбиячи ёғоч гиштчани (фанерни) кўрсатади, бу нима? у нимадан қилинган? У қандай шаклда? Йўғонми, ингичками? Қанақа гишт? (ёғоч гишт).

Сўнгра болалар нутқидаги ёғочдан, ёғочли деган сўзларни мустаҳкамлайди. Шундан кейин тарбиячи темир ва ёғочни бир-бирига таққослашни сўрайди. «Қулайроқ ўтиринг»,— дейди у. Темир парчасини (тунукани) олинг ва уни эгишга ҳаракат қилинг. Қаттиқроқ, қаттиқроқ эгинг. Темир (тунука) эгилар эканми? Энди ёғоч гиштчани эгишга ҳаракат қилинг. Ёғоч эгиладими? Барибир ёғоч юмшоқроқ, темир эса қаттиқроқ». Тарбиячи темир парчаси (тунука) билан ёғоч гиштчаларга (фанерга) чизиб кўришни таклиф этади. Болалар олдиларидаги қалам билан темир бўлагига, ёғоч гиштга (фанерга) чизадилар. Болалардан бу топшириқни бажариш вақтида нимани сезганликларини сўрайди, жавобларни умумлаштиради, хулосани такрорлайди: «Темир қаттиқ, силлиқ, ёғоч эса темирдан юмшоқроқ, ёғочга темир билан чизиб из қолдириш мумкин» (кўрсатади). Ёғочни пичоқ билан кесиш ҳам мумкин (кўрсатади).

Келинглар темир ва ёғоч нарсаларнинг қандай жаранглашини тинглаймиз,— дейди тарбиячи.— Қаранглар, менинг қўлимда қошиқлар. Улар қандай қошиқлар? (темир). Менда яна иккита ёғоч қошиқ ҳам бор. Мана улар. Бу қошиқлар... қилинган? (Ёғочдан). Ҳозир мен бир темир қошиқни иккинчи бир темир қошиққа, бир ёғоч қошиқни иккинчи ёғоч қошиққа ураман. Сизлар эса қайси қошиқни бир-бирига урганимда қайси материалдан қилинган (темирданми ёки ёғочданми) қошиқларнинг овози жаранглироқ эшитилганлигини айтасизлар. (Жавобларни тинглайди.) Тўғри темир қошиқлар бир-бирига жарангли урилади. Текширингларчи, ҳақиқатан ҳам темирдан қилинган нарсалар бир-бирига урилганда жаранглайдими? Болалар аввал темир бўлакчаларни бир-бирига урадилар, сўнгра ёғоч қошиқчаларни бир-бирига уриб хулосаларни тасдиқлайдилар.

Тарбиячи «Биз темир ва ёғочнинг хусусиятлари билан танишдик, темир силлиқ эканлигини, ёғоч эса қандай ... эканлигини (гадир-будур) билиб олдик. Бу темир қаттиқ эканлигини, ёғоч ҳам қаттиқ эканлигини, лекин темирга нисбатан юмшоқроқ эканлигини билиб

олдик. Биз темирнинг қирраси ва қалам билан ёғоч гиштчаларга (фанерга) чизганимизда ёғочдан из қолишини, темирдан қилинган нарсаларни бир-бирига урганда эса жарангли овоз чиқишини билиб олдик. Яна уларнинг бир-биридан бир фарқи бор. Бир қўлингизга темир нарсани, иккинчи қўлингизга эса ёғоч нарсани олинг. Уларни кафтингиз устига қўйиб ушлаб туринг ва қайси бири оғирроқ эканлигини сезиб топинг: темир оғирми ёки ёғоч. Тўғри темир оғирроқ, ёғоч эса енгилроқ» деб хулосалайди.

Сўнгра тарбиячи болаларга стулчаларини олиб гилам атрофига ярим доира шаклида қўйиб ўтиришни айтади. Доира ўртасига стол суриб қўйилади. Тарбиячи стол устига жуда кўп темир ва ёғоч буюмларни териб қўяди: ёғоч кубиклар, темир чойнак, крушка, тунука товоқ, тугмачалар (ёғоч ва темирдан қилинган), матрешкалар. Нарсаларнинг сони болалар сонига қараганда 4—5 та кўп бўлиши керак.

Тарбиячи шундай дейди: «Хозир мен кимни чақирсам, шу бола менинг столим олдига келиб, унинг устидаги нарсалардан хоҳлаганини олади. Шошилманг, ҳаммангизга етади. Нарсани олиб, унинг номини ва нимадан қилинганлигини айтиб берасизлар. Масалан, Мен қўзиқоринни олдим. У ёғочдан қилинган.

Тарбиячи стол олдига болаларни таклиф этади. Улар стол устидан бирор нарсани олиб, унинг номи, нимадан қилинганлигини айтадилар. Болалар бу топшириқни бажаришга, тарбиячи 3—4 та болани стол ёнига навбатма-навбат чақириб, ёғочдан қилинган нарсани танлаб олишни айтади ва: «Эсингиздами, ёғочдан қилинган нарсалар темирдан қилинган нарсалардан нимаси билан фарқ қилар эди» — деб сўрайди. Агар бола янглишса, тарбиячи ёрдам бериб боради. Тарбиячи топшириқни баҳолайди. Сўнгра 3—4 боладан темирдан қилинган буюмларни танлаб олишни айтади. Улар темирнинг хусусиятини, ёғочдан фарқини айтиб берадилар.

#### 24- машғулот

**Мавзу:** Ёғочдан ва темирдан қилинган предметларни бир-биридан фарқ қилиш. Нутқларида «катта, кичкина» деган сўзлардан фойдаланишга ўргатиш. «Ажойиб халтача» дидактик ўйинини ўтказиш.

**Мақсад:** Болаларни темирдан ва ёғочдан қилинган буюмлар тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш, яқин

атрофни ўраб турган нарсалар ичидан ёғочдан ва темирдан қилинган нарсаларни топа олишга ўргатиш: Темир ва ёғочнинг хусусиятларини айтиб беришларига ва уни эсда олиб қолишларига эришиш. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.

**Машгулот учун материал:** Темирдан ва ёғочдан қилинган нарсалар, «Ажойиб халтача» ва унинг ичида ёғочдан, темирдан қилинган нарсалар. Қўғирчоқ, темир қошиқ, ёғоч қошиқ, ёғоч коса, темир тақсимча (тунука коса, тунука тақсимча).

**Машгулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга темир ва ёғоч қошиқни кўрсатиб, булар нимадан қилинган деб сўрайди ва болаларнинг жавобларини тинглаб, хулбаалайди, «Тўғри бири темирдан, маъна бу (кўрсатади) иккинчиси — ёғочдан. Бизнинг гуруҳимизда жуда кўп буюмлар, нарсалар бор, уларнинг баъзилари темирдан, баъзилари ёғочдан қилинган. Улар полда ётибди, деворда осилиб турибди, тоқчаларда турибди. Ҳозир мен ҳаммангизга хона бўйлаб тарқалишингизга рухсат бераман, сиз гуруҳнинг ҳамма хонаси бўйлаб юриб, битадан темир буюм топиб келасизлар». Топшириқни қандай бажарилганлигини текшириб кўради, болаларга ўнг ва чап томондаги қўшнилари нимани топганликларини кўришни таклиф этади.

Болалар тарбиячи билан биргаликда топшириқни тўғри бажарилган ёки бажарилмаганлигини текширадилар, ким хато қилганлигини, нима учун хато қилганлигини муҳокама қиладилар. Тарбиячи болаларнинг қўлидаги нарсаларни йиғиб олади ва янги топшириқ беради: ёғочдан қилинган нарсаларни топиш ва уни эсда олиб қолиш (ёғочдан қилинган буюмларни топгач, олиб келмайдилар, балки уни топиб, номини эсда сақлайдилар), ким топса тезда орқага қайтиб, ўз жойига ўтириши керак. Тарбиячи болалардан нима топганликларини сўрайди, топшириқ бажарилишини баҳолайди. Баҳолаш вақтида «кичкина, қатта» сўзларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Кичкина» деган сўзни, берилган топшириқлардан бирини жуда яхши бажарган, яъни темирдан ёки ёғочдан қилинган буюмнинг айрим белгисини тўлиқ айтиб берган болага ҳам ишлатиш мумкин: Масалан, гуруҳимизда энг кичкина боламыз Аҳмад аквариумнинг атрофлари темирдан қилинганлигини билиб қолди.

Болалар! Энди биз сизлар билан «Ажойиб халтача» номли ўйинни ўйнаймиз. Халтачани болаларга кўрсата-

ди. Халтачани силкитади ва болалардан: халтачанинг ичида нималар бор?— деб сўрайди ва жавобларни тўлдиради. Халтачанинг ичида ёғочдан ва темирдан қилинган нарсалар, яъни ўйинчоқлар бор, ҳозир мен кимни чақирсам ўша чиқиб, қўлини «Ажойиб халтача»нинг ичига солиб, унинг ичидан битта ўйинчоқни олади ва бу олган ўйинчоғининг номини, нимадан қилинганлигини айтиб беради, деб тушунтиради.

Тарбиячининг ўзи халтачанинг ичидан битта нарса-ни (ўйинчоқни) олиб, унинг номини, нимадан қилинганлигини айтиб беради. Масалан, халтачанинг ичидан кубикни олиб шундай дейди: Бу кубик. У ёғочдан қилинган. Бу кубикча кичкина, ёғоч кубикчада айиқчанинг расми бор. Сўнгра болаларни навбатма-навбат чақириб, халтача ичидан ўйинчоқлардан бирини олиб, унинг номини, нимадан қилинганлигини, рангини айтишни сўрайди. Ўйин шу тарика давом этади. Тарбиячи болаларнинг жавобларини баҳолаб боради.

Машгулотни якунлашда болалар билан «Қўғирчоқни овқатлантирамиз» деган ўйин ўтказиш мумкин. Бу ўйин учун қўғирчоқ, темир қошиқ, ёғоч коса тайёрлаб қўйиш керак. Тарбиячи кимни чақирса шу бола келиб, стулга ўтказиб қўйилган қўғирчоққа косадан қошиқда овқат олиб едиради. Тарбиячи эса иш-ҳаракатни ба-жарган боладан нима қилганини, қандай косадан, қандай қошиқда қўғирчоққа овқат берганини айтиб беришни илтимос этади. Масалан: мен ёғоч косадан темир қошиқда овқат олиб қўғирчоққа едирдим.

Эслатма: Бу ўйинни сайр вақтида ўтказса ҳам бўлади.

## 25- машғулот

**Мавзу:** «Айиқча бизникида меҳмонда» сахналаштирилган ўйин. Болалар билан таниш бўлган шеърларни такрорлаш.

**Мақсад:** Болаларни хонага ташриф буюрган нотаниш кишилар билан самимий гаплашишга ўргатиш. Ед олган шеърларини қайта эсга тушириш. Шеърни ифодали ўқишни тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Айиқча ўйинчоғи.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга меҳмонлар келишганда уларни қандай кутиб олиш кераклиги ҳақида гапириб беради, гуруҳга келган катталарга ёки болаларга нимани курсатиш ва гапириб бериш мумкинлигини ҳикоя қилиб беради: «Эшитинглар, бо-

лалар! Ҳозир мен сизларга бир воқеани гапириб бераман. Бир кун эрталабки нонуштадан сўнг ўрта гуруҳга нотаниш аёл кириб келди. «Ассалому алайкум, болалар!»— деди у. Болалар жуда-жуда қизиқарли ўйин ўйнаш билан банд бўлишларига қарамай кириб келган нотаниш аёлга хушмуомалалик билан жавоб беришди? (Хушмуомалалик билан). «Бизнинг меҳмонимизнинг исми Лола Аҳадовна — деб тарбиячи болаларга таништирди.— Улар бизнинг машғулотида қатнашиш учун рухсат сўрадилар». Бу вақт ичида Насиба меҳмонга ўтириш учун стул олиб келди. Тарбиячи унга— «Вой ақллигинам» деб айтди. Нима учун тарбиячи Насибани ақллигинам деб айтди? Насиба қандай сўз билан меҳмонга мурожаат этди? (Марҳамат стулга ўтиринг). Лола Аҳадовна Насибага миннатдорчилик билдириб стулга ўтирди. Пулат меҳмонга «Бизнинг бинафшамизнинг қандай гуллаганлигини кўришни хоҳлайсизми?»— деб таклиф этди. «Хоҳлайсизми?»— мен сизга қушчамизни кўрсатаман? деб сўради Лобар. Лобар нимани сўради ва қандай сўради? Мен сизга жуда қизиқ китобларни кўрсатишим мумкин: деб гапга аралашди Эргаш. Эргаш меҳмонга нима деди? «Мен сизга чой қайнатиб бераман»— деб жилмайди Шахло ва плита томон шошиб кета бошлади. Шахло меҳмонга нима қайнатиб бермоқчи бўлди? «Ҳозир мен сизни бизнинг энг севимли энагамиз Робия Абдуллаевна билан таништириб қўяман»,— деди Севар. Севар меҳмонга нима деди? «Мен-чи? Мен-чи ...— деган сўзлар ҳамма томондан эшитилди, чунки ҳамма болалар меҳмонга ниманидир кўрсатишни, ҳикоя қилиб беришни жуда-жуда ҳам хоҳлашар эди. Чунки, улар меҳмонга меҳмондорчиликда ҳамма нарса ёқишини хоҳлашар эди.

«Қандай ёқимтой, мулойим кичкинтойлар-а»— деб ўйлади Лола Аҳадовна, Лола Аҳадовна кичкинтойларни нима деб ўйлади? Улар уйга қайтиб келгач, бизлар ҳақимизда ўзларининг дўстларига ва танишларига ҳикоя қилиб бердилар. Уларнинг ҳикоясини катта-сарик (малла) айиқча эшитиб қолди. Эшитиб у ҳам бизнинг ўрта гуруҳимизга келишга аҳд қилди. Малла айиқча одобли болаларни жуда ҳам кўргиси келди. Қандай болаларни кўришни истади? (Меҳмондўст, одобли). Мана шу айиқча бугун бизнинг гуруҳимизга меҳмон бўлиб келади. Айиқчанинг гуруҳимизга келиш вақти ҳам бўлди. У гуруҳимиздаги болалар қандай одобли болалар эканлигини кўрмоқчи. Мен даҳлизга чиқиб

қарай-чи, келяптимикан. Сизлар секингина қўшингиз билан (бир столдаги) айиқчага нималарни кўрсатиш, нима ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашинг. Аҳмад меҳмон учун стулча тайёрлаб қўяди. Тарбиячи айиқчани гуруҳча олиб киради. Айиқ болаларга салом беради. Болалар айиқнинг саломига жавоб бериб, уни стулга ўтиришга таклиф этадилар. Шундан сўнг тарбиячи болалардан айиқчага гуруҳда бор бўлган энг қизиқарли нарсаларни кўрсатишни сўрайди, тарбиячи гуруҳдаги ҳамма болаларнинг диққатини ўртоғи (чақирган бола) айиқчага ниманидир кўрсатишни қандай таклиф этишига қаратади.

Масалан, «Мен айиқча бизнинг балиқчаларимизни кўрсатмоқчиман» — дейди Салим. «Мен ўйлайманки, бу бизнинг меҳмонимиз учун қизиқарли бўлади, — деб қувватлайди тарбиячи. — Бор, айиқчага балиқчаларимизни кўришни таклиф эт». «Айиқжон, бизнинг балиқчаларимизни кўришни хоҳлайсанми?» — деб сўрайди айиқчадан Салим. Болалар айиқчага ҳайвонларни, ўсимликларни, китобларни, сеvimли ўйинчоқларини кўрсатадилар, сеvimли энагалари билан таништирадилар. Айиқча болаларнинг одоблиги, хушмуомалаликлари учун миннатдорчилик билдиради. Машғулот якунида болалар айиқчага илгари ёд олган, таниш шеърларидан айтиб беришади. Тарбиячи аввал болаларга ёд олган шеърларини айтиб беришни таклиф этади: «Лола ва Мушук», «Салом», «Еттинчи ноябрь». Сўнгра кимга қайси шеър кўпроқ ёқишини сўрайди ва болаларни чақириб ёққан шеърларидан икkitасини айтиб беришини таклиф этади, учинчисини эса тарбиячининг ўзи айтиб беради.

## 26- машғулот

**Мавзу:** Қ. Раҳимнинг «Одоблиман» ҳикоясини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларни ҳикояни тинглашга, саволларга тўлиқ жавоб беришга, воқеа изчиллигини сақлаган ҳолда қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Қум ўйнаб ўтирган икки бола ҳамда бир боланинг ўрnidан туриб ўрта яшар кишига салом бериши тасвирланган сурат.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга қандай болаларни одобли деб айтамиз? Катталарни кўрганнгизда нима қилишингиз керак? деган саволларни беради, жавобларини тинглайди, умумлаштиради.



Тўғри уйда, кўчада, гуруҳда катталарни кўрганда ҳар доим салом берадиган, уларнинг ўтиришлари учун жой кўрсатадиган болаларни биз одобли бола деймиз. Одобли болалар ҳар доим катталарни кўрганда салом беришади. Қани эсланглар-чи, биз кимнинг «Салом» ҳақида ёзган шеърини ёд олган эдик? У қандай бошлар эди? (2—3 та боладан илгари ёд олинган Т. Йўлдошнинг «Салом» шеърини айтиб беришни сўрайди.) Сўнгра болаларга мен ҳозир сизларга Қарим Раҳимнинг «Одоблиман» деган ҳикоясини ўқиб бераман, дейди ва тўғридан-тўғри болаларни қайта ҳикоя қилиб беришларини айтмасдан ҳикояни ўқиб беради. Шундан сўнг ўқиб берилган ҳикоя мазмуни юзасидан саволлар беради, саволларга берилган жавобнинг тўлиқлигини кузатиб боради: «Халил билан Комил қаерда ўтиришар эди ва уларнинг олдидан ким ўтди?» (Халил билан Комил эшик олдида қум ўйнаб ўтиришар эди. Уларнинг олдидан ўрта ёшдаги бир киши ўтиб қолди.)

Нотаниш кишига ким салом берди ва саломига қандай жавоб олди? («Бирдан Комилнинг эсига дадасининг айтган гапи тушди, — Салом амаки, — деб ўрнидан сакраб турди. — Кўп яша, ўғлим, кўп яша. Жуда одобли бола экансан-да, отанга раҳмат! — деди») Комил қандай бола экан? (Жуда одобли бола экан. Узидан катталарга салом берар экан). Халил-чи? Уни одобли бола деса бўладими? («Одобсиз бола. Уни одобли бола деб бўлмайди. Чунки, у Комилга ўхшаб салом бермади. Индамай худди соқовга ўхшаб турди. Шунинг учун ҳам нотаниш киши унга «Вой-одобсиз» дегандек бошини қимирлатиб қўйди. У қилган ишидан уялиб қолди.»). Халил одобни кимдан ўрганди? У одобни Комилдан ўрганди. Энди у ҳам Комилга ўхшаб катталарга салом бера бошлади ва одобли бўлганлигидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Чунки уни ҳам саломини олган чол мақтади-да.

Чолнинг болаларга айтган гапларини ким эслаб қолди? (Агар болалар бу саволга жавоб беришда қийналсалар ҳикоядаги шу матннинг (чолнинг болаларга айтган гапларини) айнан ўзини ўқиб бериш мумкин. «Эй, саломат бўлинглар. Кўп ақлли, одобли болалар экансиз-да»). Ҳозир сизлар ҳаммангиз Комил билан Халил бўласизлар, мен эса чол бўлиб, олдингиздан ўта бошлайман, шу вақт сизлар ўрнингиздан дик этиб турасиз-да, «Салом» деб айтасиз. Мен сизларга — Эй сало-

мат бўлинглар! Кўп ақлли болалар экансиз-да— деб айтаман. Бу ҳаракат 2—3 марта такрорланади.

Шундан сўнг тарбиячи болаларга диққат қилиб қулоқ солиб ўтиришни, ҳикояни яна бир марта ўқиб беришни, кейин уларни қайта ҳикоя қилиб беришларини айтиб, ҳикояни иккинчи марта ўқийди. Ҳикояни иккинчи марта ўқиб бергач, болалардан ҳикояни қайта ҳикоя қилиб беришларини сўрайди.

## МАШҒУЛОТДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

### Сентябрь

1. Табиат бурчагига янги уй ўсимлигини олиб кириш, герань (яронгул). Болалар билан кичик гуруҳдан бошлаб уларга таниш бўлган ўсимликларнинг номларини эсга тушириш (аспарагус, традесканция, бегония, бальзамин).

Ўсимликларга қандай сув қуйиш кераклигини эсларига тушириш, кўрсатиш: сув қуйгич бурунчаси гул тувакнинг қирраси атрофи бўйлаб юргизилиб сув қуйилади. Болаларни гул тувак тагига қўйилган идишчаларда ортиқча сув борлигини сезишга ва бу ҳақда тарбиячига маълум қилишга (сув тўкилаяпти) ўргатиш.

2. Болаларни шифокор ва ҳамширанинг иши, даволаш хонасининг жиҳозлари билан таништириш. Яхши-си даволаш хонасига унча катта бўлмаган болалар гуруҳини (3—5 та болани) энага олиб боргани маъқул.

Болалар кўрган, эсда сақлаб қолган ҳамма нарсани бошқаларга тушунтира олиши ва кўрсата билишлари керак. (Шифокор томоғини кўради, текширади, дори ёзиб беради ва ҳоказолар.)

3. Кечки соатда Л. Маҳмудовнинг «Шахло» деган асарини ўқиб-бериш.

### Октябрь

1. Кузатиш ва мақсадли сайр.

а) кузда сабзавот бозорига қандай сабзавотлар ва мевалар савдога олиб келинишини кузатиш учун сайр вақтида ўтказилган кузатишлар. «Топ-чи, бу нима?», «Борда — полизда» деган дидактик ўйиннинг мазмунини тўғри тушуниб, тўғри ўйнашга ёрдам бериш;

б) шаҳар боғчасига (хисбонга, қолжон бағрига ойнинг охирида) сайр;

Кузнинг болаларга маълум бўлган белгиларини топиш учун сайр:

в) тарбиячи кунлардан бир кунни, болаларни майдончага олиб чиқишдан олдин уларга шундай дейди: «Куз бошланди. Бугун биз кузнинг ҳамма белгиларини қидирамиз ва кузатамиз. Сизлар узингизни ва ўртоқларингизни кийимларига қаранг. Биз иссиқ жемперлар ва пальточалар, курткалар (калта камзул) кийиб олганмиз, яқиндагина биз майдончамизга битта кўйлакда чиққан эдик. Нима учун ҳозир биз куртка (калта камзул) кийиб олдик? (Болаларнинг жавобини тинглайди ва умумлаштиради.) Совуқ туша бошлади. Хаво совуқ. Бу кузнинг бошланганидан далолат беради. Мана биз сизлар билан кузнинг бир белгисини топдик. Совуқ бошланди, кишилар куртка ва плащ кийиб олишган. Мен кузнинг қайси белгисини айтдим? (Бир нечта боланинг жавобини тинглайди). Кунлар анча совий бошлади, ва дарахтлардаги барглар сарғайиб тўкила бошлади. Дарахтдаги баргларнинг сарғайиши — бу кузнинг иккинчи белгиси. Ҳозир биз сизлар билан майдончамиз йўлакчаси бўйлаб борамиз, атрофни диққат билан кузатинг, бирданига дарахт ва новдачаларда сарғайган баргларни кўриб қолишингиз мумкин. Агар сариқ барглар бўлса, демек куз келган. Тарбиячи сайрнинг охирида кузнинг бу икки белгисини аниқлаштиради: 1. Совуқ бошланди — кунлар совий бошлади. Кишилар жемпер, камзул кийиб олишди. 2. Дарахтлардаги барглар сарғайиб тўкила бошлади;

г) ўз майдончаларига навбатдаги чиқишдан олдин тарбиячи болалардан кузнинг қайси белгиларини билишларини суради ва шундай дейди: «Кузда капалаклар жуда кам бўлади. Ўтлар ичидан кўнғиз ва чигирткаларни топиш кийин. Бу ҳам кузнинг белгилари. Бугун биз сизлар билан боғчамизнинг майдончасига борамиз ва у ерда ўтлар ичида чигиртка ва кўнғизлар борми, капалаклар учишадими ёки йўқми, шунни кузатамиз».

Сайрнинг охирида болаларнинг кузатишларини аниқлайди ва умумлаштиради:

д) сентябрь ойининг охирида тарбиячи болаларга янги вазифа беради: «Ёзда бизнинг майдончамизга турли қушлар тез-тез учиб келишган эди. Кузда эса бу қушларнинг кўпчилиги иссиқ юртларга (ўлкаларга) учиб кетишади. Шунинг учун ҳам қушларнинг шўх сайроқи овозлари эшитилмай қолди. Бугун биз сизлар би-

лан бизнинг майдончамизда қушлар борми, улар сайрашаяптими, қандай қушлар қишлаш учун қолишганини аниқлаб кузатамиз. Биз нималарни кузатамиз?».

е) кузда майдончада гуллайдиган гулларни кўриб чиқиш. Кузги гулларнинг номларини аниқлаш, (картошкагул, қўқонгул, хризантема ва бошқаларни кузатиш).

2. Юк ташувчи машинани (грузовой) кўздан кечириш.

Сайр вақтида боғчага яқин бўлган магазинга озиқ-овқат олиб келадиган юк машинаси кузатилади.

**Мақсад:** Болаларга транспорт воситалари ҳақида маълумот бериш. Уларни юк ташувчи машинанинг вазифаси билан таништириш (магазинга озиқ-овқат ташийди), автомобилнинг қисмларини, ҳажмини кўрсатиш, болаларни ҳайдовчи (шофёр) билан таништириш, уларнинг меҳнатига қизиқиш уйғотиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотгача (3—4 кун олдин) боғчага яқин жойда жойлашган озиқ-овқат магазинига бориб, магазинга қачон юк ташийдиган машина (грузовой) озиқ-овқат олиб келишини аниқлаш, ҳайдовчи (шофёр) билан болаларни юк ташийдиган машинани кузатишга олиб келганда нималар ҳақида гаплашиш кераклиги ҳақида келишиб олиш.

**Кузатишнинг бориши:** Тарбиячи болаларга магазинга озиқ-овқат олиб келган юк ташийдиган машинанинг ёнига яқинроқ боришни ва уни кўриб чиқишни айтади ва болаларга қуйидаги саволлар билан муурожаат қилади: Магазинга озиқ-овқатлар олиб келишди. Қаранглар-чи, юк ташийдиган машинадан (грузовойдан) нималарни туширишаяпти?

**Болалар.** Яшиклар, коробкалар.

**Аҳмад.** Қандай озиқ-овқатлар олиб келишди экан-а?

**Тарбиячи.** Макаронлар, крупа, шакар, қанд, ёғ, конфетлар, чойлар. Бу автомобиль юк ташийдиган машина дейилади, унда юк ташишади. Юклар машинанинг қаерида жойлашган?

**Болалар.** Кузовида.

**Тарбиячи.** Тўғри. Бу қандай автомобиль экан?

**Болалар.** Юш ташийдиган машина (грузовой),

**Тарбиячи.** Магазинга ким озиқ-овқатларни олиб келди?

**Болалар.** Шофёр (ҳайдовчи).

**Тарбиячи.** Шофёр (ҳайдовчи) қаерда ўтиради?

**Болалар.** Кабинада.

**Тарбиячи.** Болалар қаранглар-чи шофёр (ҳайдовчи) ўтирадиган кабинада нималар бор. Шофёр (ҳайдовчи) кабина эшигини очади ва болалар кабинага қизиқиш билан қарайди. (Болаларнинг овозлари: «Руль, сигнал!») Шофёр (ҳайдовчи) сигнал беради.

**Салим.** Менинг отам ҳам шофёр (ҳайдовчи), улар ҳам кабинада ўтириб сигнал берадилар.

**Тарбиячи.** Шофёр (ҳайдовчи) кабинада ўтириб автомобилнинг рулини бошқаради ва сигнал беради. У машинани ҳайдаб керакли жойга олиб боради. Кишилар машина остига тушиб қолмасин деб, сигнал беради. Салим сен шофёрнинг (ҳайдовчининг) ўрнига ўтир-да, сигнал бер (чал). Шофёр (ҳайдовчи) Салимга кабинага чиқишига ёрдам беради ва қандай қилиб сигнал бериш кераклигини кўрсатади. Салим машинанинг сигнаolini босиб библилатади.

**Тарбиячи.** Болалар қаранглар қандай катта автомобиль, унда жуда кўп юк ташиш мумкин. Келинлар унинг атрофида қўл ушлашиб доира бўлиб турамиз. Кўрайлик-чи унинг атрофини ўраб ола олармикан-миз?

Болалар бир-бирларининг қўлларини ушлашиб доира бўлиб машинанинг атрофини ўраб олишга ҳаракат қилишади, аммо ўраб ололмайдилар: «Мана қандай катта автомобиль!» деб айтишади.

**Тарбиячи.** Насиба, Тамара, автомобилнинг ғилдирагини сананглар-чи, нечта экан.

**Болалар.** Тўртта.

**Тарбиячи.** Бизнинг гуруҳимизда ким энг баланд бўйли (энг катта бола)?

**Болалар.** Вали.

**Тарбиячи.** Тўғри. Айтинглари, машинанинг ғилдираклари Валининг бўйидан баландми ёки пастми?

Вали машина ғилдираклари ёнига туради, ғилдираклар Валининг бўйидан бир оз баландроқ.

**Болалар.** Ғилдирак Валининг бўйидан бир оз (озгина) баландроқ.

**Тарбиячи.** Энди Лола ғилдирак ёнига турсин.

**Болалар.** Лоланинг бўйи ғилдиракдан жуда пастда. Ғилдираклар жуда катта.

**Тарбиячи.** Мана биз юк ташийдиган машинани кўрдик. Ҳаммамиз ўртоқ ҳайдовчига (шофёрга) раҳмат деймиз.

**Болалар.** Раҳмат! Раҳмат! Хайр!

Тарбиячи болаларни машина ёнидан олиб кетади

ва уларга шундай дейди: «Юринглар куча буйлаб кетамиз», машиналар юрадиган йўлдан яна қандай юк ташийдиган машиналар утишини кўрамиз. Бошқа юк ташийдиган машиналарда нималар ташилаётганлигини кўриш жуда қизиқарли. Хаммангиз диққат билан қаранглар, сўнгра қандай юк ташийдиган машиналарни кўрганларингизни менга, Сарвар холаңгизга гапириб берасизлар.

3. Болалар боғчасининг жойланишини идрок қилиш. Болаларга I кварталда боғча биносининг биринчи қаватида жойлашган ёрдамчи ва гуруҳ хоналарининг жойланишини эсда олиб қолишга ўргата бошланади. Хоналарнинг жойлашганлиги ҳақида болаларга бериладиган саволлар болалар боғчасининг курилиш режасига боғлиқ бўлади.

Мана, масалан, тарбиячи «Бизнинг гуруҳимиз хонаси нечанчи қаватда жойлашган?» («Биринчи қаватда»). Бизнинг биринчи қаватимизда қандай хоналар бор, ёрдамчи ва гуруҳ хоналари борми?», деб сўрайди. Агар болалар жавоб беришда қийналсалар, тарбиячи болалардан гуруҳимиз қаторидаги хона қандай хона, унда нима (ким) бор. Сўнгра навбатдаги саволларни беради: «Эрталабки гимнастика, музыка машғулоти, jisмоний тарбия машғулотини утказадиган зал нечанчи қаватда жойлашган? Залга кетаётганимизда қайси хоналардан ўтамиз?»

Жавобларни тинглаб, хулоса қилади: «Кўрдингизми болалар, биз биринчи қаватда қайси гуруҳлар қандай хоналар борлигини яхши билмаймиз. Сизлар энди урта гуруҳ болаларисиз ва мен сизларни яқинда бир ўзингизни мудиранинг ёки катта тарбиячининг, бошқа гуруҳ болаларининг хонасига бирор нарсани сўраб келиш, олиб келиш учун юбораман. Сизлар у ерга боришда адашиб қолмаслигингиз, хоналарни адаштириб юбормаслигингиз учун қайси хоналар қаерда жойлашганлигини яхши билишингиз керак. Ҳозир биз боғчамизнинг қаватлари бўйлаб юрамиз ва қаерда қандай хоналар жойлашганлигини эслаб қоламиз. Биз нима қиламиз? Нима учун эслаб қоламиз?»

### Ноябрь

Тарбиячи болаларга Ш. Саъдулланинг «Еттинчи ноябрь» шеърини ўқиб беради ва уларда байрам кайфиятини ва қувноқлик, шодлик ҳиссини вужудга келтиришга ҳаракат қилади.

Дам олиш соатининг бирида (ойнинг охирида) адабий викторина ўтказиш лозим бўлади. Бу адабий викторинага I кварталда болаларга ўқиб ва ҳикоя қилиб берилган, ед олдирилган асарлар киритилади. Викторинанинг тахминий плани.

а) тарбиячи болаларга таниш бўлган китобларни кўрсатиб, унинг муқовасидан китобнинг номини ўйлаб топишни айтади («Оч бўри» эртагини, Оқилжон Ҳусановнинг «Болари ва Қовоқари» ва ҳоказолар);

б) тарбиячи болаларга тулки расмини кўрсатади ва болалардан сўрайди: «Бу сариқ тулки қайси эртақлардан? («Уч тулки», «Қўлқоп» ва бошқалар);

в) тарбиячи китоблардан расм кўрсатади ва бу расмлар қайси китобдан олинганлигини ва у ёки бу расм нима ҳақида эканлигини айтишни таклиф этади. (Эшакка миниб кетаётган Қашқа номли Қуён ва эшакнинг кетидан кетаётган Хўтик расми) («Уч тулки» эртагидан). «Хўрознинг қанотидан тишлаб олган бўри расми» («Оч бўри» эртагидан). «Сув ичаётган Қовоқари ва Болари тасвирланган расм». («Болари ва Қовоқари» ҳикоясидан ва ҳоказолар);

г) болаларга турли асарлардан парчалар ўқиб беради, қайси китобдан парча ўқиб берганлигини топишни таклиф этади.

Халил ва Комил эшик олдида қум ўйнаб ўтиришар эди. Уларнинг олдидан ўрта ёшдаги бир киши ўтиб қолди. Бирдан Комилжоннинг эсига дадасининг айтган гапи тушди, у: «Салом, амаки,— деди-да, ўрнидан сакраб турди.

— Кўп яхши, ўғлим, кўп яша. Жуда одобли бола экансан-да, отангга раҳмат!— деди ҳалиги киши. (Карим Раҳим. «Одоблиман» ҳикояси.)

Мен Лоламан, Лоламан  
Озода қиз боламан.  
Эрта билан тураман  
Юз-қўлимни юваман.

(Ш. Саъдулла «Лола ва Мушук» шеъри.)

д) викторинанинг иккинчи қисмида яна қайси асарлардан парчалар ўқиб беришимизни исташларини ўйлаш ва айтиш таклиф этилади. «Аввал китобнинг номини айтинг, сўнгра бу китобдан қайси парчани ўқиб беришимни айтасиз»— деб тушунтиради тарбиячи. «Сўйлоқ тиш тўнғиз ҳақидаги парчани ўқиб беринг».— деб



сўрайди бола. «Жоним билан,— деб жавоб беради тарбиячи. Лекин сен у қайси эртақдан эканлигини эслай олмайсан-ми? («Қўлқоп» номли рус халқ эртагидан.) Ёки «Бўри билан эчки» ҳақидаги эртақни ўқиб беринг, деб таклиф этади кичкинтой. Мен эртақни ҳаммасини ўқиб беришга улгурмайман — дейди тарбиячи,— шунинг учун бу эртақдан бирор парчани, айниқса ўзингизга ёққанини танлаб олинг.

## Декабрь — февраль

### 27- машғулот

**Мавзу:** Болалар билан тасвирий ҳикоялар тузиш.

**Мақсад:** Болаларда тарбиячининг намунавий ҳикояси бўйича қўғирчоқ ва унинг кийимлари ҳақида тасвирий ҳикоялар туза олиш малакасини шакллантириш. Болаларнинг ўз нутқида «да» қўшимчасидан фойдаланишини фаоллаштириш.

**Фойдаланадиган усуллар:** 1. Қўғирчоқни машғулотгача гуруҳга олиб кирадилар. У тарбиячининг столи устида ўтиради (туради) ва болалар қўғирчоқни яхшилаб кўриш имкониятига эга бўладилар. Машғулотга 1—2 минут қолганда қўғирчоқни яширадилар. Бу усул болаларнинг берилган саволларга ўйлаб жавоб беришларига ёрдам беради.

2. Қўғирчоқнинг ташқи кўринишига ва унинг кийим-кечакларига болалар диққатларини йўналтиришга ва уни ифодалаб бериш учун керакли сўзларни топишга имкон берувчи унча катта бўлмаган саҳна яратиш.

3. Қўғирчоқ болаларга ким у ҳақда ҳаммадан ҳам яхши ҳикоя қилиб берса, шу бола билан машғулотдан кейин ўйнашини маълум қилади.

4. Тарбиячининг намунавий ҳикояси.

5. Намуна — ҳикояни такрорлаш.

Ҳикоя қўғирчоқ номидан кетиши (айтилиши) мумкин: «Сиз мен ҳақимда жуда яхши гапириб бердингиз. Менинг оч сариқ рангдаги сочларим ҳақида гапириб бериш эсингиздан чиқмасин. Улар иккита қилиб ўрилган».

6. Болаларга айтиб туриш (Қўғирчоқ номидан айтиб берилиши мумкин), «Менинг кўзларим ҳақида гапириб бер», «Менинг шимим қандай эканлиги ҳақида гапириб бериш эсингдан чиқди»).

7. Айтиб туриш уч мартадан ошмаслиги керак. Агар болага кўп айтиб турилган бўлса, у вақтда ҳикояни яна

бир марта қайта айтиб беришни сўраш керак. Такрорлаш натижасида ўзининг ҳикоясини тўлдиради.

**Машғулот учун керакли материал:** Қўғирчоқ (сочи оч сариқ, иккита қилиб ўрилган, шим, оқ кофта, гуллар билан безатилган камзулча кийиб олган қўғирчоқ), 5 та матрешкача.

**Машғулотнинг бориши:** «Болалар!— дейди тарбиячи,— бугун мен сизларни... Вой-вой, бу ким, менга тегаётган?— «Қўғирчоқ»,— деб кулишади болалар.— «Қанақа қўғирчоқ?»— ҳайрон бўлади тарбиячи. «Янги», «Э-ҳа, бу балки катак шимли қўғирчоқдир,— деб айтади тарбиячи.— Чик, чик, бу ёққа тўполончи, қора кўзли. Янги қўғирчоғимизни кўзлари қандай экан? Қўғирчоқ пайдо бўлади ва яна тарбиячининг орқасига яшириниб олади. «Болалар, сиз агар қўғирчоқнинг сочлари қандай эканлигини топсангиз, у сизнинг олдингизга чиқади. Тўғрими, қўғирчоқ? Жавобларни тинглайди, уларни умумлаштиради: «Қўғирчоқнинг кўзлари қора, сочлари оч сариқ рангда». Қўғирчоқ яна пайдо бўлади ва шундай дейди: «Менинг оч сариқ сочларим иккита қилиб ўрилган. Улар қалин. Мана биринчиси, мана иккинчиси (кўрсатади). Сочларим қандай ўрилган?»

«Қўғирчоқ кийиб олган шим сизларга ёқдимизми?— деб қизиқади тарбиячи.

— У қандай? Болаларнинг жавобини умумлаштиради.

«Мен болалардан сўрамоқчиман,— дейди қўғирчоқ.— Менинг устимдаги кофта қанақа? («Оқ».) Кўк рандагиси-чи? («Камзул, у чиройли, гуллар билан безатилган».)

Қўғирчоқ давом эттиради: «Агар болалар мен ҳақимда ҳикоя қилиб берсалар, бу менга жуда ҳам ёқади. Ким мен ҳақимда ҳаммадан ҳам яхши ҳикоя қилиб берса, машғулотдан кейин шу бола билан ўйнайман».

«Ҳурматли меҳмон» — деб гапга аралашади тарбиячи.— Мен ҳам сен билан машғулотдан кейин ўйнамоқчиман, шунинг учун ҳозир мен сен ва сенинг кўйлақларинг ҳақида яхшилаб ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қиламан. Эшитинглар. Бизнинг янги қўғирчоғимиз жуда ҳам чиройли. Унинг сочлари сариқ рангда, ялтирайди. Унинг сочлари иккита қилиб ўрилган ва орқасига ташланган. Қўғирчоқнинг кўзлари қоп-қора. Қўғирчоқ чиройлигина бўлмай, балки чиройли кийинган ҳам. Унинг эгнида катак шими ва оқ кофтаси бор. Қў-

-қоқят жасоғи билан гуллар билан безатилган камзул-  
наси ҳам бор. У Хозир эса, хурматли меҳмон — деб давом эттиради  
тарбиячи — сен ҳақингда болалар ҳикоя қилиб беришади.  
Қарагин, қанча бола қўлини кутараяпти? Мен қимдан  
сўрашимни ҳам билмайман...»

Эт бўлганин ҳикоясидан сўнг тарбиячи намуна ҳи-  
қоясини тақриблайди. Агар болалар кейинги ҳикоялари-  
да ниманидир тақлаб кетсалар қуғирчоқ шундай дейи-  
ши мумкин: «Болалар, мен ҳақимда жуда яхши ҳикоя  
қилиб беришди. Энг яхши ҳикоя қилиб берган-  
ларни таълашда менга қийин бўлади. Лекин мен  
истардимки, болалар мен ҳақимда ҳикоя қилиб бе-  
раётганларида иккита қилиб урилган сочларим ҳақи-  
да гапиришни эсдан чиқармасинлар. Тарбиячи тез-  
лик билан стол устига қуғирчоқ, жиҳозларини, матреш-  
каларнинг (майдаларини) қилиб чиқади. «Хозиргина у  
ҳақда ҳикоя қилиб берган қуғирчоқ бизнинг гуруҳи-  
мизга бир ўзини меҳмон бўлиб келган эмас, — деб  
давом эттиради тарбиячи, у ўзининг тарбияланувчилари  
қичқина матрешкачалар билан меҳмон бўлиб келган.  
Бизлар қуғирчоқ ва унинг қийимлари ҳақида ҳикоя  
қилиб бераётганимизда, матрешкачалар ҳар томонга  
қочиб кетишиди. Келинлар қуғирчоққа уларни тез то-  
пиб олишида ёрдам берамиз. Сизлар матрешкача қаер-  
да турганлигини айтасиз, мен эса уларни қуғирчоққа  
узатиб тураман. (Битта матрешка стол устида, иккин-  
чиси стулда, учинчиси диванда, яна бир матреш-  
ка гилам устида, битта матрешка эса жаронга чиқиб  
олибди-да ва ҳоказолар.)»

-БХ нәм қилмоғи қил 28- машғулот мовед қорқини»

Мавзу: Пунктнинг грамматик тузилишини шаклланти-  
риш. «Расми тасвирда» дидактик ўйини  
Мақсад: Болаларни гапла келинлик қўшимчаларини  
туғри ишлатишга ўргатиш. Сўзларга товуқлашни ту-  
ри таллаффуз этишини мустаҳкамлаш.  
Машғулот учун материал: Рангли расмлар: олма,  
тоқ, шафтоқ, узум, қуйдак, шашка, соник, шиез, нелак,  
чойнак, дераза, эшик, уй, қилдирак, велесийед, сабзи,  
қарам, тарвуз ва ҳоказо.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи расмларни теска-  
ри томони билан стол устига териб чиқади ва болаларга  
шундай дейди: «Болалар, меннинг столимда нелак, сабзи,  
бор. Улар тескари томони билан териб қўйилган.

шитирлаётган барглар қандай ашула айтишади. Ша-молнинг ашуласи қандай? Илон қандай вишиллайди?..

Бу ашулалар тўғри ҳосил бўлиши учун лабларни олдинга бир оз чўзиб, айлана ҳолга келтиришни, тил учини эса юқориги тишларнинг орқасида ушлаб туришни унутманг (кўрсатади).

Келинлар ҳаммамиз «ш» товушини паст овозда айта-миз. Каримнинг ашуласини эшитиб кўрайлик-чи. Бу машқни 4—5 бола бажаради, шунингдек «ш» товуши-ни ноаниқ талаффуз этадиган болаларда тил ҳолати қандай эканлигини, лаблари олдинга чўзилганлиги ва улар айлана шаклида эканлигини кузатиб боради. Агар зарурат туғилса, болаларга ўз артикуляция ҳолатла-рини, яъни тил, лаб ҳолатини ойнада кўришни таклиф этади.

«Қаранглар,— дейди ва ш-ш-шшш — деб талаффуз этганида қоғоз бўлакчаси эгилишини (қочилишини) кўр-сатади. Сиз ҳам худди шундай қоғоз бўлакчасини олинг (олдиндан юққа қоғоздан — энсиз қилиб қирқилган қоғоз қийқимлари тарбиячининг столи устига қўйиб қўйилади). Қоғоз қийқимини оғзингиз олдига олиб бо-ринг ва «ш» товушини талаффуз этинг деб таклиф этади.

Болалар тарбиячи билан биргаликда ш-ш-ш, шшш ... деб талаффуз этадилар. Сўнгра тарбиячи қийқимлар-ни қўйингда менинг сўзларимни тингла. Тилча барг-лар шитирлаганда эшитиладиган турли ашулаларни айтишни ўрганмоқчи. Масалан: ша-ша-ша. Ҳозир биз Лоладан кейинги столда ўтирган Дилшода, Гулсумлар-нинг ашулани қандай айтишини тинглаб кўрамиз.

Болалар: ша-ша-ша, ош-ош-ош, шу-шу-шу, ши-ши-ши деб бўғинларни талаффуз этадилар (ашула айтади-лар).

Тарбиячи машғулоти давом эттириб шундай дей-ди: «Ҳозир биз шамол эсиши билан дарахтдаги барг-ларнинг «шиш» деб ашула айтиш ҳаракатини бажара-миз. Қўлингизни юқорига кўтариб гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга «шшш» деб эгилинг. (Қўлларни юқорига кўтариб худди дарахтдаги барглар шамолда гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга эгилиш ҳаракатини бажара-дилар.) Тарбиячи «шамол эсди» дейиши билан бола-лар қўлларини юқорига кўтариб «шшш» деб ўнг ва чап ён томонларга эгиладилар. Бу ҳаракат бир неча марта такрорланади (Физкультура дақиқаси). Кейин тарбия-чи болалар диққатини қўйдаги тез айтишувларни

тинглашга таклиф этади ва болаларга уни такрорлатади.

Шамол шовуллаб шовқин солди  
Шалпанг қулоқ кўрққанидан  
Шаталоқ отиб қолди.

Шокир шопояда шовқин солиб, шақилдоқни шақиллатди.

### 30- машғулот

**Мавзу:** Раҳмат Азизхўжаевнинг «Совуқ қилиқ» деган ҳикоясини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни ҳикояни эшитишга, ҳикоя мазмуни бўйича берилган саволларга жавоб беришга, қатнашувчиларнинг айрим сўзларини тарбиячи кетидан такрорлаб, уни эсда сақлаб қолишга ўргатиш.

Ҳикоядаги янги сўзларни: чунончи, олазарақ, ўксиб-ўксиб, босинқираб, юм-юм сўзларини тушунтириш.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар диққатини ўзига жалб қилиб, шундай дейди: «Болалар, айиқ қандай ҳайвон? (Ёввойи ҳайвон.) Бу ҳайвон қаерда яшайди? («Ўрмонда», «Ҳайвонот боғида».) Нима учун ҳайвонот боғида айиқлар қафасда сақланади ва боқилади? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглайди, умумлаштиради.

Шундан сўнг тарбиячи: «Ҳозир мен сизларга кечқурун кичкина укасини айиқ бўлиб кўрқитган бола ҳақида ёзилган Раҳмат Азизхўжаевнинг «Совуқ қилиқ» деган ҳикоясини ўқиб бераман, деб ҳикояни ўқийди. Сўнгра асар юзасидан болаларга саволлар беради: Ҳикоянинг номи нима? (Ҳикоя номини яхши эсда қолдириш учун болалар саволга ҳаммалари биргаликда ва алоҳида-алоҳида жавоб берадилар.) Нима учун бу ҳикоянинг номи «Совуқ қилиқ» деб айтилади? Бу ҳикоядаги Холтойнинг қилган ишини қандай баҳолайсиз? Холтойнинг қилган ишдан синглиси қандай ҳолатга тушиб қолди? Нима учун Холтойнинг уйини одам босди? Қим Инобатнинг кўрқиб айтган сўзларини эслаб қолди?.. (Вой, вой, вой! Энди бу уйда ётмайман, айиқ келди, айиқ!) Тарбиячи болалар диққатини Инобатнинг кўрқиб айтган сўзларини қандай айтилишига йўналтиради. (Ўзи Инобатнинг кўрқиб айтган сўзларини яна бир марта ўқиб беради, 2—3 та болага сўзларни такрорлашни таклиф этади.) Инобат нима учун туни билан босинқираб чиқди?

Тарбиячи болаларга ҳикоядаги чунон, олазарак, ўк-сиб-ўксиб, босинқираб, юм-юм сўзларини такрорлашни таклиф этади. Бунинг учун тарбиячи болаларга шундай дейди: «Инобат кўрққанидан нима қилди? (Чунон дод солдики, унинг овозини фақат ҳовлида турган онасигина эмас, қўшнилари ҳам эшитишди.) Инобат ҳаммага қандай қараб чиқди? («Ҳаммага бир-бир олазарак бўлиб қарар эди».) Инобат туни билан нима қилиб чиқди? («Босинқираб чиқди.») Холтой синглисини овута олмай нима қилар эди? (Юм-юм йиғлар эди.)

Тарбиячи чунон, олазарак, юм-юм, ўксиб-ўксиб, босинқираб сўзлари бор бўлган жумлаларни яна бир марта ўқиб беради ва машғулотни тугатади.

### 31- машғулот

**Мавзу:** Қоғознинг хусусияти билан таништириш.

**Мақсад:** Турли усуллар ёрдамида қоғознинг хусусиятини аниқлашда болаларга ёрдам бериш, қоғоз оқ, қизил, кўк ва бошқа рангларда бўлиши ҳақида, силлиқ, ғадир-будур, юпқа ва қалин бўлиши ҳақида, қоғознинг шитирлаши, енгил ғижимланиши, эзилган (ғижимланган) қоғозни тўғрилаш қийин бўлиши ҳақида, қоғоз осонгина йиртилиши ва сув юзасида қалқиб юриши, унинг мустаҳкам эмаслиги ҳақида тушунча бериш.

**Машғулот учун материал:** Болаларнинг ҳар бири олдида 4 тадан қоғоз бўлакчаси (4 та парча узунчоқ қилиб қирқилган қоғоз) 3 таси оқ қоғоз бўлакчаси (калька ёки папирос қоғози), силлиқ ва чизма чизадиган қоғоз бўлаклари (узунчоқ қилиб қирқилган). Биттаси рангли қоғозлардан қирқилган бўлакча (битта стол атрофида ўтирган болалар олдида турли рангдаги қоғоз бўлакчалари бўлиши керак). Тарбиячининг столи устида тоғора унга сув солинган. Қўғирчоқ, қизил рангли қоғоздан тикилган кўйлакча ва материалдан тикилган кўйлакча.

**Машғулотнинг бориши:** «Бугун биз сизлар билан, — дейди педагог, — қоғозларни кўриб чиқамиз. Нима қиламиз? Қаранглар, ҳар қайсингизнинг олдингизда нима ётибди? «Болаларнинг жавобларини тинглайди: қоғоз, қоғоз бўлакчалари, қоғоз ленталари, тарбиячи давом эттиради: «Улар ҳақида бошқачароқ ҳам айтиш мумкин: қоғоз бўлаклари (узунчоқ қилиб қирқилган қоғозлар). Қандай бўлаклар? Айтинглари-чи, қоғоз бўлаклари қандай рангда? (оқ, сариқ, кўк, қизил, яшил) Қоғозлар турли рангда бўлиши мумкин — деб аниқлик

киритади тарбиячи.— Мен қоғоз ҳақида нима дедим? У... (... турли рангда бўлади.) Қоғозни ушлаб, силаб кўринг ва у қандай эканлигини айтинг.

Жавобларни тинглайди, умумлаштиради: Силлиқ қоғозлар ҳам, ғадур-будур қоғозлар ҳам бўлади. Сиз энг силлиқ қоғоз деб ўйлаган қоғоз бўлагини юқорига кўтаринг. Энди қоғознинг қалинлигини аниқланг. Сиз нимани сездингиз? (Бир хил бўлақлар юпқа қоғоздан, бошқалари — қалин қоғоздан, биттаси эса — жуда ҳам юпқа қоғоздан.) Қоғозни эзиб (ғижимлаб) кўринг. Сиз нимани эшитаяпсиз? (Шилдираяпти.) Сиз яна нимани сездингиз (ғижимланади). Ҳамма қоғозлар ғижимланади: юпқа қоғоз ҳам, қалин қоғоз ҳам, силлиқ қоғоз ҳам. Оқ қоғоз ҳам, рангли қоғоз ҳам ғижимланади, — деб тушунтиради тарбиячи. Сўнгра у эзилган (ғижимланган) қоғозни тўғрилашни таклиф этади ва эзилган (ғижимланган) қоғоз аввалги ҳолатига келди-ми деб сўрайди, хулоса чиқаради: «Иўқ қоғоз текис, тўғри бўлмади». Демак осонгина ғижимланади ва нима бўлмайди? ... («Текисланмайди, тўғриланмайди».)

Энди қоғоз бўлақларидан озгина йиртиб олинг. Сиз нимани сездингиз? (Хоҳлаган қоғоз бўлагидан озгина йиртиб олиш жуда осон.)

Эшитинглар, мен қоғоз ҳақида нима дейман: қоғоз осонлик билан йиртилади. У мустақкам эмас. Мен қоғоз ҳақида нима дедим? У қандай экан? Нима учун биз қоғоз мустақкам эмас деймиз?

Болалар тарбиячига қараб ўтиришади. Тарбиячи шундай дейди: менинг столим устида тоғора турибди. Унда сув бор. Мен кимни чақирсам, столим ёнига келиб хоҳлаган қоғоз бўлақчасини олиб, уни сувга ташлайди, сўнгра қоғоз бўлаги сувда нима бўлганлигини айтиб беради. (Қоғоз бўлаги сувда ҳўл бўлди, ивиди, сўнгра тарбиячи сувни ичидан қоғоз бўлақчасини олишни, уни тортиб кўришни айтади. Бола қоғозни тортиш натижасида нима бўлганлигини айтиб беради (қоғоз йиртилади) ва жойига ўтиради.

Тарбиячи боланинг жавобини тинглайди, тўлдиради. Қоғоз сув юзида қалқиб юрди. У сувда ҳўл бўлди, ивиди. Қоғоз ҳўл бўлганлиги (ивиганлиги) учун уни салгина тортган эдик, йиртилиб кетди. Сўнгра тарбиячи хонага олдиндан тайёрлаб қўйилган кўғирчоқни олиб киради ва шундай дейди:— «Қаранглар, кўғирчоқ Насиба келди. Салом Насиба! Биз сенга керакмизми?»

Кўғирчоқ болаларга қараб олади ва тарбиячи қу-



лоғига ниманидир пичирлайди. Тарбиячи болаларга: «Насиба сизларга топишмоқ айтмоқчи. У иккита кўйлак олиб келибди. Шулардан биттасини ювиш мумкин, иккинчисини эса ювиш мумкин эмас. Топинглар-чи, қайси кўйлакни нима учун ювиш мумкин-у, қайси кўйлакни ювиш мумкин эмас». Болаларнинг жавобини тинглайди ва умумлаштиради: «Қизил кўйлак қоғоздан қилинган, шунинг учун уни ювиш мумкин эмас. У йиртилиб кетади. Фақат йиртилибгина кетмасдан балки... Яхшиси, ўзингиз қоғоз кўйлакни сувга солинг ва у нима бўлишини кўринг. Тарбиячи тоғорадаги сувнинг ичига қоғоз кўйлакни солади ва ундан олиб ҳўл қоғоз кўйлакни паднисга қўяди: болаларни (яхшиси гуруҳларга бўлиб) қоғозни ушлаб кўришга, сиқиб кўришга таклиф этади, болаларнинг жавобларини тинглайди, умумлаштиради, қоғоз сувда ивиб кетди. Иккинчи гуруҳ болалари ивиб кетган қоғозни кўргач, ўз жойларига бориб ўтирадилар. Тарбиячи машғулота кузатилганларнинг натижасини хулосалайди, яъни қоғознинг хусусиятларини санаб ўтади. Қоғоз ҳар хил рангда бўлади. У оқ, қизил, сариқ, кўк, яшил ва бошқа рангларда бўлиб, силлиқ, юпқа, қалин, сал қалинроқ, ғадирбудур бўлади. Қоғоз гижимланади, шитирлайди. Гижимланган, эзилган қоғозни текислаш (тўғрилаш) қийин). Қоғоз осонгина йиртилади. Уни сувга ташласак, сув юзида қалқиб юради ва ивийди.

### 32- машғулот

**Мавзу:** «Тулки билан Турна» ўзбек халқ эртагини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларга «Қўлқоп», «Теремок» эртагини эсга туширишга ёрдам бериш: Болаларга таниш бўлган «Тулки билан Турна» эртагини ифодали қилиб қайта ҳикоя қилиб беришни ўргатиш. Ахлоқий сифатларни тарбиялаш. Дўстликнинг ижобий хислатларини тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Фланелеграф, «Қўлқоп» ва «Теремок», «Тулки билан Турна» эртаклари учун ишланган расмлар. Тулки ва Турна ўйинчоғи.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга мурожаат этиб, шундай дейди: «Мен эртакларни ўқишни ва эшитишни жуда яхши кўраман. Бу эртакларда ҳайвонлар, қушлар яшашади. Чунки улар ҳақида жуда қизиқарли воқеалар ёзилган.

«Менда севимли эртаklar бор,— деб давом эттира-

ди тарбиячи. Мана улар. (Болаларга маълум бўлган «Кўлқоп» эртаги учун ишланган расмларни фланелеграфда кўрсатади. Болалар эртақнинг номини айтадилар. Ўзларининг таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Унинг қаҳрамонларини эсга туширадилар.)

Яна эртақлар ичида худди «Кўлқоп» эртагига ўхшаш яна бир эртақ бор. Унда ҳам бир уйчага сиға олишган меҳмондўст ҳайвонлар ҳақида ҳикоя қилинади. (Шу эртаққа ишланган уйча расмини фланелеграфда кўрсатади.)

Лекин менинг энг яхши кўрадиган эртақларимдан бири... Бу эртақни балки сизлар номини биларсизлар, буни ўзингиз ўйлаб топинглар-чи. Бу эртақшундай бошланади: Турна билан Тулки дўст бўлишиб, бирга яшай бошлашибди. Турна бола очибди. Уларни кўз қорачиқдай асраб — тарбиялабди. Тулки турнанинг болаларига кўз олайтириб: «Есанг мазза қиласан-да», дебди ичида. Бир куни Турна билан Тулки овқат излаб уйдан чиқибди. Сизлар бу эртақнинг номини эсладингизми? Ҳозир текширамиз. Бир куни... (жумлани яна такрорлайди) Кейин қандай воқеа рўй берибди? Турна узоққа кўлга қараб учиб кетибди. Тулки бўлса, дарров изига қайтибди-да, Турнанинг болаларидан семизгинасини тутиб еб, қорнини тўйгазиб олибди.

Бу ҳақда болалар яна бир марта гапириб берсин. (2—3 та бола гапириб беради. Нима, Турна боласини еб қўйган Тулкининг жазосини бермайдими? (Жазолабди.) Қандай жазолабди?)

Турна уйига келиб қараса... нима бўлибди? (Охириги боласини ҳам Тулки еб қўйган эмиш.) Тулки бўлса бир чеккада жимгина ётган эмиш. У Турнанинг ўзини ёйиш пайида экан. Турна: — Дўстим, бу ерда бизга кун йўқ экан, юр кетамиз, кўл орқасида овқат мўл дебди.

— Кўлдан қандай ўтаман, менинг қанотим йўқ-ку, дебди. Тулки. Узим кўтариб ўтаман, — дебди. Турна. (Жумлани 2—3 бола такрорлайди.) Турна Тулкини нима қилибди? Турна Тулкини кўтариб учибди. Улар балаид осмонга чиқибдилар. Турна юқори кўтарилибди ва чангалини ёзиб, Тулкини ташлаб юборибди. (Бу жумлани ҳам 2—3 бола такрорлайди.)

Болалар! Қим эртақни бошдан охиригача ҳикоя қилиб бермоқчи? Эртақни шошилмасдан, ифодали қилиб ҳикоя қилиб бериш керак. Бу эртақни, шу эртақдаги Тулки ва Турна ҳам жуда қизиқиб тинглашсин. (Болаларга тулки ва турна ўйинчоғини кўрсатиб, мана эр-

такдаги Тулки ва Турна ҳам эртакни ошитадиган, югуриб келишди, деб айтиш керак).

Тарбиячи эртакни қайта ҳикоя қилдиришда энг аввало уятчанг ёки бошқаларга қараганда ёмон ҳикоя қилиб берадиган болаларни жалб қилиши керак. Чунки бу болалар таниш бўлган эртакни осонгина қайта ҳикоя қилиб бера оладилар.

Болаларнинг ҳикоясини баҳолашда тарбиячи уларнинг ифодали нутқига, мазмундорлигига, баён этилишининг кетма-кетлигига аҳамият бериши керак. Баъзи ҳолларда бола ҳикоясини баҳолашда ўйин элементидан фойдаланиш мумкин: «Сен Тулкининг кўз ёши тўкиб айтган гапларини жуда яхши айтиб бердинг, ҳатто Тулки ва Турна сенинг олдинга яқинроқ сурилиб ўтирди».

**Эслатма:** Агар эртак болаларга нотаниш бўлса, тарбиячи бу эртакни машғулотдан 2—3 кун олдин кечки соатда ўқиб бериши керак.

### 33- машғулот

**Мавзу:** И. Муслимининг «Арча» шеърини ёдлатиш.

**Мақсад:** Болаларни шеърни ёд олишга ўргатиш, ифодали айтиб беришга одатлантириш (эришиш).

**Олдиндан қилинадиган иш:** Тарбиячи 1—2 ҳафта давомда болалар билан сайр вақтида кузатиш уюштилади. Уларга дарахтларни, айниқса арчани кўрсатиши керак: унинг қишин-ёзин кўм-кўк бўлиши, у бизга янги йилда меҳмон бўлиб келиши ҳақида болаларга тушунча бериши керак.

**Машғулот учун материал:** Кичкина арча.

**Машғулотнинг бориши:** Бугун мен сизларга арча ҳақида жуда ажойиб шеър айтиб бераман. Бу шеър «Арча» деб аталади.

Шеърни айтиб бергач, тарбиячи болаларга ўйин таклиф этади. У шундай дейди: «Мен ҳозир сизлардан айтиб берган шеър ҳақида сўрайман, сизлар эса жавоб берасизлар. Лекин шундай жавоб бериш керак-ки, худди шеърда айтилгандек бўлсин. Масалан: «Арча» шеъри шундай бошланади:

Шодликка тўлди

Бугун дилимиз

Улуғ байрамдир

Янги йилимиз.

Мен бундай сўрайман: Нима учун шодликка тўлди бугун дилимиз?

— Сиз менга шундай жавоб берасиз.

Улуф байрамдир  
Янги йилимиз.

Тарбиячи: Худди мендек сўраманг, балки жавоб беринг. Бошладик.

Нима учун шодликка тўлди бугун дилимиз? («Улуф байрамдир, янги йилимиз») — Бу саволга ҳамма болалар биргаликда ва иккита бола алоҳида-алоҳида жавоб берадилар. Тарбиячи қайси болага мурожаат этса, шу боланинг ўзи жавоб беради.

Масалан: «Инобатдан сўрайман,— ва савол беради.— Нима учун шодликка—дейди у, тўлди, бугун дилимиз?»

Тарбиячи: Қорбобомиздан димоғимиз чоқ?.. (Болалар жавоби: Қорбобомиздан димоғимиз чоқ.)

Сўнгра тарбиячи шеърнинг охириги қаторларини болаларга айтиб беради:

Келинг болалар,  
Бирга ўйнайлик  
Арча қўшигин  
Айтиб қувнайлик.

Тарбиячи болалар диққатини кейинги қаторларга

Келинг болалар  
Бирга ўйнайлик  
Арча қўшигин  
Айтиб қувнайлик

йўналтиради.

Тарбиячи бу қаторни қувноқ, шодлик оҳангида айтиб беради ва чақирилган 3—4 болада керакли интонацияни ҳосил қилдиради. Сўнгра тарбиячи стол устига кичкинагина арчани (қўйиб) қўяди ва шеърни яна бир марта бошидан охиригача айтиб беради. Шундан сўнг биринчи бўлиб хотирасида тез олиб қоладиган, ифодали қилиб айтиб бера оладиган болани чақириб, унга арчани беради ва шундай дейди:— Энди «Арча» шеърини сен айтиб берсан, айтиб бўлганингда сўнг арчани кимга хоҳласанг шунга узатишинг (беришинг) мумкин. Кимга у (биринчи бўлиб чиққан бола) арчани берса, шу бола чиқиб шеърни айтади, сўнгра арчани навбатдаги болага беради (5—6 та боладан шу тарихқа сўраб чиқилади).

Машғулотнинг охирида тарбиячи «Арча» шеърини яна бир марта ёддан айтиб беради, бу вақтда тарбиячи

болаларга ичларида, ўзларича, жуда паст овозда шеърни такрорлашни таклиф этади.

### 34- машғулот

**Мавзу:**— И. Муслимнинг «Арча» шеърини такрорлаш. Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларни шеър мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб беришда шеърдан хоҳлаган парчани танлаш ва уни айтишга ўргатиш; Ш товушининг артикуляциясини болаларнинг эсига тушириш. Ш товушини сўзларда ва қофияларда аниқ талаффуз этишга эришиш. Ш товушини маълум интонация (оҳанг) билан талаффуз этишга, ш товуши бор бўлган нарсаларни топишга: ш товуши бор бўлган сўзларни ўйлаб топишга ўргатиш: болаларда нутқнинг товуш мазмундорлигини (ифодалилигини — товушни турли овоз кучида талаффуз этиш) шакллантириш.

**Машғулот учун материал:** Айниқса, ўйинчоғи, фланелеграф, шар, мушук, шарф, қўзиқорин, шапка, ракета, шифонер, душ, қуёш, ит, ари ва ҳоказоларнинг расмлари.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячининг столи устида айиқча. «— Болалар, — дейди тарбиячи. — Айиқ сизларнинг «Арча» шеърини ёд олганлигингизга ишонмаяпти. Бу шеърни ўзингиз айиқчага у истаган парчасидан (жойидан) айтиб беринглар. Қуйидаги сўзлардан бошланган: «Совғалар олдик»... (1—2 та боладан сўрайди.)

Айиқча бу шеърнинг охириги қаторларини (бандини) эшитишни хоҳлаяпти. Бола шеърнинг охириги бандини айтиб беради:

Келинг болалар  
Бирга ўйнайлик,  
Арча қўшигин  
Айтиб, қувнайлик.

Мен шеърнинг бошланишини жуда-жуда эшитишни хоҳлайман, деб айтаяпти Айиқча. Бу саволга 1—2 та бола жавоб беради.

Шодликка тўлди,  
Бугун дилимиз.  
Улуғ байрамдир  
Янги йилимиз.

Шундан сўнг тарбиячи: «Энди айиқча ким менга шеърни бошдан охиригача ҳаммасини айтиб бермоқчи,

деб сўраяпти?— деб айтади. (1—2 та боладан сўрайди). Такрорлашнинг бундай усули болалар шеър матнини қанчалик тушуниб ва эсда сақлаб қолганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Тарбиячи машғулотни давом эттириб шундай дейди: «Мен сизлардан шамолнинг ашуласини эшитишни, хоҳлар эдим. Ким уни эсимизга туширади? Лабларингизни олдинга чўзишни ва айлана шаклига келтиришни ва тилингизнинг учини юқориги тишларингиз орқасига яширишни унутманг. Келинлар, барглarning шийдирашини секингина айтиб кўрамиз. (ш-ш-ш) Шамол қаттиқ эсди ва шовуллаш кучайди. (шшш) (Болалар машқни бажарадилар.)

Кейин тарбиячи болалар диққатини қуйидаги шеърга йўналтиради:

Дала — қишда тинди иш,  
Келди меҳмон бўлиб қиш.  
Қиш эмас — у қорбобо,  
Совгалари бор бобо.

Тарбиячи бу шеърни 2—3 марта такрорлайди. Кейин болалар билан биргаликда паст овозда шеърни айтади. 3—4 бола бу шеърни алоҳида-алоҳида айтиб беради. «Бу шеърда ҳам — дейди тарбиячи, — барглarning ва шамолнинг ашуласи яшайди. Ҳозир уни сиз эшитасиз». Яна бир марта бу шеърни «ш» товушини овоз кучи билан ажратиб айтиб беради. Болалардан шамол сўзини такрорлашни ва бу сўзни такрорлаётганда, «ш» товушини ҳамма болалар эшитишини айтади. Шундан сўнг тарбиячи болаларга (физкультура дақиқаси) кетма-кет туриб қўлларини тирсакдан букишни айтади. Тарбиячининг «Поезд станциядан жўнаб кетди» — дейиши билан болалар секин-секин юриб, паст овозда «пиш, пиш» деб тирсакдан букилган қўлларини (худди поезд гилдирагининг ҳаракатланишидек) ҳаракатлантирадилар (юқоридан пастга), тарбиячининг поезд тез юряпти — дейиши билан болалар юришдан, югуришга ўтадилар (поезднинг тез юриши). Бу вақтда болалар баланд овозда тез-тез «пиш-пиш» деб айтадилар.

Тарбиячи поезд тўхтади, дейиши билан болалар югуришдан юришга ўтиб, тўхтайдилар ва паст овозда «пиш-пиш-пиш» деб айтадилар ва қайтиб жойларига ўтирадилар. «Энди сизлар билан қайси нарсада «ш» ашуласи яшайди, топ ўйинини ўйнаймиз, дейди тарбиячи ва фланелеграфга ёки доскага номида «ш» товуши

бор бўлган ва бўлмаган расмларни қўйиб чиқади. Масалан: шар, мушук, шарф, қўзқорин, қўғирчоқ, шапка, ракета, шифонер, душ, машина, анор, қуёш, ип, ари ва ҳоказолар. Бу расмларни тарбиячи кўрсатиши билан болалар уларнинг номларини айтадилар.

«Энди болалар номида «ш» ашуласи яшайдиган нарсаларни айтинг»,— деб тарбиячи вазифани аниқлаштиради. Агар бола расмнинг номини тўғри айтса, тарбиячи уни досканинг бошқа қисмига ёки фланелографнинг иккинчи томонига қўяди. Агар бола раем номини нотўғри айтса, расм жойида қолади. «Ш» товуши бор расмлар танлаб олингандан кейин, тарбиячи бу расмларнинг номини яна бир марта айтиб чиқади ва «ш» товушини овоз кучи билан бошқа товушларга нисбатан ажратиб талаффуз этади.

Машғулотни якунлашда тарбиячи тилчамиз қайси ашулани яхши айтишга ўрганиб олганлигини аниқлайди.

### 35- машғулот

**Мавзу:** Грамматик тўғри нутқни шакллантириш. «Таня совуқдан қўрқмайди» деган расмни кўриб чиқиш. (О. И. Соловьева «Бизнинг Таня» серияли расмидан.)

**Мақсад:** Болаларни ўз нутқларида сифатларни тўғри ишлатишга, отларни келишиқларда тўғри турлашга (яшил челақчага, яшил челақчада) ўргатиш. Расмнинг мазмунини тушунишга ўргатиш, нимани кўраётган бўлсалар шуни айтишга, тарбиячининг саволларига жавоб беришга, оддий хулосалар қила олишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Яшил ва кўк рангдаги кичкина челақча (бошқа рангда ҳам бўлиши мумкин) каттароқ оқ челақча айиқча, ўйинчоғи, қизил ва сариқ рангдаги олмалар, «Таня совуқдан қўрқмайди» номли расм (сурат).

**Машғулотнинг бориши:** Болалар ярим доира ҳосил қилиб ўтиришади, ўртада стол. Унга иккита кичкинагина челақча ва битта каттароқ оқ челақча қўйиб қўйилган. Улар бир-биридан ранги билан ва бир оз катталиги билан ажралиб туради (масалан яшил ва кўк ёки бошқа рангда бўлиши мумкин).

Тарбиячи болалардан столда қандай челақчалар турибди, деб сўрайди, жавобларни умумлаштиради. «Кичкина яшил челақча, кичкина кўк челақча ва битта оқ челақча турибди».



Ҳозир мен сизлар кўзингизни юмганингизда,— дейди педагог, битта челақчани олиб қўяман. Сиз эса қайси челақча йўқ эканлигини ўйлаб топишингиз керак. Берилган жавоб мана бундай бўлиши керак: Стол устидаги кичкина кўк челақча йўқ. Ёки катта оқ рангдаги челақ йўқ. Шундай қилиб, кўзингизни юминг. Машқ 4—5 марта такрорланади, шундан сўнг Айиқ пайдо бўлади. У болаларга қизил ва сариқ олмаларни кўрсади.

«Айиқ,— дейди тарбиячи,— ҳозир сариқ олмани челақлардан бирига яширади. Сиз эса диққат билан қараб туришингиз ва Айиқ сариқ олмани челақлардан қайси бирига яширганлигини билиб олишингиз керак. Бу ҳақда мана бундай ҳикоя қилиб беришингиз керак: Айиқ сариқ олмани яшил челақчага яширди». 1—2 та болага намунани такрорлашни таклиф этади.

Сўнгра Айиқ қизил олмани оқ челақчага, сариқ олмани эса кўк челақчага яширади ва тарбиячи болалардан Айиқ нима қилганлигини сўрайди. Машғулотнинг бу қисми бажарилгач, тарбиячи болаларга: Мен ҳозир сизларни Таня билан таништираман,— деб доскага расмни осиб қўяди ва қуйидаги шеърини парчани айтиб беради:

Мана Таня — танишинг!  
У тўртга қўйди қадам  
Эрта билан ювар тишин,  
Сайрга чиқар бардам!

Болалар расмни кўриб чиқишади ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

«Бу Таня,— деб тушунтиради педагог.— У сайр қилиб юрибди. Қаранглар, атроф қандай чиройли. Ҳаммаёқ қор билан қопланган. Қаерларда қор бор? (Ерда, скамейкада, дарахтларда.) Ҳаммаёқда қор бўлса, демак...? (Қиш.) Қишда совуқ бўлади, шунинг учун Таня иссиқ кийиниб олган. У қандай кийинган? Унинг эгнида... (Пальто, пийма, шарф, қўлқоп) бор.

Сизга Таянинг қишки пальтоси ёқдими? У... (Яшил, жигарранг ёқали). Унинг мўйнаси борми? («Чўнтақларининг атрофида, пальтонинг енгларида мўйнали безаклари бор».) Ким менга Таянинг яшил рангли жигарранг мўйнали беаги бор қишки пальтоси ҳақида гапириб бермоқчи? (1—2 та бола гапириб беради.)

Таянинг телпаги нимадан тикилган?—деб давом эттиради тарбиячи. (У ҳам жигарранг мўйнадан тикилган».)

Болалар Таня нима қилаяпти? (Жавобларни тинглайди, уларни умумлаштиради). Тўғри, Таня белкуракчаси билан яшил челақчасига қор еоляяпти. Қаранглар, болалар, қишда дарахтлар қандай чиройли! Улар ... («Қор билан қопланган».) Ҳатто қайин дарахтининг шохчалари кўринмайди.— Улар қор учқунлари остида яшириниб олишган. Ям-яшил арча устида ҳам қор бор. Қаранглар, мана бу арча устида қор қандай ётибди. Худди арча шохчаларига оқ рўмолча ташлаб қўйилганга ўхшайди. Шохларига нима ташлаб қўйилганга ўхшайди? («Мана рўмолча, мана, яна, мана яна биттаси».) Яна ким нималар ҳақида гапириб бермоқчи? Балки сураптаги айрим нарсаларни сезмай қолгандирмиз? (Болалар, дарахт устида қарға ўтирибди, дарахтларнинг орқасида — уйлар бор деб айтишади.)

Ҳаммангиз диққат билан тингланг, мен бу расм ҳақида гапириб бераман? Тингланглар. Кўчада қиш. Таня чанасини олиб сайр қилгани чиқди. Қишда совуқ, лекин Таняга совуқ эмас. Унинг эғнида (устиди) қишки пальтоси ва мўйнали телпаги бор. Пальтоси иссиқ ва чиройли. У яшил рангда, ёқаси эса жигарранг, мўйнали. Пальтосининг чўнтак атрофларида ва енглирида мўйнали безаги бор. Танянинг оёғида қора пиймаси бор. У қўлқоп кийишни ва шарф ўрашни, эсидан чиқармаган. Таня кўк белкуракчаси билан яшил челақчасига қор соляпти. Ҳаммаёқ оппоқ қор билан безанган: ерда, скамейкада, дарахтларда қор бор. Қайин дарахтининг кичкина шохчалари қорнинг кўплигидан кўринмайди. Фақат арча қишда ҳам кўм-кўк бўлиб турибди. Лекин унинг ҳам устида қор бор. Унинг яшил ниначаларига кимдир оқ рўмолча ёпиб қўйганга ўхшайди. (Бу ҳикояни тарбиячи яна бир марта қайтарса, мақсадга мувофиқ бўлади.)

Машгулотдан кейин расм ҳонада қолдирилади. Тарбиячи болалар диққатини шу расмга қараб ҳикоя тузишлари мумкинлигига йўналтириши керак.

### 36- машгулот

**Мавзу:** «Таня совуқдан кўрқмайди» деган расм бўйича ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни тарбиячининг намунаси бўйича расм мазмунини боғланган ҳолда айтиб беришга ўргатиш.

**Машгулот учун материал:** «Таня совуқдан кўрқмай-

ди» деган расм, худди расмдаги Танияга ухшатиб кийинтирилган кўғирчоқ.

**Машгулотнинг бориши:** Болалар стол атрофида утиришади. Доскага расм осиб куйилган. Доска олдида худди расмдаги Танияга ухшатиб кийинтирилган кўғирчоқ утирибди.

«Кўғирчоқ сен бу ерда нима қилаяпсан?— деб сўрайди тарбиячи. Мен Тания ҳақида ҳамма таниш уйинчоқларимга ҳикоя қилиб беришга ваъда берганман. Ҳозир эса расмга қараяпман, лекин ҳикоя яхши чиқмаяпти. Уйинчоқлар эса Тания билан танишинни жуда ҳам хоҳлашади!— дейди кўғирчоқ. «Сен кўғирчоқ кун хафа булаверма. Ҳозир мен Тания ҳақида болаларга ҳам, сенга ҳам ҳикоя қилиб бераман. Диққат билан тингланг ва эсда сақлаб қўлишга ҳаракат қилинг, деб ҳикояни бошлайди».

Тарбиячи ҳикояни тамомлаб кўғирчоқдан сўрайди: «Кўғирчоқ эслаб қолдингми?— «Йўқ. Яна бир марта айтиб беринг»,— деб жавоб беради кўғирчоқ. «Ҳозир сенга Тания ҳақида болалар ҳикоя қилиб беришади, сен ким биринчи бўлиб ҳикоя қилиб беришини хоҳлайсан?» Шундан кейин қўлланиладиган усуллар:

**1.** Эсага туширувчи саволлар: «Тания нима қилаётганлиги ҳақида айтиб беришни эсингдан чиқардинг», «Пальтоси ҳақида гапириб бер» ва бошқалар. Бу саволларни секингина бериш керак, акс ҳолда болаларни ўз фикрларидан чалғитиб юборини мумкин.

**2.** 1—2 та болага уч мартадан кун айтиб туришган бўлса, у вақтда бу болаларга ҳикояни қайтадан айтиб беришни таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳикояни такрорлаш бола томонидан тез баён этилади.

**3.** Тарбиячининг намунавий ҳикояни такрорлаши. Ҳар доим ҳам бунга эҳтиёж сезилмайди. Бироқ 2—3 та боланинг ҳикоясидан кейин, қолган болалар намунани эсдан чиқара бошлайдилар ва расмда тасвирланганларни тартибсиз айта бошлайдилар. Бундай вақтда тарбиячи намунавий ҳикояни такрорлаши керак.

Намунани қуйидагича бериш мумкин. Кўғирчоқ тарбиячини ва болаларни «Тания» ҳақидаги ҳикояни ҳамма ҳаммасини эсда олиб қолганини ишонтиради: Ҳикояни айта бошлайди ва кўп жойларини ташлаб кетади. Тарбиячи болалардан кўғирчоққа яна нималар ҳақида гапириб бериш кераклигини айтишларини сўрайди.

35- машгулотга қаранг (тарбиячининг намуна ҳикояси «Ҳаммаёқ...» деган сўзгача).

**Мавзу:** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш

**Мақсад:** Болаларга «Ж» товушининг артикуляциясини курсатиш. «Ж» товушининг талаффузини бўғинларда турли сўзларда мустаҳкамлаш, нутқнинг интонацион ифодалилигини тарбиялаш.

**Машгулот учун материал:** Учиб кетаётган кўнғизнинг расми ва жигар рангдаги кўнғиз уйинчоғи, кучукча, жирафа, кўнғиз уйинчоғини солиб қўйиш учун яшикча.

**Машгулотнинг бориши:** «Тилча уйчасида ўтирган эди,— дейди тарбиячи.— Бирданига кимнингдир ж-ж-ж-ж деб айтаётган ашуласини эшитиб қолди.

«Мен бундай ашула айта олмайман деб хафа бўлди Тилча.— Мен барглarning, фознинг, шамолнинг, илоннинг ашуласини биламан. Бироқ бу янги ашула мутлақо бошқача. У кўнғизнинг ашуласига ўхшайди. (Учиб кетаётган кўнғиз расмини курсатади (ж-ж-ж-ж-ж. Барглarning, шамолнинг, илоннинг ашуласи эса бундай эди: ш-ш-ш-ш, шшшш). Болалар, ҳозир ўзингизни тилчаларингизга кўнғизнинг ашуласини айтишга ёрдам беринг ва бу ашулани айтинг: ж-ж-ж, жжж, Келинлар ҳозир... (боланинг исмини айтади. 4—5 болага ашулани айтишни таклиф этади. Аввал «ж» товушини аниқ талаффуз этмайдиган) болаларни бу товушни талаффуз этишга таклиф этаман. Ашуласини тинглаб кўраман. Унинг ашуласи кўнғизнинг ашуласига ўхшаб чиқадими ёки йўқми.

Ж-ж-ж, жжж — бу кўнғизнинг ашуласи,— деб тушунтиради тарбиячи.— Бу ашулани айтаётганимизда ашулани томоғимиз ҳам айтади. Кўлингиз кафтини томоғингизга қўйинг ва ж-ж-ж, жжж деб қўйланг. Сиз нимани эшитаяпсиз? Ашула томоқда айтилаяпти. Энди кўлингиз кафтини томоғингизга қўйиб, баргнинг ашуласини (ш-ш-ш, шшш) айтинг. Томоқ бу ашулани айтаяптими? Келинлар, кўнғизнинг ашуласини айтишга ўрганамиз. Оғзингизни очинг. Тилчангизни пастки лабингизга қўйинг. Энди уни секин-аста юқорига кўтаринг ва юқоридаги тишларингиз орқасига яширинг, тилингни ўзингизнинг учи ташқарига мўраламасин. Оғзингизни ёпинг. Бироз дам олинг. Келинлар такрорлаймиз. Тилчангизни юқориги тишларингиз орқасига яширганингиздан кейин дарҳол ж-ж-ж, жжж деб айтинг.

Тарбиячи болаларнинг қандай талаффуз этаётганликларини тинглайди, баъзи болаларга бу товуш та-

лаффузини (ж-ж-ж-ж, жжж) айтишни таклиф этади, сўнгра болалар кичкинагина қўнғизнинг ашуласини айтадилар. (Кичкина қўнғизнинг ашуласини ингичка овозда, катта семиз қўнғизнинг ашуласини йўғон овозда айтадилар.) Сўнгра ҳаракатли ўйин ўйналади. Бу ўйиннинг номи «Қўнғизлар» деб айтилади. Болалар қўл ушлашиб, доира ҳосил қиладилар. Доира ташқари-сида 6—7 та бола туради. Булар қўнғизлар бўлишади. (Қўнғиз бўлган болалар ичида «ж» товушини аниқ талаффуз эта олмайдиган болаларнинг ҳаммаси бўлиши керак.)

«Доира — бу кўп деразаси бор бўлган энг катта хона — деб тушунтиради тарбиячи. — Ҳамма кишилар кетишди-ю, лекин хонанинг деразасини ёпиш эсларидан чиқиб қолди. (Болалар қўлларини пастга туширишади ва силкитишади.) Хонага қўнғизлар учиб киришди ва ж-ж-ж, жжж деб ғинғиллаб бутун хона бўйлаб учишди. Шамол эсиб, деразани ёпиб юборди. Бироқ қўнғизлар дераза томонга учишди ва шиша борлигини кўрмай унга урилиб «жжж» деб чиқиш учун очиқ жой излай бошлашди. Келинлар уларни чиқариб юборамиз. Майли, учиб кетишсин. Ўйин икки марта такрорланади, сўнгра болалар стулчаларига қелиб ўтиришади ва тарбиячи болаларга ўйин — саҳнага диққат қилишни таклиф этади.

Стул устида кучукча пайдо бўлади.

Мен Жучкаман. Менинг исмим нима экан? Бу саволларга ҳамма болалар биргаликда ва бир нечта бола алоҳида жавоб берадилар. Мен сизларнинг олдингизга бир ўзим келганим йўқ. Мен ўзим билан бирга яна. Қани у? Жи-ра-фа, қани сен? Болалар, келинлар уни бирга чақирамиз. «Жирафа, қани сен бу ёққа чиқ» — дейди кучукча Жучка. Қани, уни Олима чақириб кўрсин-чи. (4—5 та боладан сўрайди.)

Жирафа кўринади ва болаларга қараб алланимларни айтади. «Қани сен, қани сен? Бу ёққа чиқ. Ахир шундай ҳам илтимос қилишадими? — дейди Жирафа» (Яширинади). «Хафа бўлди, — деб ҳайрон бўлади кучукча Жучка. Нима унга ёқмади экан-а? Болалар унга: Жирафани эркалаб самимий чақирин керак, — дейишади. Дастлаб 2—3 бола навбатма-навбат, сўнгра ҳамма болалар биргаликда унча баланд бўлмаган овозда «Жирафа, илтимос, бу ёққа чиқа қол, — деб айтишади. Жирафа пайдо бўлади ва шундай дейди: Ана энди кўринаман. Сизларга жигарранг қўнғизни ҳам

таништираман. Жигарранг қўғиз, бу ёққа чиқ, илтимос, ғинғиллаши эшитилади. (Қўғиз тарбиячининг столи устидаги яшик ичига яширинади, у ерда Жирафа ҳам яширинган эди.) Нима учун сен ғунғиллаяпсан? Балки чиқа олмайгандирсан?— деб сўрайди тарбиячи. Чиқа олмаяпти. Шошмай тур, ҳозир сенга арқон тушираман. Ушла, қўғиз, эшитаяпсанми? Келинлар болалар биргаликда «Қўғиз арқонни ушла» деб айтаман, дейди тарбиячи. Қўғизни тортиб шундай дейди: «Жуда оғир экан»— деб кучукча Жучкани ёрдам беришини айтади. Қўғиз пайдо бўлади ва шундай дейди. «Раҳмат, Жирафа, раҳмат Жучка. Мен ҳозир Жирафага ашуламни айтиб бераман.

Қўғиз ғунғиллайди: «жиж-жиж»,  
Мен Жирафа билан дўстлашдим.

Эшит менинг ашуламни, дўстим Жирафа «жиж-жиж». Болалар, келинлар, қўғизнинг ашуласини такрорлаймиз, деб айтади тарбиячи. (2—3 та бола буни такрорлайдилар) Кучукча Жучка бирдан хафа бўлади ва «Мен сен билан дўст эмасми» деб тескари ўгиридиб олади. Нима учун, Жучка?— деб сўрайди қўғиз. Мен ахир сен билан ҳам дўстман. Ҳозир сенга ҳам ашуламни айтиб бераман:

Қўғиз ғинғиллайди: «жиж-жиж»  
Мен Жучка исмли кучукча билан дўстман.  
Унга ашуламни баралла айтаман:

«жиж-жиж».

Кучукча Жучка: «Раҳмат дўстим қўғизжон  
Мен қўғиз билан жўраман  
Ҳеч ундан ажралмасман.

### 38- машғулот

**Мавзу:** В. В. Маяковскийнинг «Яхши деган сўз нима-ю, ёмон деган сўз нима» деган шеърини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Поэзияга бўлган муҳаббатни ўстириш. Асарни тинглашга, маданий гигиеник одатларга риоя қилишга, маданий муомалага ўргатиш. Шеър мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб беришга, қаҳрамонларни хатти-ҳаракатини баҳолай олишга, матнда учрайдиган айрим сўз ва жумлаларни эсда олиб қолишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Фланелограф, қаттиқ шамол эсиб, ёмғир ёғаётган, қуёш чиқиб турган вақт, ир-

кит бола тасвирланган, совун ва тиш порошоги билан ювинаётган бола, узидан кичкина болани ураётган бола, китобнинг варағини йиртаётган бола ва китоб ўқиётган бола, қаргадан қочиб кетаётган бола, меҳнат қилаётган бола, балчиққа ётиб олган бола тасвирланган расмлар.

**Машғулотнинг бориши:** «Бугун мен сизларга Владимир Владимирович Маяковскийнинг «Яхши деган сўз нима-ю, ёмон деган сўз нима» деган шеърини ўқиб бераман», дейди тарбиячи ва болалар билан кириш суҳбатини ўтказди.

Айтингчи, биз қандай боланинг қилган ишларини яхши деймиз? Қандай болани эса қилган ишларини ёмон деймиз. Болаларнинг жавобларини тинглайди, тўлдиради. Сўнгра болаларга «Хозир ҳаммагиз диққат билан тингланглар-чи, шоир» В. В. Маяковский ўзининг «Яхши деган сўз нима-ю, ёмон деган сўз нима» номли шеърда нималарни яхши, нималарни ёмон деб айтган экан. Ўқийди. Тарбиячи асарни ўқиб бориш давомида ҳар бир боланинг тинглашини ва диққатини ҳисобга олиб, ўқиш тезлигини ўзгартириб бориши керак. Ўқиб бўлгач, асар мазмунига мос бўлган расмларни фланепоргафга қўйиб, болаларга кўрсатади, саволлар беради.

Мен ўқиб берган шеърнинг номи нима экан? Шу шеърни ким ёзган? Шоир шеърда қайси ишларни яхши деб айтган? «Бу яхши» деб нималар айтилади? Болаларнинг жавобларини тинглайди, тўлдиради, уларга аниқлик киритади. Бу шеърда «Бу ёмон» деб нималар айтилган?

(Агар болалар саволларга тўғри жавоб берсалар, уларнинг жавобларига тааллуқли матн қаторларини яна бир марта ўқиб берса мақсадга мувофиқ бўлади.)

Қани эслангларчи, сиз ҳақингизда, яъни кичкинтойлар ҳақида қандай сўзларни айтиш мумкин: болажонлар, кичкинтойлар, кичкиналар... Бу шеърда шоир кичкинтойларни қандай сўз билан айтади, қани менга ёрдам берингларчи. (Мурғаккина, увоқ, мурғак.)

Маяковский тундан ҳам қора қирлар ётган бетни нима деб айтганини эслангларчи?

(Бу албатта ёмон бир қарра ёш ва нозик терида) «Агар бўлса уришқоқ ҳам ярамас, урса кучсиз болани» деган қаторларни сиз қандай тушунасиз? Маяковский ўзидан кичкина ва кучсиз болани урадиган, уришқоқ, ярамас боладан жуда ҳам ачиқланади, нафратланади.

У шундай нафратланганки, ҳатто у бу ҳақда шундай ёзган: «Бундайларни истамайман, керакмас, китобимга ёзгани».

**Мавзу:** Машғулотни якунлашда тарбиячи шеърни яна бир марта ўқиб беради. Болаларнинг истаги билан уларга ёқиб қолган парчани ўқиб беради. Шеър мазмунига мос бўлган расмларни яна бир марта курсатади ва уни гуруҳда қолдиради.

### 39- машғулот

**Мавзу:** «Менинг айиқчам дунёда энг чиройли» деган ҳикояни қайта ҳикоя қилдириш. Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш.

**Мақсад:** Болаларни ҳикояни қайта айтиб бераётганда баён этишнинг кетма-кетлигини сақлашга ўргатиш: ҳикояни изчиллик билан баён этиб бергани учун рағбатлантирмай, балки ифодали ҳикоя қилгани учун ҳам рағбатлантириш. Нутқда феълнинг буйруқ майлларини тўғри ишлатишга (ёт, утир, ол, бер) ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Айиқча, каравот, стулча ва ўйинчоқлар.

**Машғулотнинг бориши:** «Болалар! Бугун мен сизларга сизнинг сеvimли Айиқчангиз ҳақида ёзилган ҳикояни айтиб бераман. Эшитинглар, деб айтади тарбиячи.

Лоланинг онаси магазинга бормоқчи бўлади ва ўзи билан Лолани ҳам олиб борди. Лола эса ўзи билан каттақон Айиқчасини (ўйинчоғини) олиб борди. Магазинда жуда кўп ҳар хил ўйинчоқлар бор эди: қўғирчоқлар, машиналар, қуенчалар, кубиклар. Айиқчалар эса жуда кўп эди. Уларнинг ҳаммаси шундай ҳам чиройли эдики. Агар хоҳласанг, — деб таклиф этди Лоланинг онаси, — ўзингга янги айиқча тайлаб олишинг мумкин. Лола ўзининг Айиқчасига бир қаради-да, бирдангина уни бағрига қаттиқ босди ва онасига шундай дейди: «Раҳмат, қадрли ва меҳрибон онажоним. Мен ўзимнинг Айиқчамдан бошқасини хоҳламайман, чунки менинг Айиқчам дунёда энг чиройли».

Тарбиячи болаларнинг бу ҳикоядан қандай таъсирланганлигини кузатади, сўнгра шундай дейди: «Мен сизларга Айиқча ҳақида айтган ҳикоям ёққанидан жуда хурсандман. У «Менинг Айиқчам дунёда энг чиройли» деб аталади. Сўнгра болаларга бир қанча саволлар беради: Лоланинг онаси қаерга борди ва ўзи билан кимни олиб борди? Лолачи? (Лола ўзи билан Айиқча-



сини олиб борди.) Магазинда жуда кўп... у ерда нима-лар бор эди? Айиқчалар кўп эдими? Улар қандай эди? «Ҳаммаси ҳам шундай чиройли эдики» — бу сўзларни шундай айтинг-ки, ҳамма болалар, айиқчалар жуда ҳам чиройли эканлигига ишонсин.

(Ҳаммаси ҳам шундай чиройли эдики! — деган сўзларни ҳаммалари биргаликда ва 2—3 та бола алоҳида-алоҳида такрорлайди.) Лоланинг онаси нимани таклиф этди? Лола нима қилди? Ҳа, Лола ўзининг Айиқчасига қаради-да, уни маҳкам бағрига босди. (Мана бундай қилиб кўрсатинг.)

Кейин Лола нима деб айтди? Ҳикоянинг охирида тарбиячи 2—3 та болага Лоланинг онасига самимийлик билан айтган гапларини такрорлашни таклиф этади. Бу вақтда тарбиячи болалар диққатини қизча қандай қилиб онасига миннатдорчилик билдирганига ва нима учун бошқа айиқчани хоҳламаслигини тушунтирганлигига йўналтиради. Кейин тарбиячи ҳикояни яна бир марта айтиб беришни, уни диққат билан тинглаб ўтириш кераклигини, сўнгра бу ҳикояни қайта ҳикоя қилиб беришларини айтади. Ҳикояни иккинчи марта айтиб бергач, болалардан қайта ҳикоя қилдиради.

Айиқча сизларга ҳикоянгиз учун миннатдорчилик билдираяпти, — деб машғулотни давом эттиради тарбиячи. У ҳозир сизларга менинг топшириқларимни (буйруқларимни) қандай бажаришини кўрсатмоқчи. Фақат унга топшириқни тўғри бериш керак. Эшитинглар ва қаранглар. Айиқча менинг топшириқларимни қандай аниқ бажаради: Айиқ, бориб каравотингга ёт. Урнингдан туриб стулга ўтир! Стол устидан коптокни ол! Олимга бер!

Энди сизлар ҳам Айиқчага каравотга ётишини, стулга ўтиришни, биронта ўйинчоқни стол устидан олиб, кимгадир беришни айтинг. Болалар ҳам худди тарбиячи сингари Айиқча топшириқ берадилар (тарбиячининг топшириқларини такрорлайдилар). 4—5 та бола топшириқни такрорлайди.

Баъзан боланинг илтимосидан кейин Айиқ ҳаракатларни бажармай тик туради. Тарбиячи бу вақтда болага бирор нарсани нотўғри айтганини тушунтиради, етарли даражада мулојим, самимий сўрамади, мана бундай сўрамади ёки жуда паст овозда сўради ва бунинг натижасида Айиқча унинг топшириғини эшитмай қолди. Бундай тушунтиришдан кейин бола хатосини тўғрилайди ва айиқча унинг илтимосини бажаради.

**Мавзу:** «Сўзни алмаштир (ўзгартир)» ўйини. «Қарғавой» ўзбек халқ эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болалар «Қарғавой» эртагида учрайдиган айрим ифодаларни (сўзларни) қандай тушунишларини аниқлаш; жавобларни тинглаб, уларга аниқлик киритиш, бу билан болаларга эртақ мазмунини тўғри идрок қилиб олишларида ёрдам бериш: эртақнинг айрим жойларини эслаб қолишга эришиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** «Қарғавой» эртагини идрок қилишда айрим тасаввурларга асосланиши керак. Шаҳарли болалар айрим нарсаларни тўлиқ тасаввур этолмайдилар. Шунинг учун машғулотдан бир неча кун аввал тарбиячи болаларга эртақ мазмунига тааллуқли бўлган расмларни кўрсатади ва шундай деб тушунтиради: Кўзичоқ — бу қўйнинг боласи. У кичкина бўлгани учун кўзичоқ дейилади. Фақат дарёлар бўлмай, балки денгизлар ҳам бўлади. Денгиз бу жуда ҳам катта бўлиб, унда юк ташийдиган кемалар сузишади. Денгиз орқали бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кемаларда бориш мумкин. Денгизларда сув ости кемалари юради. Унда акулалар, дельфинлар, моржлар, китлар яшашади.

Кулол тупроқдан лой қилиб кўза, коса, лаган, пиёла, чойнак ва бошқа нарсаларни ясайди ва ясаган нарсаларни печкага (ўчоққа) қўйиб пиширади, қуритади, кейин уни турли нақшлар чизиб безайди. Темирчи темирчилик устахоналарида ишлайдиган ва темирдан турли иш қуролиларини: кетмон, теша, болта, болға, арра, ўроқ, белкурак, хаскаш, темирайри (тарбиячи бу нарсаларни расмини кўрсатади) ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни ясайдиган одам деб тушунтиради.

**Машғулот учун материал:** Эртақда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг ўйинчоқлари ёки расмлари: кўзичоқ, қарға, кулол, темирчи, кампир, кўза, кетмон, хаскаш ва эртақ мазмунига мос расмлар, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга «Сўзни алмаштир» (ўзгартир) деган ўйинни ўйнашни таклиф этади. (Бу ўйинга «Қарғавой» эртагида учрайдиган сўзлар киритилиши керак) «Қарғавойнинг ови барор олмай, қорни очди», «барор олмай» сўзини қайси сўз билан алмаштириш мумкин? — деб сўрайди тарбиячи. (Иши юришмай, бахти чопмай, ўнгидан келмай.) «Кў-

зичоқ нима қилишини билмай қолди. Бирдан «илжайиб», — деди, «илжайиб» сўзини қайси сўз билан алмаштириш мумкин? (Кулиб, отзи, кулонига, етиб) «Қарға халлослаб, дупроққуронга борди» «Халлослаб» сўзини бошқа қайси сўз билан алмаштириш мумкин? (Чарчаб.) «Темирчининг энсаси қотиш» — «энсаси қотди» сўзини бошқа сўз билан алмаштинг? (Жаҳли чиқди) «Тешани ўтга солиб пешлаб бераман», — «Пешлаб» сўзини қайси сўз билан алмаштира олишингиз мумкин? (Ўткирлаб, чархлаб, тезлаб) «Кулол бесўнақай кўза ясаб берди», — «Бесўнақай» сўзини қайси сўз билан алмаштириш мумкин? (хунук, кўпол) «Тийғани кетиб денгизга қулайди» — «тийғаниб» сўзини бошқа сўз билан алмаштинг? (Сирғаниб)

Шундан кейин тарбиячи «Қарғавой» эртагидаги иштирокчиларни (агар иштирокчилар бўлмаса расмларини) бирин-кетин олиб: кўзичоқ, қарға, кулол, темирчи, кампир, кўза, сув, кетмон ва хаскашларни стол устига қўяди. Болалар уларнинг номини айтишади. Тарбиячи шу кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси ҳозир ҳикоя қилиб берадиган эртагида борлигини айтади, бу эртақ «Қарғавой» деб аталади, — дейди. Эртақни ҳикоя қилиб беради. Эртақни ҳикоя қилишда эртақ мазмунига мос расмларни фланелографга қўйиб боради. Агар эртақни тинглашда болалар чарчасалар, уларга қарғанинг қандай қанот қоқиб қағиллашини кўрсатиб беришларини таклиф этиш мумкин. (Физкультура дақиқаси.) Болалар қарғанинг қанот қоқиб қағиллашини (-қо-оррр, қо-оррр) туруҳчаларга бўлиниб бажарадилар. Сўнгра тарбиячи эртақ матни бўйича саволлар беради: Бу эртақ нима ҳақида ёзилган экан? У қандай бошланади? «Бу эртақ кўзичоқ ва очкўз қарға ҳақида бўлиб, у бир бор экан, бир йўқ экан, кан-катта очкўз қарғавой бор экан» деб бошланади. Кунлардан бир кун кўзичоқ нима қилиб юрган экан ва унинг белига нима кўнибди? Қарға кўзичоққа нима дебди? Кўзичоқ қарғавойга қандай жавоб қилибди? Мен бу эртақдан кўзичоқнинг ақлли эканлигини ва ҳамма уй яхши кўришини билиб олдим. Қани эслангларчи, темирчи кўзичоқни яхши кўрганлиги сабабли қарғага теша ўрнига нима берди? Кулол-чи? Натижада қарғавой билан қандай воқеа рўй берди? Очкўз қарға кўзичоқни ея олдимми? Нима учун у ақлли кўзичоқни ея олмади? Қани ким эртақни охириги эслаб қолди? Ким айтиб бермоқчи? Агар вақт қолса эртақдан бирор бир парча)

сини (болаларнинг танлашлари билан) уқиб бериш мумкин.

#### 41- машғулот

**Мавзу:** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** «Ж» товушининг артикуляциясини болалар эсига тушириш. «Ж» товушини сўзларда ва жумлаларда талаффуз этиш устида машқ қилиш: ҳаво оқимининг маълум вақтгача давом этишини назорат қилган ҳолда товушни чўзиброқ талаффуз қилишга, иборалардаги товушининг маълум оҳанг билан талаффуз этилишини билиб олишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Ҳар бир боланинг столи устида «ж» товуши бор бўлган ва бу товуш бўлмаган расм кетма-кетлик билан 3 та расм ёпиштирилган варақда «ж» товуши бор бўлган ва бўлмаган расмлар бўлиши керак, рангли доирачалар (фишкалар), жўжа, жирафа, жийда, жемпер, маккажўхори, жўва, занжир, маржон, жариди, «Мурзилка», кружка, фуражка, жапон, рижжак ва ҳоказолар расми.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга «Яқиндагина биз сизлар билан «Кўнғизлар» ўйинини ўйнаган эдик» — деб айтади. Кўнғизлар деразага урилиб, то биз уларни деразани очиб қўйиб юбормагунимизча ж-ж-ж-ж деб ғинғиллашган эди. Энди диққат билан тингланг, ҳозир сиз тинглайдиган тез айтишувда қайси ашула бор эканлигини топинг.

Тарбиячи тез айтишувни айтади («Жиблажибон жажжи жўжа билан жўра, жажжи жўжа жиблажибон билан жўра»). Тарбиячи тез айтишувни айтган вақтда «ж» товушини сўздаги бошқа товушларга нисбатан кучли овоз билан айтиши керак. Болалар қайси ашула борлигини айтганларидан сўнг, тарбиячи уларга кўнғизнинг ашудасини паст овозда айтишни таклиф этади, ўзи эса болаларнинг лаб, тил ҳолатларини кузатиб боради. Сўнгра бу вазифани «ж» товушини аниқ талаффуз эта олмайдиган болалар бажарадилар (алоҳида-алоҳида ва гуруҳчаларга бўлиб сўрайди).

«Кўнғизнинг ашудаси,— деб тушунтиради тарбиячи,— айрим сўзларда яшайди, бошқа сўзларда яшмайди. Ҳаммангиз столингиз устидаги расм ёпиштирилган вараққа қаранг. (Бу варақлар олдиндан тайёрланади. Ҳар бир варақда бир қаторга кетма-кетлик билан учтадан расм ёпиштирилган бўлади.) Узингизнинг варақингиздаги расмларнинг номини ичингизда овоз чиқар-

масдан айтинг. (Вараққа «ж» товуши билан келадиган ва «ж» товуши бўлмаган расмлар ёпиштирилган бўлиши керак.) Энди бу расмларнинг қайси бирининг номида кўнғизнинг ашуласи (ж-ж-ж) яширинганини ўйлаб топинглар. Агар уни топсангиз дарҳол унинг устига фишкани (рангли доирачани) қўйинг. Агар топширик нотўғри бажарилса, рангли доирача сиздан қочади ва бошқа рангли доирачадан фойдаланишга тўғри келади. Болалар «ж» товуши бор бўлган расмни топадилар ва унга рангли доирачани қўядилар. Тарбиячи қайси сузларда «ж» яшашини сўрайди. 10—12 боланинг жавобини тинглайди, бир боланинг варағидаги расмлар бошқа бир боланинг варағида такрорланмаса мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди, болалар — дейди тарбиячи, — кўнғизнинг учинини менга курсатинг. Тарбиячи болаларга хона бўйлаб тарқалиб юришни ва «ж-ж-ж-ж-ж» деб кўнғизнинг ашуласини айтишни таклиф этади (физкультура дақиқаси). Тарбиячи: энди уйингизга учинглар, дейиши билан болалар «ж-ж-ж» — «ж-ж-ж» деб ўз студчаларига қайтиб келиб ўтиришади. Физкультура дақиқасидан сўнг «уйин ўйнашни айтиб, тарбиячи стол устига номида «ж» товуши бор бўлган расмларни териб қўяди. (Масалан: жўжа, жирафа, жийда, жемпер, маккажухори, жува, занжир, маржон, жарид, «Мурзилка», кружка, жавон, гижжак ва ҳоказолар) ва болаларга шундай дейди: Ҳозир биз сизлар билан «Нима яширдим топ» деган ўйинни ўйнаймиз. Бу ўйин қуйидагича ўйналади. Мен кимни чақирсам шу бола келиб менинг столим устидаги расмларни яхшилаб кўриб олади ва уларнинг номларини айтади, сўнгра кўзини юмиб туради, мен шу вақтда расмлардан бирортасини яшираман. Мен бўлди дейишим билан бола кўзини очади ва стол устида қайси расм йўқлигини айтади (бу ўйинда 6—8 боладан сўраш мумкин).

Тарбиячи машғулот охирида «ж» товуши кимнинг ашуласи эканлигини кўнғиз қандай ашула айтишини 3—4 боладан сўрайди.

#### 42- машғулот

**Мавзу:** Мавлон Иқромовнинг «Қорбобо» шеърини ёдлатиш.

**Мақсад:** Болаларни шеърда акс эттирилган кайфиятни аниқлашга (қувноқ шеър), уни фойдали айта беришга ўргатиш.

**Машгулот учун материал:** Киш фасли тасвирланган расм. «Кишки эрмак уйин-кулгилар» деган расм. Безатилган арча ва қорбобо тасвирланган расм.

**Машгулотнинг бориши:** Тарбиячи болалардан ҳозир йилнинг қайси фасли, қиш болаларга ўзининг нимаси билан ёқишини сўраб аниқлайди. Бошқа фаслдан ўзининг нимаси билан фарқ қилишини сўрайди. Агар болалар жавоб беришда қийналсалар тарбиячи ёрдам беради: «Ёзда кўёшда тобланиш, дарёларда, ариқларда чўмилиш, боғларда гуллар териш мумкин».

Қишда сиз кўпроқ нима қилишни хоҳлайсиз? «Қишда қайси байрамни нишонлайсиз? Кишки уйин-кулгиларни болалар айтар эканлар, улар албатта, боғчага қорбобо келишини, қорбобо уларга совға беришини ва улар билан бирга кўм-кўк арча атрофида ашула айтиб уйнаб-кулишини ҳам айтадилар. Болаларнинг жавобларини рағбатлантириб тарбиячи шундай дейди (доскага «Кишки эрмак уйин-кулгилар» деган расмни илиб кўяди): «Қишда қорбўрон ўйнайсизлар, чана, коньки учасизлар, қорбобо ясайсизлар. Қиш фаслида биз Янги йил байрамини шоду хуррамлик билан ўтказамиз. Кўм-кўк арча атрофида қорбобо билан уйнаб куламиз, қорбобо ҳаммага совғалар улашади. Янги йил байрамини фақат болаларгина яхши кўрмасдан, балки катталар ҳам яхши кўришади...»

Мана ҳозир мен сизларга Мавлон Икромовнинг «Қорбобо» шеърини айтиб (ўқиб) бераман, сиз бу шеър орқали боғчага қим қелгани, у нималар улашгани, кўм-кўк арча атрофида қандай хурсандчилик қилганлиги ҳақида билиб оласиз.

Тарбиячи шеърни айтиб беради, болаларнинг шеърдан қандай таъсирланганлигини кузатади, саволлар беради. Қим боғчага келиб қолди? У болаларга нималар улашиб чиқди? Бу шеър сизга ёқдими? У қандай? Тарбиячи: Бу жуда қувноқ шеър бўлиб «Қорбобо» деб номланади ва у мана бундай бошланади.

Қор ёғди гупиллатиб  
Қорбобо дукуллатиб  
Келиб қолди боғчага,  
Соқолини селкиллатиб.

Қор жуда кўп ёғди, шунинг учун қорбобо секин-секин, ҳассасини дукиллатиб юрди. Шунинг учун бу шеър



қаторларини шошилмасдан, сўзларни аниқ-аниқ қилиб айтиш керак. Қолган қаторларини қувноқ овозда айтиш керак, чунки қорбобо олиб келган ўйинчоқларини ҳаммага тарқатади, бундан ҳамма болалар хурсанд бўлишади, сўнгра қорбобо болалар билан бирга арча атрофида ўйнаб-кулади, қушиқлар айтади. Яна бир марта эшитинглар, мен бу шеърни қандай қувноқ овозда айтаман (ўқийди). Шеърни иккинчи марта айтиб бергач, тарбиячи шундай дейди: ҳозир мен Лола, Карим, Насибалар шеърнинг бошланишини қандай айтишларини эшитмоқчиман. (3—4 боладан шеърни бошланишини сўрайди.) Шундан сўнг шеърни яна бир марта айтиб, унинг қандай айтилишига диққат қилишни айтади. Шеърнинг бошланишини шошилмасдан тинч оҳангда айтишга, кейинги бандларини қувноқ оҳангда айтиб тугатишга болаларнинг диққатини йўналтиради. «Теграсида» (атрофида) деган сўзнинг маъносини тушунтиради. Сўнгра шеърни болалардан сўрайди (якка-ма-якка). Тарбиячи, болалар томонидан шеърнинг ифодали айтиб берилишига эътибор беради, болаларнинг фикрини бўлмаслик учун жуда секин овозда, ҳатто шивирлаб шеърнинг эсдан чиқарган қаторларини айтиб тугатади.

Тарбиячи машғулотни шеърни такрор айтиш билан тугатади. Болалар тарбиячининг кетидан жуда паст овозда ичларида шеърни такрорлайдилар.

### 43- машғулот

**Мавзу:** Топишмоқлар ҳақида суҳбат.

**Мақсад:** Болаларга халқ оғзаки ижодининг қизиқарли турларидан бири топишмоқлар ҳақида тушунча бериш. Болаларда топишмоқларни тўғри айтиш ва унинг жавобини топиш малакаларини ҳосил қилиш. Сўзларни аниқ айтишга, жумлаларни тўғри тузишга ургатиш. Фикр юритиш қобилиятини ўстириш.

**Машғулот учун материал:** Ажойиб халтача ва унинг ичида кийим чўткаси, балиқ, тирратикан, коптоқ, қуён, тулки ва сабзавотлардан сабзи, пиез, мевалардан анор.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи: Бугун биз сизлар билан топишмоқлар ҳақида суҳбатлашамиз, деб болаларга «Ажойиб халтача»ни курсатади. Болалардан: Бу нима? Халтачанинг ичида нималар бор эканлигини билишни хоҳлайсизми? Ҳозир мен кимни чақирсам шу келиб халтачанинг ичидан битта нарсаи олади, уни

болаларга курсатиб, номини, рангини айтиб стол устига қўяди. Сўнгра биз ҳаммамиз топишмоқлар айтамыз. Кейин болалар кетма-кет тарбиячининг столи ёнига келишиб халтачанинг ичидан битта нарсани олиб, унинг номини, рангини (нимадан қилинганлигини, нима учун кераклигини ҳам сўраш мумкин) айтиб стол устига қўядилар:

**Тарбиячи:** Мана «Ажойиб халтача»нинг ичида қандай нарсалар бор эканлигини ҳам билиб олдиқ. Ҳозир ҳаммамиз шу нарсалар ҳақида бизга таниш бўлган топишмоқларни эсга туширамыз. Ким шу стол устида турган нарсалар ҳақидаги топишмоқларни билса, қулини кўтарсин. Болаларнинг ўйлашлари учун вақт берилади, 5—6 та бола қўл кўтаради.

**Тарбиячи:** Яхши, кўпчилик болалар топишмоқ билишар экан. Малика, сен бошлайқол.

«Ер тагида қатор қозик  
У ҳаммага бўлар озиқ»

**Тарбиячи:** Малика айтган топишмоқ жуда ҳам қизиқ топишмоқ экан, қани, болалар ким бу топишмоқни топмоқчи?

**Вали:** Бу — сабзи.

**Тарбиячи:** Стол устидаги сабзини (ёки сабзининг расмиини) кўрсатиб, Вали топишмоқнинг жавобини тўғри топди. Бу сабзи. Сен бу топишмоқнинг жавоби сабзи эканлигини қандай топдинг?

**Вали:** Бу топишмоқда қатор қозик дейилган. Сабзининг шакли узунчоқ, у ерда худди қатор қоқилган қозикқа ўхшаб ўсади.

**Малика:** Яна бу топишмоқда, у ҳаммага бўлар озиқ дейилган.

Сабзини ҳамма ҳамлайин ейишади, овқатга солишади.

**Тарбиячи:** Яна ким топишмоқ билади? Аҳмад, сен айтақол.

**Аҳмад:** «Пак-пакана бўйи бор.

Етти қават тўни бор».

**Болалар:** (бараварига) Бу — пиёз.

**Тарбиячи:** Тўғри, бу — пиёз (пиёзни болаларга кўрсатади).

Топишмоқнинг жавобини тўғри топдингиз. Бу топишмоқнинг жавоби пиёз эканлигини қаердан билдингиз?

**Феруза:** Топишмоқда пак-пакана бўйи бор дейилган. Пиёзининг бўйи кичкинагина бўлади.

**Мўмин:** Яна бу топишмоқда етти қават тўни бор де-



йилган. Пиёз қават-қават бўлади (тарбиячи пиёзни арчиб, пиёз қаватларини очиб кўрсатади).

**Тарбиячи:** Бу топишмоқнинг жавобини жуда тўғри айтдингиз, қани, яна ким топишмоқ айтмоқчи?

**Акмал:** Душманидир чанг, тўзон  
Ишга шайдир ҳар қачон  
Гарддан сақлар уйимни,  
Тоza қилар кийимни.

**Тарбиячи:** Жуда яхши, болалар, Акмал сизга нима айтди?

**Шахло:** Топишмоқ айтди.

**Тарбиячи:** Шахло жуда тўғри жавоб берди. Акмал бизга топишмоқ айтди. Болалар энди биз Акмалнинг айтган топишмоғида нима яширинганлигини топишимиз, яъни топишмоқнинг жавобини топишимиз керак.

Мен Акмал айтган топишмоқни такрорлайман, сиз диққат билан эшитиб тулинг.

Душманидир чанг, тўзон,  
Ишга шайдир ҳар қачон  
Гарддан сақлар уйимни,  
Тоza қилар кийимни.

Қани ким топишмоқнинг жавобини топади.

**Анора:** Бу кийим чўтқаси.

**Тарбиячи:** Болалар, Анора топишмоқнинг жавобини тўғри топдимиз? (кийим чўтқасини кўрсатади). Анора, бу топишмоқнинг жавоби кийим чўтқаси эканлигини қандай топдинг?

**Анора:** Бу топишмоқда «Тоza қилар кийимни» дейилган. Кийим чўтқаси билан кийимни чанглардан тоzалаймиз.

**Эргаш:** Яна бу топишмоқда:

Душманидир чанг, тўзон,

Ишга шайдир ҳар қачон — дейилган.

Кийим чўтқаси билан биз ҳар доим кийимларни чанглардан тоzалаймиз. Кийим чўтқаси чангни ёмон кўради.

Тарбиячи болаларнинг жавобларини маъқуллайди, уларнинг жавобини баҳолайди ва болалардан яна ким стол устидаги қайси нарса ҳақида топишмоқ билади, деб сўрайди (3—4 та бола қўл кўтаради.)

**Акбар:** «Танга-танга туни бор,  
Миттигина кўзи бор,  
Юрса сувлар жимирлар,  
Қамишлар ҳам қимирлар».

**Тарбиячи:** Болалар, Акбар бизга нима айтди?

**Умида:** У топишмоқ айтди.

**Тарбиячи:** Жуда тўғри. Акбар бизга топишмоқ айтди. Болалар, Акбар айтган топишмоқни ким такрорлайди? (Болалар қўл кўтаришади.)

**Шухрат:** «Танга-танга тўни бор,  
Миттигина кўзи бор.  
Юрса-сувлар жимирлар,  
Қамишлар ҳам қимирлар».

**Тарбиячи:** Мана ҳозир ўртоқларингиз сизга топишмоқ айтишди, энди сиз нима қилишингиз керак.

**Гавҳар:** Энди унинг жавобини топишимиз керак.

**Тарбиячи:** Тўғри, болалар, айтилган топишмоқнинг жавобини топишимиз керак. Мен топишмоқни такрорлайман, сиз эса жавобини топасиз. Тарбиячи топишмоқни такрорлайди. Болаларга ким бу топишмоқни жавобини айтади? деб мурожаат этади.

**Қамола:** Бу — балиқ.

**Тарбиячи:** Бу топишмоқнинг жавоби балиқ эканлигини қандай билдинг?

**Қамола:** Балиқнинг териси устида тангалари бўлади. Унинг кўзи кичкинагина. У сувда яшайди. У сувда сузганда сув жимирлайди. Сувдаги қамишлар қимирлайди. Мана шулар ҳақида топишмоқда айтилган.

**Тарбиячи:** Қамола топишмоқнинг жавобини тўғри топди (балиқ ўйинчоғини кўрсатади, болалар жавобини маъқуллайди).

Шу тариқа мевалардан анор ва ўйинчоқлардан коп-ток, қуён, тулки ҳақидаги топишмоқлар айтилади, уларнинг жавоблари топилади. Тарбиячи болалардан топишмоқнинг жавобини қандай топганликларини сўрайди. Агар болалар топишмоқ айтишда қийналсалар, тарбиячининг ўзи айтади, болалар бу топишмоқнинг жавобларини топадилар.

Машғулотни тарбиячи қуйидагича якунлайди. Болалар, бугун биз сиз билан топишмоқлар ҳақида суҳбатлашдик. Топишмоқларнинг турлари жуда кўп бўлади. Мевалар ва сабзавотлар ҳақида топишмоқлар, ҳайвонлар ва паррандалар ҳақида топишмоқлар, табиат ҳодисалари, уй жиҳозлари ҳақида жуда кўп топишмоқлар бор. Топишмоқ айтилгандан сўнг албатта унга жавоб топиш зарур. Топишмоқни, тўғри топиш учун уни диққат билан тинглаш, фикрлаш керак. Биз бугун сизлар билан топишмоқларга қандай қилиб жавоб топиш кераклигини билиб олдик. Сўнгра тарбиячи болалардан топишмоқларнинг қайси бири кўпроқ ёққанли-

гини, уни такрорлашни сўрайди.

**Эслатма:** Машғулотдан 3—4 кун олдин тарбиячи болаларга анор, сабзи, пиёз, кийим чўткаси, балиқ, типратикан, копток, қуён, тулки ва ҳоказолар ҳақидаги топишмоқларни уйларида ўрганиб келишни топширади. Машғулотдан ташқари вақтда, яъни кечки соатда ҳам топишмоқлар ҳақида суҳбат машғулотига тайёргарлик ишларини олиб бориш планлаштирилади.

#### 44- машғулот

**Мавзу:** Болаларни ўйинчоқлар асосида тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

**Мақсад:** Болаларни ўйинчоқларнинг сифатини билиб олишга, асосий хусусиятларига диққатини йўналтира олишга ўргатиш: бола ўйинчоқни ташқи кўринишини мустақил тасвирлаганда фақатгина уларни санаб ўтмасдан, балки қичқина (2—3 жумладан иборат) ҳикоя туза олишига эришиш.

**Машғулот учун материал:** Ширма, оқ рангли бир қулоғи диккайган иккинчи қулоғи пастга тушган қуёнча, жужа, мушукча, копток ўйинчоқлари.

**Машғулотнинг бориши:** Стол устига ширма қўйилиб, ширмадан ташқарига (ширманинг олдинги томонида) қуёнча ва копток ўйинчоғи қўйиб қўйилади. Ширманинг ичкари томонига жужа, мушукча ўйинчоғи қўйилади. Тарбиячи болаларга шундай дейди. Болалар қаранглар бизнинг гуруҳимизга ким келибди?

**Болалар:** Қуёнча.

**Тарбиячи:** Тўғри қуёнча. Унинг ранги қандай? Унинг бош қисмида нималар бор? Тана қисмида-чи? Унинг ёнида нимаси бор?

**Болалар:** Копток.

**Тарбиячи:** Тўғри унинг ёнида копток бор. Биласизларми, бу копток кимники? Бу копток қуённики. Унинг коптоғи қандай рангда? Қандай шаклда? У қандай хомашедан қилинган? У билан қандай ўйинлар ўйналади? Қуён ҳам ўйнаш учун коптоғини олиб келган. Аммо унинг дўстлари негадир кўринишмаяпти. Улар ҳали ўз уйларида бўлишса керак. Қани қуёнча уларнинг уйчалари эшигини тақиллатиб кўрчи, улар уйдмикинлар. Қуёнча (тарбиячи уйча қилиб қўйилган ширмани тақиллатади) уйчанинг эшигини тақиллатади. У ердан мушукча ва жужа югуриб чиқишади ва болаларга, қуёнчага салом беришади.

**Тарбиячи:** Қаранглар, қуёнчанинг дўстлари кимлар

экан? (Ширмани стол устидан олиб қўяди)

**Болалар:** Жўжа ва мушукча.

**Тарбиячи:** Жўжа қандай рангда? Мушукча-чи? Жўжанинг бош қисмида нималари бор? Мушукчанинг бош қисмида нималари бор? Жўжанинг тана қисмида нималари бор? Мушукчанинг-чи? Уларнинг жавобларини тинглайди, тўлдирди.

Тарбиячи қуёнчани ва коптокни мушукча ва жўжача ёнига суриб қўяди ва болаларга шундай дейди: «Болалар, қуёнча сизлардан мен ва коптогим ҳақида дўстларимга гапириб беринглар. Кейин эса менга дўстларим мушукча, жўжача ҳақида гапириб берасизлар деяпти. Қани ҳаммангиз яхшилаб ўйлангларчи, қуёнча ва унинг коптоги ҳақида нималарни гапириш мумкин? Нималар ҳақида гапириб беришларини яхшилаб ўйлаб олишлари учун вақт беради. Агар болалар ҳикоя тузишда қийналсалар, тарбиячи ёрдам бериб боради ёки намуна ҳикоясини беради.

Масалан қуёнча ўйинчоғи ҳақида шундай ҳикоя тузиб бериш мумкин. «Бу қуёнча Шалпанг қулоқ. У оппоққина, жунлари юмшоққина, момикқина, кўзлари дум-думалоқ бўлиб, ранги яшил, худди шишага ўхшайди. Қулоқлари узун. Бир қулоғи юқорига қараб диккайган, иккинчиси эса пастга шалпайиб тушган. Унинг орқа томонида калтагина думчаси бор. Унинг орқа оёғи узун, олдинги оёғи орқа оёғига қараганда калта. У икки оёқлаб сакраб-сакраб юради». Намуна ҳикояни 2-3 боладан такрор айтиб беришни сўрайди. 2-3 та болаларнинг ҳикоясини тинглагач, болалардан ким қуённинг коптоги ҳақида гапириб бермоқчи деб сўрайди. Агар болалар копток ҳақида ҳикоя қилиб беришда қийналсалар ўзи ҳикоянинг намунасини беради.

«Бу копток. Бу копток Шалпанг қулоқ қуённики. У думалоқ, резинкадан қилинган, унинг бир томони кўк, бошқа томони қизил, копток майдонда ўйнаш учун керак. У билан волейбол, футбол, ерга уриб санаш ўйинлари ўйналади. Қуёнча дўстлари билан коптокда турди ўйинлар ўйнаб бўлгач, уни тозалаб артиб олган жойига олиб бориб қўяди». Бу намуна ҳикояни ҳам 2 та боладан такрор айтиб беришни сўрайди. Болаларнинг ҳикоясини тинглагач тарбиячи: Энди қуёнчага унинг дўсти мушукча ва жўжача ҳақида ҳикоя қилиб беринг. Аввал сиз қуёнчага дўсти мушукча ҳақида гапириб беринг, сўнгра жўжача ҳақида гапириб берасиз.

Болаларнинг ҳикояларини тинглайди. Болалар му-

шукча ўйинчоғи ёки жўжа ўйинчоғи ҳақида ҳикоя қилиб беришда қийналсалар намуна ҳикоясини беради.

**Тарбиячи:** «Мана мен ҳозир қуённинг дўсти мушукча ҳақида сўзлаб бераман. Сиз эса мен қандай сўзлаб беришимни тингланг. Кейин сизлар мушукча ҳақида қуёнчага гапириб берасизлар. Бу — мушукча. У кичкина. Мушукчанинг ранги кулранг. Унинг бошида иккита диккайган, сезгир қулоқлари, думалоқ кўзлари, узун муйловлари бор. Мушукчанинг тўртта оёғи ва узун думи бор. У миев-миев деб овоз чиқаради. Қуёнча дўсти мушукча билан ўйнашни жуда яхши кўради. Улар бир-бирлари билан уришмасдан, бақиршмасдан ўйнашади. Биз ҳам мушукча ўйинчоғи билан ўйнашни жуда яхши кўраемиз. Уни жуда эҳтиёт қиламиз». Энди сизлар гапириб берасизлар. Мен кимни чақирсам шу қелиб менинг гапириб берганларимни қуёнчага гапириб беради. Болалар тарбиячининг бу намуна ҳикоясини такрор гапириб беришгач, тарбиячи болаларга жўжача ҳақида намуна ҳикоясини тинглашни таклиф этади. «Мана бу жўжача. У сап-сарик, патлари юмшоққина, кўзлари дум-думалоқ, кичкинагина. Унинг бош қисмида тумшуги бор. У тумшуги билан донни чўқиб ейди, сув ичади. Тана қисмида 2 та кичкина, калтагина қаноти бор. Орқа томонида калтагина думчаси бор. Иккита оёғи, оёғида панжалари, панжаларида тирноқлари бор. У пипи-пи деб овоз чиқаради».

Тарбиячининг бу намуна ҳикоясини 1—2 та бола такрорлайди. Тарбиячи машғулотни қуёнча, мушукча, жўжача, қоптоқ ҳақидаги шеърни сўраш ёки айтиб бериш билан якунлайди.

#### 45- машғулот

**Мавзу:** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларга «Ч» товушининг тўғри артикуляциясини тушунтириш ва кўрсатиш; «ч» товушининг узини алоҳида талаффуз этиш устида ҳамда буғинларда, сўзларда, шеърларда талаффуз этиш устида машқ қилиш; «ч» товушини секин, тез талаффуз этишга ўргатиш; нутқнинг интонацион ифодалилигини тарбиялаш, луғатини бойитиш.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалардан бизнинг тилимиз қандай қўшиқларни айтишни биледи деб сўрайди (спамолднинг баргларнинг ашуласини «ш-ш-ш» қўнғизнинг ашуласини «ж-ж-ж»). Бугун биз дейди, — тарбиячи янги ашулани айтишни ўрганамиз. Бу қандай



ашула эканлигини ўзингиз ўйлаб топишингиз керак. Тингланлар. Тилча сайрга чиқди, айланиб юриб темир йўлга келиб қолди. У ерда паровоз турар эди. У «ч-ч-ч» деб ашула айтар эди. Тилча паровознинг ашуласини ўргана бошлади. У худди «ш-ш-ш» ашуласини айтишда тил учини қандай кўтарган бўлса, худди шундай кўтаради, лекин ўз уйи томон бир қадам орқага ташлайди.

Қандай қилиб Тилча бир қадам орқага қадам қўганини кўрсатинг. Оғзингизни ёпинг, тилчангизга дам беринг. Энди тилчангиз яна учини юқорига кўтарсин, орқага бир қадам ташлансин ва уйининг шифтини учи билан (тил учи билан) тақиллатсин: «ть-ть-ть». Болалар тилининг учини юқориги танглай томон кўтарадилар ва «ть-ть-ть» деб айтадилар. Оғзингизни ёпинг. Энди эса тилингиз учи билан шифтни (танглай) тақиллатганингизда қўл кафтингизни оғзингиз олдига олиб келинг (оғзингиз олдига қўрача қуринг) ва унга иссиқ ҳаво оқими юборинг, ҳамда «ч-ч-ч» деб ашула айтинг. Болалар машқни бир неча марта такрорлайдилар. Бугун биз қандай ашулани билиб олдик? Бу ниманинг ашуласи?

Тилчага «паровоз» ўйини жуда ёқди. Паровоз жуда тез юра бошлади: «ч-ч-ч», яна ҳам тезроқ ч-ч-ч (Болалар «ч» товушини тез талаффуз этадилар). Паровоз станцияга (тўхташ жойига) яқинлашаётганда у секин юра бошлади ва унинг ашуласи ҳам эшитилмай қолди. Энди Олиманинг паровози қандай ашула айтишини тинглаймиз. (3—4 боладан, яъни «ч» товушини аниқ талаффуз этмайдиган болалардан сўрайди.)

Тилча паровознинг ашуласига ўхшаш турли ашуларни тўқиб айта бошлади, деб давом эттирди тарбиячи. Мана унинг ашуласи «ча-ча-ча-чап, чо-чо-чо-чой, чи-чи-чи-читтак, чу-чу-чу-чўян, оч-оч-оч-оч-соч, ич-ич-ич-чизгич, ач-ач-ач-аччик» (2—3 бола қайтаради.) Ҳозир мен сизларга бир ҳикоя ўқиб бераман. Ҳаммангиз диққат билан тингланг. Бу ҳикоянинг номи «Чумчук» деб айтилади.

Чумчук учиб кетаётиб йўлдан бир ғўза топиб олди. Ким ғўза топиб олди? (Ҳаммалари биргаликда ва 2—4 та бола алоҳида-алоҳида жавоб беради.) У сеvingандан ғўзани тишлаб шошилганча кампирнинг олдига борибди. Чув-чий-чий дебди. Чумчук кампирга нима дебди? (чув-чий-чий). 2—3 та бола жавоб беради. Кампир ғўзани нима қилибди? Кампир ғўзани чувиб

берибди. Чумчук пахтани олиб бошқа бир кампир олди-га бориб: Сава-сав-сав, дебди. У кампир саваб берибди, сунгра чумчук ола чопон бўзчи дўкони олди-га борибди: иг-иг-иг, тўк-тўк! дебди. Чумчук кимнинг олди-га борибди? («Ола чопон бўзчи дўкони олди-га») 2—3 та бола жавоб беради. Дўкондор бўзчи ип йигириб, бўз тўкиб берибди. Чумчук бўзни машиначи олди-га олиб бориб: тик-тик-тик дебди. Чумчук кимнинг олди-га борибди? («Машиначининг») 2—3 та бола жавоб беради. Машиначи уни ўлчаб чопон тикиб берибди. Машиначи унга нима тикиб берибди? (Машиначи унга чопон тикиб берибди) 2—3 та бола бу гапларни такрорлайди. Ана энди чумчуквой чопонни кийиб подшо ўрдасига учиб борибди. Чумчуквой нимани кийиб подшо ўрдасига борибди? (2—3 та бола такрорлайди.) Чумчук қараса, подшо юзини юваётган экан. Чумчук бир қадам нарида туриб, подшога: менинг тўним чиройли дебди. Чумчуквой подшога нима дебди? («Менинг тўним чиройли дебди») Бу сўзларни ҳаммалари биргаликда 2—3 марта такрорлайдилар.

#### 46- машғулот

**Мавзу:** Тарбиячининг ватанимиз посбонлари ҳақида-  
ги ҳикояси.

**Мақсад:** Болаларга йигитлар ватанимиз посбон-лари куни эканлигини, улар ватанимизни қўриқлаши, кучли, қўрқмас, чаққон йигитлар эканлиги ҳақида тушунча бериш; турли ҳарбий қисмларнинг кийимлари тўғрисида гапириб бериш.

**Машғулот учун материал:** Учувчилар, денгизчилар, ит ушлаб турган чегарачилар тасвирланган расмлар, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар ярим доира шакли-да ўтиришади, тарбиячи уларга расмларни кўрсатади. Бугун (эртага, яқинда),— деб мурожаат этади тарбия-чи болаларга,— катта байрам— ҳарбийлар куни. Қан-дай байрам экан? (3—4 боладан сўрайди)

23 февраль куни биз шу байрамни нишонлаймиз, чунки у шу куни тузилган. Бу байрам ҳамма ҳарбий-ларнинг байрами. Ҳарбийлар кимлар? (Болаларнинг жавобларини тинглайди, умумлаштиради.) Ҳарбийлар— бу денгизчилар, учувчилар, чегарачилар, танкчилар, ар-тиллериячилар. Ҳарбийларнинг кийимлари ҳам турли-ча бўлади. Бу расмлар қайси ҳарбийларнинг расми чи-зилган? (Фланелографга ўз самолёти олдида учушга

кўрсатма олаётган учувчи ёки кема палубасида турган денгизчилар расмини қўяди.) Сиз уларни денгизчи эканликларини қандай билиб олдингиз? (Болаларнинг жавобларини умумлаштиради.) Денгизчиларнинг кийими қора рангда бўлади. Шапкалари соябонсиз, думалок бўлиб, қора лентаси ва лентасида ёзуви бўлади. Бу ёзувда қайси кеманинг денгизчиси эканлиги ёзилган бўлади. Ички кўйлаги йўл-йўл бўлиб, унинг устки қора кўйлагига катта матросча ёқаси бўлади.

Тарбиячи яна иккита расмни кўрсатади ва фланелографга қўяди. Бу расмларнинг бирида иссиқ камзул ҳамда шинель кийиб олган учувчи, иккинчи расмда эса — байрам кийимини кийиб олган учувчи тасвирланган бўлади. Тарбиячи болалар диққатини ҳарбийларнинг яшил рангдаги байрам кийимига ва телпагига қадалган қанотчаси бор нишонга (қокордага) йўналтиради.

Сўнгра тарбиячи болаларга ит ушлаб турган чегарачи расмини кўрсатади. Болалар уни чегарачи эканлигини билиб оладилар ва ўзлари мустақил у ҳақда гапириб берадилар (кийими, хизмати ҳақида). Фланелографдаги расмларни тез йиғиштириб олиш керак эмас. У тарбиячига машғулот давомида керак бўлади. «Денгизчилар, учувчилар, чегарачилар, — деб давом эттиради тарбиячи, бизнинг Ватанимизни қўриқлашади. Тарбиячи болаларга: «Ҳарбийлар бизнинг еримизни, диёримизни (ўлкамизни) қўриқлашади» — деган фикрни очиб беради. Тарбиячи болаларга улар ҳақида ёзилган Уйғуннинг «Чегарачи» шеъридан бир парчани ўқиб бериши мумкин:

Чегарада тураман                    Майли ёмғир, қор ёғсин  
Қўлимга милтиқ олиб,            Ўз достимдан кетмайман.  
Юрагимга ботирлик,            Аскарлик қасамимга  
Мардлик ҳиссини солиб.        Ҳеч хиёнат этмайман..

Мен чегарачи бўлиб  
Ватанимни сақлайман,  
Улуғ Ватан олдида,  
Ўз бурчимни оқлайман.

Сўнгра тарбиячи шундай ҳикоя қилади: «Кўчадан солдат бормоқда. Кийими қойилмақом, ўзи ҳам ҳақиқий қаҳрамон! Қайси бола шундай солдатни кўришдан воз кечади, дейсиз! Яна медалли солдат-а! Бир эмас, иккита:

— Нима учун беришган?.. Олдинга югуриб ўтиб су-



ради бир бола. (С. Баруздиннинг «Утиб борар кучадан солдат» ҳикоясидан парча ўқиб беради.)

— Бу «Жасорат учун» деб аталади, — деди иккинчиси гапни бўлиб. — Билмайсан! Учинчиси эса жим эди, лекин солдат билан барабар қадам ташлашга ҳаракат қиларди. — Бу, тушунтирди солдат. — Хасан кўлидаги жанг учун Эшитганмисанлар ўзларинг.

— Нега энди эшитмас эканмиз! — деб шовқин солишди болалар. У йилларда ҳамма болаларнинг хаёлидан Хасан кўли кетмасди.

— Хуш, эшитган бўлсанглар, — сўзида давом этди солдат. — Японлар бизга у ерда хужум қилдилар. Биз эса, албатта японларни хушларига келтириб қўйдик. Хуллас, дабдалаларини чиқардик.

— Буниси-чи? — тинчишмасди болалар.

— «Ҳарбий хизматлари учунми?»

— «Ҳарбий хизматлари учун» — деб тасдиқлади солдат.

— Буниси Карелия бўйидаги жанглар учун. Биз шонли Санкт-Петербург шаҳрини ҳимоя қилдик.

— Қойил! — дейишди болалар.

— Буниси қойил эмасми? — деб сўради солдат тош кучага кўзлари билан ишора қилиб.

Худди шу пайт кучадан ҳарбий қисм ўтмоқда эди. Ҳаммалари кийинган, қадамларини баробар ташлаб бормоқдалар. Бошларида эса қизил юлдузли каскаллари бор. Гимнастёрка устидан камарларини маҳкам боғлашган. Этиклари ярқирарди.

— Ҳақиқатда ҳам қойил! — дейишди бир овоздан болалар.

Бу ҳикояни ўқиб бўлгач тарбиячи машғулотни давом эттиради. Бизнинг ҳарбийларимиз кучли, эпчил, кўркмас ва ботир. Улар билан бизнинг халқимиз фахрлангани. Халқ 23 февраль учувчиларни, чегарачиларни, денгизчи ва бошқа ҳарбийларни байрам билан табриқлайди.

**Эслатма:** Машғулотдан олдин ва кейин болалар альбомлардаги расмларни, китоблар учун ишланган расмларни кўришлари мумкин.

Шунингдек, болаларга машғулотдан ташқари кечки соатларда Азиз Абдураззоқнинг Аскар-аскар ўйнаймиз» (Болалар учун адабий календарь «Йўнаимиз» (Тошкент. «Ёш гвардия» нашриёти, 1981 й.) шеърини ўқиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Мавзу «Бўри билан эчки болалари» рус халқ эртагини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларни таниш бўлган эртақни мустақил ҳикоя қилиб беришга, эртақдаги асосий қатнашувчиларнинг гапларини ифодали қилиб айтишга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотдан 1—3 кун олдин; яхшиси кечки соатларда тарбиячи болалар хотирасига таниш бўлган эртақни («Бўри билан эчки болалари») тушириши, уни ўқиб бериши, стол театри орқали кўрсатиши керак, уларнинг диққатини эчки ва бўрининг ашуласига йўналтириши керак (эчки ашулани ингичка овоз билан, бўри эса йўгон овоз билан айтади), болаларни ашуланинг сўзларини эслаб қолишга ҳаракат қилдириш. (Машғулотда эртақ ўқиб берилмайди.)

**Машғулот учун материал:** Фланелеграф. «Бўри билан эчки болалари» эртаги учун ишланган расмлар. Бўри, она эчки, эчки болаларининг ниқоблари (маскалари).

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга «Бўри билан эчки болалари» эртаги учун ишланган расмни кўрсатади, уни фланелеграфга кўяди ва ушбу расм қайси эртақдан олинганлигини, эртақнинг номини айтишни сўрайди ва саволлар беради: «Эчки ҳар кун эрта билан қаерга кетар ва болаларига нима деб таъинлар экан?» Эчки уйига қайтиб келгач, қандай қилиб кўшиқ айтар экан? Болалар жавоб берадилар:

— «Эчкиларим, болажонларим!

Эшикни очинг меҳрибонларим!

Онангиз сизга сут олиб келди,

Елини тўлиб ерга тўкилди,— деб.

кўшиқ айтар экан.

Эчки жўнаши билан, бўри уйнинг ёнига келиб қандай овоз билан қайси кўшиқни айтибди? Эчки болалари бўрига қандай жавоб қилишибди? Бу эртақни қандай бошлаш мумкин. Берилган охириги саволга болаларнинг турли мазмундаги жавобларини тинглаб, тарбиячи шундай дейди, эртақни қайта ҳикоя қилиб бераётганда, ким қандай хоҳласа шундай бошлаши мумкин. Болаларга эртақни қайта ҳикоя қилиб беришни таклиф этади, 3—4 боладан сўрайди. Машғулотни эртақни драмалаштириш билан тугаллаш керак. Бўри ва эчкини болалар орасидан танлайди. Танланган болалар эртақ

ни қайта ҳикоя қилишда Бўри ёки Эчки образларига бошқа болаларга нисбатан анча яхши кириша оладиган бўлишлари керак. Болаларни бундай тартибда танлаш, болалар ҳикоясини баҳолашда ўзига хос шакл бўлиб ҳисобланади. Бўри ролидаги болаларга ҳамда эчки болаларига ниқоб (маска) кийдириш болаларнинг машғулотга бўлган қизиқишини яна оширади.

Бошловчи — тарбиячи, болалар эса эчки болалари бўлишади.

**Бошловчи:** Бөр экан, йўқ экан, бир она эчки билан болалари бўлган экан. Шу эчки барра ўтларни ёмоқ, тиниқ сув ичмоқ учун ўрмонга кетар экан. У жўнаши биланоқ, эчки болалари уйнинг эшигини маҳкам ёпиб олишар, ўзлари ҳеч қаёққа чиқишмас экан. Эчки қайтиб келгач, эшикни тақиллатиб ашула айтар экан.

**Эчки:** Эчкиларим, болажонларим!

Эшикни очинг меҳрибонларим!

Онангиз сизга сут олиб келди,

Елини тўлиб ерга тўкилди.

(Эчкининг бу қўшиғини она эчки қилиб тайинланган бола айтади.)

**Бошловчи:** Эчкилар эшикни очиб онасини уйига киритишар экан. Эски болаларини хўп эмизиб, тўйгазиб яна ўрмонга жўнар, эчкичалар эса эшикни маҳкам ёпиб олишар экан. (Эшикни қандай ёпишни кўрсатинг, эшикни ёпганда чиққан овозга ўхшаб «ғит-ғит» деб айтади.)

**Бошловчи:** Бўри эчкининг қандай қўшиқ айтганини эшитиб қолибди. Эчки жўнаши биланоқ, бўри уйнинг ёнига чопқиллаганча келиб йўғон овоз билан ашула айтибди.

**Бўри:** — йўғон овозда Эй болачалар!

Эй эчкичалар

Эшикни очинг,

Эшикни очинг.

Онангиз келди,

Сут олиб келди,

Туёғида сув келтирди.

(бу қўшиқни Бўри қилиб тайинланган бола айтади.)

**Эчки болалари** (ҳамма болалар):

— Эшитдик, эшитдик овозингни — овозинг онамиз-никига ҳеч ўхшамайди. Онамиз ингичка овоз билан қўшиқ айтади, сенга ўхшаб дўрилламайди.

**Бошловчи:** Бўри, нондож қайтиб келибди. Мана эчки келиб эшикни қоқибди. Эчкичалар оналарини уйга

киргизиб, унга бүрини келганини, уларни эмоқчи бўлганини бирма-бир сўзлаб беришибди. Эчки болаларини хўп эмизиб, тўйғазибди-да, қаттиқ тайинлабди.

Эчки:— Уйга биров келиб, йўғон овоз билан қўшиқ айтса, мен айтган сўзларни ҳаммасини битта-битта айтиб беролмасам, эшикни очманглар, уйга ҳеч киргизманглар.

Бошловчи: Эчки жўнаши биланоқ бўри яна уй олдида пайдо бўлибди-да, эшикни тақиллатибди, ингичка овоз билан ашула айтибди.

Бўри: (Бўри ролидаги бола ингичка овоз билан ашулани айтади) худди она эчкига ўхшаб.

Бошловчи (тарбиячи): Эчкичалар эшикни очишган экан, бўри уйга отилиб кириб, ҳаммасини еб қўйибди. Фақат битта эчки печка орқасига яшириниб омон қолибди. Эчки келибди, қанча чақирмасин, қанча қўшиқ айтмасин, унга ҳеч ким жавоб қилмабди. Бир вақт қараса эшик ланг очик эмиш, уйга чопганча кирибди — ҳеч ким йўқ эмиш, печка орқасидан битта боласини топиб олибди. Эчки ўз бошига тушган фалокатни билгач, сўри устига ўтириб олиб, зор-зор йиглабди.

Эчки: Оҳ, болажонларим, эчкичаларим!

Эшикни нега очдингиз.

Бўри қўлига тушдингиз!

Бошловчи: Буни бўри эшитиб, уйга кирибди-да эчкига:

Бўри: Мени нега гуноҳкор қиласан қўшни, эчкиларни мен еганим йўқ. Энди бўлар иш бўлди, кўп хафа бўлаверма, ундан кўра юр, ўрмонга бориб томоша қилайлик. (Бўри ролидаги бола ушбу сўзларни айтади.)

Бошловчи: Улар ўрмонга боришибди, ўрмонда катта чуқур бор экан, унда гулхан ёниб турган эмиш. Эчки бўрига шундай дебди:

Эчки: Кел бўри шу чуқурдан ким сакраб ўтаркин!

Бошловчи: Улар сакрай бошлашибди. Эчки сакраб ўтибди, бўри бўлса, сакраб ўтаётиб чуқурга ағдарилиб тушибди. Оловда бўрининг қорни пақ этиб ёрилиб кетибди-да, эчкичаларнинг ҳаммаси сакраб чиқишибди вадик-дик этиб оналари олдига боришибди, илгаридек яшай бошлашибди.

Буни икки марта ўтказган маъқул. Иккинчи марта ўтказганда болалардан бирини бошловчи қилиб тайинлаш керак.

Агар кечки сайр вақтида болаларга стол театрини ёки иштирокчиларнинг (бўри, она эчки, болалари) ни-

қоби берилса, болаларнинг ўзлари эртакни мустақил равишда саҳналаштириб (ролларга бўлиниб) ўйнайдилар.

#### 48- машғулот

**Мавзу:** Қиш ҳақида суҳбат.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Тарбиячи қиш фасли давомида болаларга қишлаб қолувчи қушлар ҳақида гапириб беради, уларни кўрсатади (қарға, чумчуқ, зогча). Чумчуқнинг, қарғанинг, читтакнинг овозини бири-биридан ажратишга ўргатади. Қишда айиқлар, типратиканлар, қуёнлар қандай қишлашларини ҳикоя қилиб беради. Айиқ ўзига ўрмонда ғор ясаб (қазиб) унга жойлашади. Ғор чуқурлик бўлиб, у ер юзидан жуда чуқурда бўлади. Ғор жуда иссиқ. Февраль ойида она айиқнинг болачалари — айиқчалар пайдо бўлади. Типратиканнинг ҳаёт тарзи ҳам айиқнинг ҳаёт тарзига ўхшайди. У ҳам қиши билан ухлайди. Типратиканлар кунда жуда кўп овқат ейишади, семириб кетишади. Қиш бошланиши билан тўкилган барглار тагида ўзига уйча қуриб олади. Қуён қишда ўрмон, дала бўйлаб югуриб юради. Унга қиш фаслида югуриб юриш кўркакчи бўлади, чунки уни оч қолган тулки, бўри тутиб олиб еб қўйиши мумкин. У қишда совуқ қотади. Унинг эски, ёзги пўстинига нисбатан янги, қишки оппоққина пўстини иссиқроқ бўлади, баъзан бу янги пўстинда ҳам совуқ ёйди. Қуён дарахт шохчаларининг пўстлогини кемиради. Агар дарахт шохлари баландда бўлса, у вақтда қуён дарахтнинг танасига яқинроқ келиб, тик туриб олади-да (қуённинг шу ҳолатда турган расмини кўрсатади) шохчаларнинг пўстлогини кемира бошлайди. Қуён қаер тўғри келса, шу ерда ётиб қолаверади. Кўпинча дарахтларнинг тагида ётади. Агар қаттиқ совуқ бўлса, у ўзига қордан чуқур ғор ясаб олади, деган тушунчалар берилади.

**Мақсад:** Болалар билан қишнинг асосий хусусиятлари ва белгилари ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш ва тартибга солиш (қисман хотиралари ва қисман суратлар асосида); қишда табиат, қишки эрмаклар ва уйи-кулгилар; кишиларнинг кийимлари ва уларнинг кўча ва ховлиларни қордан тозалашдаги меҳнатлари ҳақида; болалар боғчаси майдончасига учиб келувчи ва қишлаб қолувчи қушлар ҳақида ғамхўрлик тўғрисида; қишда ҳайвонлар тўғрисидаги тушунчаларни аниқлаш ва равшанлаштириш.



**Машгулот учун материал:** фланелограф, киш фасли тасвирланган расмлар, қорда югуриб кетаётган қуён расми, кишлаб қолувчи қушларнинг расми, қишки уйин-кулгилар деган расм.

**Машгулотнинг бориши:** Болалар ярим доира шаклида ўтиришади, ўртада тарбиячи ўтиради. Биз жуда ҳам севиб қолган йил Фасли тугаяпти, у биздан кетаяпти,— деб машгулотни бошлайди тарбиячи. Биздан.. (Киш) кетаяпти. Киш йилнинг энг чиройли фасли. Киш ўзининг нимаси билан чиройли? Болаларнинг жавобларини тинглайди, аниқлик киритади ва заруриятига қараб уларни тўғрилайди.

Болалар билан гаплашиш жараёнида фланелографга бирор жаридадан олинган («Саодат», «Гулхан», «Дошкольное воспитание», «Гулистон», деворга осиб қўйиладиган катта календарлар ва бошқа) чиройли расмларни фланелографга қўяди. Бу расмлар орасида киш фаслидаги ўрмонни (қор қоплаган арча, дарахт ва бошқалар), қор билан қопланган далани, ёғаётган қорни тасвирловчи расмлар бўлиши керак. Бу расмларнинг ҳаммаси болаларга таниш, бутун киш фасли мобайнида уйин бурчагида осилиб турган бўлиши керак. Болалар диққатини у ёки бу расмга йўналтириб, тарбиячи болаларга таниш бўлган шеърлардан парча айтиб (ўқиб) беради. Бу парчада киш манзарасини чиройли қилиб тасвирловчи мазмун бўлиши керак: «Оқ кийинган атроф», «қор ёғди гупиллатиб», тарбиячи машгулотнинг бу қисмини тугатаётиб шундай дейиши мумкин: «Қишда ҳаммаёқ чиройли! Дарахтлар оппоқ қор билан қопланган. Арчанинг кенг шоҳларида кўп қорлар уюми ётибди. Шоҳчага тегиб кетишинг билан қор шувиллаб устинга тукилади. Далада, ўрмонда киш ўзининг ер бўйлаб оппоқ момикдек гиламини ёйган ва унинг тагида хайвонларни совуқдан яширган. Қимларни яширган? (Болалар қор тагида ухлаб ётган типратиканлар ва айиқлар ҳақида ҳикоя қилиб беришади.)

Қишда ўрмон ва дала бўйлаб югуриб юрадиган қуёнга эса киш янги пўстин совға қилган. Қани ким эсига келтиради. Қуённинг қишки пўстини қандай эди? (Оппоққина, иссиққина, момикқина). Ўрмонларда, болаларда, далаларда кишлаб қолувчи қушлар совуқда кишилар яшайдиган жойларга яқин ўчиб келишади. Улар кишилар ёрдам беришини билишади-да. Бизнинг майдончамизга қишда қандай қушлар ўчиб келишади? Қандай қушлар бизнинг майдончамизда доимий яша-

шади? Бизлар қушлар ҳақида қандай ғамхўрлик қила-  
миз? (Болаларнинг жавоблари.)

Қиш чиройлигина бўлиб қолмай, балки йилнинг энг  
қувноқ фаслидир. Қишда қандай эрмак ўйинлар ўйна-  
лади? (Тепаликдан чанада сирпаниб тушиш, конькида  
яхмалак отиш, чанғида учиш, муз устида хоккей ўй-  
наш, қорбобо, қорқиз, турли ҳайвонларни яшаш, Янги  
Йил арчаси атрофида айланиб рақсга тушиш.) Тарбия-  
чи болаларнинг қишки эрмаклар ва ўйин-кулгиларни  
айтиб беришларига қараб, досканинг иккинчи томони-  
га қишки эрмаклар ва ўйин-кулгиларга тааллуқли расм-  
ларни қўяди ва шу расм асосида гапириб беришни так-  
лиф этади. Болалар қишки эрмаклар ва ўйин-кулгилар-  
дан ниманидир эсларидан чиқариб қолдирсалар, маса-  
лан Янги йил байрами ҳақида ёки қишда йулкаларни  
қордан тозалашнинг нақадар гаштли эканлиги болалар  
томонидан унутилса, расмлар буларни болалар эсига  
туширади. Машгулотни тарбиячининг қиш ҳақидаги  
ҳикояси билан тугаллаш мумкин.

#### 49- машгулот

**Мавзу:** Болаларга «Мақтанчоқ қуён» ўзбек халқ эр-  
тагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни эртақни тинглашга, қуённи таъ-  
рифлаб беришга (қўрқоқ, мақтанчоқ, ёлғончи) ўрга-  
тиш.

**Машгулот учун материал:** Эртақ, учун ишланган  
расмлар, фланелограф.

**Машгулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга эртақ-  
ни ҳикоя қилиб беради. Эртақни ҳикоя қилиб бериш  
жараёнида эртақ мазмунига доир расмларни фланело-  
графга қўйиб боради, болаларни эртақдан таъсирла-  
нишини кузатади ва улардан: эртақ нима ҳақида экан?  
Менга дейди, — тарбиячи бу эртақда қуён ҳеч ёқмади,  
чунки бу эртақда қуён: У қандай? (Қўрқоқ, ёлғончи,  
тарбия қурмаган.) Қуён шерикларига нима деб мақ-  
танибди ва қуён билан қандай воқеа рўй берибди? —  
деб сўрайди тарбиячи. Жавобларни тинглайди ва шун-  
дай дейди: Ҳозир биз сизлар менинг саволимга тўғри  
жавоб бердингизларми ёки йўқми, шуни текшираман.  
Аҳмад, Салим, Дониёр сизларга қуён қандай қилиб  
шерикларига мақтанганлиги ва оқибатда қандай воқеа  
рўй берганлигини кўрсатадилар. Тарбиячи томонидан  
олдиндан тайёрланиб қўйилган бир нечта бола қуйида-  
ги сахнани кўрсатишади. Тарбиячининг ўзи бошловчи

Кўрмайсизми? Мен сизга кўрсатишим мумкин.. ва ҳоказолар).

2. Қурилайтган объектга сайр уюштириш. Сайр вақтидаги кузатиш мақсадини объектнинг ўзи маълум даражада белгилайди. Қурилишнинг охирига етказилиш даражаси (пойдевор қурилган қурилиш материалларини ташвишяпти уларни туширишяпти, икки қавати қурилган; кутарма кран ишлаяпти ва ҳоказо) ва бошқа кўп ҳолатлар. Кузатиш вақтида болаларнинг вужудга келган саволларга мустақил жавоб беришга интилишини уйғотиш керак. Бундан ташқари тарбиячи болаларнинг сайр вақтида олган таассуротларини ўз ўйинларида акс эттиришларига ердан бериши зарур. Болаларга рус халқ эртақларидан «Қорқиз» эртагини ҳикоя қилиб бериш. Болалар эртақни эшитиб бўлганларидан кейин бир неча кун ўтгач, бу эртаққа ишланган расмларни кўрсатиши ва эртақ мазмунини эсига тушириши керак. Бунинг учун эртақ мазмуни юзасидан қуйидагича суҳбатни уюштиради: «Ҳаммангиз қиш фаслида жуда кўп қишқи эрмак ўйинларни ўйнайсиз. Қандай ўйинларни ўйнайсиз? Бир кун болалар нима ясашибди? Қорқизчани кимлар ўзига қиз қилиб олишибди? Қорқиз қандай экан?» Қорқизнинг юзлари худди сутга чайқаб олгандек оппоқ, кўзлари маржондек ялтироқ, сарғиш сочлари ипакдек майин бўлиб, белига туши эмиш. Шулар шундай чиройли, дилбар эмишки, бунақаси эртақларда ҳам учрамас эмиш. Нима учун қорқиз маънос бўлиб, йиғлайдиган бўлиб қолибди? («Кунлар ортидан ойлар ўтиб, гўзал баҳор етиб келибди. Дарахтлар куртак чиқариб, далаalarda тўрғайлар сайраб, асаларилар уча бошлашибди. Болалар шодхуррам бўлиб, қизлар баҳор қўшиқларини айтишибди. Қорқиз эса маънос бўлиб, деразадан қараб йиғлар ва кўз ёши тўкар эмиш. Баҳор ўтиб иссиқ ёз кунлари ҳам етиб келибди. Қорқиз эриб кетишдан жуда ҳам қўрқибди-да. У ахир қордан ясалган-ку.

Қорқизнинг дугоналари уни қаерга таклиф қилишибди? «Кунлардан бир кун қизлар ўрмондан турли мева-лар — маймунжон, итузум ва қулупнай териб келишмоқчи бўлишибди ва қорқизни ҳам таклиф қилишибди». Қорқизнинг дугоналари нима ёқишибди. (Гулҳан ёқишибди ва гулҳандан сакраб ўта бошлашибди.) Қорқиз нима учун гулҳандан сакраб ўтишни хоҳламабди? (Қордан ясалганлиги учун эриб кетишдан қўрқибди). Нима учун қорқиз йўқ бўлиб кетибди? (Чунки қорқиз



гулхан устидан сакраб ўтаётганда эриб кетибди.)

3. Наримон Орифжоновнинг «Қишда» шеърини ўқиб бериш (декабрь ойининг бошида).

4. Ошхонага мақсадли сайр уюштириш: ошхонада ишлатиладиган, ошпазнинг меҳнати енгиллаштирадиган идишларнинг тузилишини кўриб чиқиш (кечки соатда, ошхонада ҳеч нарса тайёрланмаётганда, чой қайнатадиган човгумлар, кастрюлка ва товалар совиб қолган вақтда болаларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб кузатилади).

5. Қушларни кузатиш (снегирь ҳам чумчүксимон қушлар туркумига киради). Саъвани кузатиш маъқулроқ, чумчүк, мусичани ҳам кузатиш мумкин.

### *Қушларни кузатишнинг тахминий плани*

Болаларни қушлар ҳаммага яхши кўринадиган қилиб ўтқазиб керак. Агар гуруҳда болалар жуда кўп бўлса, болаларни гуруҳчаларга бўлиб қушчани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тарбиячи гуруҳга қафасдаги қушни олиб киришдан аввал болаларга шовқин қилмасдан ўтиришни, берилган саволларга овозини жуда баланд қилиб жавоб бермасликни, акс ҳолда қушни қўрқитиб қўйишларини, бунинг натижасида қуш безовта бўлишини айтади. Сўнгра қушни олиб киради.

Болалардан: Ким бу қушни билади? деб сўрайди. Сиз уни снегирь эканлигини қандай билиб олдингиз. Бу чиройли қушчанинг ташқи кўриниши қандай? (Болаларнинг диққатини қушнинг кўк рангига, қоринчасига йўналтиради. Қора ялтироқ думидаги оқ чизикчаларни кўрсатади. Қушчанинг бошидаги «қалпоқчасини» диққат билан кўриб чиқишни сўрайди.). Кўрдигизларми, снегирь қушчаси ўзининг кўкрагидаги ранг ва думидаги оқ чизикчаси билан бошқа қушлардан ажралиб туради. Бошқа қушларга ўхшамайди? Шундай бўлса да, у қуш, тўғрими? Унинг (снегирьнинг) қуш эканлиги нимасидан билинади? (Болаларнинг жавобларини тинглайди). Энг аввало тапни снегирьнинг тапаси бошқа қушларникига ўхшаб пат билан қопланган. Иккита қаноти бор. Иккита оёғи. Оёқларида.. нимаси бор? Тирноқлари.

Болалар! Снегирлар дарахтлардаги майда данакли меваларни (дўланага ўхшашларни) чўкиб ейишни яхши кўради. Ҳозир мен қафас ичига майда дўланачани қўяман.. Қаранглар, снегирь уни қандай чўкиди. У панжалари билан дўлана шохчасини босадими? Бу

билан сиз снегирга тирноқли панжалар нима учун кераклигини яхши англаётгандирсиз? Жавоб беришга шошилманг. Яхшилаб кўринг ва эса сақлаб қолинглар. Болалар кузатадилар. Кузатиш жараёнида болалар диққатини (паст овозда) қуйидагиларга: қушчанинг тирноқлари билан дўланани ушлаб олишига, бошини пастга эгиб, дўлананинг устки қисмини (юмшоқ жойларини) эмасдан, балки унинг данагини — уруғини еяётганига йўналтириш керак. Кузатишдан кейин болалардан снегирга тирноқли оёқ нима учун кераклигини сўраш мумкин. (Тирноқлар билан шохчани маҳкам ушлаб туриши, ҳатто шохчага ёпишиб олиб, бошини пастга қилиб осилиб туриши мумкин.) Қишнинг совуқ кунларида, — деб ҳикоя қилади тарбиячи, — снегирлар кишилар яшайдиган жойларга яқинроқ учиб келишади.

Қушларни боқиш керак. Бўлмаса улар ҳалок бўлиши (ўлиб қолиши) мумкин. Эркинликда ва қафасда (уй шароитларида) снегирлар турли дон-дунларни ейди. Кунгабоқар (писта, семичка), тарик, сули, каноп, шолғом ейди. Биз эса снегиримизга баъзан қирғичдан ўтказилиб сухари билан аралаштирилган сабзи берамиз.

Бошқа сафар тарбиячи хонага снегирни тасвирловчи расмни осиб қўйиб, болаларга шундай ҳикоя қилади: «Снегирлар жуда катта фойда келтиради, улар дарахтларнинг уруғларини экади. «Ҳа-ҳа» мен ахир сизларга снегирлар дарахтларни уруғини ейди деган эдимку, улар фақат дўлананинггина яхши кўрмасдан, балки бошқа уруғли (донли) дарахтларни ҳам яхши кўради. Қушча дарахт шохчасига ёпишиб олади-да дарахт мевасидаги данагини (уруғини) чиқариб чўқиб ейди. Шохча тебранади ва бошқа шохчадаги дарахт уруғлари (данаги, семичкаси) узилади, уни эса шамол бошқа жойларга учуриб кетади. Қаерга, дарахт уруғи (данаги, семичкаси) тушса, шу ерда янги бута (дарахт) униб чиқади.

6. Ҳайвонларнинг озуқаси учун сули экиш (декабрь).

7. Ерга пйёзбоши экиш (январь).

### Февраль

1. Мазмунли — ролли ўйин «Айиқчани стол тузашга ўргатиш» деган ўйин. Бу ўйин болалар диққатини жамоат ишларидан бири бўлган ошхонада навбатчиликка жалб қилишга ёрдам беради.

2. Катта турух болаларининг табиат бурчагига бо-риши. Болалар ўсимлик ва ҳайвонларни кўриб чиқа-дилар. Тарбиячи болалар диққатини ўсимликлар қан-дай қилиб қуёшга интилишига қаратади; шунинг учун ўсимликларни вақти-вақти билан гоҳ бир томонини, гоҳ иккинчи томонини ойнага қараб буриб туриш керак.

3. Балиқни кузатиш (карп ёки қарасни). Тарбиячи балиқни катта сирли тоғорада олиб киради. Болаларга бу балиқ фақат катта ҳавзаларда яшаши мумкин, шу-нинг учун болалар боғчасининг аквариумида бу ба-лиқлар йўқ, деб тушунтиради. Тарбиячи болалар диқ-қатини қуйидагиларга йуналтиради: балиқнинг боши бор, бошида кўзлари, оғзи (балиқлар овқатни ютади), танаси, думи, сузгич қанотлари бор. Балиқлар сувда яшаб, унда сузиб юради.

4. Адабий викторина (кечки ўйин-кулги сифатида). Унинг мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин. Тарбиячи болаларга шундай дейди:

а) китобнинг муқовасига қараб, унинг номини эс-лаш ва айтиш (рус халқ эртаги — «Қорқиз», В. В. Мая-ковский — «Яхши деган сўз нимаю, ёмон деган сўз нима»).

б) расмга қараб шеърнинг номини айтиш (И. Муслим «Арча»).

в) ўқиб берилган парча асосида шеърнинг номини ўйлаб топиш (В. В. Маяковскийнинг «Яхши деган сўз нимаю, ёмон деган сўз нима» деган шеърдан қуйи-даги парчани ўқиш); «Агар бўлса уришқоқ ҳам ярамас, урса кучсиз болани...»

г) ўқиб берилган парча асосида эртак ёки ҳикоя-нинг номини айтиш; «Бе-е,— дебди, ола қуён сир бой бермай ва мақтаниб кетибди! Ем бўлиб бўпман. Бо-шига чиқиб бир тепдим, тил тортмай ўлиб қолди». («Мақтанчоқ қуён» эртагидан). Кунлардан бир кун Қаргавойнинг ови барор олмай, қорни очди. У ов қиди-риб кўп сарсон бўлди. (Ўзбек халқ эртаги, «Қарга-вой»). Мў-мў-мў-мў, хир-хир, хир-хир! — деган эди, бирдан сингиси уйғониб кетди. Холтой ўзини гарде-роб орқасига яширишга мажбур бўлди. (Раҳмат Азиз-хужаев «Совуқ қилиқ»).

д) Машғулотга турна ва тулки (ўйинчоқ) қайси эр-такдан келганлигини ўйлаш ва эртакнинг номини ай-тиш (болалар эртакни номини айтишлари керак. «Тулки билан турна»). Викторинани яқунлашда педагог шундай дейди: «Бугун биз сизлар билан турли эртак

ва ҳикояларни эсладик (эртақ ва ҳикояларни санаб ўтади). Ҳозир сиз узингизнинг энг сеvimли китобингизнинг номини айтиб, ундан бир парчасини ўқиб беришни сўрасангиз, мен сизнинг илтимосингизни дарров бажараман. 5—6 та боланинг истагини бажаради.

*Март — май*

### *51- машғулот*

**Мавзу:** Болалар билан тасвирий ҳикоя тузиш.

**Мақсад:** Болаларни ўйинчоққа қараб унча катта бўлмаган боғланган ҳикоя тузишга ўргатиш. Ҳикояни тузишда тарбиячининг намунасига ва саволларига асосланиш.

**Фойдаланиладиган усуллар:** 1. Айиқчаларни кўриб чиқиш (2—3 минут.)

2. Тарбиячининг намуна ҳикояси.

3. Тарбиячининг намунавий ҳикоясини такрорлаш.

4. Болалар билан топишмоқларни топиш.

5. Тарбиячининг қўшимча саволлари.

6. Болалар билан ўртоқларининг ҳикоясини тўлдириш.

7. Ҳикоя қилиб берувчига топишмоқни такрорлашни таклиф этиш.

**Машғулот учун материал:** 4 та ҳар хил катталиқдаги, рангдаги ва турли хил материалдан қилинган айиқчалар, 1 та катта айиқча.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар стулда ўтиришади. Тарбиячининг олдига, столда 4 та ҳар хил айиқча ўйинчоқлари, улардан сал нарироқда катта айиқ. Тарбиячи болалардан стол устида қандай ўйинчоқлар бор эканлигини сўрайди ва болаларга бу айиқчаларни катта айиқ ўзи билан бирга бошлаб қелган, деб тушунтиради. Тарбиячи болаларга: катта айиқ бугун сизлар билан топишмоқлар топиш ўйинини ўйнамоқчи, деб айтади. Стол устида қандай ўйинчоқлар бор эканлиги болалар томонидан аниқлаб олинган, тарбиячи сўрайди, айиқлар ўзининг катталиги билан бир-бирига ўхшайдими? (биттаси катта, у ҳақда шундай дейиш мумкин: ҳаммасидан катта, биттаси жуда ҳам кичкина, бошқа иккитаси эса унча катта эмас). Ранги билан бир-бирига ўхшайдими? (иккитаси жигар ранг, улардан биттаси мўйнали, бошқаси эса бахмалдан, биттаси қора ва биттаси сариқ.) Болаларнинг жавобларини умумлаштириб, тарбиячи болаларга кейинчалик ўйинчоқни мустақил тасвирлаш вақтида фойдаланиш лозим бўлган сўзларни

айтади: катта, бахмалдан, қора, жигар ранг, сарик ва бошқалар. Катта айиқ, стол устида турган айиқлардан бири ҳақида болаларга топишмоқ айтади. Бу топишмоқлар ўйинчоқларни тасвирлаш бўйича ҳикоя тузиш тарзида бўлади. Масалан: «Қани топинглар-чи, мен қайси айиқ ҳақида гапириб бераман. У энг катта, жигар ранг, бахмалдан қилинган, унинг панжалари ва қулоклари оппоқ, кўзлари қоп-қора тугмачага ўхшайди». Тарбиячи болаларни катта айиқ айтиб берган ҳикоя орқали қайси айиқ ҳақида ҳикоя қилиб берганлигини топишганликлари учун мақтайди ва шундай дейди: «Сиз қайси айиқ ҳақида ҳикоя қилиб берилганлигини шунинг учун ҳам енгиллик билан билиб олдингизки, у ҳақда Катта айиқ жуда яхши гапириб берди: у, айиқ қандай катталиқда эканлигини (энг катта), қандай рангдаллигини (жигар ранг), нимадан қилинганлигини (бахмалдан) ҳамда айиқнинг оёқлари ва қулоқлари оппоқ эканлигини, унинг кўзи қоп-қора тугмачага ўхшашлигини айтиб берди». Шу тариқа тарбиячи болаларга мустақил ҳикоя қилишлари учун режа беради: Катта айиқ ўйинчоғи ўзидан узоқроқда турган айиқча ўйинчоқларга қараб ўтиради. Чақирилган бола стол устида турган айиқлардан бирини танлаб олади ва уни кўлига олиб, тасвирий ҳикоя тузади (ўйлайди).

Масалан: Бу кичкина айиқча, у оқ рангда, пластмасадан қилинган, кўзлари дум-думалоқ, қора рангда, иккита қулоғи бор. Бўйнида қизил лентаси бор. Шу тариқа чақирилган болалар бошқа айиқча ўйинчоқлари ҳақида тасвирий ҳикоя тузадилар. Агар бола ҳикоя қилиб беришда қийналса, тарбиячи унга саволлар бериш билан ёрдам беради.

Масалан: Айиқнинг кўзи қандай, гапириб бер ва ҳоказолар. Тарбиячи ўйинчоқни тасвирлашни тамом қилган болага шундай дейди: «Кўрдингми,— болалар сенга ёрдам беришмоқчи. Қани эшитайликчи, улар сенинг ҳикоянга нималарни қўшимча қилишмоқчи. Болаларнинг қўшимча қилишларини тарбиячининг берадиган қўшимча саволлари билан алмаштириш мумкин. Лекин тарбиячининг саволлари 2—3 гадан ошмаслиги керак. Тарбиячи боладан ҳикояни баландроқ овозда ҳеч қаерини ташлаб кетмасдан қайтадан такрорлашни сўрайди (агарда боланинг айтиб берган ҳикояси тулиқ бўлиб, уни тўлдиришнинг ҳожати бўлмаса, у вақтда ҳикояни такрорлатиш шарт эмас). Ўйинчоқни тасвирлашни тугатган бола уни ўз жойига қўяди ва стулига



бориб ўтиради. Катта айиқ келиб бола томонидан айтилган тасвирий ҳикоя қайси айиқча ҳақида эканлигини топади. У шошилмасдан стол устидаги ҳамма айиқ ўйинчоқларини кўриб чиқади ва унинг ичидан бола айтиб берган тасвирий ҳикоя қайси айиқча ўйинчоғи ҳақида эканлигига қараб айиқчани танлаб олади. Бу болаларни қувонтиради. Сўнгра тарбиячи болаларга яна бир марта топишмоқ ҳикояни бошқа айиқ ўйинчоғи ҳақида катта айиқ айтади, болалар эса топишади, яъни яна бир марта тасвирий ҳикоянинг намунаси берилади (чунки кейинчалик болалар Катта айиқча ўз топишмоқли ҳикоясини топишни айтишгаётганда ана шу намунадан фойдаланишади). Машғулот эмоционал тарзда, қувноқ ўтиши керак. Бу ўйин жараёнида ҳикояни 4—5 боладан сўраш мумкин. Машғулотнинг охирдан битта болага Катта айиқ ўйинчоғи ҳақида тасвирий ҳикоя айтиб беришни таклиф этади.

### 52- машғулот

**Мавзу:** Газламаларнинг хусусиятлари билан таништириш.

**Мақсад:** Болаларга турли ҳаракатлар ёрдамида газламаларни ажратиб олишга ёрдам бериш. (Газлама оқ, қизил рангда, силлиқ ва силлиқ эмас.) Бир хил газламалар жуда тез ғижимланади, баъзи бирлари мутлақо ғижимланмайди. Газламани қоғозга қараганда йиртиш қийин. Газлама сувда ҳўл бўлади, лекин сув юзиде қалқиб сузиб юрмайди. Газлама пишиқ (мустаҳкам) бўлади. Болаларнинг лугатини аниқлаш ва бойитиш.

**Машғулот учун материал:** Турли газламаларнинг лахтаклари (гулли, гулсиз, катакли, нўхат гулли, юпка, қалин ва ҳоказо).

**Машғулотнинг бориши:** Болалар стол атрофида ўтиради. Ҳар бир бола олдида турли газламалардан иборат 3 дона, лахтак бор: шерсть, чит (сатин) ва ипакли газламалар. Лахтакнинг икки донаси гулсиз газламалардан (қалин шерсть ва гулсиз сатин), биттаси гулдор (ранг-баранг). Бир (битта) стулда ўтирган болалар олдида турли хил газлама лахтаклари бўлиши керак. «Бугун,— дейди тарбиячи, биз сизлар билан газламаларни кўриб чиқамиз. Ҳаммангизни олдингизда турли газлама бўлакчалари — лахтаклар бор (нималар бор экан). Уларга қаранг. Олдингиздаги газлама

лахтагига кулингизни тегизмасдан унга қараб нима дейиш мумкин. Жавобларни тинглайди, уларни умумлаштиради: «Тўғри газламанинг ранги ҳақида гапириб бериш мумкин. Кимда қандай рангдаги газлама бор? Кўк рангдаги, қизил рангдаги газламалар бор. Буниси гулли. Олиманинг олдидаги газлама нўхат гулли. До-ниёр эса менинг олдимдаги газлама лахтагида қизил, оқ ва қора ранглар ҳам бор, деб айтаяпти. Курдингизларми, газламалар ранги бўйича ҳар хил бўлар экан. Яхшилаб қаранг ва кўк рангдаги лахтакни топиб менга курсатинг (ёки қора рангдаги лахтакни). Столингизда бирга утирган ўртоғингизнинг ҳаракатига (ишига) қаранг. Улар топшириқни бажаришда янглишмадилармикан? Энди бу лахтакларни бошқалардан узоқроққа алоҳида қўйинг. Мен бу лахтаклар ҳақида нима дейишимни эшитинг, Улар бир хил рангда, бир тусдаги газламадан. Қандай газламадан? (Болаларнинг жавоблари.) Яна бир рангдаги бир тусдаги газламадан бўлган лахтакни топиб биричи лахтакка қўйинг (қўшинг). Энди бир рангдаги, бир тусдаги газлама қандай рангда бўлишини айтинг? (Қизил, оқ рангда ва бошқа рангларда бўлади.) Келинлар, қолган лахтакларни ҳам қўриб чиқамиз. Уни бир тусдаги газлама деб бўлади-ми? Комила сенинг олдингдаги лахтак қанақа? (Узи, кўк, оқ нўхат гули бор.) Тарбиячи жавобга аниқлик киритади. У шундай дейди: Кўк рангдаги газлама, унинг оқ нўхат гули бор. Аҳмаднинг лахтаги қандай? (Мендаги газлама қизил рангда, унинг оқ нўхат гули бор.) Яна кимнинг олдидаги газлама лахтаги нўхат гулли? Уларни менга курсатинг. Энди менга гулли ва майда гулчалари бор бўлган газлама лахтакларини курсатинг. Мана улар қанча кўп. Бу лахтакларнинг ҳаммаси қайси газламадан? (Гулли газламадан.) Мана бу газлама (йул-йул ёки катак газламани болаларга курсатиб) ҳақида нима дейиш мумкин? Тўғри йул-йул. Ёки олабайроқ деб айтиш мумкин. Энди лахтакларни кулингизга олиб, унга тегиб кўринг ва унинг қалинлигини аниқланг. Нимани пайқаб олдингиз? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглаб, шундай дейди: Газламалар қалин ва юзқа бўлади. Сиз газламани гижимлаганингизда яна нимани билиб олдингиз? Ҳа, юмшоқ, унча юмшоқ бўлмаган, ҳатто надир-будир газламалар ҳам бўлади. Жуда ҳам сиқилик газламалар бор. Олдин олдидаги лахтаклардан бири (момикдек) юмшоқ эканлигини пайқайди.

Болалар! Эсингиздами биз қоғозни гижимлаганимизда қоғоз... (енгиллик билан гижимланишини) билиб олган эдик. Гижимланган қоғоз шундайлигича, яъни гижимланганича қолиб у... нима бўлмайди. (Эзилганича, гижимланганича қолади, текисланмайди, тўғриланмайди). Ҳозир сиз газламани мийжиглаб (гижимлаб) кўринг, бу ҳақда сиз нима дейсиз? Қалин газлама лахтагидан бир парча (бўлакча) ўзиб кўринг. Нима бўлди? (Ииртилмаяпти.) Қоғоз-чи? Нима бўлган эди? Болалар агар биз газлама лахтагини сувга ташласак нима бўлади? (Хўл бўлади.) Улар қоғозга ўхшаб йиртилиб кетадими? (Жавоблар.) Лахтакларни кўйинг-да, мен газлама ҳақида нималарни гапириб беришимнинг тингланглар: Газлама пишик. Уни тортсак, ииртилиб кетмайди. Сувда хўл бўлади, қоғозга ўхшаб сув юзида қалқиб юрмайди. Ивимайди. У қоғозга нисбатан пишик. Энди ўзингизнинг либосингизга — кўйлагингизга, шимингизга қаранг, улар қайси газламалардан тикилган? Болалар тарбиячининг ёрдамида 1—2 газламанинг сифатини йтадилар. Сўнгра улар бир-бирларининг кийимларига қарашади ва шундай жавоб беришади: Уғил болаларнинг кўйлаklarини катак ва рангли газламалардан, шим ва калта шимларини бир хил рангдаги гулсиз газламадан тикадилар; қиз болалар учун кўйлаklarни турли хилдаги газламалардан тикадилар. «Ҳозир, — дейди тарбиячи, сизлар ҳаммингиз кийим тикиш хонаси (ателье)да ишлайсиз. Турли нарсаларни тика бошлайсиз. Олдингизда газлама бор. (Болаларнинг олдидаги лахтаклар назарда тутилади.) Сиз қайси газламадан чиройли кўйлак тикасиз? Ҳар бир бола тикиш учун тўғри келган лахтакларни кўрсатади. (Агар ўғил болаларнинг олдида катак газламалар лахтаги бўлмаса, қиз болалар ўз олдиларидаги катак газлама лахтагини берадилар.) Тарбиячи эса унинг тўғрилигини кузатиб боради. Сўнгра тарбиячи қолган иккита газлама лахтагидан нима тикиш мумкинлиги билан қизиқиб, болалардан сўрайди, жавобларни тинглайди ва баҳолайди, хулоса қилади; бугун болалар газлама ҳақида кўп нарсаларни билиб олганликларини айтади. (Машғулотда болалар нималар билан танишганликларини қисқагина қилиб такрорлайдилар.)

### 53- машғулот

**Мавзу:** Гуруҳ хонасидаги деразани кўздан кечириш.

**Мақсад:** Болалар диққатини теварак-атрофга жалб



қилиш, уларни ўраб олган нарсаларнинг — қизиқарли томонларини куришга ўргатиш. Дераза ҳар бир уй учун зарур. У ёруғлик ва ҳаво ўтказади, деган тушунча бериш. Болалар луғатини ром, тиниқ ойна, дарча, сурма сулф сўзлари билан бойитиш, дераза тоқчаси сўзининг маъносини аниқлаш. Энаганинг меҳнатига нисбатан ҳурматни, меҳнатда унга ёрдам бериш истагини тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Кўрсаткич таёқча, гуруҳ хонасидаги дераза.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар дераза олдида ярим доира ҳосил қилиб ўтирадилар. Тарбиячи деразанинг унг томонида болаларга қараб ўтиради, унинг қўлида кўрсаткич таёқча.

**Тарбиячи:** Болалар, группамиз хонаси нега бунчалик ёруғ? Нима учун ҳар бир уйга дераза ўрнатилади? Болаларнинг жавобини тинглайди, тўлдирди. Сўнгра дераза кўздан кечирилади.

**Тарбиячи:** Мана бу деразага диққат билан қаранг. У қандай? (катта, кўрсаткич таёқча билан) дераза ромини кўрсатиб: «Бу нима? Болаларнинг жавобларини тинглайди ва тўлдирди. Болалар, бу — ром. Ҳалима, сен «ром» сўзини такрорла. Энди ҳаммангиз «ром» сўзини такрорланг. Ром нимадан ясалган? Ромга нима солинган? Ойна қандай (тип-тиниқ.) Ойна нима учун керак? Тарбиячи кўрсаткич таёқча билан ромдаги ойнани кўрсатади. Болалар жавобини тасдиқлайди ва тўлдирди. Тўғри, ром ичига ойна солинган. Ойна — тиниқ. У орқали уйга ёруғлик ўтади ва хонамиз ёруғ бўлади. Тиниқ ойна орқали биз ўз майдончамизни, боғча ҳовлисини, бошқа гуруҳ болалари ўз майдончаларида ўйнаётганликларини кўрамиз. Демак, ойнани қандай аташ мумкин? Қани, Аҳмад, сен айтгинчи? (2—3 бола «тип-тиниқ» ёки «тиниқ» сўзини такрорлайди.) Егоч ромни тиниқ дейиш мумкинми? Нима учун? Яна бизнинг деразамизнинг ойнаси тоза. Нима учун ойна ҳамisha тоза? Энагамиз Фарида опанинг ойнани қандай артаётганликларини ким кўрган? Улар ойнани қандай артадилар? Уйингизда дераза ойналарини ким ювади? Демак, дераза ромининг ичига солинган ойна тиниқ, тоза. Шунинг учун хонамизда ўтириб ойна орқали боғча ҳовлисини, у ерда ўйнаётган, меҳнат қилаётган бошқа гуруҳ болаларини, майдончамизни кўрамиз. Деразага яна бир қаранг. Деразанинг ичига нима солинган? (Кўрсаткич таёқча билан дераза дарчасини

кўрсатади). Агар болалар дарча сўзини айтишга қийнасалар (кўпинча болалар дарчани форточка деб айтадилар), тарбиячининг ўзи дарча сўзини айтади. Бу — дарча. Ҳаммангиз такрорланг (болалар дарча сўзини такрорлайдилар, тарбиячи бу сўзни болалар томонидан тўғри талаффуз этилишини кузатиб боради, агар кўпчилик болалар нотўғри талаффуз этсалар, тарбиячининг ўзи 2—3 марта дарча сўзини такрорлайди). У нима учун керак? Болаларнинг жавобларини тинглайди ва бундай дейди: «Дарча бизга қишда керак бўлади. Ёзда, баҳорда, кузда кун исиган пайтларда ташқаридан, боғимиздан тоза ҳаво хонамизга кириб туриши учун биз деразаларни очиб қўямиз. Қишда эса деразани очиш мумкин эмас. Нима учун қишда деразани очиш мумкин эмас? Қишда хонамизга, тоза ҳаво кириб туриши керак. Бунинг учун нима қилиш керак? Нима учун дарча очиқ бўлса ҳам хонамиз иссиқ? Болаларнинг жавобларини тинглагач, навбатдаги саволни беради. Агар кучли шамол турса, у деразани оча оладими ёки йўқми? Дераза очилиб кетмаслиги учун нима қилиш керак? Кўрсаткич таёқча билан деразанинг сурма зулфини кўрсатиб, шундай савол беради. Бу нима деб айтилади? Сурма зулф нима учун керак? Болаларнинг жавобидан кейин тарбиячи шундай дейди: «Деразани сурма зулф билан беркитиб (маҳкамлаб) қўйиш керак. Деразанинг сурма зулфини солиб қўйсақ, уни қаттиқ шамол оча олмайди. Сўнгра кўрсаткич таёқча билан деразанинг токчасини болаларга кўрсатади ва қуйидаги саволни беради. Бу нима? (Дераза токчаси.) Дераза токчаси нима учун керак? Дераза токчасида нима турибди? Сўнгра тарбиячи болаларни яна бир марта деразага диққат билан қарашни айтади ва шундай дейди: «Дераза жуда пухта ва тартибли ишланган. Уни дурадгор жуда кўп меҳнат сарф қилиб ёғочдан ясаган. Дурадгорнинг меҳнати жуда оғир. Ром, дераза токчаларини жуда силлиқ қилиб рандалаган. Дераза роми ва токчаси оқ бўёқ билан бўялган, ойналар ромга эҳтиётлик билан ўрнатилган. Қаранг бизнинг деразаларимиз қандай тоза, ойналари тиниқ. Ойналар, ром ва дераза токчалари ювилган. Уларни ким бунчалик тоза қилиб ювади? Энагамиз — Фарида опа. Улар ҳар куни ойналарни артадилар, токчаларни ювадилар. Эртага эрталаб биз сизлар билан бу ишни бажарамиз, энагамиз дам ола қолсинлар. Тарбиячи машғулоти тугаллар экан,

бугун нимани кўздан кечирганликларини, қайси сўзларни билиб олганликларини сўрайди.

#### 54- машғулот

**Мавзу:** «Тулки, қуён ва хўроз». Рус халқ эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларни эртақ мазмуни асосида берилган саволларга жавоб беришга, ўзларига ёқиб қолган парчани айтишга ўргатиш. Эртақдаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олишга, хўроз ақлли, ботир, кўрқмас деб таърифлашга ўргатиш. Болаларда ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** «Тулки, қуён ва хўроз» эртагида болалар учун тушуниш қийин бўлган сўзлар бор; похол, буқа, чориқ, чалғи, сомон сўзларини расм асосида тушунтириш (похол, буқа, чалғи расмлари), эртақдаги ҳайвонлардан буқа (хўкиз) болалар учун нотаниш; шунинг учун машғулотдан 2—3 кун олдин болаларга «Тулки, қуён ва хўроз» эртаги учун ишланган расмларни кўрсатиш керак. Болалар диққатини расмларни кўришга ҳамда ҳайвонлар ташқи кўринишларининг асосий хусусиятларига жалб қилиш керак. Болалардан эртақда иштирок этувчи ҳайвонларнинг (паррандаларнинг) номларини сўраш лозим. Эртақ мазмунига доир йирик расмларни тайёрлаш ва уларни болаларга кўрсатиш керак. Бундай тайёргарлик ишлари эрталабки ва кечки соатларда олиб борилиши керак.

**Машғулот учун материал:** Фланелограф, эртақ мазмуни асосида ишланган расмлар тулкининг муздан ясалган уйи, пўстлоқдан ясалган қуённинг уйи, қуённи учратиб турган ит, айиқполвон, буқа, чалғи кўтарган хўроз расми. Уйдан қочиб чиқиб кетаётган тулкининг ва уй ёнида чалғи кўтариб турган хўрознинг расми. Хўрознинг қуён билан бирга яшаётганини тасвирловчи расм.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларни ярим доира шаклида ўтказди, ўзи стулда ўртада ўтиради. Болалар диққатини ўзига жалб қилиб, фланелографга тулки, қуён ва хўрознинг расмини кўяди. Уларнинг номларини болалардан сўраб, шундай дейди: «Мен ҳозир сизларга қандай қилиб тулки қуённи алдаб, уйини тортиб олгани ва хўроз қандай қилиб тулкини қуённинг уйдан ҳайдаб чиқаргани ҳақидаги эртақни ҳикоя

қилиб бераман. Бу рус халқ эртаги. У «Тулки, қуён ва хўроз» деб аталади.

Тарбиячи эртақни ҳикоя қилиб беради, эртақ мазмунига доир расмларни кўрсатади, сўнгра болаларга саволлар беради. Бу эртақда нима ҳақида ҳикоя қилинади? Эртақдаги итлар ҳақида нима дейиш мумкин? (улар мақтанчоқ, кўрқоқ.) Нима учун уларни мақтанчоқ, кўрқоқ деймиз? (Чунки қуён йўлда йиғлаб кетаётганида унинг олдидан итлар чиқиб қолишди, улар қуёнга мақтаниб, биз ҳозир уйингга бориб тулкини ҳайдаб чиқарамиз, дейишибди. Итлар уй олдига келишиб: — Вов, вов, вов, тулки ҳозир уйдан жўнаб қол! дейишибди. Тулки уларга қараб:— сакраб олдиларингга тушсам, териларингни шилиб ичига сомон тикаман,— дебди. Итлар кўрқиб қочиб қолишибди.) Ким айиқполвоннинг қуёнга айтган сўзларини эслаб қолди? Ким айтиб беради? Нима учун айиқполвон кўрқиб қочиб қолди? Айиқполвонни кўрқмас, ботир деса бўладими? Нима учун? Буқа қандай ҳайвон? (расмни кўрсатади). Нима учун буқа ҳам кўрққанидан думини хода қилиб қочиб қолди? У қочиб тўғри иш қилдими? Уни нима дейиш мумкин? (кўрқоқ, мақтанчоқ). Бу эртақда қайси қаҳрамон сизга ёқди? (Хўроз) У сизга нимаси билан ёқди? Сиз унинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолайсиз? Нима учун хўрозни кўрқмас, ботир деб айтамыз? Ким хўрознинг тулкига айтган гапларини эслаб қолди? Тулкининг хўрознинг гапларига берган жавобларини ким эслаб қолди? Ким такрорлайди? Эртақ қандай бошланиб қандай тамом бўлади? Машғулотнинг охирида эртақ учун ишланган расмларни фланелографга қўяди, болалар яна бир бор бу расмларни кўриб чиқадилар. Тарбиячи болаларга эртақнинг Қу-қу-қу, қуёнча нега йиғлайсан бунча? деган жумласидан бошлаб яна бир марта ҳикоя қилиб беради ва машғулотни тугаллайди.

### 55- машғулот

**Мавзу:** Тарбиячининг телефон ҳақида гапириб (ҳикоя қилиб) бериши.

**Мақсад:** Болаларнинг қуйидаги маълумотларини эгаллаб олишларига эришиш; кишиларга телефон муҳим маълумотларни бир-бирига билдириш учун, байрам билан, туғилган кунлар билан табриклаш учун, касал бўлганда шифокорни (тез ёрдамни ва ҳоказоларни чақириш учун керак. Телефон орқали самимий, муло-

йим гапириш керак. Болаларни янги сўз ва иборалар билан таништириш: телефон, трубка, диск, рақамлар билан; сизни эшитаман, агар мумкин бўлса, телефонга чақиринг (айтиб юборинг), илтимос, марҳамат ва ҳоказолар. Болаларда маданий сўзлашиш малакасини шакллантириш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотдан олдин тарбиячи бир гуруҳ болалар билан телефон орқали, болаларга таниш бўлган кишини туғилган куни билан, кириб келаётган байрам билан, юбилей билан табриклайди; кино, театрда болаларни сеvimли мультпликацион фильми кетяптими ёки йўқми шуни билиб олади. Бу болаларга машғулотда кишиларга нима учун телефон керак, деган саволга жавоб топишларига ёрдам беради.

**Машғулот учун материал:** Уйинчоқ телефон (тарбиячининг столи устида ва болаларнинг столи устида ҳам худди шундай уйинчоқ телефон).

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячининг столи устида жаранглайдиган уйинчоқ телефон. Худди шундай уйинчоқ телефон болалар ўтирадиган стол устида ҳам бор. Тарбиячи ўзининг телефонини болаларга кўрсатиб, уни яхшилаб кўриб олишни айтади. Болалар телефон қисмларини айтадилар. Бу қисмлар қуйидагилардан: трубкадан, рақамли доирадан (дискдан) ташкил топганлигини айтадилар. «Бу — диск, деб айтади тарбиячи ва уни кўрсатади. Диск айланади. Унда 0 рақамидан то 9 гача бўлган сонлар бор. Кимга, қаерга телефон қилмоқчи бўлсангиз шу рақамларни териб дискни айлантирамыз. Кишиларга телефон нима учун кераклигини ўйлашни ва айтишни таклиф этади. Жавобларни тинглайди ва тўлдиради. Телефон орқали самимий ва мулойим гаплашиш ва жавоб бериш керак, деб машғулотни давом эттиради тарбиячи. Ҳозир мен, сизлар телефон орқали самимий ва мулойим гаплаша оласизларми, шуни текшириб кўраман. Мен ҳозир боғчамизнинг телефон номерини тераман (5-21-04), сиз диққат қилиб турунг. Телефон жиринглайди, (тарбиячи ўз телефонининг тугмача кнопка) сини босади), тарбиячи шу вақтда бирор боланинг исмини чақиради...» Қоидага биноан исми айтилган бола ўтирган столи устида турган телефон трубкасини олади ва индамай туради. «Сен нима учун жим турибсан? — деб ҳайрон бўлади тарбиячи. — Ахир сенга кўнғироқ қилишяпти... «Алло», — деб жавоб беради бола. Тарбиячи уни мақтайди,

бошқа болаларга у телефон қўнғироғига тўғри жавоб берганлигини тушунтиради ва шундай дейди: «Алло» деб айтиш мумкин, лекин «сизни эшитаман» деб айтиш яхшироқ. Келинглар, эндиги телефон қўнғироғига «Сизни эшитаман» деб айтишга ҳаракат қиламиз. Болаларнинг биронтасига телефон қилади, керакли жавобларни олишга эришади, сўнгра яна 3—4 болага телефон қўнғироғига «Сизни эшитаман» деган жавобни айтишни ўргатади. Кейин тарбиячи ва болаларнинг телефон орқали қиладиган диалоглари қуйидагича мураккаблашади. Телефон жиринглайди. (Тарбиячи бирон-бир боланинг исмини айтади.) «Сизни эшитаман»,— дейди бола. «Ассалому-алайкум»— деб жавоб беради бола «Агар мумкин бўлса, телефонга Олимани чақириб юборинг»,— деб давом эттиради тарбиячи. «Мен сизни эшитаман»,— дейди Олима. Тарбиячи бу диалогни 3—4 бола билан такрорлайди, сўнгра у бирор болага телефон қилади, у боладан эса телефонга шу столда ўтирган болалардан бирортасини чақириб юборишни сўрайди.

— Ассалому-алайкум.

— Ваалайкум-ассалом.

— Агар мумкин бўлса, илтимос, Гулчеҳрани телефонга чақириб юборинг.

— Марҳамат. Гулчеҳра сени телефонга чақирिश-япти.

— Раҳмат. Мен сизни эшитаман.

Тарбиячи яна 3 та болага телефон қилади.

**Эслатма:** Машғулотдан кейин телефонлар гурпуада қолдирилади. Телефон билан ўйнаш орқали юқорида ҳосил қилинган нутқ намуналарини такрорлайдилар. Тарбиячи ўйинда бевосита қатнашиб телефонга бирон-та болани чақиради ва телефон орқали болага бериладиган топшириқни айтади.

### 56- машғулот

**Мавзу:** Кимнинг қайиқчаси? (О. И. Соловьёванинг «Бизнинг Таня» серияли расмидан) деган расм бўйича болаларнинг ҳикоя қилиб беришлари.

**Мақсад:** Болаларга расмда тасвирланганларни тўғри тушуниб олишларида ёрдам бериш, воқеаларни изчиллик билан баён этишга, тарбиячининг намунавий тасвирий ҳикояси асосида нима тасвирлангани ҳақида гапириб беришга ўргатиш. Ўртоқларининг ҳикояларини диққат билан тинглашга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотгача 2—3 кун олдин кечки соатда (сайрда) тарбиячи болалар билан «Кимнинг қайиқчаси» деган расмни кўришни ташкил этади. Болаларда: «Кимнинг қайиқчаси?» деган савол туғилади. Тарбиячи бу саволга болаларнинг ўзларидан жавоб излашни таклиф этади. Тарбиячи расмни машғулот куни, эрталаб, яна гуруҳга олиб киради, болалар яна бир марта мустақил равишда уни кўриб чиқадилар.

**Машғулот учун материал:** «Кимнинг қайиқчаси?» деган расм.

**Машғулотнинг бориши:** «Баҳор келди,— дейди педагог,— ва бизнинг эски қадрдон танишимиз Таняxon ўз велосипедчасида сайр қилгани шаҳар боғига келди. Нима учун қизча велосипедчасини қолдириб ариқча ёнига келди? Тарбиячи жавобларни тинглайди, тўлдиради ва жавобларни умумлаштиради. Ариқчада сиз нимани кўряпсиз? Қизча, бу ариқчадаги қайиқча кимники экан, деб қизиқяпти. Бу саволга болалар турли хилда жавоб берадилар. Баъзи бир болалар бу қайиқча Таняники, деб айтадилар. Агар қайиқча Таняники бўлса, нима учун у ажабланиб (ҳайрон бўлиб) турибди?— деб тарбиячи болаларни фикр юритишга ундайди. Ҳамма фикр ва мулоҳазаларни тинглаб, тарбиячи болаларга Таня ва қайиқча ҳақидаги ҳикояни тинглашни таклиф этади.

«Баҳор бошланди. Таня шаҳар боғида велосипедида сайр қилиб юрар эди. Юриб-юриб ариқча олдига бориб қолди. Қараса ариқчадаги сувда нимадир сузиб кетяпти. Қизча велосипеддан тушиб ариқчага яқинроқ келдида, қичқириб юборди: «Қайиқча!, Парусли қайиқча!» Атрофга аланглади (қаради).

— Ҳеч ким йўқ!

— Сен кимнинг қайиқчасисан?— деб сўради қизча.

— Меники, меники. Энди меники!— деб жилдиради (шилдиради) ариқча.

— Биз қайиқча билан дўстлашиб қолдик.

Таня жуда ҳайрон бўлди-да, қайиқчани сувдан олмади. Дўстларни бир-биридан ажратишнинг нима кераги бор! Сўнгра 3—4 бола расм мазмуни юзасидан мустақил ҳикоя қилиб берадилар. (Тарбиячининг намуна ҳикоясини такрорлайдилар.)



**Мавзу:** Болалар билан нон ва новвойлик касби ҳақида суҳбатлашиш.

**Мақсад:** Болаларга нон заводида жуда кўплаб нонлар ёпилиши ҳақида гапириб бериш, нон-булка маҳсулотларини кўрсатиш; нима учун халқнинг бойлиги — нонни эҳтиёт қилиш кераклигини тушунтириш; новвой касби қанчалик муҳим эканлигини ҳис этишга ўргатиш. Новвойларнинг меҳнатини қадрлашга ўргатиш, уларнинг меҳнатларига муҳаббат тарбиялаш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотдан бир-икки кун олдин болаларга болалар боғчасидаги ҳамма болаларни боқиш учун қанча кўп нон керак бўлишини кўришни таклиф этиш керак. Боғчага нон олиб келган машинадан нон туширилишини кузатиш керак.

**Машғулот учун материал:** Нон маҳсулотларининг турлари тасвирланган расм, нон заводи ва нон тайёрлаётганларни тасвирловчи расм, хамир қорадиган машиналар тасвирланган расм, далалардаги буғдой, элеватор, буғдойни йиғиштириб олиш жараёни тасвирланган расм.

**Машғулотнинг бориши:** Қишлоқ, район унча катта бўлмаган шаҳарнинг кўпчилик озиқ-овқат магазинларида албатта «Нон» бўлими бор, — деб бошлайди машғулотни тарбиячи. Бизнинг катта шаҳарларимизда маҳсус нон дўконлари қурилган. Бундай дўконлар «Нон дўкони» деб аталади. Сизлардан қайси бирингиз нон дўконида бўлгансиз? У ерда қандай нонларни кўргансиз? Қандай нон сотиб олгансиз? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглаб, уларни умумлаштириб, нон маҳсулотларини санаб ўтади: арпа ва буғдой ундан қилинган думалоқ, буханка нонлар, ёпилган нон, турли хилдаги батонлар, ширмой нон, гижда нон, ўрама булка, патир, оқ нон, қора нон (агар имконият бўлса нон маҳсулотларининг турларини болаларга кўрсатиш керак). Бирор тушлик нонсиз бўлмайди. Тўғри эмасми? — деб аниқлик киритади тарбиячи. Ва болалардан сўрайди: «Нима учун сизларга болалар боғчасида уйда қатъий равишда нон ейиш кераклигини айтишади? Жавобларни тинглайди, уларни умумлаштиради: Нон маҳсулотлари мазалигина бўлиб қолмасдан, балки тўйимлидир. Нон кишини жуда тўқ тутади ва уларда тўйиш ҳиссини вужудга келтиради. Аммо кўнгилга урмайди». Тарбиячи болаларнинг эсларига яқинда болалар боғчасига ҳар кун қанча нон олиб келишларини билиб

олганлиқларини туширади ва сўрайди: Эрталабки нонуштага, тушки овқатга, кечқурунги овқатга қанча нон керак бўлади? («Кўп») Бизнинг шаҳримиздаги одамларни боқиш учун қанча нон керак бўлади? (Жуда ҳам кўп). Нонни қаерда ёпишларини ва уни кимлар ёпишини биласизларми? Нон нимадан тайёрланади? Ун нимадан олинади? Бугдойни ким етиштиради? Тарбиячи болалар жавобини тинглайди ва шундай деб тушунтиради. Катта шаҳарларда махсус нон заводлари бўлиб, улар кеча-ю кундуз тинмай ишлашади. Ҳатто байрам кунлари, бутун халқ байрамни нишонлаб дам олаётганида ҳам новвойлар ишлашади. Ахир байрам дастурхонига кўп нон керак-да! Нон ундан тайёрланади. Ун эса бугдойдан тайёрланади. Бугдой тегирмонда янчилиб ун қилинади. Бугдойни ғаллакорлар етиштиришади. Бугдойни йиғиштиришда ғаллакорларга машиналар ёрдам беради (комбайн, ғалла ташувчи машина). Нон тайёрлаш учун жуда кўп кишилар меҳнат қилишади.

Кейин тарбиячи болалардан ким онасига ёки бувигасига пирог пиширишда ёрдам берганлигини, унга қандай масаллиқлар кераклигини сўрайди. (Ун, ёғ, хамиртуруш, шакар, туз). Нонга қандай масаллиқлар солинади? «Бу масаллиқлар — дейди тарбиячи, нон тайёрлаш учун жуда ҳам зарур. Фақат нон заводларидагина нон ёпиш учун машиналар ёрдам беради. Эшитинглар, нон қандай қилинади. «Катта тоғоралар, унга тўлдирилади, унга сув, хамиртуруш, туз, ёғ солинади. Катта тоғоралар ғалати (ўзига хос) конвейерларга ўрнатилган бўлиб, худди каруселга ўхшайди. Бу карусель ҳар беш соатда бир айланади. Бу вақт ичида хамир ошиб етилади. Хамирни қорйишга хамир қорадиган машиналарнинг катта панжаралари ёрдам беради. Улар хамирни қорадилар ва алмаштирадилар. Тайёр хамир тақсимлангач машиналарга узатилади ва улар ҳайрон қоларли даражада хамирни алоҳида тенг бўлақларга бўлиб чиқади. «Катта тоғорани кўз олдингизга келтирдингизларми? — деб сўрайди тарбиячи. Карусель ва хамир қорадиган машиналарнинг панжаралариничи? Тақсимлагич машиналарини ҳам кўз олдингизга келтирдингизми? Ноннинг хамирини тайёрлаш жараёнини акс эттирувчи ҳикояни яна бир марта ўқиб беради. Машғулотни тугатар экан тарбиячи шундай дейди: «Бизнинг мамлакатимизда дала меҳнатқашлари ҳар йили яхши ҳосил етиштиради. Ҳар бир оила қанча нон керак бўл-

са, шунча нон сотиб олиши мумкин. Бу жуда ҳам яхши. Юмшоқ, хушбўй нондан мазалироқ нима ҳам бўлиши мумкин дунёда! Шунинг билан бир қаторда нонни эҳтиёт қилиш керак. Нонни эъзозламаган, эҳтиёт қилишни ўрганмаган кишини атрофдаги кишилар ҳурмат қилишмайди. Нонни эҳтиёт қил! Сенинг дастурхонингда доимо нон бўлиши учун ғаллакорлар тиним билмай ишлашади. Улар буғдой, жавдар экишади, парвариш қилишади. Сенинг столингда, дастурхонингда доимо нон бўлсин учун буғдойни янчувчи, ун ҳолига келтирувчи тегирмонлар доимо ишлайди. Сенинг дастурхонингда доимо нон бўлсин учун новвой кечани-кеча, кундузни-кундуз, байрамни-байрам демай, тиним билмай меҳнат қилади. Машғулоти Ю. Шомансурнинг «Ширмой нон» деган шеърини айтиб бериш билан тугаллаш мумкин.

Ойим ёпар ширмой нон,	Меҳнат қилгач албатта,
Мен ҳам қараб турмайман,	Синдириб катта-катта
Гул соламан хамирга,	Ейилганда ширмой нон,
Ўт ёқаман тандирга	Мен ҳам қараб турмайман.

### 58- машғулот

**Мавзу:** Болаларга «Фил билан хўроз» эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишини ва муҳаббатини ўстириш; тарбиячининг ҳикоясини диққат билан тинглашга, эртақ мазмуни юзасидан берилган саволларга жавоб беришга, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бера олишга ва уларнинг нутқини ифодали баён эта билишга, ўртоқларининг жавобларини диққат билан тинглашга ўргатиш.

**Машғулоти учун материал:** Эртақ мазмунига доир расмлар. Фил ва хўроз расми. Хўрознинг донлаб юргани ва қичқириб қанот қоқаётганини тасвирловчи расм. Филнинг хартуми билан овқат ейётгани, ухлаётгани ва қочиб кетаётганини тасвирловчи расм, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга фил ва хўрознинг расмини фланелографда кўрсатиб, улардан номларини сўрайди ва қуйидаги саволни беради: Болалар айтишларчи фил кўп овқат ейдими ёки хўроз? Агар фил билан хўроз ким кўп овқат ейиш бўйича мусобақа ўйнаса, ўйинда ким ютиши мумкин? Нима учун? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглайди ва шундай дейди: Ҳозир мен сизларга қандай қилиб хўроз

филни кўп овқат ейиш мусобақасида енганлиги ҳақидаги эртақни ҳикоя қилиб бераман. Бу ўзбек халқ эртаги бўлиб, «Фил билан хўроз» деб аталади. Кейин тарбиячи эртақни ҳикоя қилиб беради, расмларни кўрсатади. Эртақ юзасидан саволлар беради. Ҳозир мен сизларга қайси эртақни ҳикоя қилиб бердим? деб сўрайди. Сўнгра болаларга ўринларидан туриб, хўрознинг қу-қу-қу-қу деб қанот қоқишини кўрсатишни таклиф этади. (Физкультура дақиқаси.) Савол беришни давом эттиради. Бу эртақда нима ҳикоя қилинади? Ким филнинг донлаб юрган хўрозга айтган гапларини эслаб қолди? Ким такрорлайди? (—Ким кўп овқат ейди, сенми ё менми? 2—3 боладан сўрайди.) Хўрознинг ўзидан жуда катта бўлган филга дадиллик билан айтган гапларини ким эсда олиб қолди? Ким айтиб бермоқчи? (2—3 та боладан хўрознинг гапларини такрорлатади). Хўроз мен сендан кўп овқат ейман деб, Филни алдаб тўғри иш қилдими? Уни ростгўй деса бўладими? Уйқудан турган Фил Хўрознинг донлаб юрганини кўриб нима деганини эсланг ва менга айтиб беринг? (Еб тўймас экан-ку! Бунақа жониворни ҳеч кўрган эмасман.) Хўроз мусобақада ютгач, ўзича нима деб ўйлайди? (Филнинг устига чиқиб бир томоша қилай.) Фил кўрқиб қандай қоча бошлабди. (Вой-дод! Мени еб қўяди!) Хўроз унинг орқасидан қараб, қанотларини тапиллатиб нима деб қичқирибди? (Қу-қу-қу-қув! Мен зўрман!) Бу эртақдаги Филни кўрқмас, ақлли деса бўладими? Хўрознинг қилган ишини сиз қандай баҳолайсиз? Берилган саволларга болалар жавоб бераётганларида тарбиячи болаларда овоз кучини, нутқнинг интонацион мазмундорлигини тарбиялаши керак.

### 59- машғулот

**Мавзу:** Нарсаларни гуруҳларга ажратиш (устки кийим-кечак, оёқ-кийим, бош-кийимлар).

**Мақсад:** Болаларни кишилар кийиб юрадиган нарсалар — усти-боши кийимларига, оёқ-кийимларига, бош кийимларга ажралиши билан таништириш. Бу нарсалардан баъзи бирларининг номини сўраш; нарсаларни гуруҳлашга ўргатиш (оёқ-кийимлари, бош-кийимлари, уст кийимлари) ва нутқларида бу сўзлардан ўринли фойдалана олишга ўргатиш; отларни кўплик сонларда ишлата олиш устида машқ қилдириш.

**Машғулот учун материал:** «Бизнинг Таня» серияли расмлардан «Таня совуқдан кўрқмайди», «Таня ва ка-

бутарлар» деган расмлар, оёқ кийимлари, бош кийимлари, кийим-кечаклар тасвирланган расмлар, қўлқоплар (панжасиз қўлқоп) 2—3 та панама, кепкалар (бир жуфт).

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар диққатини О. И. Соловьеванинг «Бизнинг Таня» номли серияли расмларидан 2 тасига («Таня совуқдан қўрқмайди» ва «Таня ва кабутарлар» ёки бошқа) йўналтиради ва уларнинг диққатини Таня қишда, баҳорда қандай кийиниб олганлигига (бу расм болаларга жуда таниш бўлиши керак) қаратади. Болалар Таянинг уст кийимларини ва бош кийимларини айтиб берадилар. «Панама ва шапкани»—деб кўрсатади ва тушунтиради тарбиячи,—битта сўз билан айтиш керак. Булар бош кийимлар. Бу нима? Тарбиячи болалардан шапка ва панамадан ташқари яна қандай бош кийимлар бўлиши мумкин, деб сўрайди. Болалар бошқа бош кийимларни ҳам айтадилар. (Телпак, дўппи, фуражка, шляпа ва ҳоказолар). Тарбиячи жавобларни тинглайди ва уларни умумлаштиради: «Шапка, панама (катта соябонли ёзги шалюпа), берет, будёновка, телпак, дўппи, фуражка, шляпа—буларнинг ҳаммаси бош кийимлардир». Кейин болалар Таня устидаги кийимларни кўриб чиқишади. Расмда тасвирланмаган кийимларни ҳам эсга келтириб унинг номларини айтишади; бу нарсаларнинг ҳаммаси бир сўз билан нима деб айтилишини айтишади ва эсга сақлаб қолишади. Худди шундай тарзда: «Оёқ кийим» деган тушунчани шакллантириш бўйича иш олиб борилади. Ҳозир,—дейди тарбиячи доскага илинган расмни ола туриб, ҳаммангиз стол устидан битта расм олинг (расмлар тескари томони билан стол устига ёйиб қўйилган бўлади). Уни яхшилаб кўринг. Қачон мен сизлардан қўлингизда нима бор десам, сиз расмингизда тасвирланган нарсанинг номини ва у қайси кийимларга киришини айтасизлар: уст кийимгами, оёқ кийимгами, бош кийимгами. Масалан, менда (тарбиячи ўзидаги расмни кўрсатади) ботинкалар расми тасвирланган. Ботинкалар—бу оёқ кийимлари. Дониёр, сенинг расмингда нима тасвирланган? «Менинг расмимда қизил рангдаги берет тасвирланган—бу бош кийим ҳоказолар. (4—5 бола шу тарзда жавоб беришади). Кейин тарбиячи қўидаги ўйинни ташкил этади: «Мен сизларга, масалан, оёқ-кийим дейман. Сизлар эса кимнинг расмида туфли, тапочка (шиппак), маҳси, этик, калиш тасвирланган бўлса кў-

тарасизлар. Агар мен уст кийимлар десам, кимнинг расмида уст кийимлар тасвирланган бўлса, шулар расмини кўтаришади. Шундай қилиб, келинлар ўйинни бошлаймиз. Болалар айtilган сўзга тааллуқли бўлган расмларни кўтаришади. Тарбиячи топшириқнинг бажарилишини текшириб боради. «Жуда диққат билан топшириқни бажаринг, агар топшириқни нотўғри бажарсангизлар расмни сиздан олиб қўяман,— деб огоҳлантиради тарбиячи. (Агар берилган топшириқни бирон бола нотўғри бажарса, тарбиячи ундан расмни олиб қўяди.) Агар бола топшириқни биринчи марта нотўғри бажарса, унинг расмини бошқа расм билан алмаштиришади. (Унга бошқа расм беради.) Янги расм олган бола топшириқни иккинчи марта ҳам нотўғри бажарса, у ўйиндан чиқарилади. (Тарбиячи бундай болалар билан кечки ва эрталабки соатларда шуғулланиши керак.) Бу ўйин 4—5 марта такрорланади. Учинчи бор ўйин такрорланганида болалар расмларини ўзлари алмаштирадилар. Тарбиячи стол устига 3—4 жуфт қўлқоп (панжасиз қўлқоп), 2—3 та панама, 2—3 жуфт кепка, 3—4 жуфт туфли қўяди ва болалардан уларнинг номини айтишни сўрайди. Кейин болалардан кўзларини юмиб туришларини айтади ва бир жуфт нарсани яширади. Болалардан эса стол устида нима йўқлигини сўрайди. (Отни кўплик сонидан тўғри ишлатишга ўргатиш учун: қўлқоплар йўқ ёки туфлилар йўқ, деб айтишга ўргатиш керак.)

### 60- машғулот

**Мавзу:** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларни «л» товуши билан таништириш; товушни аниқ талаффуз этишга ўргатиш, бу товушнинг бўғинларда, сўзларда талаффуз этилишини мустаҳкамлаш. «Л» товушини юмшоқ ва қаттиқ талаффуз этишга ўргатиш, «р» товушини тўғри талаффуз этишга тайёргарлик машқларини ўтказиш, унинг талаффуз этилишини мустаҳкамлаш.

**Машғулот учун материал:** Яшил рангли гулли челақча, юпка қоғоздан қирқилган узунчоқ бўлакчалар.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар,— деб мурожаат этади болаларга тарбиячи,— менинг тилчам бугун янги ашула айтишни ўрганиб олди. У бу ашулани куркадан эшитиб, ўзи ҳам куркага ўхшаб ашула айтишни ўрганиб олди. Қушлардан бир қуни курканинг жаҳли чиқиб, ҳовли юзасида у ёқдан-бу ёққа югуриб бл-бл-бл-бл деб

ғулдурай бошлади. Курка қандай ғулдиради? Курканинг ашуласини ҳосил бўлиши учун, икки лунжни (чакакни) шишириш керак ва тилни тез-тез у ёқдан-буёққа югуришга мажбур қилиш керак: бл-бл-бл. Қани қилиб кўрингларчи. Ҳозир ҳаммағиз тилчанғизни баҳорги офтобда исиниш учун ташқарига чиқаринг, уни кенг ҳолатга келтириб юқорига кўтаринг ва юқори тишларга тиранг. Лунжларингизни шишириб, куйланг: л-л-л. Дам олинг ва яна бир марта куйлашга ҳаракат қилинг: л-л-л. Бу ашулаларни Қарим қандай айта олишини эшитиб кўрамиз. (3—4) боланинг исмини айтади. Кейин тарбиячи шундай дейди: «Энди бўлса паст овозда курканинг ашуласини айтамыз: бл-бл-бл. Курканинг ашуласини Дамир қандай айтади, ҳозир уни эшитиб кўрамиз. (3—4 болани чақиради.) Курка ашуласини жаҳл билан ҳам айтади. Курканинг ашуласини айтганимизда, лабларимиз бир-бирига урилади. Қани буни текшириб кўрингларчи. Аммо кўнғироқнинг ашуласини айтиш жуда осон, у жуда нозик: ли-ли-ли (и товуши иложи борича жуда кам эшитилсин). Қани кўнғироқчалар, менга ёрдамлашингларчи (ашулани қизлар алоҳида, ўғил болалар алоҳида айтишади ва бир неча бола яккама-якка айтадилар). Ҳозир биз турли ашулаларни айтамыз. Бу ашулаларнинг баъзи бирлари курканинг ашуласига, баъзи бирлари кўнғироқнинг ашуласига ўхшайди: Ла-ла-ла, ля-ля-ля, ло-ло-ло, лу-лу-лу, ле-ле-ле, ли-ли-ли, ал-ал-ал, ол-ол-ол, ул-ул-ул, ел-ел-ел, ял-ял-ял, лю-лю-лю-лю.

Тарбиячи болалардан қайси ашула кўнғироқнинг ашуласига кўпроқ ўхшайди, деб сўрайди: ла-ла-ла ёки ля-ля-ля. Сўнгра тарбиячи болаларга челақни (ўйинчоқни) кўрсатади. Бу нима?—деб сўрайди. У ҳақда ҳикоя қилиб беришни таклиф этади («л» товушини сўзларда талаффуз этилишини мустаҳкамлаш учун). «Бу челақча ранги яшил. У пластмассадан қилинган. У кичкинагина, чиройли. Унинг қизил гулчалари бор. Унга сув солинади»—деб гапириб берадилар болалар. «Энди болалар,— дейди тарбиячи,— эслангларчи отларнинг туёқлари тош кўчада юрганда қандай (тарақ-туруқ) овоз чиқаради. (Болалар тиллари билан отнинг тош кўчада тарақ-туруқ қилиб юришларини ифода этадилар.) Ҳозир ўйин ўйнаймиз. Қизлар отлар бўлишади. Улар хона бўйлаб юришсин. Ўғил болалар эса, стулчада ўтиришиб отнинг тарақ-туруқ қилиб юришларини бажаришади. Сўнгра мен ўғил болалар билан бирга-



ликда отларга: «Тирр» дейман. Улар (қиз болалар) юришдан тўхтаб, «отхонага» (ўз жойларига) келишадди. (Физкультура дақиқаси). Қизлардан сўнг ўғил болалар оёқларини баланд кўтариб юришади. Қиз болалар эса стулчаларда ўтиришиб отнинг тарақ-туруқ қилиб юришларини талаффуз этадилар. Кейин тарбиячи болаларга шундай дейди: «Тррр» сўзида янги ашула яшайди. Бу ррр. Р—самолёт моторининг ашуласи. Ҳозир унинг ашуласини ўрганамиз. Тилингизнинг учини юқорига, юқори тишлар орқасига кўтаринг. Секингина «Ррр» деб айтинг, «Ррр» деб айтганингизда тилингизни учи титрасин. Ҳозир Иқболнинг самолётининг мотори қандай ишлашини эшитиб кўрамыз. Энди Салимнинг ..., Ҳамиднинг ... ва Ҳоказо. Самолёт моторининг овозига итнинг ириллаши ҳам ўхшаб кетади. Унча баланд бўлмаган овозда ириллаб кўринг. Ҳозир Акмал ириллаб кўрсин. Энди Салима ирилласин: Ҳозир (стол устидаги ингичка, юпқа қоғоз бўлагини олади) мен «р» дейман, оғзим олдига олиб келган қоғозим эса анча нарига қочади. Кўрсатади. 2—3 та болани чақиради, бу болалар «Р» товушини талаффуз этаётиб юпқа, ингичка қоғоз бўлагига пуфлайдилар. Тарбиячи машғулотни тугаллар экан, у болалардан қайси товушни талаффуз этишни ўрганиб олганликларини сўрайди (л, р).

### 61- машғулот

**Мавзу:** Болалар билан биргаликда тасвирий ҳикоя тузиш.

**Мақсад:** Болаларни ўйинчоқларга қараб ҳикоя қилишга ўргатиш. Ўйинчоқнинг номини, сифатини ва бошқа белгиларини тўғри айтиб бера олишга (ранги, ҳажми ва ташқи кўринишининг бошқа хусусиятларини) ўргатиш. Уртоқларининг ҳикояларини диққат билан тинглашга ўргатиш.

**Фойдаланиладиган усуллар:** 1. Болаларга олдиндан ўйинчоқни кўрсатиш. Бола олдиндан қайси ўйинчоқ бўйича ҳикоя тузмоқчи бўлса, шу ўйинчоқни танлаб олиш мумкин. 2. Ўйинчоқларнинг бири ҳақида тарбиячининг намунавий ҳикояси. 3. Ҳикоя планини бериш. (Мен аввал ўйинчоқнинг номини айтдим, кейин у қандай рангда эканлигини, унинг катта-кичиклигини (ҳажмини), у нимаси билан бошқа кучукчага, матрёшкага, жўжачага ўхшаш эмаслигини гапириб бердим ва ҳоказо.) 4. Тарбиячи намунавий ҳикоясининг такрор-

ланиши. 5. Баъзи бир ўйинчоқлар ҳақида 2 та боланинг кетма-кет ҳикоясини тинглаш мумкин. Агарда ўйинчоқ бўйича ҳикоя қилиш малакасини яхши эгаллаган бола биринчи навбатда ҳикоя қилиб берган бўлса, унда бу боладан кейин ўртоғининг намуна ҳикояси асосида ҳикоя қилиб берадиган болани чақириб ҳикоя қилдириш керак ёки аксинча биринчи бўлиб ўйинчоқ бўйича ҳикоя қилиб бериш малакасига эга бўлмаган бола ҳикоя қилишга чақирилган бўлса, иккинчи бўлиб ўйинчоққа қараб ҳикоя қилиш малакасини яхши эгаллаган болани ҳикоя қилиб беришга таклиф этиш керак.

6. Болаларни навбатдаги ҳикояни ва ҳикоя қилиб берувчини идрок қилишга тайёрлаш. Болаларни ҳикоя қилиб берувчига қизиқишини ошириш. Масалан, тарбиячи шундай дейди: Мен кўряпман-ки бугун кўпчилигингиз ҳикоя қилишни хоҳлаяпсиз. Ҳикояни Олимадан сўраб кўрамизми? Менимча, бугун унга айтиб туришга ҳожат қолмади... Аҳмад эса эндигина ҳикоя қилиб беришга ўрганапти, у ҳикояни баланд овозда, шошилмасдан айтиб беради. Сизлар жимгина ўтиришга ҳаракат қилсинки, уни ҳамма эшитсин. Меҳринисо ўйинчоқнинг энг асосий белгиларини кўра олади. Қани бугун у бизга ўйинчоқ ҳақида қандай қизиқарли ҳикоя тузиб берадиган экан.

7. Ҳар бир ҳикояни баҳолаш. Масалан, «Бугун сен анча яхши ҳикоя қилиб бердинг. Мен сенга деярли айтиб турганим йўқ, сенинг ҳикоянг катта, кенг ва чиройли чиқди. Мен уни мароқ билан тингладим; кўрдингми сен шошилмасдан ва баланд овозда гапирсанг, сени ҳамма тинглайди ва муваффақиятингдан ҳурсанд бўлишади ва ҳоказо.

**Машғулот учун материал:** Қутича ва унинг ичида матрёшка, кучукча, мушукча, тойчоқ, қўғирчоқ ўйинчоқлари.

**Машғулотнинг бориши:** «Бугун — дейди тарбиячи, — биз ҳикоя қилишга ўрганамиз. (Ўзининг столи устига қутичани кўяди. Бирин-кетин унинг ичидан ўйинчоқларни олиб, уни болаларга кўрсатади ва қутича ичига яширади.) Энди сизлар бу қутичанинг ичида қандай ўйинчоқлар бор эканлигини билиб олдингизлар, шунинг учун сиз олдиндан қайси ўйинчоқ ҳақида ҳикоя қилиб беришни белгилаб олишингиз мумкин. Мен кимни чақирсам шу бола чиқиб, қутича ичидан хоҳлаган ўйинчоғини олади ва у ҳақда ҳикоя қилиб беради. Тинг-

ланглар, ўйинчоқ ҳақида қандай ҳикоя қилиб бериш мумкин... (Масалан, қутича ичидан матрешкани олади. Болаларга кўрсатади.) Қутича ичидаги ўйинчоқлар ичидан кўпроқ менга матрешка ёқади. У чиройли ёғочдан ясалган бўлиб унча катта эмас. Унинг устида кўк гулли қизил сарафани ва сариқ рўмолчаси бор. Уни силкитса у шиқиллайди. Демак, унда яна матрешка яширинган». Тарбиячи болалардан, матрешка ҳақидаги ҳикоя ёқдимми, деб сўрайди ва тушунтиради: «Мен аввал қутича ичидан ўйинчоқни олганлигимни (матрешка), сўнгра у қандай эканлигини (унча катта эмас, ёғочдан ясалган, чиройли) ҳикоя қилиб бердим ҳамда матрешка нима учун чиройли эканлигини (унинг устида кўк гулли, қизил рангли сарафани ва сариқ рўмолчаси бор) тушунтириб бердим. Матрешка ҳақидаги ҳикояни яна бир марта тинглашга таклиф этади ва болалардан: қайси бирингиз матрешка ҳақида ҳикоя қилиб беришни хоҳлайсиз, деб сўрайди. Агар хоҳловчилар топилмаса (шундай ҳам бўлади) тарбиячи қутичада ётган ўйинчоқлардан хоҳлаганини олиб, у ҳақда гапириб беришни таклиф этади. 3—4 боланинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, физкультура дақиқасини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларни танлаб олган ўйинчоқларини текшириб кўришга (силаб кўришга, силкитиб кўришга ва ҳоказо) таклиф этиш муҳимдир, чунки бу ўйинчоқларни таърифлаб беришлари учун янги имкониятларни очиб беради: кучукча вовиллайди, мушукнинг жуни қалин, юмшоқ ва ҳоказо. Бунда болаларга бирор-бир ҳайвонни (қушни) тасвирлашни таклиф этади (масалан: қушнинг қанот қоқишини). Тарбиячи қутича ичидан биронта ўйинчоқни олиб уни бирон-бир ҳаракатини тасвирлаб беришни таклиф этади, сўнгра болалардан, ким шу ўйинчоқ ҳақида ҳикоя қилиб беришни хоҳлайди, деб сўрайди.

Эслатм а: Бола қайси ўйинчоқ ҳақида ҳикоя қилиб берган бўлса, шу ўйинчоқни қайта қутича ичига қўйиш мумкин. Бу машғулот учун 4—5 ўйинчоқ етарли. Машғулотда болалар ҳикояси 6—7 дан ошмаслиги керак.

#### 62- машғулот

**Мавзу:** О. Маҳкамов «Ўрик гули» шеърини ёд олдириш.

**Мақсади:** Болаларга шеърни хотираларида олиб қолишларига ёрдам бериш, уни кўпчилик олдида айтиб

бера олишга ўргатиш. Луғат иши: ўрик шохи, эрмаган қормикан? ғуж-ғуж, баҳорнинг атримикан, шарбатдан тотлимикан? еллар, ҳар тонг тўйиб кўрайлик.

**Машғулот учун материал:** Ҳар бир стол устидаги гулдонга гуллаган ўрик новдаси солиб қўйилган.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар столда ўтиришади. Ҳар бир стол устида ўрик гули (ўрик дарахтининг гуллаган новдаси, улар гулдонга солиб қўйилган).

Тарбиячи болаларга шеърни ўқиб беради (ёддан айтиб беради) ва болалардан шеърнинг номини, у қандай шеър эканлигини сўрайди. Шеър қандай бошланади?— деган саволни беради. (ўрик шохи бунча оқ, эрмаган қормикан?) Ўрик шохи қандай экан? («Бунча ҳидли экан у баҳорнинг атримикан?») Болалар ўрик гулини тўкмасликни кимдан сўрашади? Шеърдаги бу қаторни қандай айтиш керак: баланд овозда, лекин жуда ҳам бақирмасдан мулойим айтиш керак. Тарбиячининг ўзи шеърдаги ушбу қаторни баланд овозда айтиб беради:

Еллар ўрик гулини  
Тўкманг ўзи чиройлик.  
Фақат бизни уйғотинг,  
Ҳар тонг тўйиб кўрайлик!

Энди бизга Олима шеърнинг бу қаторини мулойим, баландроқ овозда айтиб кўрсин. Энди Дамир айтсин... Ким шеърнинг бошланишини айтиб беради? 2—3 болага стол устидаги гулдонда турган ўрик гулини олиб шеърнинг бошланишини айтишни таклиф этади. Агар бола такрорлашда қийналса, тарбиячининг ўзи яна бир марта шеърнинг бошланишини такрорлайди:

Ўрик шохи бунча оқ,  
Эрмаган қормикан?  
Ёки ғуж-ғуж капалак  
Шохларида бормикан?

Инобат гулдондан ўрик гулини олгин ва сен бизга:

Бунча ҳидли экан у  
Баҳорнинг атримикан?  
Болаларни маст қилди  
Шарбатдан тотлимикан?

деган қаторларини айтиб бер. (Тарбиячи эсдан чиқарган жойларини айтиб туради.) Сўнгра тарбиячи яна 2—3 боладан шеърнинг охирги қаторларини такрор-

лашни таклиф этади. (Тарбиячининг ўзи шеърнинг охирги қаторларини яна бир марта баландроқ, мулоийим овозда айтиб беради:

Еллар ўрик гулини  
Тўкманг ўзи чиройлик...

Сўнгра яна бир марта шеърни бошидан охиригача ҳаммасини айтиб беради. Тарбиячи шеърни айтиб бермасдан аввал, шеърни қандай айтилишига диққат жалб этади: шеърнинг бошланишини қандай мулоийим овозда айтиш кераклигига болалар диққатини тортади. Кейин шеърни бошидан охиригача эса яхши қолдирган 5—6 боладан алоҳида-алоҳида сўрайди.

### 63- машғулот

**Мавзу:** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш.

**Мақсад:** Болаларнинг эсларига «р» ва «л» товушининг артикуляциясини тушириш. Бу товушларнинг тўғри артикуляцияси устида машқ қилиш. Товушларни (р ва л) сўзларда талаффуз этилишини мустаҳкамлаш. Нарсанинг номини билдирувчи сўздан р ва л товушини топишга ўргатиш. Р ва Л товушини бир-биридан ажрата олишга ўргатиш, нутқда товуш ифодалилигини тарбиялаш (товушни секин, баланд ва ҳоказо оҳангда талаффуз эта олиш қобилиятини тарбиялаш.)

**Машғулот учун материал:** Ҳар бир болага номида р ва л товуши бўлган расмлар ёпиштирилган қарточкалар, фишкалар (рангли доирачалар) берилади.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга тайёра моторини ашуласини эса туширишни ва уни айтишни таклиф этади. У энг аввал бунинг р товушини аниқ талаффуз эта олмайдиган 3—4 боладан сўрайди: жаҳли чиққан итнинг ириллашини (р-р-р) қилиб кўрсатишни (биргаликда ва яккама-якка), худди қарғага ўхшаб қариллашни (қар-қар-қар: бунинг р товуши ўрнига л товушини талаффуз этадиган болаларга таклиф этиш керак) таклиф этади. Тарбиячи болаларга р ва л товушлари бир-бирига бир оз ўхшаш деб тушунтиради. «Агар тилимизнинг учини юқорига кўтарсак, фақат уни титрашга ўргатмасак р товушининг ўрнига л товуши ҳосил бўлади. Эшитинглар: арра — алла, ром — лом. Келинглар р ва л яшайдиган ашулаларни айтишни ўрганимиз, деб таклиф этади тарбиячи.

ра-ра-ра, ла-ла-ла,  
ро-ро-ро, ло-ло-ло,

ар-ар-ар, ал-ал-ал,  
ри-ри-ри-ризқ,  
ле-ле-ле-лента.

(Ашулани ҳамма болалар биргаликда айтишади, ашуладан баъзи бирларини тарбиячи бир боладан ёки бир гуруҳча болалардан айтишни таклиф этади.)

Қани тоингларчи, дейди тарбиячи,— бу топишмоқда қайси ашула эшитиляпти:

Ёғочдан дастаси бор,  
Темирдан қирқ тиши.  
Ушламаса дурадгор  
Гумон унинг қирқиши  
(Арра)

Тарбиячи топишмоқни такрорлайди. Такрорлаш вақтида р товушини бошқа товушларга нисбатан кучлироқ, ажратиброқ талаффуз этади, сўнгра тарбиячи болаларга арра сўзини шундай такрорлашни таклиф этади-ки, арра сўзидаги р товушини ҳамма эшитсин. Шундан сўнг тарбиячи 2—3 та боладан р товуши бор бўлган исмларни топиб айтишларини таклиф этади. (Раъно, Равшан, Марат, Мурод, Назира, Шухрат, Раҳима). Сўнгра л товуши бор бўлган исмларни топиб айтишни сўрайди. (Лола, Лайло, Олима, Олимжон. Болалар бу сўзлардаги л товушини бошқа товушлардан кучлироқ талаффуз этишлари керак). Тайёра моторининг ашуласи (р ва л ашуласи) бор бўлган расмлар сизнинг столингиз устида турибди, дейди тарбиячи. Шу расмлардан ҳар бирингиз биттадан олинг. (Расмлар стол устига тескари томони билан териб қўйилган бўлади. Уларнинг ёнига фишкалар (рангли доирачалар) қўйиб қўйилган. Ҳар бир расм варағида учта расм ёпиштирилган бўлади: битта расмнинг номида р товуши бор бўлиб, иккинчи расмда л товуши, учинчи расмнинг номида эса р ва л товуши бор бўлади. Расмлар иложи борича турли хил бўлиши керак. Бир столда ўтирган болаларга бир хил номдаги расмлар тушиб қолмасин). Расмларингизга қаранглар,— деб давом эттиради тарбиячи,— ниманинг расми тасвирланганлигини билинг. Агар қайсидир расм сизга нотаниш бўлса, қўлингизни кўтаринг мен унинг номини айтиб берман ...

Ҳаммангиз топшириқни тингланг. Ҳозир олдингиздаги расмлар ичидан л ашуласи бор бўлган нарсани толинг ва ундаги л ашуласи бор бўлган нарсанинг ус-

тига фишкани қўйинг. Мустақил ишланг. Бир-бирингизга айтиб берманг. (Тарбиячи юриб топшириқнинг қандай бажарилганлигини текширади.) Рангли доирачалар билан белгиланган нарсанинг номини айтишни болалардан сўрайди. Шундай нарсаларни айтингки,— деб огоҳлантиради тарбиячи, биз ҳаммамиз айтилган сўзда л ашуласини эшитайлик. 10—12 боладан сўрайди. Агар бола нарсани нотўғри топган бўлса тарбиячи ундан рангли доирачани олиб қўяди.

Энди «р» ашуласи бор бўлган нарса устига иккинчи рангли доирачани қўйинг — деб топшириқ беради тарбиячи. Бу топшириқ ҳам қандай бажарилаётганини текшириб чиқади. Бу нарса,— деб давом эттиради машғулотни тарбиячи,— рангли донрача билан бекитилмаган. Қани топингларчи бу нарсанинг номида қайси ашула яширинган? (р ва л.) Тарбиячи машғулотни якунлар экан, болалардан яна бир марта тайёра моторининг ашуласини ва л ашуласини айтишни таклиф этади.

#### 64- машғулот

**Мавзу:** «Донишманд эшак» (Эшакнинг ақли) ўзбек халқ эртагини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларга эртакни саҳналаштиришни ўргатиш, қаҳрамонлар овозига тақлид қилиш орқали ифодали қайта ҳикоя қила олиш малакасини мустаҳкамлаш, фланелографдаги қаҳрамонларнинг ҳаракатини сўзларига мослаштириб ҳаракатлантира олишга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулотдан 2—3 кун олдин «Донишманд эшак» эртагини ўқиб бериш керак ва бу китобни китоб бурчагига қўйиб қўйган маъқул. Эрталаб, машғулотгача, болалар тарбиячи билан биргаликда хонанинг бурчагига (йирик қурилиш материалдан), полиз, боғ ташкил этадилар. Боғда (дарахт ясаб, унга олма осиб қўйилади) мевалардан олма (дарахтда олма), полизда қовун-тарвуз, қовоқ қўйиб қўйилади. Уйинчоқ эшак, олма осиб қўйилган дарахт тагига қўйиб қўйилади эшак (папе-машедан ясалади.) Олма дарахти устига чумчуқ қўйиб қўйилади.

**Машғулот учун материал:** Фланелограф, эртак мазмунига оид расмлар, эшак, чумчуқ, олма дарахти ва унга қўниб турган чумчуқ, палакдаги қовоқлар расми, эшак ва чумчуқ ниқоби.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалардан До-



нишманд эшак билан чумчуқнинг ўзаро суҳбатларини эслашни таклиф этади. 2 болани — бирини эшак, иккинчисини чумчуқ қилиб тайинлайди. Уларга эшак, чумчуқ ниқоблари кийдирилади. Болалар эртақдаги эшак билан чумчуқнинг диалогини айтиб беришаётганларидаги изчилликни тарбиячи назорат қилиб туради. Болаларнинг ҳикоя қилиб беришлари давомида эшак билан чумчуқнинг шаклларини фланелографга ёпиштиради. Болалар эртақнинг мазмунини изчил айтиб беришлари учун (болалардан биронтаси эртақнинг бориш тартибини эсларидан чиқариб қолдириш ҳолларини олдини олиш мақсадида) эртақдаги қатнашувчиларнинг шаклларини фланелографга қўйиб қўяди. Тарбиячи болаларнинг эртақни қандай қайта ҳикоя қилиб бераётганлигини (саҳналаштирилган ҳолда қайта ҳикоя қилишини) кузатиб боради ва ўз ролини яхши бажарган болага совға беради (яхши кўрган ўйинчоғини ёки рангли доирача беради). Машғулотнинг охирида эртақни яхши ҳикоя қилиб берганлар (ролларни яхши бажарганлар) асарни саҳналаштиришда яна бир марта қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар (яна бир марта қайта ҳикоя қиладилар).

**Э с л а т м а:** Тарбиячи чақирилган боладан, қайси роль унга ёқшини ва қайси ролни ўйнашни истаётганлигини сўрайди. Агарда у ёки бу ролни ўйнаш истагини билдирган бола чақирилмаган болалар ичидан бўлса, кейинги қайта ҳикоя қилишда (саҳналаштиришда) иштирок этувчилар гуруҳига киритиш керак. Эртақ 3—4 марта такрорланади.

### 65- машғулот

**Мавзу:** Сўзни тушунтир деган лексик машқ. «Думсиз тулкилар» эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Эртақ мазмунида учрайдиган айрим сўз ва ибораларни болалар қандай тушунишларини аниқлаш, сўзларнинг синонимларини танлай олишга ўргатиш, болаларга қаҳрамонларни ифода эта олишларида ёрдамлашиш, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини баҳолай олишга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Фланелограф, эртақ мазмуни асосида ишланган расмлар: ишқомлардаги узумлар, уни узаётган тулки ва чопқи билан тулкининг думини чопаетган боғбон, бароқёл устидан кулаётган тулкиларни тасвирловчи расм ва ҳоказо.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи «Думсиз тулки-

лар» эртагидан айрим жумлаларни айтади ва бу сўзларнинг маъносини тушунтириб беришни ёки бошқа сўз билан (сўзнинг синоними билан) алмаштиришни таклиф этади: «Бароқёл» деган шум тулки бор экан. Шум деган сўз нима? Вой-бўй, узумни роса қийратибди-ку, деб куйиниб кетибди «Қийратибди, куйиниб сўзларини бошқа қандай (қайси) сўзлар билан алмаштириш мумкин? У тутоқиб кетибди, роса аччиқланибди, лекин тулкига қараб бақирмабди, чопқисини ушлаб аста тулкига яқин келибди. Тутоқибди, чопқисини деган сўзларни қандай бошқа сўзлар билан алмаштириш мумкин? Бир қур жанжал ҳам бўлибди. Бир «қур» дегани нима? (бир гал). У узумни гиз-гиз қилиб:— У, узумни кўп еганимдан бурнимдан чиқиб кетяпти,— дебди. Гиз-гиз дегани нима? (кўз-кўз) Шарбат дегани нима? (ширин ичимлик). Узумнинг занги деганда нимани тушунаси? (ток танаси). Тарбиячи болаларнинг жавобларини умумлаштириб шундай дейди: бугун мен сизларга думсиз тулкилар ҳақидаги эртакни ҳикоя қилиб бераман. Ҳозир ҳаммангиз тулкиларнинг ишқомдаги узумларга қараб сакраш ҳаракатини бажаринг (физкультура дақиқаси) деб ҳаракатни бажаришни таклиф этади. Аввал ўзи бир ҳаракатни кўрсатади. Кейин эртак юзасидан саволлар беради. Мен сизларга қайси эртакни ҳикоя қилиб бердим? Бароқёл номли тулки унинг дўстлари (тулкилар) нима учун кулишди? Нима сабабдан Бароқёл думсиз бўлиб қолибди? У ишқомга кириб узумларни узиб тўғри иш қилдимми? Тулкиларнинг ўз дўсти Бароқёл устидан масхара қилиб кулишларининг оқибати нима билан тугади? Бу эртак нима учун думсиз тулкилар деб аталади? Машғулоти эртак асосида ишланган расмларни кўрсатиш билан тугатади. Расмлар гуруҳда қолдирилади. Болалар расмларни яхшилаб кўриб бир-бирлари билан фикр алмашадилар.

### 66- машғулот

**Мавзу:** «Товуқлар» деган расмни кўриб чиқиш (С. А. Веретенкованинг «Уй ҳайвонлари» серияли расмидан).

**Мақсад:** Болаларни саволларга жавоб беришга ўргатиш, уларга расм мазмунини тўғри тушуниб олишларида ёрдам бериш. Болаларни товушларга тақлид қилишга ўргатиш. Луғатларига тароқ, тирноқлари, бақ-бақалоқ сўзларини киритиш.

**Машғулот учун материал:** «Товуқлар» номли расм.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга ҳозир мен сизларга товуқлар расмини кўрсатаман. Бу расмда Хўрозвойнинг оиласи тасвирланган. Сиз Товуқхонани, унинг болалари— жўжаларни ҳам кўрасиз, дейди ва доскага «Товуқлар» деган расмини илиб қўяди, ҳамда бу расмни яхшилаб кўриб олишга имкон беради. Сўнгра расм юзасидан саволлар беради. Тарбиячи аввал болалар диққатини хўрозга йўналтиради. Бу ёққа қаранглар, хўрозни кўрсатади. Бу нима? Хўрознинг бошида нимаси бор? Думи қани? У нимага ўхшайди? Хўроз қандай қичқиради? (қу-қу-қу) Унинг танаси нима билан қопланган? Болаларни расм ёнига чиқариб сўрайди. Она товуқ ва унинг жўжаларини кўрсатинг? Сариқ жўжаларни ҳам кўрсатинг? Жўжалар қандай чийиллашади? (Пи-пи-пи.) Мана бу жўжалар нимага қарашяпти? Қўнғиз олдида турган жўжаларни кўрсатади. Бу ерда нима (сув қуйилган идишни ва унинг атрофидаги товуқларни кўрсатиб) тасвирланган? Бу товуқ нима қиляпти? Қандай қичқиради? Берилган саволларга болаларнинг берган жавобларини тинглаб, уни муҳокама қилгач, ўзи тўқиган ҳикояни тинглашга таклиф этади. Катта ҳовли. Ҳовлида хўроз ва она товуқ жўжалари билан тасвирланган. Хўрознинг бошида қизил тишли тароғи, тумшуғининг тагида эса бақ-бақалдоғи бор, думи худди ўроққа ўхшайди, оёқларининг панжалари узун бўлиб, панжаларида тирноқлари бор. Она товуқ қо-қо-қо деб, ўз жўжаларини ёнига чақиряпти. У дон топиб олган. Жўжалар момикқина қанотлари жуда ҳам кичкина, думи эса ҳали йўқ. Улар «пи-пи-пи» деб овоз чиқаришади. Иккита жўжа қўнғиз топиб олишди ва унга қараб туришибди. Улардан биттаси қўнғизни чўқимоқчи бўлиб турибди. Товуқ бошини кўтариб, идишдаги сувни ичяпти. Иккинчиси эса ердан чувалчанг қидиряпти. Тарбиячи расм юзасидан ҳикоя қилиб бергандан кейин болалардан хўрознинг қандай ашула айтишини (қу-қу-қу-қу), жўжаларнинг қандай чийиллашини (пи-пи-пи), товуқнинг қандай қилиб ўз жўжаларини чақиршини (қо-қо-қо) (овозга тақлид қилишни) қилиб кўрсатишларини таклиф этади. Ёки топишмоқ топишни таклиф этади.

Эрта туради  
Жар чақиради  
(Хўроз)

Боши тароғ,  
Думи ўроқ.  
(Хўроз)

Машғулотдан кейин расм гуруҳда қолдирилади.

Болалар расмни яхшилаб кўришади ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашишади. Келгуси машғулотда тарбиячи расмни тасвирлайди, сўнгра болаларни расм юзасидан ҳикоя тузиб беришни таклиф этади.

**Э с л а т м а:** Расмни кўриб чиққанларидан сўнг хўрозни, товуқ ва жўжаларни бир-бирига таққослаш мумкин: Хўрознинг бошидаги тороғи катта, товуқники эса? Хўрознинг думи ўроққа ўхшайди, товуқники-чи? Товуқ катта, жўжаларичи? Хўрознинг думи бор, жўжаларнинг-чи?

### 67- машғулот

**Мавзу:** «Поезд-поезд ўйнаймиз» деган расм бўйича гапириб (ҳикоя қилиб) бериш. «Самимий кучукча» деган ўйинни саҳналаштириш.

**Мақсад:** Болаларни расм юзасидан тарбиячининг намунасига таяниб ҳикоя туза олишга ўргатиш, қатнашувчиларнинг иш-ҳаракатларини мустақил тасвирлай олиш, таққослаштириш маҳоратларини рағбатлантириш, ўйинни саҳналаштириш орқали болаларни самийликка ўргатиш.

**Машғулот учун материал.** «Поезд-поезд ўйнаймиз» деган расм, мушук, ит, сигир, қуён, катта ва кичкина кучукча ўйинчоқлари, ўйинчоқ поезд ёки кубиклар.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар диққатини расмга қаратади ва уларга бугун расмга қараб ҳикоя тузишни ўрганамиз, деб айтади. Сўнгра тарбиячи расм юзасидан аввал қуйидагича саволлар беради. «Болалар қандай ўйин ўйнай бошлашди? Бола нима қиляпти? Йўл ҳаракатини тартибга солувчи бўлиш унга ёқадими? Унинг юзига қаранглар. Яна бир неча минутдан сўнг у нима дейди? («Жўнаш мумкин. Йўл бўш!») Бу ўйинда қизча кимнинг ролини бажаряпти? У ҳақда гапириб беринг. Поезд ҳақида нима дейиш мумкин? Сиз нима деб ўйлайсиз, болалар поездни қаердан олишган? Икки киши бўлиб ўйнаш қизиқарлими? Саволларга берилган жавобларни эшитиб ва уни муҳокама қилиб бўлгач, тарбиячи болаларга ўзи тўқиган ҳикояни тинглашни таклиф этади.

«Болаларга поезд совға қилишди. Ўзи ҳам поездми-сан-поездда! Олдиндан яшил рангли, қип-қизил юлдузли паровоз, ғилдираклари катта, қизил рангда. Паровоз иккита вагонни судраб кетяпти. Вагон ичидаги қизча пассажир. У ўзи билан қўғирчоғини ва айиқчасини олиб, поездга ўтирган. У сариқ костюмдаги бола қачон

қўлидаги сариқ рангли байроқчасини силкитиб, «Жўнаш мумкин, йўл ...» («Очиқ») деб айтишини кутиб турибди. Ҳикояни айтиб бўлгач, болалардан ким ҳикояни тўлдиришни истайди, деб сўрайди: жавобларни тинглайди, уларни тўлдиради, баҳолайди.

Сўнгра болалар (3—4 бола) ҳикояни айнан такрорлайдилар. Кейин тарбиячи «Поезд» ўйинини ташкил этади. (Физкультура дақиқаси.) Болалар кетма-кет стулчаларда ўтиришади, олдинда ўтирган бола (биринчи бўлиб ўтирган бола) паровоз бўлади, қолган болалар эса вагонлар бўлишади ва улар қўлларини тирсакдан букиб ўтиришади.

Тарбиячи «Поезд жўнади» дейиши билан паровоз «ууу» деб гудок беради, вагон бўлган болалар эса тирсакдан букилган қўлларини ҳаракатлантирадилар. «Поезд» ўйинидан кейин эса 1—2 та боланинг ҳикояси тингланади. Сўнгра тарбиячи болаларга ўйинчоқ поездни паровоз ва вагонларни кўрсатади (булар кубиклар ҳам бўлиши мумкин). Вагонларда — кучукча, мушук, ит, сигир, қуёнлар бўлади. Булар уй ҳайвонлари деб тушунтиради тарбиячи ва бу ўйинчоқларни болаларга кўрсатади. Улар поездда сайрга чиқишди. Поездда катта ҳайвонлар бўлиб, биргина кичкинтой кучукча Вов бор эди. Ҳозир ит ва кучукча вагондан тушади, қолган ҳайвонлар эса вагонларда қолишади. Ит вагондан тушиб кучукчанинг тушишини кутяпти. Вов эса, унга қаранглар! Нимагадир у поезднинг охири вағони томонига кетяпти. Мана у мушукнинг олдига келди ва шундай деди:

— Хайр, мушук хола.— У нима деди?

— Хайр, кучукча Вов. Сен билан танишганимдан жуда хурсандман.

— Мушук кучукка нима деб жавоб берди? (Ҳамма болалар биргаликда жавоб беришади. 1—2 та болани алоҳида жавоб беришга таклиф этади.)

— Хайр Тарғил сигир хола:

— Яхши қол жонгинам Вов,— деб жавоб берди сигир.

— Сигир нима деб айтди?

— Хайр, қуён амаки?

— Хайр, Вов, сен билан танишганимдан жуда хурсандман.

— Қуён кучукчага нима дейди?

(Болалар ҳаммалари биргаликда ва алоҳида-алоҳида жавоб беришади.) Поезд жўнаб кетди. Вов она-

сининг ёнига келди. Онаси уни эркалаб қўйди, чунки она ит ўз ўғлидан жуда ҳам хурсанд эди. Сизлар Вов исмли кучукча ҳақида нималар дея оласиз? Тарбиячи машғулотга яқун ясаб, бугунги машғулотда болалар нималарни ўрганиб олганликларини яна бир марта аниқлаб олади.

### 68- машғулот

**Мавзу:** Қ. Д. Ушинскийнинг «Сабр қилишни ўрган» номли ҳикоясини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болаларга бу асарнинг ғоявий мазмунини тушуниб олишларига ёрдам бериш. Болаларда ахлоқий сифатларни таркиб топтириш. Хўрозвойнинг иш ҳаракатларини баҳолай олишга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Луғатни бойитиш ва аниқлаш бўйича (машғулотдан 1—2 кун олдин) тарбиячи Қ. Д. Ушинскийнинг «Сабр қилишни ўрган» номли китобини болалар билан кўриб чиқади. Болалар билан китобни кўриб чиқиш жараёнида қуйидаги сўзларни қандай тушунишларини аниқлайди: ғўр маймунжон, горчица, чашма, безгак, коньки, сой, ғарқ, яхмалак, бир зумда ғойиб бўлибди. Бу сўзларнинг маъносини аниқлайди ва болалар луғатига киритади, мустаҳкамлайди.

**Машғулот учун материал:** Товуқ ва хўрознинг, маймунжоннинг (пишган ва пишмаган маймунжон) расми, горчица ва эртақ мазмунига доир расмлар, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга Хўроз ва Товуқ расмини кўрсатади ва болалардан номини, қандай парранда эканлигини, қичқиришини сўрайди. Маймунжон расмини кўрсатади (хомини-пишмаганини) ва унинг номини, ғўр маймунжон деганда нимани тушунишларини сўрайди, горчица нима эканлигини, нима учун кераклигини сўраб, агар иложи бўлса ўзини кўрсатади. «Тинка-мадори қурибди» шунингдек, «чашма», «безгак», «сой», «ғарқ», «яхмалак» сўзларининг маъносини сўрайди ва ўзи тушунтириб беради. Болалар хотирасига олдинги машғулотларда ва иккинчи кичик гуруҳда бўлган вақтларида Қ. Д. Ушинскийнинг қандай асарлари билан танишганликларини эсга туширади. Агар болалар эслашда қийналсалар тарбиячи уларга ёрдам беради ва уларга Қ. Д. Ушинскийнинг «Тўрт истак», «Хўроз билан мушук» номли асарлари билан танишган эдик, «Сабр қилишни ўрган» деган асарни

ҳам Қ. Д. Ушинский ёзган, бу асарда товуқнинг айтганларига қулоқ солмаган ўзбилармон хўрозвой билан қандай воқеалар рўй берганлиги ёзилган, деб асарни ўқиб беради. Эртак мазмунига доир расмларни фланелографда кўрсатади ва ўқиб бўлгач, қуйидаги саволларни беради. «Мен ҳозир сизларга қайси ҳиқояни ўқиб бердим? Нима учун у сабр қилишни ўрган» деб номланади? Нима учун Хўрозвой «шўлп» этиб сувга ағдарилиб, кўздан ғойиб бўлибди? Хўрозвойнинг хатти-ҳаракатини сиз қандай баҳолайсиз? У опаси Товуқхоннинг гапига қулоқ солмай тўғри иш қилдимиз? Сиз Хўрозвойнинг ўрнида бўлганингизда нима қилдингиз? Бу китобда қайси қаҳрамон кўпроқ нимаси билан сизга ёқди? Болаларнинг жавобларини тинглагач, уларнинг диққатини товуқхоннинг айтган қуйидаги жумлаларига қаратади: «Ема Хўрозвой! Маймунжон пишгунча сабр қил». — Ҳой сабр қил Хўрозвой! Соё яхши қотиб музлагунча кут, ҳали муз жудаям юпқа, сувга фарқ бўлиб кетасан» ҳамда бу жумлаларни болаларга такрорлатади. Машғулот охирида тарбиячи болаларнинг истаги билан эртакдан бир парча ўқиб беради.

### 69- машғулот

**Мавзу:** Мевалар ҳақида топишмоқлар айтиш ва уни топиш.

**Мақсад:** Мевалар ҳақидаги болалар билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш. Луғатини фаоллаштириш ва бойитиш. Болалар тасаввурини, тафаккурини ва диққатини ривожлантириш. Меваларнинг асосий белгиларини айтиб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** узум, шафтоли, анор, беҳи, анжир ва ҳоказоларнинг муляжи ёки расми, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи: Болалар биз сизлар билан топишмоқлар ҳақида суҳбатлашган эдик. Сабзи, пиёз, кийим чўткаси, қалам, ручка ҳақида топишмоқлар ўйлаб, уни топган эдик. Яна ким қандай топишмоқларни ўйлаб келди? Қани Шухрат, сен айтиб кўргинчи.

Шухрат: Бошида таёғи бор,  
Саккизта туёғи бор.

Тарбиячи: Шухрат жуда қизиқ топишмоқ айтди, бу топишмоқ нима ҳақида экан? Топишмоқнинг жавобини ким айтади?

Жўрабек: Бу — эчки.

Тарбиячи: Тўғри. Бу — эчки. Эчки эканлигини қандай топдинг?

Жўрабек: Чунки бу топишмоқда бошида таёғи бор дейилган. Таёғи бу эчкининг шохи.

Феруза: Яна топишмоқда саккизта туёғи бор дейилган. Эчкининг ҳар бир оёғида иккитадан туёғи бор.

Тарбиячи: Тўғри айтиб бердингиз. Бугун биз янги топишмоқлар ўйлаб уни топамиз. Ҳаммангиз фланелографга қаранг. Унда нималарнинг расмлари бор, ким айтади?

Илдор: Фланелографда олма, анор, узум, беҳи, шафтоли, анжир бор.

Тарбиячи: Мен ҳозир кимни чақирсам, у фланелографдаги расмлардан биттасини олиб, уни болаларга кўрсатади ва унинг номини, ранги, мазаси ҳақида нима билса, бизга гапириб беради, деб тушунтиради. Болалар кетма-кет келиб фланелографдан хоҳлаган меванинг расмини олиб, у ҳақда гапириб беради.

Гавҳар: Бу анор (расмини баланд кўтариб болаларга кўрсатади). Унинг пўсти қизил, думалоқ, шаклда, ғадир-будир, қаттиқ.

Тарбиячи: Нима учун усти ғадир-будир, ўзи қаттиқ.

Камола: Анорнинг ичи қизил рангдаги донлар билан тўлган. Ичи тўлалиги учун у нотекис, ғадир-будир.

Тарбиячи: Анор кичкина бўлса ҳам уни дони жуда кўп.

Акмал: Бу беҳи (уни болаларга кўрсатади), у думалоқ, ўзи ширин, ранги сарғиш.

Тарбиячи: Беҳининг усти нима билан қопланган?

Феруза: Тук билан қопланган.

Тарбиячи: Тўғри усти тук билан қопланган.

Йўлдош: Узум расмини олиб: Бу узум, унинг ғужумлари жуда кўп, мазаси ширин. Ранги қора.

Тарбиячи: Йўлдош тўғри айтди.

Мустафо: Яна битта расм қолди. Бу расм анжир. У думалоқ шаклда, у бинафша ранг. Мазаси ширин.

Тарбиячи: Мустафо тўғри айтди. Анжирнинг рангини ҳам жуда тўғри топди. Энди ҳаммангиз диққат билан қулоқ солинг, мен топишмоқ айтаман. Сизлар нима қиласизлар?

Лола: Биз унга жавоб топамиз.

Тарбиячи: Тўғри, сиз унга жавоб топасиз.

— Малла тукли, сап-сарик,

Мураббоси мазалик,



Паловга босса бўлар,  
Подвалга осса бўлар.

Бу нима? Бу топишмоқнинг жавобини ким топади?

Салима: Бу беҳи.

Тарбиячи: Тўғри топдинг. Сен уни беҳи эканлигини қаердан билдинг?

Салима: Топишмоқда малла тукли, сап-сарик дейилган. Унинг ранги сарик, усти тук билан қопланган.

Собир: Яна мураббоси мазалик дейилган. Ундан мураббо қилинади. Яна топишмоқда паловга босса бўлар, подвалга осса бўлар дейилган. Беҳини паловга солиб ҳам ейилади, қишда сақлаш учун уни подвалга осадилар.

Тарбиячи: Салима билан Собир беҳининг асосий белгиларини тўғри айтиб беришди. Беҳининг асосий белгилари қайсилар экан, ким такрорлайди?

Маҳмуд: Унинг усти тук билан қопланган, унинг ранги сарик.

Тарбиячи: Яна ким унинг бошқа белгиларини айтади?

Карим: Ундан мазали мураббо қилинади, паловга солинади, подвалга осилади.

Тарбиячи: Жуда тўғри, унинг ранги сариклиги, усти сарик тук билан қопланганлиги, ундан мураббо тайёрлаш мумкинлиги, паловга солиниши, подвалга осиб қўйилиши унинг ўзига хос белгиси экан. Энди иккинчи топишмоқни топамиз.

Маржон, маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ,  
Қора, қизил, сарик, оқ  
Еб кўрмасдан ўйлаб, боқ.

Бу нима? Ким топишмоқнинг жавобини топган бўлса расмини олиб кўрсатсин.

Жўрабек: Фланелограф олдига келиб, узум расмини олади ва бу топишмоқнинг жавоби узум деб айтади.

Тарбиячи: Жўрабек сен топишмоқнинг жавобини тўғри топдинг. Сен бизларга топишмоқнинг жавобини қандай қилиб топганлигингни айтиб бер.

Жўрабек: Унинг худди маржонга ўхшаб туришидан, думолоқ шаклдалигидан, баргларининг япалоқ дейилганлигидан.

Каромат: Яна унинг рангини қора, қизил, сарик, оқ бўлишлигидан топиш мумкин.

Тарбиячи: Болалар ўртоқларингиз тўғри жавоб бе-

ришди. Қаранг у худди маржонга, мунчоққа ўхшаш думалоқ, барглари япалоқ, ранги қизил. Болалар энди учинчи топишмоқни топинг.

— Майда ёқутдай қизил,  
Ширин, нордон, хилма-хил  
Қалин, тахир пўсти бор  
Ҳамма ерда дўсти бор.

Бу нима? Ким унинг жавобини айтади?

Болалар: Анор.

Тарбиячи: Тўғри бу анор. Энди сиз бу топишмоқнинг жавоби анор эканлигини қандай белгисига қараб топганингизни айтиб беринг.

Умида: Унинг ичида майда, қизил рангдаги дончалари бор. Унинг мазаси ҳар хил, баъзилари ширин бўлади, баъзилари нордон. Унинг пўсти қалин, тахир бўлади.

Тарбиячи: Умиданинг жавоби тўғрими? Анорнинг белгиларини тўғри айтиб бера олдими?

Болалар: Тўғри.

Тарбиячи: Яна битта топишмоқ айтаман. Диққат билан эшитинг.

Гулсиз мева қилади,  
Қўп есанг — тил шилади.  
Ғип-ғилдирак ой кулча,  
Бу нима, ким билади?

Қани, топингларчи, бу топишмоқнинг жавоби нима экан?

Гавҳар: Анжир.

Тарбиячи: Гавҳар топишмоқнинг жавобини тўғри тоиди. Энди сен анжирнинг белгисини айтиб бергин.

Гавҳар: Анжирнинг гуллаганини ҳеч кўрмаганмиз, у бизга гуллаганини кўрсатмайди. Агар уни жуда кўп есак, тилни ёради, тил ачишади. Узи думалоқ шаклда.

Тарбиячи: Анжирнинг белгиларини тўғри айтдинг. Фланелографдаги меваларнинг расмини кўрсатиб болалардан: Буларни бир сўз билан нима деб айтамыз?

Болалар: Мевалар деб айтамыз.

Тарбиячи: Меваларга нималар киради? Ким айтади?

Сожида: Фланелографдаги олма, анор, анжир, узум, шафтоли, беҳи меваларга киради.

Тарбиячи: Бу фланелографдаги ҳамма мевалар ҳақида топишмоқлар айтдикми? Қайси мева ҳақида топишмоқ айтмадик?

Болалар: Шафтоли ҳақида топишмоқ айтмадик.

Тарбиячи: Тўғри биз шафтоли ҳақида топишмоқ

айтмадик. Сиз шафтоли ҳақида топишмоқни ўйлаб келинг. Янаги машғулотида ким шафтоли ҳақида топишмоқ ўйлаб келган бўлса, шундан сўрайман. Болалар топишмоқларни топиш учун аввало нима қилиш керак экан?

Қарима: Топишмоқни эшитиш билан унинг жавобини яхшилаб ўйлаш керак, бўлмаса янглишиш мумкин.

Тарбиячи: Топишмоқнинг жавобини топиш учун нималарга аҳамият бериш керак экан? Агар болалар саволга жавоб беришда қийналсалар тарбиячининг ўзи шундай дейди: Топишмоқнинг жавобини топиш учун аввало айtilган топишмоқни яхшилаб, диққат билан тинглаш керак. Агар топишмоқ мева ҳақида бўлса, барча меваларни эслаш, уларнинг қай бирида топишмоқда айtilган белгилар борлигини ўйлаб топиш, сўнгра жавоб бериш керак.

Машғулоти тарбиячи болаларга шафтоли, нок, анор ҳақидаги шеърни ўқиб бериш билан тугатади.

### 70- машғулот

**Мавзу:** А. Раҳматнинг «Қушлар» шеърини ёдлатиш.

**Мақсад:** Болаларда шеърга нисбатан қизиқиш ва уни ёд олиш истагини ўстириш. Шеър мазмунини тушуниб олишга ёрдам бериш, эса сақлаб қолишга эришиш, тингловчилар олдида шеърни ифодали айтиб беришга интонациялардан фойдалана олишга ўргатиш, эшитув диққатини ривожлантириш. Қушларга ғамхўрлик ҳиссини уйғотиш, табиатга бўлган муҳаббатни уйғотиш.

**Машғулот учун материал:** «Қушлар бизнинг дўстимиз» деган расм.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларнинг диққатини «Қушлар бизнинг дўстимиз» деган расмга йўналтиради. Болалар уни кўришади, бир-бирлари билан фикр алмашишади. Тарбиячи болалардан қушлар ҳақида нима дейиш мумкин, улар қандай? деб сўрайди. «Сайроқи, ўйноқи, шўх». Улар шохдан-шохга сакраб-сакраб, сайраб-сайраб, енгил қанот қоқиб учишиб кўнишади. Шўхлик қилишади. Аммо бир-бирлари билан уришишмайди, балки ўйнашади.

Тарбиячи болаларнинг жавобларини маъқуллайди, тўлдиради. Болалар диққатини шеър мазмунида учрайдиган қуйидаги жумлаларга йўналтиради. «Қушлар бизларга ўртоқ», уларни ҳар доим кутамиз. Қушлар қанот қоқиб учиб, гул боғларни қучадилар, қандай

учишади? (Енгил, тез.) «Мана бу расмга қаранглар:— дейди тарбиячи,— катта (йирик) ва кичик қушлар. Топинглар-чи қайси қушлардан бири жуда шўх. Болалар қушларга қандай ғамхўрлик қилишяпти? Қушларга сизлар нима деб айтишларингиз мумкин?

Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,  
Бизларга ўртоқсизлар.

Агар болалар тарбиячининг бу саволига жавоб беришда қийналсалар, тарбиячининг ўзи ёрдам беради, бир неча болага қушларнинг енгил қанот қоқиб учишларига тақлид қилишни ва қуйидаги сўзларни такрорлашни таклиф этади:

«Қанот қоқиб учинглар  
Қушлар, қушлар, ҳой қушлар»

Сўнгра тарбиячи расмни олиб қўяди ва шундай дейди: «Бизнинг дўстларимиз (ўртоқларимиз) қушлар ҳақида шеър бор. У «Қушлар» деб айтилади. Мана эшитинглар. Шеърнинг ҳаммасини ёддан айтиб беради. Сўнгра шеърнинг биринчи қаторини такрорлайди, болалардан сўрайди: Бу шеърда болалар қушларга қарата нима дейишган?

«Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,  
Бизларга ўртоқсизлар.  
Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,  
Сизларни кутдик бизлар».

Боғлар ҳақида нима дейилган?

«Гул боғимиз чиройлик,  
Чаман-чаман очилган.

3—4 болага бу қаторларни айтиб беришни таклиф этади. Шеърни айтиб бераётганларида уни шундай айтиш керакки, ўтирган болалар қушлар уларнинг дўсти эканлигини, қушларни сабрсизлик билан кутганликларини ҳис этсинлар. Тарбиячи шеърнинг биринчи олти қаторини, сўнгра унга шеърнинг бошқа қаторларини қўшиб яна бир марта такрорлайди ва қуйидаги саволларга жавоб беришни болаларга таклиф этади. Болалар қушларга нима қилишни таклиф этишади? Биргаликда ўйнашни, гуллаган боғларни (қучишни), «Қучинглар» деганда нимани тушунасиш? (Эгалланглар). Шеърдаги қаторларни қандай айтиш керак?— дейди тарбиячи қизиқиб. Қувноқ, енгил, қушлар бизнинг ўртоғимизли-

гини, уларни кутаётганлигимизни, улар билан ўйнамоқчи эканлигимизни ҳамма билсин. Мана бундай айтиш керак,— деб маъқуллайди тарбиячи ва ўзи шеърни яна бир марта бошидан охиригача айтиб беради ва 4—5 боладан шеърни алоҳида-алоҳида сўрайди. Болалар шеърни такрорлаётганларида шеър мазмунига мос ҳаракатларни кўрсатиб беришлари керак. Олдиндан болалардан 3—4 тасини қушлар, гуллар қилиб тайинлаш мумкин. Бола шеърни айтаётган вақтида олдиндан тайинлаб қўйилган қушлар (болалар) қанот қоқиб енгил учишади, гуллар бўлган болалар хонанинг бир бурчагида гуллаган боғларни тасвирлайдилар. Бундай усулдан фойдаланилса, шеър айтаётган боланинг образга қиришига енгиллик беради. Машғулот тарбиячининг шеърни яна бир марта айтиб бериши билан яқунланади. Тарбиячи билан биргаликда болалар жуда ҳам паст овозда (ичларида) шеърни такрорлашлари мумкин.

### 71- машғулот

**Мавзу:** Карим Раҳимнинг «Дилбар» ҳикоясини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Ҳикоядаги Дилбарнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашга, ҳикоянинг ғоявий мазмунига тушуниб олишга ёрдам бериш. Болаларни Дилбар билан онаси ўртасидаги диалогни ифодали айтиб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** К. Раҳимнинг «Дилбар» номли ҳикояси.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалардан Сиз уйингизда онангизга қандай ишларда ёрдам берасиз? деб сўрайди. Болаларнинг жавобларини тинглаб бўлгач «Дилбар» деб номланган ҳикояни ўқийди. Ҳикояни ўқиб бўлгач, тарбиячи болаларга қуйидаги саволларни беради: «Сизга ҳикоя ёқдими? Нима учун ҳикоя «Дилбар» деб номланади? Нима сабабдан гилам ифлос бўлди ва Дилбарнинг нима қилишига тўғри келди? Дилбар ойисига нима деди? Ким Дилбарнинг ойисининг сўзларини эслаб қолди? Нима учун Дилбар уйни ифлос қилмасликка ваъда берди? Дилбарни нима учун озода, меҳнаткаш қиз деб айтамыз? Тарбиячи жавобларни тинглайди ва тўлдиради. Сўнгра ҳикояни яна бир марта ўқийди, бунда аввало болаларга диққат билан қулоқ солиб ўтиришни, ҳикояни эсда олиб қолиш кераклигини ва уни қайта айтиб бериш лозимлигини таъкидлайди. Ҳикояни иккинчи марта ўқиб бергач, 5—7

болани қайта ҳикоя қилдиртиради. Ҳар бир боланинг ҳикояси баҳоланади, ўзича мустақил қайта ҳикоя қилиб берган болаларни рағбатлантиради, мақтайди. Айрим жойларини эсдан чиқариб қолдирган болаларга айтиб туради. Агар болалар чарчаб қолишса, биринчи, иккинчи ҳикоя қилиб берувчидан сўнг бир бола Дилбар бўлиб, иккинчи бола унинг онаси бўлиб, улар ўртасидаги диалогни айтиб беришлари ҳам мумкин. (Ролларга бўлиб қайта ҳикоя қилдириш ҳам мумкин.)

## 72- машғулот

**Мавзу:** Болаларга «Қизил Қалпоқча» эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Меҳр-муҳаббатни ўстириш. Болаларга эртакни тинглаш жараёнида самимий, меҳнаткаш, ҳаммага ишонувчан қизча Қизил Қалпоқчани ва оч, айёр, хирилдоқ овозли бўрини тасаввур қилишларига ёрдам бериш, Қизил Қалпоқча ва бўри диалогини ифодали айтишга бу образларни (қатнашувчиларни) таърифлаб беришга ўргатиш. Саволларга жавоб беришга, фикр юритишга, ўртоқларининг жавобларини диққат билан тинглашга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Эртак мазмунига хос расмлар.

**Машғулотнинг бориши:** Бугун, дейди тарбиячи,— мен сизларга эртак айтиб бераман. Бу эртакнинг номи «Қизил Қалпоқча» деб номланади. Сўнгра эртакни ҳикоя қилиб беради, расмларни кўрсатади, эртак юзасидан саволлар беради. Бу эртак ким ҳақида? Қизил Қалпоқча сизга ёқадими? Нима учун? Сиз уни ўзингиз қандай тасаввур қиласиз? У қандай? Бўричи? (ёвуз) Қизил Қалпоқча бувисининг қаерда яшашини айтиб тўғри иш қилдими? Нима учун? Сўнгра тарбиячи Қизил Қалпоқчанинг бувисининг уйига кириб, тўшакда ётган бўри ёнига келиб ҳайрон (ажабланиб) бўлиб айтган гапларини эсга туширишни таклиф этади: «Вой бувижон, қўлларингиз мунча узун? Бўри қандай жавоб берди? «Сени маҳкам қучоқлаш учун болагинам». Бўрининг жавобини 2—3 боладан такрорлашни таклиф этади. Бўрининг овозига тақлид қилишда болаларнинг хотирасига бўрининг овози хирилдоқ (дағал, бўғиқ) эканлигини тушунтиради. Ҳозир дейди тарбиячи,— Қизил Қалпоқча ... (Бирорта қизнинг исмини айтади) бўлади. У бўридан (Дониёрдан) нима учун унинг қулоқлари катта эканлигини сўрайди.» (Болалар ўринлари-

дан турмаган ҳолда, ўтирган жойларида Қизил Қалпоқча ва бўри диалогини айтишади.) «Олима,— Қизил Қалпоқча бўлади, деб давом эттиради педагог,— у бўридан — Аҳмаддан — унинг катта кўзлари ҳақида сўрайди.» (Катта тишлари ва ҳоказолар ҳақида.) Тарбиячи болаларга яна бир марта Қизил Қалпоқча ва бўри диалогини ўқиб беради. Кейин тарбиячи стол олдига иккита болани чиқаради. (Хотирасида тез олиб қоладиган болалардан) ва эртақдаги Қизил Қалпоқча билан бўрининг диалогини ифодали қилиб айтишни таклиф этади. Болалар диалогни такрорлайдилар. Агар вақт қолса, бу диалогни бошқа икки бола такрорлайди.

### 73- машғулот

**Мавзу:** Баҳор ҳақида суҳбат.

**Мақсади:** Болаларнинг баҳор ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш (қорлар эриди, жилғаларда, ариқларда сувлар оқди. Одамлар қишки кийимларини ечинди. Ўтлар кўкара бошлади, гуллар пайдо бўла бошлади, дарахтлар куртак, барг чиқара бошлади. Иссиқ ўлкалардан қушлар қайтиб келишди. Ўтлар орасида қўнғизлар пайдо бўлишди, капалаклар уча бошлашди. Одамлар гуллар ва сабзавотлар эка бошлашди).

**Олдиндан қилинадиган иш:** Ҳар ҳафта болалар билан ўтказиладиган мақсадли сайрлардан бири баҳорнинг белгиларини аниқлашга бағишланиши керак: биринчи ўт ва гуллар пайдо бўлади (чучмома), ўтлоқ сарғаяди, чунки ўтларни жуда кўп момақаймоқ (қоқигул) қоплаган, дарахтларда барглар пайдо бўлади ва ҳоказо. Болалар ҳар доим гулзорда, полизда меҳнат қилаётган боғча ходимларининг ишларини кузатишади, уларга кўмаклашадилар.

**Машғулот учун материал:** Баҳор фасли тасвирланган расм.

**Машғулотнинг бориши:**

Келди баҳор гулбаҳор,  
Эриб битди оппоқ қор  
Учиб келди қушларжон  
Дарахтлар тақди маржон.

(Ш. Саъдулла)

Тарбиячи ана шу сатрларни айтиб болалардан сўрайди: «Бу шеър йилнинг қайси фасли ҳақида? (Баҳор фасли.) Ҳозир йилнинг қайси фасли? (Баҳор фасли.) Қани эсга туширайлик-чи,— деб айтади тарбиячи,

баҳор қандай келади? Қуёш чарақлай бошлайди ва натижада нима бўлади? (Қор ва музлар эрий бошлайди. Ариқ ва жилғаларда сувлар оқа бошлайди. Дарахтларда куртак ва барглар, ўт, кўкатлар, гуллар пайдо бўла бошлайди.) Нима учун қушлар жуда кўп? (Иссиқ ўлкаларга учиб кетган қушлар яна қайтиб келишади.) Нима учун қушлар тумшуқларида хас-чўп, сомон, пар ташишяпти? (Ин қуришяпти) Яқинда биз ер майдончамизнинг ёнидан ўтиб кетаётиб деб эслатади тарбиячи, у ер жуда чиройли, кўм-кўк бўлганлигини кўрдик. Баҳор фасли бизнинг майдончамизга нималар совға қилди? (Гулларни, момоқаймоқларни, лолақизғалдоқларни, капалакларни, қўнғизларни, қалин ўтларни.) Мен жуда ҳам қизиқаяпман, сизлар кишилар баҳорда қандай кийимлар кийиб юришларини, қандай меҳнат қилишларини эслай оласизларми-а? Агар эслай олсангизлар, бу кийимларнинг номларини ва уларнинг қандай меҳнат қилишларини айтиб берингларчи? Тарбиячи болалар жавобларини тинглаб баҳолайди ва қуйидаги шеърни ўқийди:

Осмон тиниқ кўк шохи  
Оқ булут кезар гоҳи  
Гулларга кўмилади  
Қандак ўрикнинг шохи.  
Боғбон чиқар боғига  
Чўпон кетар тоғига,  
Боларилар гувиллаб  
Қўнар гул япроғига  
Қушлар учиб келади.  
Шамол ғир-ғир елади,  
Қуёш гуллар юзини  
Шуълаларга беллади.  
Сувлар шилдираб оқар,  
Қўшиғи дилга ёқар  
Бизга шодлик келтирдиг  
Салом сенга гулбаҳор!

(Уйғун. «Баҳор» шеъри)

Тарбиячи шеърни айтиб бергач, болалардан сўрайди: бу шеър қайси фасл ҳақида ёзилган? Нима учун баҳор фасли ҳақида ёзилган деб ўйлайсиз? Болаларнинг жавобларини тинглайди, уларни умумлаштиради ва улардан бирортасига баҳор ҳақида ёдлаган шеърини айтиб беришни таклиф этади. «Мен бугунги машғулотимизга баҳор фасли ҳақидаги расмни олиб келдим,— деб тар-



биячи расмни болаларга кўрсатади. Қани топингларчи, нима учун бунини баҳор ҳақидаги расм деб айтаяпман? Расмни доскага илиб кўяди ва болаларнинг фикрларини тинглайди. Уларнинг жавобларини маъқуллаб, бу расм «Баҳор» деб номланади, дейди. «Баҳор йилнинг энг манзарали чиройли фасли, бу фаслда ҳаммаёқ ям-яшил майсалар билан қопланади. Қушлар учиб келишади, дарахтдан-дарахтга қўниб, шўх сайрашади. Дарахтлар куртак чиқара бошлайди, барглари ёзади. Кишилар енгил кийинишади, улар ерларни юмшатиб экинзорларга экинлар, гулзорларга гуллар экишади. Ариқларда сувлар шилдираб оқади, капалаклар, қўнғизлар пайдо бўлади. Кишилар баҳорни орзиқиб кутишади. Баҳор ҳақида жуда кўп шеърлар ёзилган. Ҳозир мен шулардан бирини айтиб бермоқчиман. Тингланглар:

Атроф ям-яшил  
Баҳор чоғида  
Ўсибди гуллар  
Ватан боғида

Ватанни мақтаб  
Қушлар сайрайди  
Баҳор қўйнида  
Барча яйрайди.

Гуллар сайлига  
Қувнаб еламиз  
Тўйиб ҳуснидан  
Ўйнаб куламиз.

(Д. Омонуллаев. «Баҳор гуллари»)

Тарбиячи машғулотнинг охирида болалардан яна бир марта баҳор фасли ҳақида гапириб беришни сўрайди.

#### 74- машғулот

##### Адабий викторина

**Мақсад:** Болаларга турли усуллар ёрдамида III кварталда ўқиб ва ҳикоя қилиб берилган эртақларни, ҳикояларни номини эслашга ёрдамлашиш. Эртақлардан парчалар ўқиб бериш орқали болалар хотирасини ривожлантириш.

**Машғулот учун материал:** Ш. Перронинг «Қизил қалпоқча», рус халқ эртақларидан «Бўри билан эчки болалари», «Фил ва Хўроз», «Думсиз тулки» эртаги ва уларга ишланган расмлар, фланеллограф, «Тулки билан Турна» эртагида қатнашувчилар тулуплари.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга китобнинг муқовасидаги расмни кўрсатади ва бу эртақнинг

номини ўйлаб топишни таклиф этади. Ш. Перронинг «Қизил Қалпоқча», рус халқ эртақларидан «Бўри билан эчки болалари», ўзбек халқ эртақларидан «Тулки билан Турна», «Фил ва Хўроз», «Думсиз тулки» ва ҳоказолар. «Қани топингларчи, деб давом этади тарбиячи,— мен қайси китобдан парча ўқийман: Қунлардан бир куни жиккаккина ола қуён шерикларига — бўридан қўрқмайман, тулкини бир пуфлаб осмонга учириб юбораман,— деб чиранибди. Ҳамма унинг мардлигига қойил қолибди, ёқа ушлаб турганда, бирдан бўри келиб қолибди». (Ўзбек халқ эртаги. «Мақтанчоқ қуён».)

«Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бир оч бўри бўлган экан. Қунлардан бир куни дон еб юрган бир хўрозни кўриб қолибди. Бўри хўрозни ушлаш на-йига тушибди». (Ўзбек халқ эртаги. «Оч бўри».)

«Хўрозвой боққа чопқиллаб келибди-ю, кўм-кўккина ғўр маймунжонни чўқий бошлабди. Шу пайтда Товуқ-хон хўрозга қараб:

«Ема, хўрозвой! Маймунжон пишгунча сабр қил,— дебди. (К. Ушинскийнинг «Сабр қилишни ўрган»).

Кичкина эчки улоқ,  
Ўйнар ошиб ўмбалоқ,  
Мен билан иноқ, ўртоқ  
Кўкат берсам ямлайди.  
Орқамдан ҳеч қолмайди.

(Ш. Саъдулла. «Улоқчам» шеъри.)

Мурғаккина ўғил бола  
отасига йўлиқди,  
Увоқ шундай сўради:  
— Яхши деган сўз нима-ю  
Ёмон деган нимади?  
— Менда...» Сир йўқ яширин  
Болалар тингланг мендан

отасининг жавобини»,— деб болалар В. В. Маяковскийнинг «Яхши деган сўз нима-ю, ёмон деган сўз нима» деган шеъридан ўқилган парчани давом эттирадилар.

«Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,  
Бизларга ўртоқсизлар.  
Қушлар, қушлар, ҳой қушлар,  
Сизларни кутдик бизлар».

(А. Раҳмат. «Қушлар» шеъри.)

Топинглар-чи, мен қайси шеърдан парча ўқидим,

ким бу шеърни охирига етказади. Болалар шеърнинг ҳамма парчасини айтиб беради. Тарбиячи навбатдаги вазифани диққат билан тинглашни таклиф этади. «Топинглар-чи бу саҳна қайси эртақдан,— деб стол устидаги фланелографга Тулки ва турнанинг шаклларини (бир-бирини меҳмон қилаётганлигини тасвирловчи) қўяди. (Тулки билан турна эртагидан.) «Топинглар-чи бу парранда бизнинг машғулотимизга қайси эртақдан югуриб келди?» (тарбиячи олдиндан бир болани қарға қилиб тайинлаган бўлади, қарға қилиб тайинланган бола «қар-қар-қар» деб тарбиячининг олдига югуриб келади. Болалар эса унинг қайси эртақдан эканлигини топадилар.) Сўнгра тарбиячи болаларга «Қизил Қалпоқча» эртаги учун ишланган расмларни кўрсатади ва ким бу расм нима ҳақида эканлигини гапириб бермоқчи? деб сўрайди. Сўнгра тарбиячи ўғил ва қиз болани чақиради, улар бўри ва Қизил Қалпоқча диалогини айтиб берадилар. Шундан сўнг тарбиячи болаларга турли эртақ ва ҳикоялардан парчалар айтиб беришни таклиф этади.

## МАШҒУЛОТДАН КЕИИНГИ ИШЛАР

### Март

1. Ҳ. Ҳикматнинг «Онажоним» шеърини ёд олдириш.
2. Табиатга мақсадли экскурсия уюштириш (2—3 марта). Сайрларнинг бирида Д. Омонуллаевнинг «Баҳор гуллари» шеърини айтиб бериш ва бу шеърни ёд олдириш. Баҳорнинг биринчи гули момақаймоқни қидириб топиш (март ойининг охири — апрель ойининг боши.) Гултувакка гул ўтказиш. Қорнинг эришини, унинг сув бўлишини кузатиш.
3. Почта хонасига мақсадли сайр уюштириш. Почта, почтальон ҳақида болаларга маълумот бериш. Конвертлар, маркалар, открыткалар адреси ёзилган конвертлар, почта штемпели (штампи) ёзилган открыткаларни кўздан кечириш. Хатларни уйга ким етказиб беришини аниқлаш. Болаларнинг ота-оналари хат оладиларми? Кимдан? Қаердан? Почтальон уйга хатдан бошқа яна нималарни келтириб беради? (Газета ва жаридда, телеграмма ва ҳоказоларни. «Халқ сўзи» газеталарини, «Весёлые картинки», «Ғунча», «Гулхан» жаридаларини). Тарбиячи болаларнинг жавобларини тўлдиради, газета, телеграмма ва жаридаларни кўрсатади. С. Маршакнинг «Почта» шеърини ўқиб бериш.

4. Болаларнинг сутка (бир кеча-кундуз вақт)нинг қисмлари ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш. Бу ишни, копток билан ўтказиладиган ўйин орқали бажариш мумкин:

— Кишилар қачон нонушта қилишади? .. — деб сўрайди тарбиячи ва коптокни бир болага ирғитади. Коптокни илиб олган бола эса:— Эрталаб,— деб жавоб беради ва коптокни тарбиячига қайтаради.— Уйнинг деразаларида чироқлар милтиллайди? .. деб коптокни иккинчи бир болага ирғитади. Коптокни илиб олган бола эса:— Кечқурун деб жавоб беради ва коптокни тарбиячига қайтаради.

Шу тариқа ўйин давом этади. Кейинчалик ўйиннинг мураккаблаштирилган турини ўтказиш мумкин. Бунинг учун тарбиячи сутка қисмларининг кетма-кет келишини эсга олишларини таклиф этади. («Кечқурун»— деб айтади тарбиячи ва коптокни болага ирғитади. Бола эса «кечаси» деб жавоб беради ва коптокни тарбиячига ирғитади).

### *Апрель — май*

1. П. Мўминнинг «Болаларни дунёда ким яхши кўради» деган асарини ўқиб бериш.

2. Болалар боғчасига яқин жойлашган уйларни кўздан кечириш учун иккита, учта мақсадли сайр уюштириш. Бундан мақсад болаларнинг диққатини уйларнинг катта-кичиклигига, баланд-паст, кўп қаватлилигига қараб таққослашга ўргатиш. Деразалар, эшиклар, айвонлар ва ҳоказоларга эътиборини қаратиш: ўзи яшаб турган жойга қизиқишини ва ундан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш. Болалар диққатини теварак-атрофдаги шундай объектларга йўналтириш керак-ки, шу объектларнинг жойлашганлигига қараб (боғчанинг қайси томонидан нима турганини) ўзининг яшаб турган микрорайонини бошқа микрорайонлардан, ўз боғчасини бошқа жойда жойлашган боғчалардан ажрата олсин. Болалар сайрдан қайтгач, тарбиячи шундай савол бериши мумкин: «Нотаниш киши бизнинг микрорайонимизга келганлигини ва бу микрорайон боғчага унча узоқ бўлмаган жойга жойлашганлигини қандай қилиб билиб олиш мумкин? Бундан ташқари, болалар диққатини Бухоро шаҳрида (ёки бошқа шаҳарларда) фақат уларнинг боғчалари шу номга (боғча номерини, номини айтиш керак. Масалан: «Олтин кажит», «Олтин балиқ», 18-, 38-боғча ва ҳоказо) эга, бошқа боғчалар эса бош-

қа номер ва бошқа ном билан аталишига йўналтириши керак.

3. Табиатга мақсадли сайр уюштиришда (ойнинг охирида) диққат-эътиборни баҳорнинг белгиларини топишга йўналтириш. Сайрда болалар билан об-ҳавонинг ўзига хос белгиларини кузатиш, (кунлар исияпти, ариқларда сувлар оқяпти). Дониёр бугун мўйнали телпак киймаган, Олия эса пўстин ўрнига енгил пальто кийган,— деб айтади ва болалардан сўрайди: «Нима учун шундай кийинишган?» Болаларнинг жавобларини тўлдиради. Кунлар исий бошлади, кишилар эса қишки иссиқ кийимларини енгил кийимларга алмаштира бошлашди. Шундан сўнг тарбиячи болаларга майдончаларга чиқиб, у ерда қандай ўзгаришлар бўлаётганлигини, у ердаги қордан ясалган нарсалар қаерга кетганлигини кўришни айтади, болаларнинг жавобларини тинглайди, тўлдиради, уларнинг жавобларига аниқлик киритади: Майдончамиздаги музлар аллақачон эриб кетган. Ҳаммаёқ сув. Жилғаларда сувлар оқмоқда. Қуёш чарақлаб турибди. Кун илиқ. Болалар диққатини баҳорги ёмғирга йўналтиради. Э. Раимовнинг «Ёмғир» шеърини ўқиб беради. Дарахтларнинг куртак чиқариши, ўтларнинг кўкариб чиқиши ҳақида гапириб, болалар билан кўм-кўк ўтни кузатишади: қушларнинг сайрашига (чумчуқ ва читтакнинг овозига) қулоқ соладилар, уларнинг хатти-ҳаракатини кузатадилар, қишда айниқса совуқ кунларда қушлар бундай шўх овозда сайрамаганликларини айтиб ўтишади. Болалар баҳорнинг элчиси бўлган қўнғизларни, капалакларни, биринчи гулларни кўздан кечиришади. Майдончада катта кишиларнинг меҳнатларини кузатадилар. Улар майдончага гул уруғларини экишади.

### *Июнь — август*

Ёз вақтида она тили машғулоти ҳафтада бир марта ўтказилади. Шунинг учун ҳам болалар нутқини ўстириш ва теварак-атроф билан таништириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг кўп қисми кундалик ҳаёт жараёнида олиб борилади.

Табиатдаги кузатиш ҳар кунга режалаштирилади. Болалар доимо ёз фаслининг белгиларини топиш билан шуғулланадилар, табиатнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдилар, куннинг турли вақтларида ва турли об-ҳаво шароитида ёз фаслининг чиройли томонларини кўра олишга ўрганадилар. Тарбиячи болаларнинг кўр-

ганлари тўғрисидаги ҳикояларини баҳолаб боради. Болалар кишиларнинг боғдаги ва полиздаги меҳнатларини кузатадилар, тарбиячининг кишилар меҳнати тўғрисидаги ҳикояларини тинглайдилар, ўзлари ҳам кучларига яраша катталарнинг меҳнатларида иштирок этадилар. Ҳар ҳафтада табиатда ўтказиладиган дидактик қўлланмалар ва табиат материаллари билан ўйинлар режалаштирилади:

а) ўтлоқдаги ва боғдаги гулларни, дарахтларни, сабзавотларни фарқлаш ва уларни тасвирлаш учун;

б) гулларни, сабзавотлар ва меваларни, дарахтлар ва бошқаларни гуруҳларга ажратиш (классификациялаш) учун;

в) кузатувчанликни, диққатни ривожлантириш (ким кўпроқ кўради, тезроқ эшитади) учун, таққослаш ва солиштириш қобилиятини ривожлантириш учун (ўхшайди-ўхшамайди, нима бўлмайди, нима ундай эмас ва ҳоказолар). Ҳар доим болалар билан нутқ товуш маданиятини тарбиялаш учун яккама-якка ишлар олиб борилади. Болалар йил давомида ёд олган шеърларини такрорлайдилар, энг сеvimли бадий асарларни тинглайдилар (В. А. Осеева «Қайсиниси осон», рус халқ эртаги «Оққушлар», Қ. Ҳикмат «Бу қайси фасл», Т. Йўлдош «Боғча», С. Маршак «Енғин»). Бироқ кўпгина бадий асарларни машғулотда болаларга таништириб бориш мақсадга мувофиқдир. Ёз ойларига машғулотларни тахминан бундай режалаштириш мумкин.

### Июнь

- 1- машғулот. К. Д. Ушинскийнинг «Хўроз билан мушук» эртагини ҳикоя қилиб бериш.
- 2- машғулот. Е. Шукуровнинг «Шоҳиданинг қувончи» деган ҳикояни ўқиб бериш.
- 3- машғулот. Ўтлоқдаги ва боғдаги гулларни кўздан кечириш. З. Диёрнинг «Гунафша» шеърини ёд олдириш.

**Мақсад:** Болаларнинг ўтлоқда боғда очиладиган айрим гуллар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, гулларнинг номларини эсда олиб қолишларига ёрдам бериш, гулларни рангига, шаклига, ҳидига қараб фарқ қилишга ўргатиш. Гуллардан завқ олиш қобилиятини тарбиялаш. Шеърнинг мазмунини тушуниб олишга, уни эсда олиб қолишга ёрдам бериш. Шеърни ифодали ўқишга ўргатиш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Май—июнь ойларида

тарбиячи ўтлоққа бир қанча мақсадли сайр уюштира-  
да (шаҳар шароитида хиёбон боғга олиб бориш мум-  
кин). Болалар кўм-кўк ўтлар ичида бойчечакларни ва  
момоқаймоқларни (қоқигулларни) кўриб завқланади-  
лар. Болалар боғчасининг гулзориди болалар тарбиячи  
билан биргаликда гулларни кузатадилар, уларнинг ном-  
ларини эслаб қоладилар. Машгулот бошланишидан  
аввал болалар ўзлари мустақил равишда, тарбиячининг  
столи устидаги гулдонга солиб қўйилган гулларни кўз-  
дан кечирадилар, уларни бир-бирига таққослайдилар,  
барг ва танасини (гул, пояси) секин ушлаб кўради-  
лар, ҳидлайдилар.

**Машгулот учун материал:** Гулзор ва ўтлоқда ўса-  
диган гуллар ва иккита гулдон. (бирига гуллар солиб  
қўйилган, иккинчиси бўш)

**Машгулотнинг бориши:** Болалар ярим доира бўлиб  
ўтиришади, ўртада тарбиячининг столи, унинг устида  
гулдонга солиб қўйилган гуллар ва ўтлоқда ўсадиган  
бир даста гуллар. Яна бир гулдон суви билан стол ус-  
тига қўйилган. Тарбиячи болалардан гулдастани таш-  
кил этган гулларнинг номини айтишни сўрайди. («Лола,  
саллагул (пионгул), нарцисс, қоқигул, бойчечаклар,  
чучмомалар») Гуллар дастаси бошқа турдаги (номда-  
ги) гуллар тўпламидан иборат ҳам бўлиши мумкин.  
Аммо гулдаста 5—6 турдаги гуллар йиғиндисидан ибо-  
рат бўлиши керак. Тарбиячи шундай деб тушунтиради:  
Гулдонда, ўтлоқда (майсазорда) ва боғда (гулзорда)  
ўсадиган гуллар бор. Буларнинг қайси бирлари ўтлоқ-  
да (майсазорда), қайси бирлари гулзорда ўсишини  
уларнинг номларидан билиб олиш мумкин. Сўнгра  
тарбиячи гулдондан 2—3 та қоқигулни (момоқаймоқ-  
ни) олиб, болаларга кўрсатади ва бу гуллар қаердан  
узиб олинган, деб сўрайди. Бу гулни иккинчи бир гул-  
донга, сув солиб қўйилган гулдонга солади. Болаларга  
эса бу гулдонда фақат ўтлоқда (майсазорда) ўсадиган,  
очиладиган гуллар туради деб тушунтиради. «Демак,  
қоқигулнинг (момоқаймоқнинг) ёнига қайси гулни қў-  
йиш керак?»— Чучмомаларни, бойчечакларни»,— деб  
жавоб беришади болалар. Тарбиячи болалардан гул-  
донда қандай гуллар қолди, деб сўрайди (гулзорда,  
боғда ўсадиган), уларнинг номларини айтиб беришни  
таклиф этади. Қўйидаги топишмоқни топишни таклиф  
этади.

Гул пояси ғадир-будир,  
Барглари яшил, узунчоқ,

Қирқилганга ўхшайди,  
Устига оқ кўйлак кийган,  
Ўртаси думалоқ сариқ ранг.

Машғулотгача сиз менга гуллар бир-бирига ўхшамайди,— деб айтган эдингиз, деб болаларнинг эсига туширади тарбиячи. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Мана бу лолага қаранглар. Унинг ...? (Гул пояси йўғонроқ ва силлиқ, барги узунчоқ худди қайиқчага ўхшаш, гуллари йирик, қип-қизил, ялтироқ, қирралари билинар-билинемас қийилган.) Қоқигулнинг эса (момоқаймоқнинг) ...? (Гул пояси узун, силлиқ, ингичкароқ. Гуллари унча йирик эмас, ранги сариқ, пишиб етилганининг ранги эса оппоқ, момикқина шапкаси бор, пуфласангиз учиб кетади). Бойчечакнинг ...? (Гул пояси ғўдир, барглари узунчоқ, қирқилганга ўхшайди, гуллари кўпгина оқ баргчалардан иборат бўлиб, ўртаси дум-думалоқ сариқ рангда.) Кейин тарбиячи янги топшириқни беради. Гул поясини секингина пайпаслаб ушлаб кўриб гулни фарқланг, деб айтади. Бу топшириқни бажаришча чақирилган бола кўзини юмиб, ўсимликнинг гул поясини пайпаслаб, ушлаб кўриб у гулнинг номи нима эканлигини топгунича, ўтирган болалар хор бўлиб: «Гул пояси—гул пояжон. Бу гулнинг номи нима? деб айтишади». Гулдонда ажойиб ҳиди бўлган гуллар бор,— деб айтади тарбиячи. Булар қандай гуллар? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглаб, икки—учта болани навбатма-навбат чиқаради ва гулларга қарамасдан туриб, ҳидидан у қайси гул эканлигини ажратиб беришни таклиф этади. Шундан сўнг гулзорда, боғда ўсадиган йирик бойчечаклардан бир-иккитасини олиб уларни ўтлоқда (майсазорда) ўсадиган бойчечак билан таққослайдилар. Болаларнинг хулосаларини умумлаштиради: «Боғда, гулзорда ўсган гуллар йирик. Уларни махсус экадилар ёки ўтказадилар, уларни парвариш қиладилар, суғорадилар, чопиқ қиладилар, ерни ағдариб юмшатадилар, ўғит соладилар. Ўтлоқда, майсазорда ўсадиган гуллар эса ёввойи ҳолда ўсадиган гуллар. Мана шунинг учун бойчечаклар бир-биридан фарқ қилишади. Чунки улар турли шароитларда ўсишган! Гулларни кишилар жуда ҳам яхши кўришади, деб давом эттиради ўзининг ҳикоясини тарбиячи, улар гулдасталар теришади, хоналарини гуллар билан безатишади, бир-бирларига гул совға қилишади. Гулларга атаб жуда кўнлаб шеърлар ёзилган.



Масалан, мана бу шеър: «Гунафша» ҳақида ёзилган деб тарбиячи болаларга З. Диёрнинг «Гунафша» шеърини айтиб беради. Сўнгра шеър мазмуни юзасидан қуйидаги саволларни беради. Бу шеър қайси гул ҳақида ёзилган? Гунафша қаерларда очилади? Гунафша қайси фаслнинг элчиси? Шу шеърни қандай айтиш керак? Мунгли овоздами ёки шўх қувноқ овоздами? Тарбиячи шеърни яна бир марта айтиб беради. Сўнгра болалар айтишади.

4- машғулот. Г. Жўраеванинг «Иноқ оила» деган ҳикоясини ўқиб бериш.

### Июль

- 1- машғулот. «Камбағал деҳқон». Ўзбек халқ эртагини ҳикоя қилиб бериш. Бу эртакни (магнитофон лентасидан) такрорий тинглаш.
- 2- машғулот. «Печенье» деган ҳикояни ўқиб бериш.
- 3- машғулот. Қ. Муҳаммадийнинг «Боққа чиқдик» шеърини ёд олдириш.
- 4- машғулот. С. Маршакнинг болаларга маълум бўлган адабий асарларини такрорлаш ва унинг «Июнь», «Июль» шеърини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болалар билан С. Маршакнинг асарларини ва унинг мазмунини эсга тушириш, улардан парчалар ўқиш ва ҳикоя қилиб бериш.

**Олдиндан қилинадиган иш:** Машғулот ўтказишдан икки-уч кун олдин тарбиячи китоб бурчагига С. Маршакнинг болаларга таниш бўлган китобларини қўяди. Агар иложи бўлса С. Маршакнинг портретини болаларга кўрсатади. Тарбиячи болаларга келгуси нутқ ўстириш машғулотига кичик гуруҳ болаларини ёки бошқа ўрта гуруҳ болаларини таклиф этишни айтади, болалар билан машғулотни қандай қилиб қизиқарлироқ ўтказиш мумкинлигини муҳокама қилади. Болалар китобни кўраётиб, саҳналаштириш учун парчалар танлашади, таклифнома қоғозини қандай безатиш кераклигини, белги ва қалпоқчаларни қандай тайёрлаш кераклигини ҳал қилишади.

**Машғулот учун материал:** С. Маршакнинг «Аҳмоқ сичқонча», «Енғин», «Июнь», «Июль» асарлари учун ниқоблар, бошқа гуруҳ болалари учун таклифномалар, ҳар бир болага эмблема ва белги.

**Машғулотнинг бориши:** Бу машғулот шакли жиҳатидан ўйин кулгилар соатига яқинроқ. Болалар меҳмонларни ўзлари тайёрлаган С. Маршак асаридаги ай-

рим қахрамонларни тасвирловчи қалпоқчаларни кийиб, белги ва эмблемаларни тақиб кутиб олишади. Меҳмонлар таклифнома қоғозларини, уларни таклиф этган гуруҳ болаларига (яъни ўрта гуруҳ болаларига) кўрсатишади ва таклифномада нима тасвирланганлигини (масалан: «Аҳмоқ сичқонча» ҳақида эртақ асаридан мушук расми) тушунтиради. Хона ўртасига каска кийган ва чўнтагига мушук ўйинчоғини солиб олган бола ва унинг кетидан 3 бола — ўт ўчирувчилар югуриб чиқадилар. «Сиз қайси асарлардан?— деб сўрайди тарбиячи. (Биз С. Маршакнинг «Ёнғин» шеъриданмиз.) Болалар бу шеърдан парча айтиб беришади. Сўнгра қўлида ўйинчоқ мушукни рўмолга ўраб олган қизча пайдо бўлади. (Бу С. Маршакнинг «Аҳмоқ сичқонча ҳақида эртақ» асарига мушук.) Сўнгра қизча бу эртақдан бир парча айтиб беради. Ҳозир бўлганларнинг диққатларини «Аҳмоқ сичқонча ҳақида» эртақ асаридан бир парча олиб тайёрланган саҳнага йўналтирадилар. (Масалан: сичқончанинг от, чўчқа, товуқ ўртасидаги диалоги). Сўнгра С. Маршакнинг «Июнь», «Июль» шеъри катталар томонидан саҳналаштирилади ва айтиб беришади.

### *Август*

**1- машғулот:** «Ур тўқмоқ» эртагини ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** Болаларга «Ур тўқмоқ» эртагининг мазмунини тушуниб олишларида ёрдам бериш, асосий қахрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олишга ўргатиш, эртақнинг охирини эсда олиб қолишни таъминлаш. Нутқнинг интонацион мазмундорлигини тарбиялаш.

**Машғулот учун материал:** Эртақ мазмуни асосида ишланган расмлар.

**Машғулотнинг бориши:** Мен бугун сизларга эртақ айтиб бераман. Бу эртақ «Ур тўқмоқ» деб айтилади, дейди тарбиячи. Эртақни ҳикоя қилиб, расмларини кўрсатади. Тарбиячи болалар бу эртақдан қандай таъсирланганликларини кузатади, эртақнинг охириги жумлаларини такрорлайди:— Чол тўқмоғингни тўхтат, сен енгдинг, мени ўлимдан олиб қол, юртга сен ҳоким бўла қол,— деди. Чол тўқмоқни тўхтатади. Ўзи юртга ҳоким бўлади. Мурод-мақсадига етди. Сўнгра тарбиячи болалардан. Сиз эртақнинг бундай тамом бўлишидан хурсандмисиз? Нима учун? Бу эртақда қайси қахрамон

сизларга нимаси билан кўпроқ ёқди? Нима учун бу эртак деб айтилади? Эртак қандай бошланиб, қандай татом бўлади? деб сўрайди. Тарбиячи болалар жавобини тинглайди ва тўлдиради. Сўнгра тарбиячи болаларга чолнинг тузоғига илинган Лайлаквойнинг чолга айтган сўзларини такрорлашни таклиф этади. Шундан сўнг тарбиячи болалардан эртакдаги чол билан болалар ўртасидаги (тўқмоқ болаларни ура бошлаган вақтидаги чол билан болалар ўртасидаги диалог) диалогни сахналаштириб беришни таклиф этади (бир бола чол ролида, иккинчи бола болалар ролида чиқишади). Бу сахнани (парчани) 2—3 марта такрорлашади. Машғулот эртакнинг охириги жумлаларини 1—2 болага такрорлаши билан тугатилади.

**2- машғулот.** Қушлар ҳақида суҳбат. Олим Маҳкамовнинг «Кичкина қушча» шеърини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болаларнинг баҳор ва ёз фаслида қушларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш. Расмдаги катта қушларни, уларнинг болаларини кўздан кечириш ва уларнинг ҳаётини кузатишга ўргатиш. Болалар диққатини чумчуқнинг тасвирланишига йўналтириш.

**Машғулот учун материал:** Дарахтга қўниб турган, хас-чўп ташиб ин қураётган, оғзини катта очиб турган чумчуқ боласини ва унинг оғзига овқат солаётган она чумчуқ тасвирланган расм.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга баҳорда ва ёзда ўз майдончаларида, хиёбонларда, боғларда қушларни бир неча маротаба кузатганликларини айтади. Баҳорда қушлар ўтлар ичидан, йўлаклардан нимадир қидиришади («Парларни», шохчаларни, хас-чўпларни, сомон ва ҳоказоларни). Улар ўзларига ин қуришади. Майдончаларда, боғларда, хиёбонларда қушларнинг чуғур-чуғури ҳеч тинмайди, деб эслатади тарбиячи. Булбул ўзининг ёқимли ашуласини куйлайди, каккунинг мунгли овози эшитилиб туради. Чумчуқлар гала-гала бўлишиб дарахт шохларига қўнишиб, қулоқни гаранг қиларли даражада баланд овозда чуғурлашади, читтаклар аҳил бўлиб бир овозда сайрашади. Бироқ ёз фаслига келиб нимагадир қушлар овози пасайиб қолади. Нима учун уларнинг овози пасаяди? (Чунки қушлар бола очишади, уларнинг болалари жуда ҳам овқатхўр.) Уларнинг ота-оналари тиним билмайди, чарчадим демайди, уларга пашшаларни ва чивинларни, чувалчангларни ташишади. Улар овқатларни қушчалар-

нинг очиб турган оғизларига солишади. Тарбиячи болаларга оғзини катта очиб турган боласини, унинг оғзига овқат солаётган она чумчуқ тасвирланган расмни кўрсатади. Сўнгра тарбиячи болаларга Олим Маҳкамовнинг «Кичкина қушча» шеърини ўқиб беради.

Ҳай, ҳай, чумчуқ  
                    жажжи қуш,  
Шохда турмай пастга  
                    туш!  
Эрта-ю кеч тинмайсан,  
Чарчамоқни  
                    билмайсан.  
Чирқиллайсан излаб  
                    дон,  
Мана, чумчуқ, сенга  
                    нон!  
Қорнинг тўйса  
                    айтарсан,  
Сўнг уйингга  
                    қайтарсан!

Тарбиячи болаларга бу шеърнинг мазмунини тушунтиради, агар яна бу шеърни тинглашни истаса, уни яна бир марта такрорий айтиб беради.

**3- машғулот.** Ёз ҳақида суҳбат. З. Диёрнинг «Гунафша» шеърини ва С. Жабборнинг «Бойчечак» шеърини ўқиб бериш.

**4- машғулот.** К. Чуковскийнинг асарлари бўйича адабий викторина, унинг «Суварак» шеърини эртагини ўқиш.

**Мақсад:** К. Чуковскийнинг болаларга маълум бўлган асарларини такрорлаш, у асарлар билан қайта «учрашиш» ганликларидан хурсанд бўлиш ҳиссини уйғотиш. Асарнинг номини ва муаллифнинг исмини эсда олиб қолишга эришиш. Болаларни «Суварак» номли шеърини эртак билан таништириш.

**Машғулот учун материал:** К. Чуковскийнинг «Мойдодир», «Телефон», «Доктор Войжоним» деган китоблари ва уларнинг мазмуни асосида ишланган расмлар, фланеллограф, К. Чуковскийнинг портрети.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга «Мойдодир» шеърини эртагининг бошланишини ўқийди:

«Тўшагим ҳам  
                    қочди бирдан,  
Чойшаб-чи парвоз этди.  
Турмайин тик

**Қурбақадек**  
**Естиғим сакраб кетди».**

Сўнгра тарбиячи болалардан шундай деб сўрайди: Бу шеърни эшитганмисиз? Қим уни ёзган? Болаларнинг жавобларини тинглайди, тушунтиради. Бу шеърин қаторлар «Мойдодир» шеърин эртагидан олинган. Бу эртакнинг бошланиши шўх сўзлар билан бошланади. Сиз бу шеърин эртакни олдин ҳам эшитгансиз (иккинчи кичик гуруҳда). Бу шеърин эртакни ким ёзган? (К. Чуковский.) Тарбиячи болалар жавобини хулосалаб: К. Чуковскийнинг асарлари жуда қувноқ, шўх ёзилган. Шеърин эртаклари жуда қизиқарли, уларни қайта-қайта, кўп марта эшитгингиз келади, дейди.

Кейин тарбиячи ёзувчининг портретини ва унинг — «Мойдодир», «Телефон», «Доктор Войжоним» ва бошқа китобларни кўрсатади. Болалар эса бу китобларнинг номларини айтишади.

Сўнгра болалар, олдиндан тарбиячи К. Чуковский асарлари асосида тайёрлаб қўйган расмларни фланелографда кўрсатишади. Расмларни эртаклардан парчалар ўқиш билан бирга қўшиб кўрсатишади. (расмлар қайси шеърин эртакка тааллуқли бўлса, шу эртакдан парча ўқилиб, расм фланелографда кўрсатилади.) Расмни фланелографга қўйган ва асардан парча ўқиб берган (айтиб берган) бола ўртоғига мурожаат этиб сўрайди. Топинглар-чи, бу шеър К. Чуковскийнинг қайси китобидан экан? Бу ишдан қуйидаги мақсадларни амалга ошириш назарда тутилади:

- а) болалар нутқида қийин талаффуз этиладиган товушларнинг тўғри талаффуз этилишини мустаҳкамлаш.
- б) шеър матнини ифодали ўқиш устида машқ қилиш.
- в) кам фаоллик кўрсатадиган болаларни бу ишга жалб этиш.

Болаларга К. Чуковскийнинг эртаklarидан олинган қуйидаги парчаларни айтириш (саҳналаштириш ҳам) мумкин.

Автор ролидаги бола: Кириб келди ғамгин капалак:  
Капалак ролидаги бола:

Ўтда куйди қаноти андак.  
Ёрдам этгин, доктор Войжоним.  
Оғир куйган жажжи қанотим!

Доктор Войжоним ролидаги бола:

Хафа бўлма, капалак!  
Ёнбошлаб ёт сен андак.

Мен улайн бошқасин,  
Ипакли зангорисин.  
Яп-янгисин  
яхшисин!

Автор ролидаги бола: Қапалак кулди шодон,

Учди чаманзор томон.

У билан ниначилар,

Қапалаклар учишар.

Шунда қувнаб Войжоним,

Ойнадан дер: «Хўп», жоним

Майли қувнаб ўйнагин,

Аmmo ўтда куймагин!

(Доктор Войжоним эртагидан)

Қўл узатсам

Шамга энди,

У печкага

Яширинди.

Яқин борсам

Ирғиб кетиб

Қароватга —

Қочди шитоб.

(Мойдодир)

Жиринглайди телефоним,

— Кимсиз? Айтинг!

— Филман, жоним

— Қаердан?

— Нор туядан

— Нима керак?

— Шоколад!

— Ким учун?

— Уғлим учун!

— Қанча юборсак бўлар?

— Беш ё олти пуд етар,

— Ортиқ емаса керак,

— Чунки у ҳали гўдак.

(Телефон)

Сўнгра тарбиячи болалардан К. И. Чуковскийнинг қайси асари кўпроқ ёққанлигини сўрайди. Тарбиячи машғулотни тугатар экан, К. И. Чуковскийнинг «Суварак» номли шеърий эртагини ўқиб беради. Эртакни ўқиб бергач, болалардан янги эртак қандай таассурот қолдирганлигини сўрайди.

Ез ойларида кўпгина мактабгача тарбия муассасаларида аралаш гуруҳлар мавжуд бўлади. Улар билан олиб бориладиган ўқув жараёни ҳар бир ёшдаги болаларга алоҳида-алоҳида ёндашиш асосида амалга оширилади. Шунинг учун қуйида беш ёшли болалар гуруҳлари билан олиб бориладиган машғулотларнинг тахминий баёнини берамиз.

**1- машғулот.** К. Д. Ушинскийнинг «Хўроз билан Мушук» эртагини қайта ҳикоя қилдириш.

**Мақсад:** Болаларни асар матнини тўлиқ ва ифодали айтиб беришга ўргатиш.

**Машғулот учун материал:** Мушук, хўроз, тулки ўйинчоқлари.

**Машғулотнинг бориши:** «Бугун, болалар,— деб бошлайди тарбиячи, мен сизларга К. Д. Ушинскийнинг «Хўроз билан Мушук» эртагини ўқиб бераман. Бу эртақ, дўсти Мушуквойнинг гапига қулоқ солмаган Хўрозвойни қандай қилиб тулки олиб қочганлиги ва уни еб қўйганлиги ҳақида. Тарбиячи эртақни ўқийди. Эртақни ўқиб бўлгач, эртақ юзасидан болаларга саволлар беради: Мушук ўрмонга жўнашдан олдин хўрозга нима деб тайинлабди? (Уйдан қимирлама, эшикларни очма, деразадан бошингни чиқарма, ўғри тулки олиб қочиб кетмасин, тагин!). Ким тулкининг ашуласини эслаб қолди? Ким айтиб бермоқчи?

«Ку-қу-қу-қу хўрозим,  
Тожи тилла хўрозим,  
Юзинг қизил олмадек  
Ота-бабақ хўрозим!  
Деразадан қарай қол:  
Мана нўхат, ола қол!

Хўроз қандай қилиб дўсти Мушукни ёрдамга чақирибди? Ким унинг ашуласини эслаб қолди?

Қоронғи ўрмонлардан  
Тулки мени элитмоқда  
Жуда баланд тоғлардан  
Узоқ юртга кетмоқда!  
Укагинам — Мушукжон,  
Мени қутқазгин шу он!

Энди Олима хўроз бўлади, Анвар эса тулки — дейди тарбиячи. Ҳозир Олима шундай дейди:— Йўқ энди мени алдаёлмайсан, тулки, қарамайман! Анвар эса —

«Сени алдаб жинни бўлдимми? Хоҳласанг қара, хоҳламасанг ихтиёр ўзингда. Хайр мен уйимга кетдим»,— дейди. Сизлар эса ҳаммангиз биргаликда (унча баланд бўлмаган овозда) «Хўроз қанча қичқирса ҳам мушук унинг овозини эшитмабди, у жудаям узоққа кетиб қолган экан» деб айтасизлар. (Бу 3—4 марта такрорланади.) Кейин тарбиячи болаларга:

— Ҳозир мен сизларга эртакни яна бир марта ўқиб бераман, ҳаммангиз диққат билан қулоқ солинглар, кейин менга қайта ҳикоя қилиб берасизлар,— дейди. Иккинчи марта ўқиб берганидан кейин 3—4 та болага эртакни қайта ҳикоя қилиб беришларини таклиф этади. Болалар бу эртакни тарбиячи ёрдамида саҳналаштиришлари ҳам мумкин. Машғулотнинг охирида тарбиячи болаларга мушук, хўроз, тулки ўйинчоқларини кўрсатади. Хўрознинг ва тулкининг ашуласини айтиб машғулотни тугатади.

## 2- машғулот. Нутқ товуш маданияти.

**Мақсад:** Болаларни артикуляция жиҳатдан ўхшаш бўлган товушлардан (ш ва с товушларини) бир-биридан фарқ қилиш ва уларни тўғри талаффуз этиш бўйича машқ қилдириш. Болалар билан биргаликда К. Чуковскийнинг уларга таниш бўлган асарларини эсга келтириш.

**Машғулот учун материал:** Ҳоз расми ва кран жўмрагидан оқаётган сув тасвирланган расм ва номида Ш ва С товуши бор бўлган нарсаларнинг расми.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болалар билан жаҳли чиққан ғознинг (Ш) ва сувнинг (с) ашуласини эсга келтиради. Бу ашулаларни биргаликда ва яккама-якка тарзда, турли овозда (баланд, сал паст, секин, жуда секин) айтишни таклиф этади. Тарбиячи болаларга бу ашулаларни бир-бирига адаштириб юбориш мумкин, чунки Ш ва С товушлари бир-бирига жуда ўхшаш талаффуз этилади, деб тушунтиради. Шундан сўнг тарбиячи болаларга топшириқ беради. Ҳозир гоҳ «с», гоҳ «ш» товушини талаффуз этаман. Агар мен «ш» товушини талаффуз этсам, сиз секингина, жаҳли чиққан ғозни тасвирлашингиз керак, мана бундай (тарбиячи бўйинини олдинга чўзиб вишиллайди) Агар мен «с» товушини талаффуз этсам кран жўмрагидан оқаётган сувнинг урилаётганлигини тасвирлайсиз (қўл бармоқлари билан столни енгилгина тақиллатиб «С» товушини талаффуз этади). Сўнгра болалар бу товушни турли кўринишларда бажаришади: аввал бир столда ўтирган



Ўғил болалар бу товушни талаффуз этадилар. Бувақтда қиз болалар ўғил болаларнинг бажарадиган ҳаракатларини назорат қилиб борадилар, сўнгра ҳаракатни фақат қиз болалар бажаришади (ўғил болалар қиз болаларнинг ҳаракатларини назорат қилишади.)

Тарбиячи топшириқни бажаришда хато қилган болаларни ҳисобга олиб боради ва бундай болалар билан кейинчалик алоҳида-алоҳида иш олиб боради. Тарбиячи машғулоти давом эттириб, К. Чуковскийнинг «Доктор Войжоним» шеърдан парча ўқийди.

Хафа бўлма капалак!  
Ёнбошлаб ёт сен андак.  
Мен улайин бошқасин,  
Ипакли зангорисин,  
Яп-янгиси,  
Яхшисин!

Тарбиячи болалардан: бу шеър сизларга танишми, бу қайси асардан олинган, уни ким ёзган—деб сўрайди. Бу шеърни яна бир марта такрорлайди. Болалардан бу шеърнинг қайси сўзларида «Ш» ва «С» товуши борлигини сўраб олади. (Ёнбошлаб, сен, бошқасин, зангорисин, янгиси, яхшисин.) Кейин тарбиячи К. Чуковскийнинг «Мойдодир» шеърини эртагидан парча ўқийди:

Қўп яшасин совунларнинг  
атирлиси  
Ҳамда юмшоқ сочиқларнинг  
татир иси  
Яхши, бироқ Майин тароқ,  
Тиш порошок бизнинг учун  
қадрлиси!

Тарбиячи бу парча қайси асардан эканлигини аниқлайди. Бу матнда қайси сўзларда С, Ш товушлари бор эканлигини топишда болаларга ёрдам беради. Бу вазифани болалар бажарганларидан сўнг, тарбиячи парчани такрорлайди ва бошқа янги парчани ўқиб беради:

Ванна, жомда, ҳаммомда  
Ҳамиша, ҳар дам, ҳар он  
Доим сувга шараф-шон!

Сўнгра стол устига (бир-бирига қарама-қарши томонга) иккита расмни қўяди. Уларнинг бирида ғоз расми тасвирланган (ш товуши учун), иккинчиси кран жўмра-

гидан оқаётган сув тасвирланган (с товуши учун.) Тарбиячи болаларга қутича ичидан бирон-бир нарсани олишни (нарсанинг номини билдирувчи сўзларда «с» ёки «ш» товуши бор) таклиф этади. Бола олган нарсанинг номини билдирувчи сўзда қайси товуш борлигини айтиш ва олган нарсани тарбиячи олдидаги стол устида турган расмлардан биронтасининг олдига (ғоз ёки крандан оқаётган сув тасвирланган расм олдига) қўяди. Масалан: сабзи, стакан, соат, автобус, совун, крандан оқаётган сув расми олдига қўяди; шар, шер, шапка, қошиқ ва ҳоказоларни ғоз расми олдига қўяди.

**3- машғулот.** «Нима қилмоқ керак» деган саҳналаштириладиган ўйин».

**Мақсад:** Болаларни айрим хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишга машқ қилдириш, атрофдагилар билан муносабатда бўлишлари учун зарур бўлган сўзлар билан луғатини бойитиш. Ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

**Машғулотнинг бориши:** Болалар шундай ўтиришлари керакки, гуруҳ хонасига кириладиган эшик ҳамма болаларга яхши кўриниб турсин. Тарбиячи болаларга «Ҳозир сизларнинг ўртоқларингиз унча катта бўлмаган саҳнани қўйиб беришади, сизлар эса уларнинг хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини кузатиб боринг ва уларнинг ҳаракатларини баҳоланг»,— дейди. Сўнгра иккита бола бир-бирининг қўлини ушлашиб гуруҳ хонасидан чиқмоқчи бўлишади. Улар эшик олдида улар томонига қараб келаётган бoshқа иккита бола билан учрашиб қолишади. Иккала жуфт болалар бир-бирлари билан келиша олишмайди.

Биринчи жуфт болалар: «Нари туринглар, биз олдин эшикдан чиқишимиз керак, дейишса, иккинчи жуфт болалар эса, йўқ биз олдин эшикдан киришимиз керак»,— деб жанжаллашишади. Улар бир-бирлари билан ҳеч келиша олмай олдиндан улар учун ажратиб қўйилган жойга ўтиришади. «Бизнинг кичик инсценировкамиз сизларга ёқдими?— дейди тарбиячи. Сўнгра болалардан: болалар эшикдан қандай ўтишлари керак эди? деб сўрайди. Болалар ўзларининг фикрларини айтишади, маслаҳатлар беришади, ҳатто эшикдан қандай қилиб итаришмасдан, жанжаллашмасдан ўтишни кўрсатишади.

Педагог болаларнинг жавобларини тинглайди ва тўлдиради. Ва ниҳоятда икки жуфт болалар ўринларидан туришиб, маданиятли, ахлоқ қоидаларини билган

кишилар бундай ҳолатлар бўлган вақтда ўзларини қандай тутиш кераклигини кўрсатадилар. Болаларнинг нутқида «Марҳамат ўтинг, кечирасиз аввал сиз ўтинг», деган мурожаат туридаги сўзлар мустаҳкамланади.— Сиз ҳаммасини тушундингизми?— деб сўрайди тарбиячи томошабинлардан.

— Ҳаммасини,— деб жавоб беришади болалар.

— Мен эса тушунмадим,— дейди ўйинчоқ айиқча,— эшик олдида учрашиб қолган кишига нима деб айтиш кераклигини ҳам эсимда олиб қололмадим. Тарбиячи айиқчани тинчлантиради ва стол олдида тўртта болани таклиф этади. Улар айиқчага ва тенгдошларига қандай қилиб эшикдан итаришмасдан, жанжаллашмасдан ўтишни кўрсатишади. Икки жуфт бола эшик олдида қўл ушлашиб келишгач, эшик олдида тўхтаб иккитадан бўлиб кетма-кет туришади (иккитаси хона ичкарасида, иккитаси хона ташқарисида) ва эшикдан ўтишни бир-бирларига таклиф этишади.

Кейин болалар тарбиячи ёрдамида навбатдаги саҳнани ўйнашади:

1. Эшик олдида икки бола тарбиячи ва кичкина бола билан учрашиб қолишади. «Бундай ҳолатда нима қилиш керак?»— деб қизиқади тарбиячи (кичкина болани катта одамдан олдин ўтказиб юбориш керак, болалар эса қаршисидан келаётган катта кишига йўл бериши керак).

2. Ўғил ва қиз болалар бошқа икки бола қаршисидан келишяпти. «Бундай вақтда нима қилиш керак?»— деб сўрайди тарбиячи (ўғил болалар қиз болани олдин ўтказиб юборишади, сўнгра болалардан биттаси ўртоғига мурожаат қилиб: «Марҳамат, ўтинг» дейди).

3. Тарбиячи эшик олдида тўртта бола билан учрашиб қолади. «Бундай пайтда нима қиласиз?»— деб савол беради тарбиячи. Болалар ҳаммаси бир овоздан: Катталарга йўл бўшатиб, уларни олдин ўтказиб юбориш керак. «Марҳамат қилиб ўтинг»— дейишади болалар тарбиячисига. Бу жумлаларни ҳамма болалар ва айиқча эсда олиб қолишлари учун бир неча марта такрорлашади. Машғулот охирида тарбиячи болалардан бугунги машғулотда қандай янги нарсаларни, сўзларни билиб олганликларини аниқлайди. Сўнгра ҳамма болаларга турли ўйинчоқларни (қўғирчоқларни, айиқча, кучукча ва бошқа ўйинчоқларни) бериб чиқади ва уларга ҳам хулқ-атвор қоидаларини ўргатишни таклиф этади.

**4- машғулот.** Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш. Узбек халқ эртакларидан «Митти жўжа» эртагини ўқиб бериш.

**Мақсад:** Болалар диққатини ҳайвонларнинг овозларига йўналтириш ва уларда тақлид қилиш малакасини мустаҳкамлаш, қайта айтиб бериш истагини вужудга келтириш. Болаларда ахлоқий сифатларни мустаҳкамлаш.

**Машғулот учун материал:** Жўжа, ғоз, ўрдак, товуқ, тулки расмлари, фланелограф.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга мурожат этиб шундай дейди:

— Болалар осмон узилиб тушганини ҳеч эшитганми-сизлар.

— Йўқ, эшитган эмасмиз. Осмон ҳеч қачон узилиб ерга тушмайди.

— Болалар сизлар жўжа, товуқ, ғоз ва ўрдакнинг қандай овоз чиқаришини биласизми?

Кўпчилик болалар, жўжа, товуқ, ғоз ва ўрдакнинг овозларига тақлид қилиб берадилар. Болалар тулки қандай ҳайвон? Унинг энг сеvimли овқати қайси паррандалар бўлиб ҳисобланади?

Ҳозир мен сизларга суриштирмасдан ваҳима қилган, жўжа, товуқ, ғоз ва ўрдакни қандай қилиб тулки еб қўйганлиги ҳақидаги эртакни ўқиб бераман. Бу эртакни эшитиб, суриштирмасдан туриб ваҳима қилишнинг ёмон оқибатларга олиб борганлигини билиб оласизлар. Сўнгра тарбиячи «Митти жўжа» эртагини ўқийди.

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, қарға қажимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, бўри бакавул экан, тулки ясовул экан. Кунлардан бир куни Митти жўжа дарахт тагида сайр қилиб юрган экан. Бирдан унинг бошига бир катта барг тушиб кетибди. Шунда жўжа— бошимга осмон қулаб тушди деб ўйлаб, қўрқиб қоча бошлабди. Бир пайт йўлда товуққа дуч келибди. Товуқ қарасаки, Митти жўжа ўзини қаерга уришни билмаётган эмиш. Ҳайрон бўлиб ундан сўрабди:— Қу!-қу!-қу!-қу! қоқ-қоқ.— Тинчликми? Нима гап? Митти жўжа жавоб берибди: «чов!-чов!-чов!-чов! Қочинг, қочинг. Осмон қулаб тушаяпти. Ҳозиргина менинг бошимга унинг бир бўлаги қулаб тушди»,— дебди. Буни эшитган товуқ олазарак бўлиб кетибди ва у ҳам Митти жўжага қўшилиб қоча бошлабди. Энди уларнинг қаршисидан савлат тўкиб ғоз чиқиб қолибди. У товуқ билан Митти

жўжани кўриб сўрабди: «Ғоқ-ғоқ-ғоқ-ғоқ, қов-қов-қов-қов!» Ҳой тўхтаглар, иккалангиз қаёққа чопиб кетаяпсизлар? «Ғоқ-ғоқ-ғоқ-ғоқ!» Товуқ ўзини аранг босиб унга дебди. «Қу-қу-қу-қу-қу!» Осмон қулаяпти. Ҳозиргина Митти жўжанинг бошига унинг бир бўлаги тушиб кетди. Бу гапни эшитган ғознинг ҳам ўтакаси ёрилиб уларга қўшилиб қоча бошлабди. Югуриб кетаётганларида йўлда уларга бир қари ўрдак учраб қолибди. У ҳам товуқдан сўрабди. «Ғоғ-ғоғ-ғоғ-ғоғ». Нима бўлди товуқхоним. Муҳтарам ғоз ва Митти жўжани олиб қаерга чопиб кетаяпсиз? Ҳа мунча шошилмасангиз. Меҳмонга кетаяпсизларми-а? Товуқхоним қуқулаб гапира бошлабди. Ҳе «Қу-қу-қу-қу!» Меҳмонга эмиш, юр, тез қочиб қол осмон қулаб тушаяпти. Ҳозиргина Митти жўжанинг бошига унинг бир бўлаги қулаб тушибди. Буни эшитган қари оқ ўрдак ҳам паришон бўлиб қолибди. Ҳаммалари бирга қоча бошлашибдилар. Тўртовлари қочиб кетаётганларида уларга тулки учрабди. Тулки ҳам ҳайрон бўлиб сўрабди. Ҳой ҳаммаларинг, қаерга кетаяпсизлар, ҳам мунча шошилмасанглар. Тўртовлари, бараварига гапира бошлабдилар. «Ғоқ-ғоқ-ғоқ! Қу-қу-қу-қу! Чов-чов-чов! Ғоғ-ғоғ-ғоғ! Осмон қулаб тушаяпти. Осмон. Унинг бир бўлаги мана бу Митти жўжанинг бошига тушибди. Тулкийой эса ўзини ғоздан анча юқори кўрсатиб шундай дебди: «Ҳали шунгами. Лекин гапнинг сирасини айтсам, менга барибир. Нега десанглар, ернинг тагидан ўзимга бир уй қуриб олганман. Осмон қулаб тушса ҳам парвоим-палак. Тўртовлари ҳам бу гапни эшитиб тулкига ялинишибди. Бизларни ҳам уйингизга киритинг. Тулки бу гапни эшитиб роса қувонибди. Лекин сир бой бермай аввалига рози бўлмабди. Уларни кўп ялинтирибди. Сўнгра тўртовларини ҳам ер тагидаги ўз уйига олиб кириб кетибди. Кейинчалик ҳеч ким уларнинг тулкининг уйдан қайтиб чиққанларини кўришмабди. Гарбиячи эртакни ўқиб бўлгач, (эртакнинг мазмунига доир расмларни фланелографда кўрсатади), ана кўрдингларми болажонларим, суриштирмасдан ваҳима қилганларга ишониш қандай натижаларга олиб келади, деб айтади ва шундай савол беради: Бу эртак сизларга ёқдими? Ким Митти жўжага дуч келган Товуқхонимнинг сўзларини такрорлайди? (Қу-қу-қу-қу! қоқ-қоқ-қоқ! Тиңчликми? Нима гап?) Митти жўжа Товуқхонимга нима дебди? Ким унинг сўзларини такрорлайди? (Чов-чов-чов! Қочинг, қочинг. Осмон қулаб тушаяпти, ҳозиргина менинг бошимга унинг бир бўлаги қулаб тушди.)

Қочиб кетаётган жўжа ва Товуқхоним олдидан чиқиб қолган ғознинг айтганларини ким эсда сақлаб қолди? Ким такрорламоқчи? (Ғоқ-ғоқ-ғоқ!, қов-қов-қов! Ҳой тўхтанглар, иккаларингиз қаёққа чоғиб кетаяпсизлар? Ғоқ-ғоқ-ғоқ!) Ким менга қари ўрдакнинг гапларини такрорлайди? (Ғоқ-ғоқ-ғоқ-ғоқ! Нима бўлди, Товуқхоним. Муҳтарам ғоз ва Митти жўжани олиб қаерга чоғиб кетаяпсизлар. Ҳа мунча шошилмасанглар. Меҳмонга кетаяпсизларми-а?) Шу тариқа 5—6 боладан эртактаги образларнинг овозларига тақлид қилишликни тақлиф этади. Болаларнинг истаклари билан эртакни яна бир марта ўқиб беради.

**5- машғулот.** «Узун қулоқ Қуёнвойнинг хати» деган дидактик ўйин.

**Мақсад:** Болаларни хат матнини охиригача диққат билан тинглашга ўргатиш. Болалар боғчасининг тева-рак-атрофини қандай билишларини, фазовий тушунчаларни қандай ўзлаштириб олганликларини текшириш. Гуллар рангини қандай ажрата олишларини аниқлаш.

**Ўйиннинг бориши:** Болаларни сайрга олиб чиқиш олдидан гуруҳга хат олиб киришади. Тарбиячи болаларга хатни кўрсатади ва хатни кимга, ким ёзганлигини ўқиб беради. Хат мазмуни билан таништириб, болаларнинг эски кадрдон дўсти Узун қулоқ Қуён уларни боғча атрофи бўйлаб яна саёхатга тақлиф қилаётганлигини айтади. Эрта тонгда Қуён боғча атрофига бир қанча хат қолдирган. Биринчи хат — сариқ жилда (конвертда) бўлиб, у катта гуруҳнинг майдончасида. Катта гуруҳ пешайвонига қаранг: Унинг чап томонида ўрик дарахти ўсади (яна битта ўрик дарахти пешайвоннинг ўнг томонида ўсади.) Ўрик дарахтининг ёнига бориб, тўғрига қараб 5 қадам санаб юрасиз, ердан қизил қозиқни топасиз. Қозиқни чуқур қилиб қоқиш керак, болалар майдонча бўйлаб югуришаётганларида қозиққа қоқилиб йиқилиб тушмасинлар ва унинг ёнига яшириб қўйилган хатни топасиз. «Биринчи хатнинг мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин: «Кичик гуруҳ пешайвонининг чап томонининг пастки бурчагидаги кубнинг тагига (пешайвоннинг ҳамма бурчагига кублар қўйилган) менинг иккинчи хатим яшириб қўйилган, у энг муҳим хат бўлиб, кўк жилда (конвертга) солинган. Иккинчи хатнинг мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин: «Гуруҳимизнинг деразаси қаршисида гулзор бор. Гулзорнинг бир чеккасига ирис гули экилган. Ирис гулининг ўнг томонида мажнунтол ўсади. Мажнунтолнинг

шоҳчасига хат осилган. У хат яшил рангдаги конверт-да». Яшил рангдаги конвертни топиб, унинг ичидан тол дарахтининг баргини ва қуйидаги сўзлар ёзилган қоғозни оладилар. «Бу барг тол дарахтининг барги, унинг танаси йўғон. Тол дарахти сизнинг майдончангизда ўсади. Шу тол дарахтини қидириб топинг». Болалар толни топадилар, унинг шоҳчасида саватча осилганлигини кўрадилар ва уни оладилар. Саватчада узун Қулоқ Қуён томонидан юборилган совғалар, ейдиган нарсалар бўлади.

**6- машғулот.** Ҳикоя қилишни ўргатиш.

**Мақсад:** Болаларни расмга қараб ҳикоя қила олишга ўргатиш. Болалар боғчасининг катта гуруҳида ўтказиладиган машғулотларга тайёргарлик машқларини ўтказиш.

**Машғулот учун материал:** «Қизча ва қўғирчоқ» мавзусидаги серияли расмлар.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи бир гуруҳ болаларга (4—6 болага) «Қизча ва қўғирчоқ» мавзусидаги серияли расмларни кўриб чиқишни таклиф қилади (китобнинг орқа муқовасидаги рангли расмга қаранг). Сўнгра болалардан: Ҳамма болалар расмларни кўриб чиқадиларми, деб сўрайди. Тарбиячи: «Бу ерда битта расмми ёки бир нечта расмми?—деб болалар тасаввурини аниқлайди. Бу расмларни кўриб чиқиш билан у ҳақда нималарни ҳикоя қилиш мумкин? Болаларнинг жавобларини тинглаб, уларни тўлдиради: «Учта расм юзасидан бирданига ҳикоя қилиб бериш қийин экан. Кимдир биринчи расмни, кимдир иккинчи расмни кўриб чиқишни эсдан чиқарган. Бундай камчиликлар иккинчи марта такрорланмаслиги учун, ҳозир биз учта расм юзасидан ҳикоя қилишга ўрганамиз. Ҳикоя қилишни биринчи расмдан бошлаш керак. Яна бир марта расмларга қаранг ва у ҳақда қизиқарли ҳикоя тузишга ҳаракат қилинг. (Бошқа иккита расм юзига парда тортиб қўяди ёки қоғоз билан ёпиб қўяди). 1—2 боладан тузган ҳикояларини сўрайди. Сўнгра тарбиячи болаларга иккинчи расмни диққат билан кўриб чиқишни ва у ҳақда ҳикоя тузишни таклиф этади. (Биринчи ва учинчи расм юзини бекитиб қўяди.) Кейин болалар учинчи расмни кўриб чиқишади ва у ҳақда ҳикоя тузишади. (Биринчи ва иккинчи расмнинг юзини бекитиб қўяди.) Энди дейди,— тарбиячи,— учала расм юзасидан ҳеч бирини эсдан чиқармай, ўринларини алмаштирмай ҳикоя тузиш керак. Бир-иккита бола учала расм юза-

сидан ҳикоя тузиб берадилар. Ёки тарбиячининг ўзи аввал учала расм юзасидан ҳикоя тузиб беради, сўнгра 2—3 та бола тарбиячининг намуна ҳикояси асосида расм юзасидан гапириб берадилар.

**7- машғулот.** Болалар билан «Маданиятли, яхши ахлоқли кишилар ҳақида» суҳбатлашиш.

**Мақсад:** Болаларга жамоада ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида, ахлоқ қоидалари ҳақида тушунча бериш. Нутқни фаоллаштириш.

**Машғулотнинг бориши:** Тарбиячи болаларга шундай ҳикоя қилади: «Она ўғли ва қизи билан, сизларнинг тенгдошларингиз билан (қани ўйланглар-чи болалар неча ёшда эдилар?) автобусга чиқишади. Бўш ўринлар йўқ эди.— Биз сизлар билан тик турамыз. Сизлар энди қаттасизлар, ўрта бўш, ҳеч ким сизни туртмайди,— жавоб беради она. Бу суҳбатни эшитган пассажирлардан кимдир: «Болаларни мана бу ерга ўтказинг»,— деб таклиф қилди-да, уларга ўрнини бўшатиб берди. Она ҳали ҳеч қандай сўз айтиб улгурмасданоқ, болалар бўш ўриндиққа ўтириб олишди-да, ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб, оналарига қарашди. Онанинг юзида болалардан хафа бўлганлик аломатлари кўринди.

— Сиз чарчадингизми?

— Тобингиз қочиб қолдимми?— деб ташвишланишди ўғли ва қизи.

— Йўқ, тобим қочгани йўқ, сизлар мени жуда-жуда хафа қилдингизлар. Мен ҳозиргина менинг болаларим, одобсиз, интизомсиз, маданиятсиз эканликларини билиб олдим, менинг болаларимни тарбияланган болалар деб бўлмайди.

— Кимдан билиб олдингиз?— деб фаросатсизлик билан сўради қизчаси.

— Буни сизлардан билиб олдим— деб изоҳ берди она ва ойна томонга қараб олди.

Тарбиячи болалардан: бу ҳикоя сизларга ёқдимми, деб сўрайди. Сўнгра болалар тушунчасини аниқлайди. Она қандай қилиб болаларининг тартибсиз, интизомсиз эканлигини билиб олди. Болалар оналарини ранжитмасликлари (хафа қилмасликлари) учун ўзларини автобусда қандай тутишлари керак эди? Тарбиячи болаларнинг жавобларини тинглаб, уларнинг жавобларини тўлдиради ва транспортда катта кишиларга ўрин бўшатганда қандай мурожаат этиш керак бўлган жумлаларни ҳаммалари биргаликда ва алоҳида-алоҳида такрорлашни таклиф этади. «Бир тасаввур этинг,— деб да-



вом эттиради тарбиячи,— сиз бувингиз билан автобусга чиқдингиз. Автобусда биргина бўш жой бор. Нима қилишингиз керак? Бундай вақтда (ҳолатда) тарбияланган, интизомли кишилар нима қилишади?

Энди сиз автобусдан тушиб троллейбусга чиқдингиз ва троллейбусда кетаяпсиз. Иккита бўш жойни кўрдингиз ва у ерга бориб ўтирддингиз. Шу пайтда сизнинг қаршингизга оғир сумкаси бор бўлган аёл киши келиб турди. Бу вақтда сиз нима қилишингиз керак?

Машғулотнинг охирида тарбиячи болаларга стулчалардан автобус қилишни ва унда шаҳар бўйлаб сайрга чиқишни таклиф қилади. Сайр вақтида зарур бўлган ахлоқ нормаларига ва қоидаларига амал қилишликни айтади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А. М. Бородич. «Методика развития речи детей». М., «Просвещение» — 1981 йил.
2. С. А. Веретенникова. Методические указания к картинкам «Домашние животные». М., «Просвещение» — 1971 йил.
3. В. В. Гербова. Занятия по развитию речи в средней группе детского сада. М., «Просвещение» — 1983 йил.
4. С. Ғозиева, Л. Долимова. Болалар боғчасининг кичик ва ўрта группалари учун хрестоматия. Т., «Ўқитувчи» — 1978 йил.
5. Э. М. Разбаева, Х. А. Аҳмедова. Нутқ ўстириш методикаси. Т., «Ўқитувчи» — 1978 йил.
6. О. И. Соловьева. Методика развития речи и обучение родному языку в детском саду: М., «Просвещение», 1966 йил.
7. Ф. А. Сохин муҳаррирлиги остида. Развитие речи детей дошкольного возраста. М., «Просвещение» — 1976 йил.
8. Е. И. Тихеева. Развитие речи детей. М., «Просвещение» — 1972 йил.
9. Л. П. Федоренко., Г. А. Фомичева, В. К. Лотарев. Методика развития речи детей дошкольного возраста. М., «Просвещение» — 1977 йил.
10. М. Ф. Фомичева, Қ. С. Шодиева. «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш». Т., «Ўқитувчи» — 1984 йил.
11. «Болалар боғчасида тарбия программаси». Т., «Ўқитувчи» — 1973.
12. «Болалар боғчасида таълим-тарбия программаси». Т., «Ўқитувчи» — 1988.

## МУНДАРИЖА

Автордан	3
Товарак-атроф билан таништириш ва нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг вазифалари ва мазмуни	4
Машғулотларда ўргатиш	7
Машғулотнинг тарбиявий ва эмоционал хусусияти	9
Машғулотларда болаларнинг хулқи	10
Жамоа муносабатининг яққа муносабат билан мос келиши	11
Тарбиячининг нутқи	11
Машғулотда ўргатиш усуллари	12
Материални яхши ўзлаштириб олишга ёрдам берувчи усуллар	13
Диққатнинг барқарорлигини ривожлантирувчи усуллар	14
Луғатнинг шаклланиши	16
Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	21
Богланган нутқни ривожлантириш	24
Ўйинчоқлар бўйича тасвирий ҳикоялар тузиш	25
Расмга қараб тасвирий ҳикоя тузиш	29
Бадий мавзуларни қайта ҳикоя қилиб бериш	32
Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш	34
Бадий адабиёт билан таништириш	38
Шеър ёд олдириш	43
Машғулотларнинг тахминий режалари	47
Машғулотдан ташқари ишлар	96
Машғулотдан ташқари олиб бориладиган ишлар	150
Машғулотдан кейинги ишлар	199
Фойдаланилган адабиётлар	222



ШОДИЕВА ҚУМРИ СОЙЛИЕВНА

**УРТА ГУРУҲ БОЛАЛАРИ  
НУТҚИНИ УСТИРИШ**

Тошкент «Уқитувчи» 1993

Муҳаррир *Ф. Икромова*  
Бадий муҳаррир *Ф. Нижадамбаев*  
Техник муҳаррир *Ш. Бобоходова*  
Мусаҳҳиҳа *Ибрагимова М.*

ИБ 6147

Теришга берилди. 8.12.92. Босишга рухсат этилди. 8.06.93. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Кегли 10 шпонсия. Тип. қоғози. Литературная гарнитураси. Юқори боема усулида босилди. Шартли б. л. 11,76. Шартли кр.-отт. 11,97. Нашр. л. 11,59. Тиражи 10000. Зак. 31.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12—217—92

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1993.